кўрсаткичларидан яна бири миллий фахр, миллий ифтихордир. Изоҳли луғатларда “ғурур”, “фахр”, “ифтихор” тушунчалари бири –иккинчисига ўхшаш тушунчалар деб таърифланади. Аслида уларнинг мазмунан яқинлиги бўлсада, айтиб бериш пайтда бири-иккинчисидан маълум даражада фарқ қилади. Маълумки, ҳар бир фуқаро ўз ютуқларидан қониқиш ҳосил қилганидек, ўз халқи, ўз Ватани, ўз миллати, ўз қишлоғи, ўз тумани, ўз вилоятининг ютуқларидан фахрланади. Фахрланиш миллий ғурурнинг бошланиши, қониқиш туйғуси бўлса, миллий ифтихор миллий ғурурнинг юқори босқичидир. Худди шунинг учун ҳам миллий ифтихор миллатни яхлит ижтимоий бирлик эканлигини ҳис қилишда намоён бўлади. Бошқача айтганда, миллий ифтихор руҳий-маънавий фазилатдир. Миллий ифтихор инсоннинг онги ва фаолиятида ўзи мансуб бўлган миллатнинг маданияти, тарихи, дини, тили, кадриятлари қанчалик ўрнашиб олганлигини ифодалайди. Унинг мустаҳкамлиги миллий бардамликда яққол кўринади. Миллий ғурур инсонпарварлик билан уйғунлашиб кетади. Ўзбекиона миллий ғурур бошқа миллатлар, элатларнинг миллий ғуруридан ўзининг инсонпарварлик хусусиятлари билан ажралиб туради. Ўзбекнинг инсонпарварлиги кексаларга, улуғларга ҳурмат, ёшларга меҳр-шафқат, бечора, ғариб, мискинларга, этимларга хайр-саховат, ота-онанинг кўнлига қараб иш тутиш, дўстларга, қариндош-уруғларга яхшилик қилиш, бошга ташвиш тушганда ғамхур, мададкор бўлиш, топганини яхшиликка сарфлаш каби миллий кадриятларимизда равшанроқ кўринади. Афсуски, халқимизнинг биз юқорида санаб ўтган кадриятлари ҳамманинг турмуш тарзидан кенг ўрин олган деб бўлмайди. Бундай маданий-маънавий меросдан бебаҳра бўлиб қолган кишилар ҳам борки, улар худбинлиги, баҳиллиги, ҳасадгўйлиги, очкўзлиги, ғаразгўйлиги билан ўзбек миллатининг обрўсини тўкадилар. Миллий ғурури баланд инсон миллат, халқ, давлат, жамият манфаатини ўз манфаатидан ҳамиша устун қўяди. Миллатим, элим, юртим, халқим, Ватаним деб яшайди. Бутун ҳаётини миллий истиқлол истиқболига бахшида этади. Кўпчиликка фойда келтириш, кишилар дарди-ташвиши билан яшаш бундай одамлар фаолиятининг мағзини ташкил этади. Бундай миллатпарвар, халқпарвар кишилар сони қанча кўп бўлса, инсонпарвар, демократик жамият куриш жараёни шунча тезлашади. Миллий ғурури баланд кишилар сони кўп бўлган мамлакатда миллатлараро ҳамкорлик, тотувлик, аҳиллик ривож топади. Худди шунинг учун мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш шароитида ҳар бир фуқарода миллий ғурурни ривожлантириш долзарб аҳамиятга эгадир.

#### **Иқтибослар/сноски/references:**

1. Мирзиёев Ш.М. Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга этишда таянчимиз ва суянчимиздир. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ИВ қурултойидаги нутқ. // Маърифат. Тошкент, 2017 йил 1 июл № 52.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Том 3. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.- 82 б.

# ЎЗБЕКИСТОНДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШ ЭКОЛОГИК ҲАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИДИР

Абдушахидов Нодир Бахромович<sup>1</sup>

*<sup>1</sup>Мирзо Улдузбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети  
Ижтимоий фанлар факультети эркин тадқиқотчиси  
Тошкент шаҳар Сувсоз давлат унитар корхонаси муҳандиси*

Абдуғаниев Азиз Абдувоҳид ўғли<sup>2</sup>

*<sup>2</sup>Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институти, асистент*

## Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистонда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш соҳасида бугунги кундаги ва яқин келажакда келиб чиқиши мумкин бўлган муаммолар таҳлил қилинган. Шунингдек, мазкур мақолада Ўзбекистонда сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасида сиёсатни ривожланишига таъсир ўтказувчи омилларни тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек мазкур мақолада Ўзбекистонда ичимлик сув таъминоти ва суғорма деҳқончиликда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича муаммолар ва уларни ечими ҳамда сув тежовчи технологияларни афзалликлари масалаларига катта эътибор қаратилган.

**Калит сўзлар:** сув ресурси, сув сиёсати, бошқариш, трансчегаравий, сув тежаш, ичимлик суви, томчилатиб суғориш, ирригация, инвентаризация, агротехнология, субсидия, дирекция

## Annotation

This article analyzes current and potential problems in the future in the field of efficient use of water resources in Uzbekistan. The article also focuses on the study of the factors that influence policy development in the area of water resources use in Uzbekistan. The article also focuses on the issues of rational use of water resources in drinking water supply and irrigated agriculture in Uzbekistan, as well as the advantages of water saving technologies and their solutions.

**Keywords:** water resources, water policy, management, transboundary, water saving, drinking water, drip irrigation, irrigation, inventory, agrotechnology, subsidy, direction.

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўп жиҳатдан, бошқа минтақаларда бўлгани каби табиий ресурсларга, хусусан, сув ресурсларига боғлиқ. Бугунги кунда сувдан оқилона фойдаланиш мамлакатимизнинг барқарор тараққиётида ҳал қилувчи масалалардан бирига айланди. Ҳозирги кунда дунё аҳолисининг қарийб 40 фоизи тоза ичимлик суви етишмайдиган жойларда яшайди. Жаҳонда 2025 йилга келиб, ҳар 10 кишидан 6 нафари ёки 5,5 миллиард аҳоли тоза ичимлик суви танқис ҳудудда яшаши мумкин. Ушбу муаммо бизнинг минтақамиз учун ҳам долзарбдир. Ҳозирги кунда йил давомида жами ишлатиладиган сув миқдори аҳоли жон бошига Марказий Осиё давлатларида Тожикистонда ўртача 2800 куб метрни, Ўзбекистонда 2600, Киргизистонда 1900, Туркманистонда 4000 куб метрни ташкил қилса, Мисрда – 900, Исроилда – 455 Иорданияда эса 290 куб метрни ташкил этади [1]. Республикамизда йилдан-йилга аҳоли сони ўсиб бориши натижасида сувдан бўлган талаб ортиб боради. Бугунги кунда бу кўрсаткич республика аҳолисига ўртача йилига 2600 м<sup>3</sup> сув сарфланаётган бўлса 2025 йилга бориб бу кўрсаткич киши бошига 1200 м<sup>3</sup> бўлиши кутилмоқда. Бу эса ўз навбатида сувга бўлган талабни ортишига олиб келади. Сув танқислиги катта иқтисодий қийинчилик билан бирга аҳоли саломатлигига ва ижтимоий муаммоларни

келтириб чиқармоқда. Сувнинг ифлосланиши туфайли турли касалликлар – ошқозон ичак, буйрак, жигар, қонда турли аллергия хасталиклар содир бўлади. Ифлосланган сув орқали зарарли гельмитлар инсон организмга ўтади. Ич терлама, дизентерия, гепатит ва бошқа касалликлар кўпаяди. Сувда кимёвий элементлар, бирикмаларнинг меъеридан ортиқ бўлиши уларнинг аста-секин тўпланиб боришига шароит яратади, натижада айрим касалликларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлади.

Хавфсизлик – алоҳида шахс, жамият ва табиат объектларини кучли даражадаги хавф-хатардан ҳимояланганлик даражаси бўлиб, унинг асосий мезони келажакда ёки ҳозирда содир бўлувчи табиий ёки ижтимоий хатардан қарши чиқувчи қўрқув ҳиссидир. Лекин бугунги кунда хавфсизлик кенг маъноли тушунча бўлиб. Биринчидан, у нафақат инсон, жамият ва давлат, балки табиат ва унинг элементлари нуктаи назаридан ҳам қаралиши мумкин. Чунки экология нафақат инсонлар, балки барча тирик организмлар ўртасидаги ва уларни атроф муҳит билан бўлган муносабатларини ўрганади. Иккинчидан, хавфсизлик нафақат техноген ёки табиий фавқулотда ҳолатлар ва жараёнлардан организмларнинг сақланганлик даражаси, балки у кўзга кўринмас ҳамда билвосита таъсир этувчи ҳодисалар орқали ҳам вужудга келиши мумкин. Масалан, сув ресурсларидан самарасиз фойдаланиш ва уни натижасида сув танқислиги муаммосини юзага келиши эҳтимоли катта ҳисобланади. Албатта бундай муаммо экологик хавфга киради, лекин у ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий таъсирга ҳам эга бўлиши мумкин. Шунинг учун “хавфсизлик” тушунчаси маълум бир фанга ёки тармоққа тегишли эмас. С.Газиначарова таъкидлаганидек “Экологик хавфсизлик – табиий муҳит ва инсон ҳаётий муҳим манфаатларининг хўжалик ва бошқа фаолиятининг, табиий ҳамда техноген характердаги фавқулотда ҳолатларнинг мумкин бўлган салбий таъсиридан, уларнинг оқибатларидан муҳофаза қилинганлик ҳолатидир”[2].

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига кўра юқумли касалликларнинг 80 фоиздан ортиғи ичимлик сув сифатининг пастлиги ҳамда сув таъминотида санитар – гигиеник қоидаларнинг бузилишлари билан боғлиқ. Бугун дунё аҳолисининг 3 млрд.га яқини ифлосланган сув истеъмол қилмоқда ва бунинг оқибатида уларнинг деярли 2 миллиард инсонлар турли касалликларга чалинган [3]. Сўнгги 40-50 йил ичида мамлакатимизда саноатни ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ер ости чучук сувларининг ҳолатига салбий таъсир кўрсатди, бу сув ресурсларининг 35%га қисқаришига руҳсатсиз сув йиғиш иншоотларини куриш ҳамда назоратсиз сув олиш оқибатида айрим сув манбааларининг камайишига олиб келди[4]. 2017 йил 20 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида» ги қарори қабул қилинди [5]. Мазкур қарорда кўрсатилган йиллар мобайнида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини янада ривожлантириш ҳамда модернизациялашни йўлга қўйиш, сув таъминоти соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш белгиланди. 2017 йил 4 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги [6] қарори қабул қилинди. Унда асосий эътибор сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, олинаётган сув ҳажмини тегишли тарзда ҳисобга олиш, уларнинг ифлосланиши ва камайишини олдини олишга қаратилди.

Республикада сув захираларидан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш ва сув хўжалиги идораларининг фаолиятини мунтазам назорат қилиш бевосита Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги зиммасига берилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5134-сонли Президент фармони имзоланди [7]. Мазкур фармонга асосан тармоқни комплекс модернизация қилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларида фан ва техника ютуқларини, замонавий ресурслар ва сувни тежайдиган агротехнологияларни, илғор маҳаллий ва хорижий тажрибани жорий қилишга йўналтирилган ягона агротехника ва сув хўжалиги сиёсатини амалга ошириш асосий мақсад этиб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 ноябрдаги “Аҳолининг

ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5883-сонли фармонига асосан сув таъминоти тизимини такомиллаштириш бўйича ишларни изчил давом эттириш, соҳага чет эл инвестицияларини жалб этиш ва мамлакатнинг ичимлик сув таъминоти ва сув чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш устувор вазифа этиб белгиланди.

Маълумки, Марказий Осиё давлатлари аҳолисининг сувга бўлган талаби асосан трансчегаравий дарёлар – Амударё ва Сирдарё ҳисобига қондирилади. Кузатишларга қараганда, 2020 йилга бориб иқлим ўзгариши, глобал ҳароратнинг ошиши туфайли мазкур дарёларни сув билан таъминлаётган музликлар захирасининг 15–20 фоизга камайиши кутилмоқда. Тоғ музликлари ҳажми йилига 0,2–1 фоиз атрофида камайиб бораётгани, тоғ дарёлари ҳавзаларида қор захиралари тобора қисқараётгани фикримизнинг исботидир. Иқлим ўзгариши туфайли минтақамизда ёз фаслига хос давр чўзилади. Ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш меъёри 2030 йилга бориб 5 фоизга, 2050 йилга бориб 7–10 фоизга ва ниҳоят 2080 йилга бориб ҳозиргидан 12–16 фоизга ошади. Бинобарин, табиатга муносабат, жумладан, сув ресурсларидан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш янада муҳим масалалардан бирига айланади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалик (ирригация) эҳтиёжлари учун 84,2-91,8% сув талаб этилмоқда.

**Хулоса.** Шундан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда келажакдаги юз бериши мумкин бўлган сув танқислигини олдини олиш учун чуқур ўйланган сув сиёсатини олиб бориш талаб этилади. Бунда биринчи галда биз ҳозирда сув кўп талаб қилаётган суғорма деҳқончиликда сув тежаш масаласини ҳал этишимиз даркор. Мазкур масала сув тежовчи технологиялар билан бевосита боғлиқдир. Шундан келиб чиққан ҳолда суғорма деҳқончиликда ёмғирлатиб ва томчилатиб суғориш тизимини жорий қилувчиларни давлат томонидан рағбатлантириш ва шунинг билан бир қаторда ушбу тизимни кенгайтириш давлат томонидан субсидялар ажратиш лозим.

#### **Иқтибослар/сноски/references:**

1. З.Я.Худайберганов “Сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг иктисодий муаммолари” фанидан маърузалар матни Т.2004 йил
- 2.С.Газиначарова., И.Ахмедов., Б.Мухамедғалиев., А.Ҳожиёв., Экологик ҳавфсизлик.-Тошкент: 2010 йил.-142 б.
3. Сув ҳаёт манбаи халқаро ҳаракат ўн йиллигига бағишланган рисола, 2010 йил
- 4.Б.Б.Алиханов, С.В.Самойлов. Водные ресурсы: фактор благополучия и устойчивого развития// Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликдаги ҳаракатлар: янгича ёндашувлар, инновацион ечимлар ва инвестициялар” мавзусидаги халқаро конференцияси Т.: 2018 й.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва каналлизация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида»ги қарори // Халқ сўзи, 2017 йил 22 апрель
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори // Халқ сўзи, 2017 йил 6 май.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-5134-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил 14 август.-№32 (792), 793-модда.-Тошкент: Адолат,) 2017.-Б.5-9.

# МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ФАН ВА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ИЖТИМОЙ МАРКЕТИНГНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

*И.ф.д., проф. Адилова Зульфия Джавдатовна<sup>1</sup>*

*<sup>1</sup>ТДИУ ҳузуридаги Ўзбекистон иқтисодиётини  
ривожлантиришнинг илмий асослари  
ва муаммолари ИТМнинг Фан ва таълим  
интеграцияси” секторининг мудури,*

*Гулмуродов Камолиддин Абдуқодир ўғли<sup>2</sup>*

*<sup>2</sup>ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини  
ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари”  
ИТМнинг “Фан ва таълим интеграцияси”  
секторининг кичик илмий ҳодими*

**Аннотация:** Ушбу мақолада мамлакатимиздаги ОТМларнинг таълим бериш сифати, уларнинг маркетинг фаолияти ва у билан боғлиқ бўлган бир нечта муаммолар ўрганилиб, ОТМларнинг маркетинг ривожланиш соҳалари бўйича муаммоларни ҳал этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Маркетинг, таълим, Олий таълим муассасаси, ижтимоий маркетинг жараёнлари, таълим хизматлари бозори, ижтимоий маркетинг объекти ва субъекти.


**Кириш.** Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида 2017–2021 йилларда мамлакатимиз тараққиётини янада жадаллаштиришга доир устувор вазифалар белгилаб берилди [1]. Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишидан тўртинчиси ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган. Аҳоли фаровонлигини таъминлаш, бандлик, саломатликни муҳофаза қилиш, уй-жой масалалари қаторидан таълим-тарбия тизимини тараққий эттириш масаласи ҳам ўрин олган. Фармонга биноан ва илмфан соҳасини янада ривожлантириш борасида комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, бутун дунё ва Ўзбекистондаги замонавий иқтисодий шароитлар, глобаллашув ва замонавий технологиялар, ижтимоий-сиёсий омиллар ва ахборот жамиятининг ривожланиши доимий равишда рақамли маркетингнинг юритилиш шакли ва методларини такомиллаштиришни талаб қилади.

Статистик маълумотларга кўра, 2019 йилда бакалавр даражасига эга бўлган талабалар сони 65,6 минг нафарни ташкил этиб, уларнинг 18,8 минг нафари давлат грантлари асосида таълим олган. 2019 йилда бакалаврият босқичини битирганларнинг 25,1 минг нафарини қизлар (38,2 %) ташкил этади. 2020 йилда бакалавриятни 76,9 минг нафар талаба битириши кутилмоқда, улардан 22,1 минг нафари (28,7 %) давлат гранти асосида тахсил олаётган талабаларни ташкил қилади. 2019/2020 ўқув йили бошига олий таълим муассасаларида жами 441,0 минг нафар талаба тахсил олмақда, улардан 202,5 минг нафарини қизлар ташкил этади. Талабаларнинг 17,4 % давлат грантлари асосида, 82,6 % тўлов-шартнома асосида тахсил олмақда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритаётган 17 та хорижий олий таълим муассасаларида 18,2 минг нафар талабалар тахсил олмақда [2].

2019/2020 ўқув йили учун магистратурага жами 9362 нафар қабул қилинган талабалардан, 44,1 % (4131 нафари) давлат гранти асосида, 55,9 % (5231 нафари) тўлов шартнома асосида қабул қилинган. 2018/2019 ўқув йилида магистратурага жами 5725 нафар

қабул қилинган талабалардан, 27,2 % (1555 нафари) давлат гранти асосида, 72,8 % (4170 нафари) тўлов шартнома асосида қабул қилинган. Магистратурага қабул квоталари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 61,2 % ошган, шу жумладан давлат гранти асосида қабул квоталари 2,7 баробарга ошган [3].



1-расм. ОТМиларнинг 2019/2020 ўқув йили бошига ҳудудлар кесимида тақсимланиши, бирлик

2019 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига Ўзбекистон Республикасида олий ҳарбий билим юртларидан ташқари 119 та олий таълим муассасалари мавжуд бўлиб, уларнинг таркибида 7 та академия, 17 та хорижий олий таълим муассасаларининг филиаллари, 58 та университетлар ва 5 та олий диний таълим муассасалари ҳамда филиаллари фаолият юритмоқда [4].

**Тадқиқот натижалари.** Олий таълим муассасаларига 2019/2020 ўқув йилига жами 138,1 минг киши талабалikka қабул қилинди, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврида 114,5 минг кишини ташкил этган бўлиб, 23,8 минг кишига, ёки 20,6 % га ошган. Ҳудудлар бўйича олий таълим муассасаларига қабул кўрсаткичларининг юқорилиги бўйича Тошкент вилояти 140,3 %, Андижон 131,3 %, Тошкент шаҳри 130,3 %, Фарғона вилоятида 125,7 % кўрсаткич қайд этилган.

Таълим хизматлари бозори амалий таҳлиллар негизида назарий ва фундаментал тадқиқотлар ётади. Бунда хорижий ҳамда мамлакатимиз етук олим ва мутахассисларнинг ушбу соҳа ривожланишига қўшган ҳиссалари ва илмий фикрлари муҳим ҳисобланади.

Маҳаллий олимлардан А.Х. Эшбаевнинг фикрича “ ... таълим тизимининг фаолияти жараёнида вужудга келувчи ички ва ташқи иқтисодий муносабатлар унинг иқтисодий категория сифатидаги моҳиятини ифодалайди” [5], Б.С.Рябушкин: “Ўқув юртлари ходимлари жамиятнинг таълим хизматлари деб ном олган ўзига хос иқтисодий неъматларга бўлган эҳтиёжини қондиришади”, - деб ёзади [6].

Г.Н.Ахунова “Олий таълим муассасаларининг фаолияти таълим хизматлари кўрсатишнинг икки, яъни бир томондан, шахснинг олий маълумот олишга бўлган эҳтиёжини қондириш; иккинчи томондан, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа учун олий маълумотли кадрлар тайёрлаш нуктаи назаридан туриб муҳокама этилади” [7] деб таъкидлайди.

Хизматлар бозорида таълим хизмати ижтимоий институт ҳисобланиб, жамиятнинг интеллектуал-маънавий потенциалини оширишга хизмат қилади. Таълим хизматларида товар – хизмат кўрсатувчи, яъни билим берувчининг интеллектуал имконияти ҳисобланади. Таълим

хизматлари тушунчасини замонавий бозор терминологиясида тушунишга ҳаракат қилиб кўрамиз.

Таълим хизматлари бозори бу:

1. Ўқув-педогогик фаолият.

2. Ўқув муассасаларида таълим бераётган ходимларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлигини ошириш.

3. Шахс, жамият, ва давлатнинг таълимга бўлган эҳтиёжини қондирувчи ахборот тизими, информация, кўникма ва билимлар.

4. Маълум квалификация бўйича ташкилот (истеъмолчи)га мутахассис тайёрлаш.

Таълим хизматлари бозори объекти таълим муассасаси ҳисобланса, субъекти – таълим берувчилар, талабалар ва кадрларга бўлган талаби мавжуд ташкилотлар. Таълим хизматлари бозорининг бошқа хизмат турларидан фарқи шундаки, истеъмолчи сотиб олаётган хизматининг натижасини кўриши учун вақт талаб этилади. Истеъмолчи учун маблағ сарфлаб олаётган товарига қониқиш ҳосил қилиши мавҳумроқ. Хизматга қониқиши кафолати сифатида таълим берувчи ташкилотлар истеъмолчиларга ўқув дастурлари, сертификатлар, диплом ва лицензияларни тақдим этади. Таълим муассасалари доимий равишда бозор талабларини ўрганишлари талаб этилади.

Таълим хизматлари бозорида маркетинг ҳам истеъмолчи, ҳам сотувчи учун муҳим рол ўйнайди. Тўғри танланган маркетинг фаолияти натижаси ҳар томонлама тўлиқ қондирилган талаб бўлади. Яъни истеъмолчилар билимга, таълим муассасалари рақобатбардошликка, ташкилотлар салоҳиятли кадрларга эга бўладилар.

Ҳозирги вақтда жаҳонда кенг тарқалган “маркетинг” тушунчаси бозорни эгаллаш билан боғлиқ фаолиятни англатади. Кўпчилик маркетингни товарларни сотиш билан боғлайди. Аммо сотиш тизимининг вазифаси харидорни ишлаб чиқарилган маҳсулотни харид қилиш лозимлигига ишонтиришдан иборат бўлса, маркетинг фаолияти истеъмолчига нафақат бугун, балки эртага ҳам керак бўлган товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳамда хизматларни кўрсатишни назарда тутаяди. Таълим муассасаларининг маркетинг фаолияти унинг самарадорлигига ҳам боғлиқдир (8-расм).

Маркетинг товарлар ва хизматлар билангина чекланмайди. Одамлар ҳам маркетинг объекти бўлиши мумкин. Аини ҳолда олий ўқув юрталарининг битирувчилари маркетинг объекти ҳисобланади.

Таълим ва маркетингни боғлайдиган бир қанча қарашлар мавжуд бўлиб, уларнинг асосий мақсади олий таълимда талабалар қамровини оширишга қаратилгандир.



2-расм. ОТМлар маркетинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш алгоритми



БМТнинг ЮНЕСКО ташкилоти “таълим” атамасига ўзида таълимга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадларида амалга ошириладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ва мунтазам фаолиятнинг барча турлари маъносини ифода этади деган таъриф беради [8].

Ер юзида маркетингнинг 1000 дан ортиқ таърифи мавжуд. Мазкур таърифларнинг қуйидаги таъриридан фойдаланиш мақбул:

*«Таълим хизматлари маркетинги бошқарув жараёни бўлиб, у истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини башорат қилиш ва қаноатлантиришни ўз ичига олади ҳамда таълим муассасасининг барқарор ривожланишини таъминлайдиган даражада фойда олинишига эришиладиган тарзда ривожлантиришни кўзда тутуди».*

Ушбу таъриф маркетинг ўз ичига қандай жараёнларни олишини ва қандай мақсадларга интилишини тушуниб олиш имконини беради. ОТМ да маркетинг бошқарув тизимининг самарадорлиги қуйидагича баҳолаш мумкин (1-жадвал).

**1-жадвал**

**ОТМ маркетинг бошқаруви самарадорлигини баҳолаш тизими**

1. Фаолиятни бошқариш	1.1. ОТМ раҳбариятининг маркетингга йўналтирилганлиги	1.1.1. Олий раҳбариятнинг мижозлар эҳтиёжлари ва талабларига йўналтирилганлиги. 1.1.2. Маркетинг бошқарувининг аҳамияти ва уни ОТМ фаолиятида амалий қўллаш учун объектив эҳтиёжни тушуниш. 1.1.3. Маркетинг воситаларини қўллаш натижалари бўйича бошқарув қарорларини қабул қилишга тайёрлик.
	1.2. Персоналнинг маркетингга йўналтирилганлиги	1.2.1. Маркетинг билан боғлиқ бўлмаган бўлинмаларнинг маркетингга муносабати 1.2.2. Ходимлар маркетинг тамойилларини фаол қўллашга тайёрлиги. 1.2.3. Корпоратив маданиятнинг ривожланганлиги.
	1.3. Раҳбарият ва персонал ўртасидаги ўзаро алоқа	1.3.1. Бошқарув ишларини бошқарув билан боғлиқ бўлмаган ишлардан ажратиш. 1.3.2. Ваколатларни бериш. 1.3.3. Қарор қабул қилиш жараёни.
	1.4. Бошқарув тизимининг очиқлиги	1.4.1. Ташқи муҳитга йўналтирилганлик. 1.4.2. «Таълим хизматлари такдим этиш–таълим хизматлари олиш» занжирида устуворликларни тақсимлаш.
2.Функцияни бошқариш	2.1. Режалаштириш	2.1.1. Стратегик режалаштириш тизимининг мавжудлиги. 2.1.2. Маркетинг тадқиқотлари ўтказиш йўналишлари ва тезлиги. 2.1.3. Маркетингни режалаштиришда комплексли ёндашувни қўллаш. 2.1.4. Маркетинг ахборот тизимининг фаолият кўрсатиши.
	2.2. Ташкил этиш	2.2.1. Маркетинг бўлимининг расмий таркиби. 2.2.2. Ходимлар малакаси ва профессионализми. 2.2.3. Маркетинг бўлимида фаолиятни мувофиқлаштириш. 2.2.4. Маркетинг бўлимининг ОТМ бошқа бўлинмалари билан алоқалари.

	2.3. Мотивациялаш	2.3.1. Маркетинг бўлими ходимларини рағбатлантириш тизими. 2.3.2. ОТМ кадриятлари ва бўлим ходимлари шахсий кадриятларининг мувофиқлиги.
	2.4. Назорат қилиш	2.4.1. Маркетинг фаолияти самарадорлик мезонларининг аниқлиги. 2.4.2. Назоратни амалга ошириш мунтазамлиги.
3. Талабни бошқариш	3.1. Таълим хизматини бошқариш	3.1.1. Янги таълим хизматлари ишлаб чиқиш. 3.1.2. Таълим хизматлари ассортиментини шакллантириш.
	3.2. Битирувчиларни ишга жойлаштиришни бошқариш	3.2.1. Мутахассисларга эҳтиёжларни таҳлил қилиш 3.2.2. Битирувчиларни ишга жойлаштириш имкониятларини излаб топиш тизимининг мавжудлиги.
	3.3. Нархни бошқариш	3.3.1. Нархни шакллантириш усуллари. 3.3.2. Имтиёзлар ва чегирмалар тизими.
	3.4. Коммуникацияларни бошқариш	3.4.1. Коммуникация сиёсатини шакллантириш. 3.4.2. Коммуникация дастурларининг йўналишлари.

**Хулоса ва таклифлар.** Бугунги кунда таълимда маркетинг тушунчасига қуйидаги замонавий ёндашувларни амалда қўллаш макул:

- таълим хизматларига йўналтирилган маркетинг, бунда таълим муассасасининг фаолияти янги таълим хизматлари кўрсатишга ёки мавжуд хизматларни такомиллаштиришга қаратилади[9].

- истеъмолчиларга йўналтирилган маркетинг, бунда таълим муассасасининг фаолияти истеъмолчиларнинг, яъни иш берувчи ва меҳнат бозори эҳтиёжларини қондиришга қаратилади.

- таълим маҳсулотларига йўналтирилган маркетинг, бунда таълим муассасаси педагог кадрларининг меҳнат фаолияти натижасида юзага келадиган, алоҳида ёки таълим жараёнида фойдаланиш мумкин бўлган маҳсулотлар (дарслик, ўқув қўлланма, дидактик материаллар ва шу кабилар) такомиллаштиришга қаратилади.

#### **Иқтибослар/сноски/references:**

1.Ш.М.Мирзиёев “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон

2.<https://stat.uz/uploads/doklad/2019/yanvar-dekabr/uz/19.pdf>

3.<https://stat.uz/uploads/doklad/2019/yanvar-dekabr/uz/19.pdf>

4.<https://stat.uz/uploads/doklad/2019/yanvar-dekabr/uz/19.pdf>

5.Эшбоев А.Х. Бозор муносабатларига ўтиш даврида таълим тизимининг миллий иқтисодиётни ривожлантиришга таъсири. И.ф.н. илм. дар. олиш учун ёзилган дис.автореферати. – Тошкент, 2008.- Б.8.

6. Рябушкин Б.С. Экономика образования. - М., МПУ, 1995. – С.24-26.

7.Ахунова Г.Н. Таълим хизматлари бозорида маркетинг фаолияти ва уни такомиллаштириш: И.ф.д.илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореферати.-Т., 2004.- Б.45.

8.<http://www.un.uz/uzb/pages/display/unesco>

9. “Олий таълим муассасалари маркетинг фаолияти самарадорлигини бошқариш” Каҳҳоров Отабек Сиддиқович “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” илмий-электрон журнал. № 6, ноябрь-декабрь, 2019 й.

# РАЗВИТИЕ ВНЕШНЕТОРГОВОЙ СФЕРЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАНА

Ирматов Афзал Хикматуллаевич<sup>1</sup>

<sup>1</sup>*Мустақил тадқиқотчи*

Внешнеторговая сфера является важным направлением внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан. Внешнеторговая деятельность играет не только и не столько экономическую роль, связывая все страны в единое хозяйственное целое, но и выполняет серьезную политическую функцию, поскольку международные торговые взаимоотношения образуют базу, на которой строятся другие формы межгосударственных взаимоотношений.

В этой связи, отметим, что интеграция экономики Республики Узбекистан в мировое хозяйство происходит путем дальнейшего расширения внешнеторгового оборота между узбекскими и иностранными контрагентами. В этой связи Президент Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёев в выдвинутой им Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан [1] в качестве третьего Приоритетного направления развития и либерализации экономики указал, в частности, на необходимость «дальнейшего развития международного экономического сотрудничества, в том числе путем расширения связей с ведущими международными и зарубежными финансовыми институтами...» [2]. Вместе с тем современные реалии требуют еще большего правового обеспечения договорной деятельности хозяйствующих субъектов. В вышеупомянутой Стратегии Президент Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёев в качестве пятого Приоритетного направления указал также на необходимость «...совершенствования нормативно-правовой базы внешнеполитической и внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан, а также договорно-правовой основы международного сотрудничества» [3].

В этой связи, в современный период в Республике Узбекистан последовательно проводится системная работа по либерализации экономики, созданию благоприятных условий для развития предпринимательства, совершенствованию механизмов регулирования внешне-торговых операций, дальнейшему стимулированию и расширению экспортных поставок.

С начала 2017 г. приняты ряд нормативно-правовых актов, направленных на упрощение процедур осуществления внешнеторговых операций и поддержку предприятий-экспортеров [4]. Внедрение рыночных механизмов валютного регулирования позволило значительно повысить реальные доходы предприятий экспортеров и их конкурентоспособность на внешних рынках сбыта.

Вместе с тем открытый диалог с народом, проводимые Президентом Республики Узбекистан, встречи, в том числе с широким кругом субъектов предпринимательства, свидетельствуют о все еще имеющих место излишних звеньях, преградах, различных ведомственных инструкциях и нормативных документах, не отвечающих современным требованиям и препятствующих широкому участию отечественных предпринимателей во внешнеэкономической деятельности [5].

В этой связи исходя из задач, определенных в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах [6], с учетом накопленного опыта, предложений различных категорий субъектов предпринимательства и результатов проведенных изучений передового международного опыта Президентом Республики Узбекистан подписаны Указ "О мерах по упорядочению лицензирования экспорта и импорта специфических товаров, а также регистрации экспортных и экспертизы импортных контрактов" [7] и постановление "О мерах по дальнейшей либерализации внешнеторговой деятельности и поддержке субъектов предпринимательства".

Указом Президента Республики Узбекистан предусматривается дальнейшее совершенствование порядка лицензирования экспорта и импорта специфических товаров, регистрации экспортных контрактов, а также экспертизы импортных контрактов и оценки тендерной документации.

В целях обеспечения экономических интересов страны Указом предусматривается также сохранение процедуры регистрации экспортных контрактов, заключенных на основании решений Правительства и межправительственных соглашений, а также на ограниченный перечень специфических и сырьевых товаров в Министерстве внешней торговли Республики Узбекистан.

Постановлением Президента Республики Узбекистан вводится ряд мер, направленных на формирование благоприятных условий для предприятий экспортеров, активное освоение ими новых, в том числе перспективных зарубежных рынков сбыта.

Изучение передового зарубежного опыта в сфере регулирования внешней торговли стран Европейского союза, Китая и ряда стран СНГ (Россия, Казахстан) показывает, что субъекты предпринимательства в этих странах могут свободно использовать собственные средства и по своему усмотрению, без ограничений, выбирать формы и сроки оплаты по экспортным поставкам, а также имеют право экспортировать товары без заключения внешнеторговых контрактов.

В этой связи, а также исходя из норм Закона Республики Узбекистан "О гарантиях свободы предпринимательской деятельности" [7] в части предоставленных субъектам предпринимательства прав по свободному распоряжению собственными средствами, постановлением вводится порядок, в соответствии с которым разрешается осуществлять экспорт товаров, работ и услуг, за исключением свежей плодоовощной продукции и отдельных видов сырьевых товаров, за иностранную валюту без предварительной оплаты, открытия аккредитива, оформления гарантии банка и наличия страхового полиса.

В целях развития приграничной торговли и упрощения экспортных процедур постановлением также предоставляется право субъектам предпринимательства с 1 декабря 2017 г. Осуществлять экспорт товаров (за исключением сырьевых товаров), работ и услуг без заключения экспортного контракта, по инвойсам, после осуществления 100 % предварительной оплаты на счета экспортеров в банках Республики Узбекистан.

При этом в отношении экспорта свежей плодоовощной продукции, винограда, бахчевых культур, бобовых, а также сушеных овощей и фруктов устанавливаются отдельные требования в соответствии с законодательством.

В целях создания равных условий для всех участников внешнеэкономической деятельности, недопущения необоснованного применения финансовых санкций в отношении экспортеров в случаях задержки поступления валютной выручки от экспорта по объективным причинам, упрощения процедур осуществления экспортно-импортных операций постановлением предусматривается также:

применение единого подхода, в части принятия мер ответственности за допущение образования просроченной дебиторской задолженности, как в отношении экспортеров, так и импортеров;

продление срока поступления выручки в иностранной валюте на период длительности действия обстоятельств непреодолимой силы (форс-мажор);

уменьшение суммы дебиторской задолженности по экспортному контракту на сумму поступившего страхового возмещения на счет экспортера товаров, работ и услуг;

отмена требования по обязательному представлению импортерами экспортной грузовой таможенной декларации для подтверждения таможенной стоимости товаров, ввозимых на таможенную территорию Республики Узбекистан с применением льгот по таможенным платежам;

отмена требования по выдаче разрешения органами государственной таможенной службы на реэкспорт товаров, находящихся под таможенным режимом "временный ввоз";

своевременный и в полном объеме ввод ответственными министерствами и ведомствами информации о выданных сертификатах и документах разрешительного характера в унифицированную таможенную информационную систему "Единое окно".

Реализация Указа и постановления позволило кардинальным образом снять имеющиеся барьеры и ограничения в сфере осуществления экспортно-импортных операций, создать дополнительные благоприятные условия для реализации имеющегося значительного экспортного потенциала, прежде всего предприятий малого бизнеса и частного предпринимательства, расширения ими номенклатуры и географии экспортных поставок.

Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-3351 от 03.11.2017 г. «О мерах по дальнейшей либерализации внешнеторговой деятельности и поддержке субъектов предпринимательства» [8] было существенно пересмотрено правовое регулирование внешне-экономических операций, в частности порядка расчетов по экспорту. В частности, субъектам предпринимательства предоставлено право осуществлять экспорт товаров, работ и услуг, за иностранную валюту без предварительной оплаты, открытия аккредитива, оформления гарантии банка и наличия полиса по страхованию экспортного контракта от политических и коммерческих рисков. Исключение составили экспортные поставки свежей плодоовощной продукции и так называемые сырьевые товары [9].

Напомним, что ранее, Указом Президента Республики Узбекистан от 25.05.2017 г. №УП-5057, уже было введено право экспорта товаров без предварительной оплаты, открытия аккредитива, оформления гарантии банка и наличия полиса по страхованию экспортного контракта от политических и коммерческих рисков. Однако эта норма действовала при соблюдении ряда существенных условий. Теперь же все данные условия упразднены.

Так же Постановлением определено, что экспорт товаров, работ и услуг может осуществляться в соответствии с указанными условиями только при отсутствии у субъекта предпринимательства просроченной дебиторской задолженности по ранее осуществленным экспортным операциям. Однако даже при наличии просроченной дебиторской задолженности само право на экспорт в целом не утрачивается, просто в этом случае осуществляется экспорт должен только на условиях предварительной оплаты, открытия аккредитива, а также при наличии гарантии банков покупателя или полиса страхования экспортных контрактов от политических и коммерческих рисков [10].

В заключении отметим, что рядом правительственных решений осуществляется либерализация внешнеторговых пошлин в сторону их уменьшения.

Внешнеторговые связи Республики Узбекистан со странами Европы в первую очередь опираются на СПС между Узбекистаном и странами ЕС. Однако, СПС 1996 г. не отвечает требованиям современного дня, в связи с чем, считаем, что необходима разработка СПС второго поколения с признанием равенства экспортеров из Узбекистана и импортеров ЕС.

В отношении развития электронной коммерции в Узбекистане считаем необходимым присоединении к Конвенции Организации Объединенных Наций об использовании электронных сообщений в международных договорах от 23 ноября 2005 г. и широком использовании Типового закона ЮНСИТРАЛ об электронной торговле от 12 июня 1996 г. с дополнительной статьей 5 bis, принятой в 1998 г.

Концептуально отметим, что период карантина вследствие пандемии коронавируса привнесла многие элементы либерализации в сферу внешней торговли. Принятые Президентом и Правительством ряд указов и постановлений облегчили как импортерам, так и экспортерам осуществление внешнеторговых операций, что в конечном итоге, позволило экономике республике функционировать стабильно в условиях жестких ограничений в мировой экономике, вследствие закрытия границ многими странами мира.

Считаем, что либерализация внешнеторговой сферы в конечном итоге служит экономическому процветанию не только отдельных участников внешнеторговой сферы, но и народа Узбекистана и государства в целом. Ибо конкуренция и доступ к рынкам является основным лейтмотивом рыночной экономики.

### **Иктибослар/сноски/references:**

1. Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г. // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – Т., 2017. – № 6. – Ст. 70.

2. «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах». Приложение № 1 к Указу Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г. // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – Т., 2017. – № 6. – Ст. 70.

3. «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах». Приложение № 1 к Указу Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г. // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – Т., 2017. – № 6. – Ст. 70.

4. В частности Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-2603 «О дополнительных мерах по стимулированию экспорта плодоовощной продукции, винограда и бахчевых культур» от 19 сентября 2016 г., Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-3077 «О мерах по дальнейшей поддержке отечественных организаций-экспортеров и совершенствованию внешнеэкономической деятельности» от 21 июня 2017 г., Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-3377 «О дополнительных мерах по поддержке отечественных экспортеров плодоовощной продукции, винограда, бахчевых культур, бобовых, а также сушеных овощей и фруктов» от 6 ноября 2017 г., Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 984 «Об утверждении положения о порядке экспорта свежей, сушеной и переработанной плодоовощной продукции» от 14 декабря 2017 г., Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 1006 «Об утверждении положения о порядке регистрации экспортных контрактов» 21 декабря 2017 г. и Положения о порядке проведения экспертизы и регистрации контрактов (Приложение № 3 к Постановлению Президента Республики Узбекистан ПП-3550 от 20 февраля 2018 г.).

5. Комментарий к Указу Президента Республики Узбекистан "О мерах по упорядочению лицензирования экспорта и импорта специфических товаров, а также регистрации экспортных и экспертизы импортных контрактов" и постановлению Президента Республики Узбекистан "О мерах по дальнейшей либерализации внешнеторговой деятельности и поддержке субъектов предпринимательства" // <http://www.pv.uz/uzk/node/70521>.

6. Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г. // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – Т., 2017. – № 6. – Ст. 70.

«Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах». Приложение № 1 к Указу Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г. // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – Т., 2017. – № 6. – Ст. 70.

7. Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по упорядочению лицензирования экспорта и импорта специфических товаров, а также регистрации экспортных и экспертизы импортных контрактов» от 3 ноября 2017 г.

В соответствии с указами Президента Республики Узбекистан от 13 апреля 2017 г. № УП-5012 "О мерах по совершенствованию системы управления в сфере внешней торговли" и от 31 марта 2017 г. № УП-4996 "Об образовании Государственного комитета Республики Узбекистан по инвестициям", постановлением Президента Республики Узбекистан от 13 апреля 2017 г. № ПП-2887 "О мерах по организации деятельности Министерства внешней торговли Республики Узбекистан", а также в целях дальнейшего совершенствования механизмов регулирования экспортно-импортных операций с 10 ноября 2017 г. были установлены ряд системообразующих изменений в сфере внешней торговли.

8. Закон Республики Узбекистан "О гарантиях свободы предпринимательской деятельности" от 25 мая 2000 г., № 69-II // Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2000 г., № 5-6, ст. 140; 2001 г., № 5, ст. 89; 2003 г., № 5, ст. 67; 2004 г., № 1-2, ст. 18; Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2004 г., № 25, ст. 287, № 51, ст. 514; 2006 г., № 12-13, ст. 100, № 37-38, ст. 371, № 41, ст. 405; 2007 г., № 52, ст. 533; 2008 г., № 52, ст. 513; 2009 г., № 52, ст. 555; 2010 г., № 37, ст. 314, № 50, ст. 469; 2011 г., № 16, ст. 162, № 37, ст. 374.

9. «Ташки савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 2017 йил 3 ноябрь, ПҚ-3351-сон // <https://lex.uz/docs/3470718>.

10. Как показывают проводимые реформы, государство нацелено сделать Узбекистан одним из крупнейших в мире экспортеров свежей и переработанной плодоовощной продукции. К 2021 г. ожидается увеличение производства пищевой продукции в 1,4 раза, плодоовощной переработанной продукции – в 2 раза, экспорта плодоовощной продукции в 2,3 раза.

Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-3077 от 21.06.2017 г. «О мерах по дальнейшей поддержке отечественных организаций-экспортеров и совершенствованию внешнеэкономической деятельности», можно сказать, открыло собой новый этап в развитии производства и экспорта сельскохозяйственной продукции в Узбекистане. Одной из мер, принятых в данном Постановлении стало предоставление предпринимателям возможности самостоятельно экспортировать свежую плодоовощную продукцию, виноград и бахчевые культуры. Если ранее монополия в данном секторе принадлежала АО «Узагроэкспорт», то теперь экспорт такой продукции возможен всеми субъектами предпринимательства на основе прямых договоров.

Такая мера направлена на стимулирование увеличения объемов производства фермерскими и дехканскими хозяйствами, повышение конкурентоспособности плодоовощной продукции и расширение географии экспорта страны. Тем более принятый шаг государства в этом направлении стал более эффективным с отменой для всех экспортеров с 1 августа 2017 г. требований по обязательным продажам валютной выручки 25% (Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-3157 от 28 июля 2017 г. «О дополнительных мерах по стимулированию отечественных предприятий-экспортеров»). Однако заключаться такие договоры должны только на условиях 100-процентной предоплаты.

Следующим шагом поддержки экспортеров плодоовощной продукции стало Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-3377 от 06.11.2017 г. «О дополнительных мерах по поддержке отечественных экспортеров плодоовощной продукции, винограда, бахчевых культур, бобовых, а также сушеных овощей и фруктов». В соответствии с данным Постановлением, хозяйствующим субъектам предоставлено право осуществлять экспорт плодоовощной продукции без заключения экспортного контракта (договора) на основании инвойса при соблюдении ряда условий, изложенных в постановлении.

## ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА: ХИТОЙ ВА ЖАНУБИЙ КОРЕЯ МИСОЛИДА

Каландарова Маликахон Пирназаровна<sup>1</sup>

*<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий  
кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби Иқтисодий ҳуқуқ кафедраси  
мудири, ю.ф.н.*

**Калит сўзлар:** давлат харидлари, харид усуллари, танлов савдолари, давлат харидларига оид шартнома, ахборот портали, харид қилиш тартиб-таомили, электрон давлат харидлари, харидлар тўғрисида эълон.

**Аннотация:** Мақолада дунёнинг тараққий этган ва ривожланган мамлакатлари ХХР ва Жанубий Корея давлатларнинг давлат харидлари тизими ва бу соҳадаги тажрибаси ҳамда уларнинг қонунчилиги назарий жиҳатдан ўрганилган.

Дунёнинг тараққий этган ва ривожланган мамлакатларида давлат харидлари, шу жумладан давлат харидлари хизмати борасида кўп йиллик назарий-услубий ва амалий тажриба тўпланган. Шунингдек, хорижий мамлакатларда давлат харидларини тартибга солишга оид мустақам қонунчилик базаси яратилган. Уларнинг қонунчилигини ўрганиш, ўз навбатида, Ўзбекистонда ушбу муносабатларни ривожлантириш ва тартибга солишда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда ўтган йиллар давомида электрон аукцион савдоларини ташкил этиш орқали давлат хариди ва корпоратив харидларнинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш учун ҳукуматимиз томонидан уларни такомиллаштириш чоралари кўрилди, иқтисодиёт

тармоқлари ва ижтимоий соҳада амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари доирасида товарлар (ишлар, хизматлар) хариди бўйича идоралараро тендер комиссиялари, яъни ихтисослашган тармоқ эксперт кенгашлари ташкил этилди. Давлат ва корпоратив харидларни ҳамда тендер савдоларини ташкил этишнинг амалдаги тартиби замонавий талабларга жавоб бермаслиги, турли хил коррупция кўринишлари учун шароит яратадиган кўплаб келишиш жараёнлари, бир-бирини такрорлайдиган тартиб-таомиллар ва сансалорлик ҳолатларининг мавжудлиги сабабли мазкур ҳолатлар жуда мураккаб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги "Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини жорий этиш доирасида Ресурслар ягона миллий маълумотномаси ва Давлат харидлари ягона ахборот порталини яратиш белгиланганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Ўзбекистон Республикасининг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида давлат хариди ва корпоратив харидларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ваколатли орган этиб белгиланганлиги бирмунча эскириб қолган тизимни тубдан янгиланишига асос бўлиб хизмат қилмоқда [1].

Кўпгина мамлакатларда давлат харидлари тизими давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий вазифаларини амалга оширишнинг воситаси сифатида ЯИМ сезиларли улушини ташкил этади. Самарали ташкил этилган давлат харидлари бир тарафдан бизнесни ривожлантиришга кўмаклашса, бошқа томондан мазкур товарлар ва хизматларнинг истеъмолчиларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Хитойда давлат буюртмалари миллий ишлаб чиқаришнинг хорижий ресурслар ва капитал манбаларига молиявий ҳамда технологик жиҳатдан қарамлигини камайтиришнинг воситаси бўлиб ҳисобланади, бу эса миллий экспортни қўллаб-қувватлаш ва бандликка кўмаклашишга қаратилган [2].

Хитойда давлат харидларини ҳуқуқий тартибга солиш Government Procurement Law (GPL) и Bidding Law (BL)дан ташкил топган. "Давлат харидлари тўғрисида"ги 2002 йилдаги қонунида [3] Хитой ҳукумати ва юридик шахслари томонидан маҳаллий товарлар ва хизматларни сотиб олишнинг мажбурий шартларини назарда тутган. Истисно тариқасида фақат норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган тақдирда агар маҳаллий товарларнинг қиймати четдан олиб келинадиган товарнинг қийматидан 20%дан баланд бўлган тақдирда йўл қўйилиши мумкин. Қонунда маҳаллий ва импорт товарларининг дефиницияси ҳам мустаҳкамланган [4]. "Танлов савдолари тўғрисида"ги қонун эса қурилиш пудрати ва у билан боғлиқ бўлган товарла (хизматлар) соҳасини тартибга солади. Бундан ташқари, Давлат кенгаши марказий даражада буюртмаларни амалга ошириш режасини ва унда харид қилинадиган товарлар, ишлар ва хизматларнинг рўйхатини шаклтирган бўлиб, улар фақат танлов савдолари усули асосида харид қилиниши лозим [5]. Хитойнинг давлат сирлари ва маълумотларини сақлашга қаратилган ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳукумат ўн учинчи беш йилликка мўлжалланган миллий дастури (2016-2020 йиллар) дастурий таъминот билан шуғулланувчи хорижий корхоналарнинг Хитой бозорига кириб келишларига қийинчилик туғдиради. Логистика ва харидлар бўйича Хитой федерацияси томонидан 2012 йилда давлат харидлари соҳасида махсус веб-сайт ([www.china-cpp.com](http://www.china-cpp.com)) яратилган бўлиб, у жамоатчилик томонидан давлат харидларини амалга ошириш араёнини назорат қилишга имконият беради ҳамда асосиз юқори нархларда товарларни харид қилиш имкониятини чеклайди, давлат харидлари бозорида очиқлик ва шаффофликни таъминлашга хизмат қилади.

ХХРда давлат харидларини ўтказишнинг учта усули: очиқ танлов саволари, селекциявий танлов саводалари ва ягона харид манбалари асосида амалга оширилади. Очиқ танлов саводаларида харидни амалга оширувчи – буюртмачи оммавий ахборот воситаларида таклиф шаклида ташкилотларга мурожаат қилади. Селекциявий харидларда танлов савдоларида иштирок этиш



учун хат-таклифнома уч ёки ундан ортиқ лойиҳани бажаришга ва лёқатли бўлган ва молиявий ҳолати ижобий бўлган юридик шахслар мавжуд бўлганлиги шарти билан маълум бир доирадаги шахсларга юборилади. Ягона манбадан харид қилишда фақат қуйидаги ҳолатда рухсат этилади:

- агар харидларни фақат ягона етказиб берувчи орқали амалга оширилиши керак бўлса;
- агар тасодифий ишлаб чиқаришдаги авариялар туфайли бошқа маҳсулот етказиб берувчилардан харид қилиш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланмаса;
- агар маҳсулот етказиб берувчи шахс томонидан товар билан боғлиқ қўшимча хизматлар амалга оширилиши зарурияти мавжуд бўлса ва бу дастлабки харид нархининг 10%дан ошмаса [6].

Тендер ҳужжатларини тайёрлаш харидни амалга оширувчи шахснинг мажбурияти бўлиб ҳисобланади. Буюртмачи ариза-хабарнома ёки хат-таклифнома берганидан сўнг танлов савдоларини тўхтатиш ҳуқуқига эга эмас. Танлов савдолари қуйидаги ҳолатларда тўхтатилиши мумкин: танлов савдоларини ўтказишда адолатни хавф остига қўйувчи ҳуқуққа хилоф ҳаракат содир этилганда, савдо баҳоси бюджет даражасидан ошиб кетса, тегишли малака талабларига эга бўлган талабгорлар учдан кам бўлса; жиддий ўзгаришлар бўлганлиги сабабли танлов савдолари бекор бўлса.

Хитойнинг “Танлов савдолари тўғрисида”ги қонунининг 48-моддасига кўра, танлов ғолиби пудрат ишларини бажаришни учинчи шахсларга топшириши мумкин эмас, фақатгина шартномада ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ҳолатларда жиддий аҳамиятга эга бўлмаган ишларни топшириши мумкин. Мазкур ҳолатда пудратчи ва ёрдамчи пудратчининг буюртмачи олдида солидар жавобгарлиги вужудга келади [7].

Хулоса қилиб айтганда, Хитойда давлат харидларини ҳуқуқий тартибга солиш ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, халқаро ресурслар ва товарларга очикликни таъминлаган ҳолда миллий ишлаб чиқарувчиларни жаҳон молия бозорига қарамлигини камайтиришга қаратилган. Халқаро иқтисодий муносабатларда протекционизм бекор қилинмаган, бу эса ҳар бир давлат ўзининг маҳаллий ишлаб чиқарувчилари ва хизмат кўрсатувчиларини қўллаб-қувватлашини англатади. Мазкур ҳолатда П.А.Пауловнинг фикрига қўшилган ҳолда иқтисодиётга зарар етказмаган ҳолда давлат харидлари соҳасида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга устуворлик берилиши лозим бўлади [8]. Жанубий Кореяда давлат харидларининг ошқоралиги 2000 йилларининг бошида миллий харид тизими жорий этилганидан сўнг бошланган. 2002 йилда Жанубий Кореянинг давлат харидлари хизмати (PPS) ва марказий ташкилот агентлиги KONEPSнинг тўлиқ интеграциялашган электрон харид тизимини ишга туширди. Бу тизим барча харид жараёнини электрон тарзда амалга ошириш (тендерда иштирокчиларини бир вақтда рўйхатдан ўтказилиши, шартномалар ва тўловларни) ва ҳужжатлар алмашинувини онлайн тарзда амалга оширилади. Барча зарурий маълумотларни олиш, кенг қамровли хизматлар кўрсатиш, маълумотларни автоматик тарзда тўплаш, шунингдек, тендер иштирокчиларининг малакаси, етказиб бериш ва тўловларни электрон тарзда амалга ошириш учун 140 дан ортиқ ташқи тизимларга уланади ва керакли маълумотларни етказиб беради. Бундан ташқари, тизим керакли маълумотларни реал вақт оралиғида олиш имконини беради. Давлат харидлари хизмати (PPS)нинг асосий вазифаси бу – давлат бошқаруви учун ресурсларни харид қилиш ва уларни бошқариш орқали иқтисодий тараққиётга ҳисса қўшиш ҳамда миллий бюджет харажатларини қисқартириш, шунингдек, мижозларга сифатли хизмат кўрсатишдан иборат. Бу миссия бир бирига боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган турли функциялар орқали амалга оширилади.

Давлат харидлари хизмати (PPS) бу функцияларни ижросини таъминлаш учун бир қатор харидларга оид бизнес жараёнларни олиб боради. Товар ва хизматлар ҳамда резервлаш (жамғариш) функциялари учун, бу жараёнлар логистика менежменти ва таъминот жараёнларини ўз ичига олади. Қурилиш ишларини амалга ошириш функциясини бажариш учун эса давлат харидлари хизмати (PPS) лойиҳа бошқаруви хизматлари ва умумий лойиҳа харажатларини кўриб чиқишни ўз ичига олувчи кенг кўламли бизнес хизматларини таклиф

этади. Барча давлат ташкилотлари KONEPS тизимида тендер тўғрисидаги маълумотларни эълон қилишлари шарт. 2014 йилда давлат харидларининг умумий ҳажмининг 62,7 фоизи (ўртача 106 миллиард АҚШ доллари) KONEPS тизими орқали амалга оширилган [9].

KONEPS тизимида рўйхатдан ўтказилган 45 000 та давлат ташкилотлари, 244 000 та рўйхатдан ўтган маҳсулот (товарлар ва хизматлар) етказиб берувчилари билан ўзаро муносабатида бўлишади. Давлат харидлари хизмати (PPS)нинг маълумотларига кўра, бу тизим харидлар самарадорлигини оширган ва транзакцион харажатларни қисқартишга ёрдам берган. Бундан ташқари, давлат тендерларида иштирок этувчиларнинг сонини оширишга имкон берди. Шаффофликни ошириш, ноқонуний йўллардан фойдаланиш ва коррупцияга йўл қўймаслик ва уни бартараф қилишга ҳам самарали сезиларли даражада ўз ҳиссасини қўшган.

Жанубий Кореянинг коррупцияга қарши курашиш ва фуқаролик ҳуқуқлари бўйича комиссияси KONEPS ишга туширилгандан сўнг виждонлилик бўйича баҳоланганида давлат харидлари хизматининг фаолияти максимал 10 баллик баҳодан 6,8 балл, KONEPS тизими ишга туширилгандан сўнг 8,52 баллга кўтарилган [10].

Электрон сертификатларни қарзга олиш амалиётида мавжуд бўлган энг асосий муаммо ҳисобланади. Бу рискни камайтириш мақсадида 2010 йилда давлат харидлари хизмати (электрон савдо тизимида) бармоқ изи орқали таниб олиш хизматини ишга туширди. Бу тизимда ҳар бир фойдаланувчи фақат битта компания номидан иштирок этиш мумкин, бу эса хавфсизликни биометрик белгилар орқали таъминлаш имконини беради. Бармоқ изи ҳақидаги маълумот фақатгина тегишли етказиб берувчининг файлида сақланади, бу эса ўз ўрнида ҳукумат томонидан шахсий биометрик маълумотларни сақлашга доир ҳар қандай низоларни олдини олади [11].

2013 йилнинг июль ойига келиб бу тизим KONEPS орқали маҳсулот (товарлар ва хизматлар) етказиб бериш ва қурилиш лойиҳаларини сотиш бўйича ўтказилган барча маҳаллий ва давлат тендерларида қўлланилган. 2014 йилда давлат харидлари хизмати хавфсизлик белгиларидан ва иловалардан фойдаланган ҳолда смартфонлар орқали тендерларда иштирок этиш хизматини ишга туширган. Юқорида кўрсатилган маълумотлардан шуни англашимиз мумкинки, G20 га аъзо бўлган давлатларда ва Еврапа Иттифоқининг деярли барчасида давлат харидлари ошкоралик ва, айниқса, шаффофлик принципларига таяниб амалга оширилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳам давлат харидлари жараёнини тартибга солувчи муҳим ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Жумладан, 2018 йилнинг 25 январида қабул қилинган “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун кучга кирди, шунингдек, соҳа ривожини учун зарур бўлган қарорлар қабул қилинмоқда. Бу соҳага кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кенг-роқ жалб қилиш ва уларнинг бу соҳадаги билим ва кўникмаларини ошириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Жанубий Корея ва бошқа ривожланган мамлакатларнинг давлат ва корпоратив харидлари бўйича амалиётини кўриб чиқар эканмиз, юртимизда бу соҳани янада такомиллаштириш учун тараққий этган ва ривожланган мамлакатлар амалиётини қўллаш зарур эканлигини тушунишимиз мумкин.

Иқтисодий инновацион ривожланиши даврида давлат харидларини амалга ошириш бўйича янги дастурий таъминотлар ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш, ҳужжатлар сонини камайтириш, харид жараёнининг ошкоралиги ва шаффофлигини таъминлаш давлатимиз раҳбари олиб бораётган сиёсатнинг асосий меъзонидир. Давлат хариди соҳасини ривожлантириш бора-бора мамлакатимизда қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар ва кўрилаётган чоралар соҳа ривожига эришишда асосий омил бўлиб қолмоқда. Айни пайтда кўрилаётган чоралар салмоғини янада ошириш, давлат хариди ва корпоратив харидлар жараёнини янада такомиллаштириш, бу орқали эса давлат ва хусусий сектор ўртасидаги, ҳамкорлик имкониятларини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

#### **Иқтибослар/сноски/references:**

1. ПҚ-3237, "Халқ сўзи", 2017 йил 24 август, "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2017 йил 28 август, 34-сон, 885-модда.
2. Проданова Н.А., Зацаринная Е.И. (2015). Особенности системы государственных закупок в Китае. Экономика, предпринимательство и право, 5(3), 151-158.

3. Статья 10 Закона о государственных закупках КНР. Режим доступа: [http://www.gov.cn/english/laws/2005-10/08/content\\_75023.htm](http://www.gov.cn/english/laws/2005-10/08/content_75023.htm) (retrieved on 01.03.2019)
4. PRC Government Procurement Policy. The US-China Business Council, 2009. P. 4 (URL: [http://www.uschina.org/public/documents/2009/07/government\\_procurement.pdf](http://www.uschina.org/public/documents/2009/07/government_procurement.pdf)).
5. Маълумот учун: Хитой бюджет маблағлари ҳисобидан харид қилинадиган давлат харидлари рўйхатидан хавфсизлик нуқтаи назаридан Apple маҳсулотини чиқариб ташлади, шунингдек Microsoft Corp. дастурига ҳам энергия тежовчи компьютерларнинг давлат харидлари бўйича танлов саводаларида иштирок этишларига рухсат берилмади ([www.interfax.ru](http://www.interfax.ru)), 2020 йилда эса АҚШдан соя маҳсулотларини сотиб олишни давлат харидлари рўйхатидан чиқарди ([www.reuters.com](http://www.reuters.com)).
6. Пономарева О. В. Государственные закупки как инструмент торговой политики в развивающихся странах // Российский внешнеэкономический вестник. 2014. №9. С. 101-119.
7. Закон Китайской Народной Республики О проведении тендеров <http://www.derrick.ru>
8. Паулов П.А. Влияние особенностей российской правовой системы на совершенствование законодательства – «Актуальные проблемы правоведения» –№1, 2018, стр.32-43
9. Корея Республикасининг Давлат харидлари хизмати (PPS) маълумотлари.
10. Корея Республикасининг Давлат харидлари хизмати (PPS) маълумотлари.
11. Гофуров Д.Б. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 4-5, август-октябрь, 2018 йил

## **ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ЖАҲОН БОЗОРИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**Келдиёров Шохрух Мўмин ўғли<sup>1</sup>**

*<sup>1</sup>ТДИУ "Жаҳон иқтисодиёти" йўналиши магистранти*

Бугунги кунда жаҳонда рўй бераётган глобал ўзгаришлар мамлакатларнинг ташқи савдо стратегияларини қайта кўриб чиқиш ва интеграцион жараёнларнинг оптималлаштирилишини тақозо этади. Коронаинқироз шароитида мамлакатларнинг ташқи савдосидаги ўзгаришлар, тариф сиёсати, шунингдек жаҳон қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат бозорларидаги тебранишлар Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига интеграциялашувини мўтадиллаштириш масалаларини юзага чиқарди.

2020 йилда пандемия туфайли юзага келган жаҳон иқтисодий инқирози натижасида дунёда қашшоқлик даражаси сўнгги 20 йил ичида кескин кўтарилди. Шунингдек, Иккинчи жаҳон урушидан буён жаҳон иқтисодиёти бундай иқтисодий рекорд кўрсаткичлари даражасидаги инқитозга учрамаган эди.

Масалан, Жаҳон банки жаҳон иқтисодиёти тараққиётини 2020 йилнинг январь ойига 5,2 фоиз ўсишини прогноз қилган бўлса, амалда унинг ўрнига атиги 2,5 фоизга ўсган холос. Аниқроғи, 2020 йилнинг январь ойидаёқ жаҳон иқтисодиётининг ўсиши тўхтаб қолган эди. Шу билан бирга, экспертчи мутахассисларнинг таҳлилларига кўра, 2020 йилнинг якуни бўйича жаҳон иқтисодиётининг ўсиш кўрсаткичи 6,5 фоиз бўлиши кутилган, бироқ ҳозирданок йил якуни бўйича иқтисодий ўсиш жаҳон бўйича 3-4 фоизга камайиши кутилмоқда.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида аграр соҳанинг ривожланиши ва қишлоқ хўжалиги тармоқларида маҳсулотларнинг етиштирилиши хорижий

мамлакатлардан жалб қилинадиган қўшимча ишчи кучига боғлиқдир. Масалан, Европа Иттифоқи мамлакатлари миллий иқтисодиётининг қишлоқ хўжалиги тармоқларига ишчи кучи ҳар йили асосан Шимолий Африка ва Шарқий Европа мамлакатларидан жалб қилинади.

Бу йил аксарият Европа Иттифоқи мамлакатларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш миқдори ўтган 2019 йилга нисбатан камида 12-15 фоизгача пасайиши ҳозирданок башорат қилинган. Хатто бир қатор Европа мамлакатлари баъзи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспортига чекловлар жорий қилинган. Бунинг асосий сабаби сифатида юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Европа мамлакатларининг қишлоқ хўжалиги тармоқларига бу йил “COVID-19” туфайли давлат чегараларини ёпилиши туфайли хорижий ишчиларнинг жалб қилинмаганлиги билан изоҳланади.

Пандемия Европанинг бир қатор мамлакатларига шу қадар руҳан таъсир қилдики, хатто Буюк Британиянинг деярли барча шаҳарларидаги дўкон пештахталарида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган тақчиллик юзага келди. Мазкур муаммо кун сайин чигал бўлиб “озиқ-овқат” масаласи энг биринчи долзарб муаммога айланди. Британиялик фуқаролар камида “3 ойлик озиқ-овқат захираси”ни дўконлардан харид қилишга шошилишди. Хатто Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳам Буюк Британияда бундай “танглик” кузатилмаган эди[1].

Буюк Британия озиқ-овқат масаласида қўшни Европа Иттифоқи мамлакатларидан озиқ-овқатни импорт қилишда ёрдам сўраган бўлса-да, бироқ ушбу даврда Европа Иттифоқи мамлакатларининг ҳар бирига ҳам етарли даражадаги озиқ-овқат захираси ҳар бир куннинг асосий масалаларидан бири бўлаётган эди. Энг муҳими, Европа Иттифоқининг ҳар бир мамлакати ўзининг ҳудудидан ортикча озиқ-овқатнинг ташилишини қаттиқ назоратга олди. Хатто жаҳон хўжалигида қишлоқ хўжалиги экспортида асосий давлатлардан ҳисобланган Германия ва Голландия ҳам баъзи озиқ-овқат маҳсулотларининг экспортига вақтинчалик чеклов жорий қилди.

Бундан ташқари, Россиянинг Узоқ Шарқ ҳудудларига экспорт қилинадиган Хитойнинг қишлоқ хўжалиги ва аҳоли истеъмоли маҳсулотларини тўхтатилиши оқибатида Приморье ўлкаси шаҳарларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нарҳи 3-4 баробарга кўтарилиб кетди. Масалан, бодринг нарҳи 280-300 рубл (4-5 АҚШ доллари) ёки помидор 170- 180 рублгача (ўртача 3 АҚШ доллар) кўтарилган бўлса, Якутия ва бошқа шимол ҳудудларидаги бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нарҳи бундан ҳам ҳам қимматлашган.

Коронавирус пандемиясининг жаҳонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга таъсири натижасида жаҳон иқтисодиётига умумий кўламда ва хусусан аграр соҳасининг бир қатор тармоқларининг экспортига ўз таъсирини кўрсатди, чунки жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари пандемия даврининг чўзилишини ҳисобга олиб кўплаб асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар экспортини тўхтатиб “Миллий озиқ-овқат захираси”ни шакллантирди.

Ҳозирги вақтда жаҳондаги бир қатор мамлакатлар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг халқаро савдосига киритилаётган чекловлар, ички ва ташқи бозорлардаги якуний истеъмолчиларга етказиб бериш занжирларининг

узилишига олиб келувчи логистика билан боғлиқ қийинчиликлар, шунингдек, “COVID-19” туфайли жорий этилаётган карантин чоралари натижасида мамлакат ичида қишлоқ хўжалиги тармоқларидаги ишчи кучларининг ҳаракатланишини чекланиши жаҳон қишлоқ хўжалиги учун асосий хатарлардан бири ҳисобланади.

Жаҳон банки мутахассисларининг таҳлилларига кўра, глобал миқёсда “COVID-19”нинг жаҳон аграр соҳасига таъсири шу пайтгача жуда паст даражада бўлди. Чунки ривожланган мамлакатларда юзага келган озиқ-овқат тақчиллигидан бир қатор қишлоқ хўжалигига ихтисослашган мамлакатларнинг экспорт ҳажмлари салмоқли тарзда кўпайди.

Жумладан, кўпчилик мамлакатларнинг озиқ-овқат хавфсизлиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган дон экинларининг (буғдой, маккажўхори ва гуруч) нархлари жаҳон бозорларида бугунги кунда барқарорлигича қолмоқда. Қайд этиш лозимки, дон экинларининг 2019 йилда жаҳондаги етиштирилиши кўлами ва якуний захиралари аввалги йилларнинг кўрсаткичларига нисбатан юқори. Шунингдек, жаҳоннинг бир қатор мамлакатларида, хусусан Россия, Қозоғистон, Украина ва Покистон мамлакатларида бу йил дон экинларининг ҳосили мўл бўлиб ўзининг иқтисодий тарихидаги энг юқори ҳосилларни йиғиб олиши тахмин қилинмоқда. Масалан, Россия ўзининг иқтисодий тарихидаги рекорд кўрсаткич, яъни 125 млн.тонна буғдой етиштирилиши прогноз қилинмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш кўмитаси томонидан берилган маълумотга кўра, пандемия АҚШ, Ҳиндистон ва Бразилия мамлакатлари жуда катта салбий таъсир кўрсатган ва касалланиш ҳамда вафот этганларнинг сони жиҳатидан жаҳоннинг юқори учлигини эгаллашган. Пандемия туфайли мазкур мамлакатларнинг кўплаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирилиши ва уларнинг ўз озиқ-овқат хавфсизликларини таъминлаш мақсадида қатор озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан вақтинчалик чекловлар ўрнатдилар. Бунинг натижасида, уларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортида маълум чекловларни жорий қилиниши жаҳон қишлоқ хўжалиги савдосига ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Чунки айнан мазкур мамлакатлар жаҳон қишлоқ хўжалиги бозоридаги асосий мамлакатлар ҳисобланишади[2].

БМТ экспертларининг таҳлилларига кўра, 2020 йилнинг IV-чорагида жаҳоннинг бир қатор мамлакатлари, хусусан Канада, Бразилия, Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Туркия, Вьетнам каби мамлакатлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий экспортчи мамлакатлари бўлишини тахмин қилишмоқда. Ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам йил сайин етиштирилаётган маҳсулотларни хорижга экспорт миқдорларини кўпайиб бориши натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчи асосий мамлакатлар қаторига секин-аста қўшилиб бормоқдамиз.

Жаҳон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини импорт қилувчи мамлакатлардаги иқтисодий вазиятнинг ўзгариши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчи мамлакатларнинг маҳсулотлар ҳажмининг ошишини тахмин қилиш мумкин, албатта.

Ҳозирги кунда хорижий мамлакатларга чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг жаҳон бозорларида нисбатан арзонроқ нархларда сотилиши

Ўзбекистонда етиштирилган мева-сабзавотларга талабнинг нисбатан ўсишига олиб келиши мумкин, албатта.

Коронавирус пандемиясининг Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш ва бандликнинг ўсиш суръатига таъсири 2020 йилда мазкур соҳадаги ўсиш, Ўзбекистоннинг бутун иқтисодиёти каби, катта эҳтимол билан секинлашади. Жаҳон банкининг маълумотига кўра, мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсиши жорий йилда 5.7% дан 1.6% га пасайиши тахмин қилинмоқда. Айни пайтда аграр соҳанинг ўсиши бошқа соҳалар билан таққослаганда салмоқли юқорироқ бўлади, чунки пандемия даврида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб юқори бўлади.

Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспортини кенгайтириш учун эчимини топадиган асосий масалалар – транспорт, логистика, сақлаш, юқори сифатли озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти Ўзбекистон учун, шунингдек, минтақадаги бошқа мамлакатлар учун муҳим даромад манбасидир. Қишлоқ хўжалиги аҳолининг даромад манбаларидан бири бўлиб қолмоқда ва ривожланган қишлоқ хўжалиги сектори иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалиги соҳасининг экспорт салоҳиятининг сезиларли даражада ўсиши 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясининг устувор йўналишларидан бири сифатида кўрсатилган.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш орқали аҳоли даромадларини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон миллий иқтисодиётида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқишда ишлаб чиқарувчиларнинг асосий муаммоси бу - Ўзбекистоннинг денгизга чиқиш имконияти чегараланганлигидир ва унинг натижасида маҳсулотларни хорижий мамлакатларга этказиб беришда транспорт харажатларининг миқдори янада ошади.

Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг қишлоқ хўжалиги тармоқларида етиштирилаётган тез айнийдиган ва маълум фурсатда ўзининг сифатини йўқотиб қўядиган маҳсулотларимизни имкон қадар қисқа фурсатда хориж бозорларига етказишдаги муаммоларга барҳам бериш ва олдиндан бир қатор қоғозбозлик масалаларни ва тўсиқларни ҳал қилиш ишлаб чиқарувчилар олдида турган асосий масалалардан биридир.

Маълумотларга кўра, ўтган йили Ўзбекистон 20 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавотининг атиги 15 фоизи қайта ишланган ва унинг 7-8 фоизигина экспорт қилинган холос. Бу йил эса мамлакатимизда мева-сабзавот етиштиришни камида 30 миллион тоннага етказишни мўлжал қилинган. Агар Ўзбекистон ўз халқи дастурхонидан ортган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини халқаро талаб даражасида қадоқлаб экспорт қилса, йилига миллиардлаб доллар даромад кўриши мумкин[3].

Шунга кўра сўнгги йилларда ташқи савдони ривожлантиришда ҳукуватимиз томонидан берилаётган асосий эътибор қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар миқдорини янада кўпайтириш ва жаҳон қишлоқ хўжалигида Ўзбекистоннинг имиджини янада оширишдан иборатдир. Қишлоқ хўжалиги

тармоқларида етиштирлаётган ва ўзининг сифатини тез йўқотадиган ва айнийдиган маҳсулотларимизни сақлаш ва логистика жараёни учун зарур бўлган йирик музлатгич омборлар сонини кўпайтириш ва ушбу соҳани ривожлантириш аграр соҳамизни тараққиётга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Шуни таъкидлаш жоизки, пандемия туфайли жаҳоннинг кўплаб ривожланган мамлакатларида озиқ-овқат танқислиги вужудга келди. Пандемия оқибатида маҳаллий бозорларда озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг сезиларли даражада кўтарилиши юзага келди. Шунингдек, аҳоли ўртасидаги ваҳимага асосан энг муҳим кундалик озиқ-овқат маҳсулоларининг нарҳи кескин ошиб кетди. Ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларга бўлган талаб 2-3 мартабага ошиб кетди.

Жаҳон иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжни кескин даражада ошиши сабабли жаҳоннинг қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожланган мамлакатлар олдида озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жаҳон бозорига етказиб бериш ва уларнинг ҳажмини янада оширишга имконият юзага келди. Албатта, дуунёнинг кўплаб мамлакатлари пандемиянинг иккинчи тўлқинига тайёргарлик даражасини озиқ-овқат маҳсулотларининг баъзи турлари бўйича тақчиллик юзага келиши мумкинлигини ҳисобга олиб унинг заҳирасини шакллантиришни аввалданок бошлашган эди.

Жаҳоннинг бир қатор мамлакатлари баъзи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспортига вақтинчалик чеклов жорий қилди. Масалан, Европа Иттифоқи мамлакатлари баъзи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг олиб чиқилишини маълум бир меъёрини ва баъзи маҳсулотларни эса олиб чиқилишига вақтинчалик чекловни жорий қилди. Шунингдек, қўшни Қозоғистон Республикаси ҳам жорий йилнинг 1 апрелидан буғдой ва ун учун

экспорт квоталарини жорий қилди. Одатда экспорт квоталари истеъмолчи мамлакатларга ушбу турдаги маҳсулотлар импортининг камайишига олиб келади. Лекин мазкур чекловларнинг салбий таъсири қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатлар учун у қадар таъсирчан бўлмайди, албатта.

Жаҳон қишлоқ хўжалиги бозорида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжнинг ошланги сабабли ҳам ҳамда миллий иқтисодиётимизнинг асосий даромад манбаиларидан бири ҳисобланган қишлоқ хўжалиги соҳасини янада ривожлантириш ҳукуватимиз олдидаги асосий вазифаларидан бири бўлмоқда. Миллий аграр соҳамиз маҳсулотларини ривожланган мамлакатларга – Ғарбий Европа, Хитой, Япония, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларга экспорт қилишда, маҳсулот сифати ва келиб чиқишига алоҳида жиддий эътибор берадиган йирик супермаркет занжирлари билан ишлаш учун ташқи бозор маркетингини ривожлантириш зарур.

Узоқ йиллардан буён ўзбек қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий импортчи Россия ва Қозоғистондир. Шундай экан, улкан ҳудудга эга бўлган ва қарийб 150 миллион аҳолига эга бўлган Россиянинг узоқ ўлкалари ва ҳудудларида янги бозорлар, савдо-логистика марказларини барпо этиш айти муддаодир. Агарда ҳозирданок ушбу ғояларни амалга ошира олмасак, йирик

Россия бозорларини Туркия ёки Озарбайжон каби мамлакатларда етиштирилагн қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари буткул эгаллаб олиши мумкин.

Амалга оширилаётган мазкур чоралар маҳаллий фермерлар ва агрокорхоналарнинг даромадларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва уларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ҳисобига ўсишига олиб келади, албатта. Ушбу санаб ўтилган мақсадларга эришиш учун мамлакатимиз халқаро молиявий компаниялар билан иқтисодий ҳамкорликлари натижасида молиявий ва техник кўмак бериш ишларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банкнинг молиявий кўмаклари миллий иқтисодиётимизнинг тараққиёти учун жуда муҳимдир.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Gojenko, B, Leonhaeuser, I, Stulina, G, “ Land use, food and nutrition security – case 01 Oct 2013. Conference Paper/ Presentation. study in rural Uzbekistan”,
2. Lombardozi, L, Djanibekov, N, “Can self-sufficiency policy improve food security? An inter-temporal assessment of the wheat value-chain in Uzbekistan”, Journal of Eurasian Geography and Economics, published online: 02 Apr 2020.
3. Uddin N, Alam, B, Islam, Sh, Arif, M, Kabir, L, “Impact of Covid-19 on food and security in low- and middle-income countries”, Asian Journal of Medical and Biological Research, 07 July 2020.

## **СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСИДА ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ**

**Махмудов Носир Махмудович<sup>1</sup>**

*<sup>1</sup>Тошкент давлат  
иқтисодиёт университети профессори, и.ф.д.*

**Яхшиев Хусниддин Толибович<sup>2</sup>**

*<sup>2</sup>Тошкент тўқимачилик ва енгил  
саноат институти мустақил изланувчиси*

**Аннотация:** Мазкур мақолада стратегик бошқариш технологияси замонавий бошқарув дастакларини танлаш ва босқичларини кенгайтириш асосида тўқимачилик корхоналари барқарор ривожланишини таъминлаш масалалари ўрганилган.

**Калит сўзлар:** инновацион иқтисодиёт, бошқариш, стратегик бошқариш, бошқариш дастаги, бошқариш технологияси, барқарор ривожланиш.

**Тадқиқот мавзусидаги мавжуд муаммолар.** Республикамизда мустақиллик йилларида тўқимачилик саноати бошқарув тизими шакллантирилди ва унинг ривожланишига етарлича инвестициялар жалб қилинди. Тўқимачилик саноатини ривожлантириш учун республикамизда етарлича шароит ҳамда хомашё базасива меҳнат ресурслари мавжуд. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида



«таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу каби устувор вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш билан биргаликда бошқарув тизимини ҳам ривожлантириш талаб этилади. Тармоқни бошқаришдаги мавжуд тизим эса бозор иқтисодиёти ўзгаришларига етарлича мосланувчанликни таъминлаб олмаяпти. Шунинг учун тўқимачилик корхоналарида стратегик бошқариш технологиясини замонавий бошқарув дастакларини танлаш ҳамда босқичларини кенгайтириш асосида такомиллаштириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

XX асрнинг 90-йиллари бошидан бошлаб рақобат шароитида ўзига хос тавсифга эга ҳолда корхонанинг устунлигини аниқлаш учун олдингиларига солиштирилганда ҳамда амалий механизмлар ва манбаларни тадқиқ қилиш учун кўпроқ мос келадиган стратегик бошқарув соҳасида корхонанинг ривожланишида ресурс концепцияси устунлик қила бошлайди. Иккинчиси, ўз навбатида, анъанавий тармоқларда рўй бераётган парчаланиш жараёнлари, маҳсулотни янгилаш жараёнларини жадаллаштириш, технологиялар ва бизнес турларини яқинлаштириш каби туб ўзгаришларнинг доимий ҳолатида турибди. Корхона ривожланишининг стратегик бошқарув ресурс концепциясининг тарафдорлири Дж. Барни, Б. Вернерфельт, Дж. Грант, К. Курт, Г. Минцберг, К. Прахалад, Д. Тис, Г. Хэмэллар ҳисобланишади.

Стратегик бошқарув илмий йўналиш ва менежментни ташкил этишга инновацион ёндашув сифатида 20-асрнинг 60-йилларида пайдо бўлди. Бирок, шу вақтга қадар стратегик бошқарув энг аввало куйи даражадаги - корхоналар, фирмалар, ташкилотлар каби бозор субъектларини бошқариш вазифаси сифатида қаралади.

И. Ансофф ўзининг “Корпоратив стратегия” китобида стратегик бошқарувни “билиш усули, унинг бошланиши стратегик ташхис, давоми-кўшимча чора-тадбирлар йўли ва авж нуқтаси - янги маҳсулотлар, янги бозорлар ва технологиялар, шунингдек, янги имкониятлар”.- сифатида талқин қилади (Миддлтон Д., 2006).

В. Н. Родионова стратегик бошқарувни “стратегик қарорларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга ошириш жараёни, унинг марказий бўғини корхонанинг ўз ресурс салоҳиятини ташқи муҳитнинг имкониятлари ва таҳдидлари билан таққослашга асосланган стратегик танловдир”, - деб тушунади (Родионова В. Н., 2013).

М.И. Круглов ва Н.Ю.Кругловалар фикрича: “стратегик бошқарув олдиндан кўриш уфқларини кенгайтириш, узокни мустақамлаш ва шу билан корхонанинг ташқи муҳитда: товар ва технологиялар бозорларида, илмий-техник, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда содир бўладиган ўзгаришларга ўз вақтида жавоб бериш имкониятидир” (Круглова Н.Ю., 2007).

Г. Б. Клейнернинг таърифига кўра, “стратегик бошқарув - бу бизнес муваффақиятига эришиш учун компания стратегиясини шакллантириш, амалга ошириш ва ўзгартириш жараёнларига асосланган корхонани бошқариш бўйича қарашлар ва тавсиялар тизимидир” (Клейнер Г.Б., 2008).

Хоффер ва Шенделларнинг фикрича эса, “стратегия - бу корхонанинг ўз олдида кўйган мақсадлари ва вазифалари ўртасидаги асосий алоқадир” (Hoffer C.W. and Shendel D., 1978).

Исаев Р.А. томонидан эса Ўзбекистон Республикасида тўқимачилик клсатерларини ривожлантириш масалаларини ўрганишда стратегик бошқарув масалаларига асосий эътибор қаратилган (Isayev R.A., 2019).

Турсунов Б.О. томонидан тўқимачилик саноати корхоналари ишлаб чиқариш кувватини бошқариш самарадорлиги сифат ва натижавийлик коэффициентлари ёрдамида баҳоланган (Турсунов Б.О., 2019).

Тиллаходжаев А. томонидан эса Б.А.Соловьев ёндашуви асосида тўқимачилик корхоналари маркетинг фаолиятини бошқариш самарадорлиги баҳоланган (Тилляходжаев А.А., 2018). Аммо, ушбу тадқиқот ишларида саноат корхоналарида, хусусан тўқимачилик саноати корхоналарида стратегик бошқарув технологияси масаласи етарлича ўрганилмаган.

**Муаммони ҳал қилиш усуллари.** Илмий-тадқиқот ишида тажриба-экспериментал, танлаб кузатиш, таққослаш, экспертлар баҳоси каби усуллардан фойдаланилди.

Замонавий иқтисодий шароитда корхонани бошқариш раҳбарлардан стратегик менежмент соҳасида янги усул ва кўникмаларни эгаллашни ҳамда ривожланиш стратегиясини бошқариш соҳасида замонавий восита ҳамда дастаклардан фойдаланишни, бошқарув технологиясини такомиллаштиришни талаб этади.

Тадқиқот жараёнида стратегик бошқарув технологиясини такомиллаштириш масаласи унинг компонентларини такомиллаштириш масаласига қаратилган.

Амалиёт шуни кўрсатадики, республикамиз тўқимачилик корхоналарининг аксарияти узоқ муддатли ривожланиш стратегиясига эга эмас ёки фақат шунга ўхшаш стратегия билан бошқарилади. Бизнинг фикримизча, тўқимачилик корхоналарининг самарали узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқишга қўйидагилар тўқинлик қилади:

- 1) стратегик истиқболли йўналтирилган эгасининг йўқлиги;
- 2) кўп соҳаларда мулкнинг қайта тақсимланиши давом этмоқда, бу эса корхонани бошқарув тизимининг ўзгаришига олиб келади;
- 3) стратегиянинг қийматини мулк эгалари ва етакчи менежерлар томонидан инобатга олиш;
- 4) акциядорлар томонидан илгари қўйилган мақсадларни тез-тез ўзгартириш;
- 5) узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқиш учун малакали мутахассисларнинг етишмаслиги;
- 6) саноат бозорларида бир қатор йиллар давомида статистик маълумотларнинг етишмаслиги ва ошкор этилмаслиги;
- 7) стратегияларни ишлаб чиқиш услубининг такомиллашмаганлиги.
- 8) стратегик бошқарув технологияси ва усулларининг етарлича такомиллашмаганлиги.

Бу кўп жиҳатдан стратегик бошқарув воситалари ва дастаклари таркибида саноат корхоналарининг самарадорлигини таъминлаш воситаларининг йўқлиги билан боғлиқ. Шу муносабат билан умуман корхона самарадорлиги ва унинг яқка тартибдаги бизнес-жараёнларини оширишни ҳисобга олган ҳолда стратегик бошқарув сифатини ошириш масаласи бугунги кунда ўта долзарб қиёфа касб этади.

Шу боисдан, фикримизча, ҳозирги вақтда тўқимачилик корхоналарининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ва рақобатбардошлиги ошишини таъминлашга йўналтирилган истиқболда ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг асосланган ҳамда амалиётда қўлланилган замонавий дастакларини ўз ичига оладиган стратегик бошқарув комплекс тизими зарур.

Биз томондан ишлаб чиқилган тўқимачилик саноати корхоналарини стратегик бошқариш самарадорлигини ошириш концептуал модели ушбу корхоналарни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш восита ва дастакларини замонавийлаштириш зарурлигини назарда тутувчи стратегик устуворликлар тизимини ўз ичига олади.

Самарали бошқарув механизми компания раҳбарларидан муайян воситани қўллаш мақсадларини аниқлашни талаб қилади. Ушбу босқич жуда муҳимдир, чунки у муайян восита ёки уларнинг комбинацияси самарадорлигини баҳолаш учун ишлатилади. Маълумки, самарали бошқарув воситаларини қонун билан жорий этиб бўлмайди, уларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қарор компания раҳбарлари томонидан қабул қилинади, улар муайян воситани қўллашни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Биз тадқиқот жараёнида стратегик бошқарув воситаларининг мукамаллаштирилган таснифини таклиф қилдик.

Тўқимачилик корхонасида бошқарув дастакларини қўллаш мақсадлари миқдор ва сифат кўрсаткичларига бўлинади ва бу мақсадларнинг ҳар бири эришиш вақтига боғлиқдир. Шундан келиб чиқиб, стратегик мақсадларни амалга ошириш муҳим эканлигини, уни амалга ошириш кўпроқ вақтни талаб қилишини ҳамда натижалар ҳолисона баҳоланиши ва ушбу баҳолаш натижалари келгуси стратегик мақсадларга асос бўлиши заририятини инобатга олган ҳолда тадқиқот жараёнида келтирилган бошқарув дастакларидан тўқимачилик корхонаси учун энг самаралиси сифатида баланслаштирилган кўрсаткичлар тизими (BSC)ни танлаш таклифи

берилади. Шу билан бирга, бошқа бошқарув дастаклари ҳам ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини инобатга олган ҳолда улардан ҳам тўқимачилик корхоналарини стратегик бошқарув жараёнида қўллаш тавсия этилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда стратегик бошқарув корхоналар фаолиятини бозор иқтисодиёти шароитида бошқаришнинг энг самарали усулларида бири саналсада, стратегик бошқарувнинг мақсадга мувофиқлиги ва имкониятлари ҳам чеклангандир ва бошқарувнинг бу тури ҳар қандай вазифа ва амалий вазиятлар учун универсал эмас.

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект стратегик режалаштиришнинг яхши кичик тизимига эга бўлса ҳам, стратегик бошқарувга ўта олмайди, қайсики, танланган стратегияни амалга ошириш учун ҳеч қандай шарт-шароит ёки имконият йўқ бўлади. стратегик бошқарув тизимида стратегия ва тегишли бизнес дастурини ишлаб чиқиш ҳамда стратегик мақсадларга изчил эришиш учун зарур бўлган барча чора-тадбирларни амалга ошириш энг қийин жараён ҳисобланади. Амалга ошириш учун ташкилий воситалар билан қўллаб-қувватланмаган ҳар қандай мукамал стратегия ишламайди, Шунинг учун, биринчидан, ҳар томонлама пухта ўйланган илмийликка асосланган мукамал стратегия яратиш ва иккинчидан, уни етарли даражада амалга ошириш чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда таъминот масалаларини муваффақиятли ҳал этиш зарур.

Тез ўзгарувчан муҳитда муваффақиятга фақат ўз стратегиясини аниқ тақдим этадиган ва уни ишлаб чиқиш ва муваффақиятли амалга оширишни таъминлай оладиган корхоналар эришадилар. Ушбу жараёнда бошқарув технологияларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Тўқимачилик корхонасида бошқарув дастакларини қўллаш мақсадлари миқдор ва сифат кўрсаткичларига бўлинади ва бу мақсадларнинг ҳар бири эришиш вақтига боғлиқдир. Шундан келиб чиқиб, стратегик мақсадларни амалга ошириш муҳим эканлигини, уни амалга ошириш кўпроқ вақтни талаб қилишини ҳамда натижалар ҳолисона баҳоланиши ва ушбу баҳолаш натижалари келгуси стратегик мақсадларга асос бўлиши заририятини инобатга олган ҳолда тадқиқот жараёнида келтирилган бошқарув дастакларидан тўқимачилик корхонаси учун энг самаралиси сифатида баланслаштирилган кўрсаткичлар тизими (BSC)ни танлаш таклифи берилди. Ушбу бошқарув дастагини амалиётга қўллаш тўқимачилик корхоналарини стратегик бошқаришда нафақат мақсадларни шакллантириш, балки стратегияни амалга ошириш натижаларини баҳолаш имконини ҳам беради.

#### **Иқтибослар/сноски/references:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. <http://lex.uz>

2. Миддлтон Д. Библиотека избранных трудов о стратегии бизнеса: пятьдесят наиболее влиятельных идей всех времен [Текст]: [пер. с англ.] / Д. Миддлтон. – М.: Олимп – Бизнес, 2006. – 258 с.

3. Родионова В. Н. Стратегический менеджмент [Текст]: учеб. пособие / В. Н. Родионова. – 2-е изд., испр. и перераб. – М.: РИОР: ИНФРА, 2013. – 78 с.

4. Круглова Н.Ю. Стратегический менеджмент [Текст]: учеб. пособие / Н. Ю. Круглова, М. И. Круглов. – 2-е изд. перераб. и доп. – М.: Высшее образование, 2007. – 492 с.

5. Клейнер, Г.Б. Стратегия предприятия [Текст] / Г. Б. Клейнер. – М.: Дело, 2008. – 567 с.

Hoffer C.W. and Shendel D. Strategy Formulation: Analytical Concepts. St. Paul, MN: West Publishing Company, 1978.

6. Isayev R.A. Issues of developing textile clusters in Uzbekistan // International Journal of Research in Management & Business Studies (IJRMBS 2019). Vol. 6 Issue 3 July - Sept. 2019. – P.9-12.

7. Турсунов Б.О. Тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари. ИФФД (PhD) илмий дараж. олиш учун ёзилган автореферат. Тошкент: ТДИУ, 2019. – 24 б.

8. Тилляходжаев А.А. Тўқимачилик корхоналари рақобатбардошлигини оширишнинг маркетинг стратегиялари. ИФФД (PhD) илмий дараж. олиш учун ёзилган автореферат. Тошкент: ТДИУ, 2018. – 24 б.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СОМАТИК ХУҚУҚЛАРНИ ХУҚУҚИЙ ТАН ОЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ ВА МУАММОЛИ МАСАЛАЛАРИ

Пулатова Нодирахон Собиржоновна<sup>1</sup>

<sup>1</sup>юридик фанлар номзоди

Тошкент давлат юридик университети докторанти

**Аннотация:** Мақолада соматик ҳуқуқларни инсон ҳуқуқларининг янги авлоди сифатида ҳуқуқий тан олишнинг долзарб ва муаммоли масалалари, хусусан Ўзбекистонда ва дунёда соматик ҳуқуқларни назарий-ҳуқуқий асосини шакиллантириш, шунингдек уларни амалга ошириш муаммолари кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** соматик ҳуқуқ, инсон ҳуқуқлари авлодлари, фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларининг таснифи, эвтаназия, трансплантация, клонлаш, ген инженерияси.

**Аннотация:** В статье рассмотрены актуальные проблемы правового признания соматических прав как нового поколения прав человека, в частности, формирование в мире и в Республике Узбекистан теоретико-правовых основ соматических прав, а также проблемы их реализации.

**Ключевые слова:** соматическое право, поколения прав человека, классификация прав и свобод гражданина, эвтаназия, трансплантация, клонирование, генная инженерия.

**Abstract:** The article discusses the actual and problem issues of legal recognition of the new generation of human rights, namely the rights of the formation of somatic Institute historically, anchoring somatic rights in Uzbekistan and the world, also problems of their realization are considered.

**Key words:** somatic right, generations of human rights, classification of the rights and freedoms of the citizen, euthanasia, transplantation, cloning, gen engineering.

Давом этаётган глобаллашув жараёнлари, ҳуқуқнинг антропологизацияси инсон эркинлиги чегараларининг кенгайишига ва унга тегишли ҳуқуқлар ҳажмининг ошишига олиб келади. XX-асрнинг иккинчи ярми - XXI-асрнинг бошларида фан ва техника ютуқлари фонидан инсон танасини манипуляция қилиш муаммоларига қизиқиш кучайиб борди, бу эса янги ҳуқуқларнинг пайдо бўлишига ҳисса қўшди – инсоннинг шахсияти билан боғлиқ ёки соматик ҳуқуқлар, аслида инсоннинг ўз танасини ва ҳаётини бошқариш ҳуқуқи сифатида эътироф этила бошланди. Соматик ҳуқуқлар сифатида эътироф этилаётган ҳуқуқлар сифатида дунё ҳуқуқшунос олимларининг ва тиббиёт соҳаси вакилларининг қизгин тортишувиша сабабчи бўлаётган ҳуқуқ сифатида тартибга солиш предметига эга бўлмаган жойиз бўлса, назарий ҳуқуқлар сирасига: инсоннинг ўз ўлим шаклини танлаш; ташқи қиёфасини ўзгартириш ёки жинсини ўзгартириш ҳуқуқлари; ўз фарзандига ҳомиладор бўлиш усули ёки туғиш ва туғишга қодир ва тайёр одамни танлаш яъни сурагат оналик; генетик модификациялар шу жумладан клонлаш; бошқа одамнинг органлари, тўқималари, хужайраларини кўчириб ўтказиш яъни трансплантация ва муайян ҳуқуқий муносабатлар объекти - ўз танасини йўқ қилишнинг бошқа кўплаб вариантлари. Бундай ҳуқуқларни ҳуқуқий тан олиш ва амалга ошириш самарали тартибга солишни талаб қиладиган бошқа ҳуқуқий муносабатларга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Шу билан бирга ҳуқуқий бўшлиқни келтириб чиқариши мумкин.

Халқаро майдонда оммавий маданият сифатида урфга айланган ва айрим тараққий этган давлатлар ҳуқуқий тизимида юридик асосга эга бўлиб бораётган ҳуқуқлар сирасига бир хил жинсдаги шахслар ўртасидаги замонавий никоҳ, сунъий кўпайиш ва тиббий стерилизация орқали демографик жараёнларни бошқариш, генетик маълумотларни ўзгартириш, шу жумладан туғилмаган бола учун зарур фазилатларга буюртма бериш имконияти, эмбрионнинг ҳуқуқий ҳолати, кўплаб тиббий масалаларни терапевтик клонлаш, трансплантация ва бошқалар орқали ҳал қилиш ва бошқа шу каби ҳуқуқлар киради.

Илмий-техника тараққийнинг замонавий ютуқлари турмуш даражасининг яхшила-нишига олиб келади, аммо бошқа томондан улар жамиятнинг сифат жиҳатидан бошқача ҳола-тини келтириб чиқаради. Илмий тадқиқотлар жараёни ва натижаларининг оқибатларини кўп-инча олдиндан айтиб бўлмайди. Хусусан, генетик ўзгаришлар ёрдамида инсон нафақат ўзини, балки инсон зотини ҳам ўзгартириш имкониятига эга бўлади бу эса инсоният генафондига қандай таъсир қилиш мавҳумлигича қолади. Шу билан бирга, интернет технологияларининг ривожланиши инсон танаси ресурслари бозорини глобаллаштиришга имкон бериш эҳтимо-лини ҳам юзага келтиради.

Генетик тадқиқотларнинг ахлоқ нормалари ва инсон ҳуқуқларига боғлиқ жиҳатларини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган 1997 йилда ЮНЕСКО Бош конференцияси томонидан “Инсон геноми ва Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги умумжаҳон декларацияси” қабул қилинди. 1998 йилда Декларацияда БМТ Бош ассамблеяси томонидан маъқулланган. Декларациянинг 11-моддасида, инсоннинг кадр-қимматида зид бўлган амалиётлар, одамнинг репродуктив клонланишига инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқига мувофиқ йўл қўйилмайди. 2003 йилда ЮНЕ-СКО Бош конференцияси томонидан “Инсон генетик маълумотлари тўғрисидаги декларация” қабул қилинган бўлиб, у инсон геноми соҳасидаги илгари қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжат-ларни тўлдирди.

1997 йилдаги “Инсон ҳуқуқлари ва биотиббиде бўйича Европа конвенцияси” каби минта-кавий даражадаги бошқа шартномалар мавжуд бўлса-да, ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган икки декларация ҳозирги вақтда генетик тадқиқотларнинг инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ жиҳатларини ўзида мужассам этган ва мазкур муаммони ҳал қилишга қаратилган ягона хал-қаро ҳужжатлардир [1].

Ҳозирги кунда аксарият давлатларда шахсият билан боғлиқ инсон ҳуқуқлари аниқ ва мукамал тартибга солинмаган. Аммо Европа судларига келиб тушган мурожатларнинг сал-моғи, ушбу муносабатларнинг тартибга солиш зарурати мавжудлигини кўрсатади. Шу билан бирга олимлар, дин пешволари ва жамиятнинг бошқа аъзолари ушбу муносабатнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишига, умуман ҳуқуқ сифатида тан олинишига қарши муноса-батдалар. Инсон шахсияти билан боғлиқ ҳуқуқлар масаласида халқаро тажрибага мурожаат қиладиган бўлсак, Нидерландия, Швеция, Швейцария, Япония каби давлатларнинг миллий қонунчилигида инсон шахсияти билан боғлиқ соматик ҳуқуқларни тартибга солиш механизми шаклланиб улгурганини кўришимиз мумкин. Мисол тариқасида Швеция қонунчилигида 1972 йил 21 апрелда қабул қилинган “Айрим ҳолларда жинсни аниқлаштириш” тўғрисидаги қонун, Японияда 2000 йил 30 ноябрда қабул қилинган “Инсонни клонлаштириш усуллари ва шу каби технологияларни қўллашни тартибга солиш тўғрисида”ги қонун, Нидерландияда “Инсон ўз жонига қасд қилишида ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонуни ва бошқа шу каби қўплаб қонун-ларни санаб ўтишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг қонун нормаларида хусусан, 1996 йил 29 августдаги 265-І-сонли “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида” [2] ги қонуни ва 2019 йил 11-мартдаги ЎРҚ-528-сонли “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида” [3] ги қонунда шахсият билан боғлиқ соматик ҳуқуқларни тартибга солувчи нормалар мавжуд бўлса-да, ушбу соҳадаги ҳуқуқий мақомни сезиларли даражада ўзгартирмайди. Бунинг сабабларидан бири шундаки, шахсият билан боғлиқ соматик ҳуқуқлар ҳанузгача Ўзбекистон Республикаси қонунларида аниқ назарий ва ҳуқуқий баҳога эга эмас, шунингдек соматик ҳуқуқларнинг инсон ҳуқуқлари тизимидаги ўрни ва роли шунга мос равишда шакллантирил-маган. Шу жумладан, инсоннинг шахсияти билан боғлиқ соматик ҳуқуқларни амалга ошириш кафолати ҳам мавжуд эмас. Бу асосан ушбу ҳуқуқ институтини ҳуқуқий тартибга солиниш жараёнида қўплаб муаммоларнинг мавжудлиги билан изоҳланади.

Соматик ҳуқуқларнинг тушунишда ягона ёндашувларнинг йўқлиги ҳар бир жамиятнинг турли хил кадриятлари, жамоатчиликнинг ахлоқий баҳоси шу билан бирга шифокорлар ва илмий жамоаларнинг вакиллари орасида ушбу муносабатларни тартибга солувчи қоидалар, позициялар зарурлиги тўғрисида қарама-қарши қарашлар мавжудлиги соматик ҳуқуқлар наза-риясини тан олиш ва ривожлантиришдаги қийинчиликларга сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳам ҳозирги кунда инсон шахсияти билан боғлиқ ҳуқуқлар сирасига кирувчи сунний уруғлантириш, суррогат она, тана аъзоларининг трансплантацияси, пластик жарраҳлик йўли билан ташқи қиёфани ўзгартириш каби тушунчалар фуқароларимиз учун янгилик эмас. Аммо қонунчилигимизда инсон шахсияти билан боғлиқ соматик ҳуқуқлардан фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларни бевосита тартибга соладиган ҳуқуқий нормалар мавжуд эмаслиги билан бирга, Ўзбекистон шароитида соматик ҳуқуқларнинг айрим турлари яъни ўз соғлигига зарар етказадиган тарзда танага муносабатда бўлиш, шу жумладан ўз жонига қасд қилиш ҳуқуқи, пассив эвтаназия, наркотик ва никотин истеъмол қилиш қонун билан тақиқланади. Шунингдек ушбу ҳуқуқлар сирасига кирувчи айрим муносабатлар Ўзбекистон қонунчилигида жинойи жавобгарликни ҳам келтириб чиқаради (фоҳишабозлик, бесоқолбозлик). Фикримизча ушбу муносабатларни ҳуқуқий асосини шакллантиришда бизнинг миллий менталитетимиз ва урф-одатларимиз ҳамда диний қарашларимизни ҳам инобатга олиш лозим.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, инсон шахсияти билан боғлиқ соматик ҳуқуқларга баҳо беришда уларнинг турларини аниқлаштириш ва қайси бирлари инсонларга фойда келтиради-ю, қайсилари инсониятнинг олий қадриятларига маънавиятига, тафаккурига зиён етказишини белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Шахсият билан боғлиқ ҳуқуқларга қонунчилик доирасида бесоқолбозлик, жинсни ўзгартириш, фоҳишабозлик, ўзини ўзи ўлдириш (кўмак ёрдамида амалга ошириладиган), аборт қилдириш [4], жамоат жойида ўзини қандай тутиш ёки қандай кийимлар кийиш, шахсий алоқалар, никоҳ ажрашиш, генетик муҳандислик, репродуктив ҳуқуқлар, клонлаштириш ва боланинг ота-оналаридан мажбурий тартибда ажратиб қўйилиши каби соҳаларга давлатнинг аралашуви турли жамиятларда ҳар хил талқин қилинса-да, ахлоқ ва одобга тааллуқли асосий қадриятларга тегишлидир.

Соматик ҳуқуқлар сирасига кирувчи сунний уруғлантириш, суррогат она каби институтлар кўплаб фарзандсиз оилаларнинг муаммоларига ечим бўлмоқда ва жамиятга маълум даражада фойда келтирмоқда. Аммо, ҳозирги кунда ривожланган давлатлар қаторига кирувчи АҚШ, Германия каби мамлакатларнинг қонунчилигида руҳсат этилган бир жинсли жуфтликлар никоҳи каби соматик ҳуқуқларни инсон ҳуқуқлари сирасига киритиш бу нафақат ахлоқсизлик балки инсон генофондининг ҳалокати сари ҳукми ҳамдир. Барча динларда мавжуд бўлган ва инсонлар онгида қадрият сифатида мавжуд ота-она, оила каби ўзгармас тушунчаларга путур етказди.

Жамиятимизда ушбу қўштирноқ ичидаги оммавий маданиятнинг илдиз отмаслиги учун қонунчилигимизда ушбу муносабатларни тартибга солувчи нормаларни киритиш мақсадга мувофиқ.

**Калит сўзлар:** узликсиз маънавий тарбия, таянч компетенциялар, янги уйғониш даври, Учунчи Ренессанс.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ривожланишининг янги босқичида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ташаббускор, шижоатли қилиб тарбиялаш борасида алоҳида тизим яратилди.

Ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида, амалга оширилаётган чора-тадбирлар тахлили, ёш авлод билан боғлиқ долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишлар билан бир қаторда, соҳада ечимини кутаётган муаммоли масалалар ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон “Миллий тикланишдан- миллий юксалиш сари” тамойили асосида тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди. Янги давр шиддати таълим-тарбия тизимига ҳам ўзининг аниқ, қатъий талабларини қўймоқда. Бугунги кунда ёшлар таълимини ва тарбиясини уйғун ҳолда узлуксиз ташкил этиш асосида юксак ахлоқий фазилатларга эга, замонавий касб-ҳунар эгаси бўлган Ватанпарвар ёшларни тарбиялаш зарурлигини ҳаётнинг ўзи долзарб вазифа сифатида қуймоқда. Чунки ёшлар маънавий қиёфасидаги Ватанга садоқат, бурч ва маъсулият, ташаббускорлик, ижтимоий дахлдорлик фазилатлари ёшлар онгида назарий тушунчалар сифатида қолиб кетгани ҳолда унинг табиатида амалий одатларга айланмаяпти. Бунинг оқибатида ёшлар маънавий қиёфасида сўзлари билан амаллари орасида тафовут намоён бўлмоқда, бу эса ҳар йили мустақил ҳаёт йўлига кириб келаётган ёшларнинг ҳаётида ўз урнини топишларида бир қатор муаммоларни юзага келтирмоқда. Ушбу муаммонинг ечими сифатида “Узлуксиз тарбия Концепцияси”<sup>4</sup> да қуйдаги вазифалар белгиланган:

- маънавий-ахлоқий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторларини ишлаб чиқиш:

- тарбиянинг хомиладорлик давридан бошланиб вояга етгунга қадар давом этадиган, тадрижийлик ва узлуксизлик тамойилларига асосланган методикасини ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш:

- бола тарбиясида миллий ва замонавий педагогиканинг илғор ютуқларидан самарали фойдаланиш:

- тарбияланувчилар билан бирга тарбиячиларнинг ҳам билими ва малакасини мунтазам ошириб бориш:

• маънавий тарбияни шакллантиришда оила, маҳалла, таълим муассасалари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ижтимоий тузилмалар ўртасида самарали ҳамкорлик механизмини йўлга қўйиш:

• маънавий тарбиянинг тадрижий ривожланиш ва узлуксизлик тамойилларига асосланиши каби вазифалар қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан таълим ислохатлари орқали Ўзбекистонда янги “Уйғониш даври, яъни Учунчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга мақсад қилиб белгиладик”<sup>2</sup>, деган узоқни кўзлаб айтилган фикрлари таълим ва тарбиянинг узвийлиги, узлуксизлиги ва аниқ мақсадга қаратилганлиги яна бир бор исботлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2020 йил 30-сентябрь куни “Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимидаги нутқи” да, “Биз Учунчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қуйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз”<sup>2</sup>, деган фикри орқали бугунги кунда миллий ғоя ва мафкуранинг узлуксиз таълим жараёнида ёшлар онги ва қалбига сингдириш орқали уларда замон талабларидан келиб чиқиб таянч вазифаларни кафолатли шакллантиришнинг имкониятлари сифатида қуйдагиларни кўрсатиб утишни жоиз деб топдик:

- ўз тақдирини онгли равишда ўзи белгилай олиши, ўз ҳуқуқларини химоя қила олиши, жамоатчилик ишларида фаол иштирок эта олиши;

- Ватани, ҳалқи, оиласи тақдири учун дахлдорлик, маъсулият хиссини сингдириб бориш;

- таълим тизимининг барча буғинларида ёшлар онгига соғлом турмуш-тарзи кўникма ва малакаларни изчил, тизимли сингдириб борилаётганлиги;

- ёшлар хулқ-атворидаги сезилмас ижобий сифатга таяниб, ундаги салбий хусусиятларни йўқотишга эришиб борилаётганлиги ва бу орқали ёшлар хулқ-атворида юксак маънавий-ахлоқий сифатларни шаклланишига эришилаётганлиги;

- таълим мазмуни орқали ёшларни ғоявий-сиёсий жихатдан чиниқтирилгани, педагогик-психологик саводхонлик даражасининг орگانлиги натижасида мафкуравий иммунитетнинг шаклланишига эриша олинаётганлиги;

- ёшлар онгига соғлом диний-маърифатни сингдириш орқали диний экстремизм ва терроризмга қарши иммунитетни шакллантирилаётганлиги;

- ёшларни Ўзбекистоннинг энг янги тарихи билан таништириш орқали уларда Ўзбекистонни дунёга танитиш, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғлашга замин тайёрланганлиги;

- ёшларни фикрини тоза сақлаш, тарихий ҳақиқатни ўрганиб, уни қалбдан хис қилиш орқали бугунги куннинг қадрига етиш, ҳақиқий бахт, шукроналик бахтини хис қилиб яшашга йўналтириб борилаётганлиги хисобланади.

Албатта юқорида зикр этилган имкониятлар ёшларда таянч маънавий-ахлоқий компетенцияларини шакллантиришга асос бўлиши билан бирга, ушбу жараёнда таълим муассасаларининг педагоглари зиммасига ёшлар учун тимсол даражасидаги чин устоз, мураббий бўлиш маъсулиятини юклайди. Зеро, мамлакатимиз раҳбари ўз нутқларида “Биз мактабгача таълим ва мактаб таълим, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги уйғониш даврининг тўрт таянч устуни деб хисоблаймиз”<sup>2</sup> дейишлари бежиз эмас албатта.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки бугунги кунда Ўзбекистон ёшларини ҳам маърифий билимини ошириш, ҳам маънавиятини шакллантириш орқали жамиятнинг энг фаол қатламига айланиб бориши, ўз иқтидори ва салохиятини руёбга чиқариш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилганлигини кўришимиз мумкин.

ИҚТИСОДИЁТ ВА БИЗНЕСДА  
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ  
МУАММОЛАРИ ВА АСОСИЙ  
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

# ОЛИЙ ТАЪЛИМДА РАҚАМЛИ МАРКЕТИНГНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**И.ф.д., проф. Адилова Зулфия Джавдатовна<sup>1</sup>**

*<sup>1</sup>ТДИУ ҳузуридаги Ўзбекистон  
иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва  
муаммолари ИТМнинг Фан ва таълим интеграцияси”  
секторининг мудури,*

**Гулмуродов Камолiddин Абдуқодир ўғли<sup>2</sup>**

*<sup>2</sup>ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини  
ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари”  
ИТМнинг “Фан ва таълим интеграцияси”  
секторининг кичик илмий ҳодими*

**Аннотация:** Ушбу мақолада ОТМларда замонавий ахборот-коммуникация, интернет ҳамда рақамли технологиялар соҳасидаги билимларни чуқур эгаллаш, замонавий тизим ва дастурларни мунтазам илм-фан ва таълим тизимига жорий этиб бориш ҳамда жамиятимизнинг барча қатламларида инновацион технологияларни қўллаш борасидаги муаммолар ўрганилиб, бу муаммоларни ҳал этиш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** интернет, сунъий интеллект, роботлаштириш, нанотехнологиялар, биотехнология, “булут”ли ҳисоблаш, “Буюмлар интернетини”, “рақамли келажак” ғояси.

**Кириш.** Ҳозирги кунга келиб янги давр Веб 3.0 технологияларининг вужудга келиши ва “Саноат 4.0” (Industry 4.0) 4-саноат инқилоби янги рақамли технологияларни вужудга келтирди. Турли хил мобил иловаларнинг ишлаб чиқилиши, буюмлар Интернетининг (интернет орқали бошқарилувчи турли жиҳозлар) пайдо бўлаётгани, 3D принтерлар, роботлар, катта ҳажмдаги ахборотни сақлаш ва қайта ишлаш имкониятлари таълим тизимига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Сунъий интеллект, роботлаштириш, нанотехнологиялар, биотехнологиялар ва бошқа кўплаб нарсалар кундалик ҳаётнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Ҳозирги кунда кўпгина университетлар рақамли таълим стратегияларини ишлаб чиқишда “Улкан маълумотлар” (Big Data), “булут”ли ҳисоблаш (cloud computing), “Буюмлар интернетини” (Internet of Things) технологияларини татбиқ этишни тезлаштириш ва “ақлли таълим”ни (smart education) ташкил этишга эътиборларини қаратишмоқда.


Тараққий этган давлатлар қаторига қўшилишимиз учун аввало илғор замонавий ахборот-коммуникация, интернет ҳамда рақамли технологиялар соҳасидаги билимларни чуқур эгаллаш орқали юксалиш таъминлайди. Бунинг учун “рақамли келажак” ғоясини илгари суриш доирасида замонавий тизим ва дастурларни мунтазам илм-фан ва таълим тизимига жорий этиб бориш ҳамда жамиятимизнинг барча қатламларида инновацион технологияларни қўллаш борасидаги саводхонликни узлуксиз равишда ошириб бориш зарурдир.

**Тадқиқот методологияси.** Ҳозирги ҳолатни ижобий йўналишга солиш ва ушбу вазиятни бир имконият сифатида қабул қилиши керак. Боиси, таълим экспертларининг хулосаларига қараганда коронавирус пандемиясидан сўнг таълимнинг ривожланиш йўналишлари қайта кўриб чиқилади, таълимнинг янги даври – рақамли таълим даври бошланиши аксарият мутахассислар томонидан таъкидланмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев, “2020 йил учун энг муҳим устивор вазифалар” ҳақидаги Олий Мажлисга мурожаатномасида “Мамлакатимизда илм-фанни янада рақамли топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият




эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодий шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш, рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт” деб таъкидлаб ўтганлар [1]. Мамлакатда рақамли хизматлар бозорини ривожлантириш, аҳолини сифатли рақамли хизматлар билан қамраб олиш, истеъмолчиларнинг иқтисодий манфаатларини қўллаб қўватлаш, иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги даврида хизматлар бозорида рақамли фаолиятни ташкил қилиш зарурлигини келтириб чиқармоқда. Бунинг боиси, ахборот жамиятларининг ривожланиб бориши, ақлли иқтисодиёт (**smart economy**) ва глобаллашув жараёнларининг кучайиши, жаҳон мамлакатлари тўртинчи саноат («**Индустрия 4.0**») - «ашёларнинг интернет» (Internet of things) инқилоби даврига, чуқур ва жўшқин технологиявий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар даврига ўтиб бораётганликлари, бунинг оқибатида интернет ва симсиз алоқа технологияларининг роли ортиб бориши оқибатида «исталган вақтда коммуникация»га эга бўлиб бораётганлигимиз, таълим хизматларида янги қоидаларни белгилаб бермоқда.



1-расм. Глобал таълим харажатлари (2000-2030, трлн. АҚШ доллар)

Шу боис, ОТМларда таълим сифатини ошириш, тизимни рақамли маркетинг стратегиялари асосида соҳани ривожлантириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Мамлакатда таълим хизматлари ва маҳсулотлари бозорининг пайдо бўлиши таълим хизматларини кўрсатувчи ва ўқув маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи субъектлар учун мутлақо янги вазифани қўйди: таълимни бошқаришнинг янги, илмий асосланган услуби зарур. Ушбу усул биз рақамли маркетинг маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва маркетингни, таълим хизматларини кўрсатишни интеграциялашган ҳолда бошқариш деб биламиз [2].

**Тадқиқот натижалари.** Статистик маълумотларга кўра кўра 2000 йилда глобал таълим харажатлари 2.8 трлн. АҚШ долларни ташкил этган ва 2030 йилга келиб 10 трлн. АҚШ долларидан ошиши прогноз қилинмоқда (10-расм).



расм. Глобал таълим технологияси харажатлари  
(млрд. АҚШ доллар)

2-

Статистик маълумотларга кўра 2018 йилда глобал таълим технология харажатлари 2.6% билан 152 млрд. АҚШ долларни ташкил этган бўлса, 2030 йилга келиб 4.4% билан 342 млрд. АҚШ долларидадан ошиши прогноз қилинмоқда (11-расм) [3]. Расмдаги статистикада келтирилган маълумотга кўра 2016 йилда глобал электрон таълим бозори 165,36 млрд. АҚШ долларни ташкил этган ва 2022 йилга келиб 243 млрд. АҚШ долларидадан ошиши прогноз қилинмоқда [4].

Бошқа статистик маълумотларга кўра глобал рақамли синф бозорининг (**global digital classroom market**) қиймати 2018 йилга келиб 75,9 млрд АҚШ долларида баҳоланди [5]. Прогнозларга кўра глобал рақамли синф бозорининг қиймати 2024 йилга келиб тахминан 135,2 млрд АҚШ долларида яқинлашиши тахмин қилинмоқда [6]. Глобал электрон таълим бозори 2015 йилда 107 млрд долларни ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб рақамли таълим бозорининг қиймати 325 млрд АҚШ долларга ўсиши прогноз қилинмоқда. 2017 йилда АҚШ корпорацияларининг ишчилари малакасини оширишда тахминан 77 фоизи онлайн таълимдан фойдаланган, 2020 йилга келиб 98 фоизга ошиши кутилмоқда [7]. Бугунги кунга келиб мобил технологиялар дунё бўйлаб одамлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда, 2019 йил маълумотларга кўра дунёда мобил қурилмаларга эгалик қилувчилар сони 5 млрдни ташкил қилган ва 2023 йилга бориб 7,33 млрдга кўпаяр экан. Ўртача ҳисобда бир киши кунига 2 соат 51 минутни ўз мобил қурилмаларида ўтказар экан [8]. Смартфонлар одамларга йўл-йўлакай ўрганишлари учун имкониятлар яратиб бермоқда. Деярли 70% ташкилотлар электрон порталларни мобил порталлар ва иловалар орқали таклиф қилишади [9].

Хозирги кунга келиб кўпгина таълим муассасалари мобил таълимни таклиф қилганлиги сабабли, кўпчилик одамлар ушбу таклифни қабул қилишмоқда. Мобил электрон таълимдан олинган даромадлар 2020 йил охирига келиб 38 млрд. АҚШ доллардан ошиши кутилмоқда [10].

Ривожланган мамлакатлар рақамли платформа ва янги технологиялардан ўзларининг таълим жараёнида фойдаланиш даражаси юқори. Хозирги кунда таълимда технологиялардан энг кўп фойдаланадиган мамлакатларга АҚШ, Хитой, Хиндистон, Индонезия ва Жанубий Корея мисол бўла олади. Рақамли таълим фаолияти АҚШ ва Европада кенг тарқалган. АҚШ ва Европа биргаликда рақамли таълим глобал бозорининг 70 фоизини қамраб олади. Осиё-Тинч океани минтақасида рақамли таълим бозори энг тез ривожланаётган соҳалардан бири бўлиб қолмоқда. Осиё-Тинч океани электрон таълим бозоридан тушадиган даромад ҳар йили 20 фоизга ўсиши кутилмоқда [11]. Сўров натижаларига кўра америкалик ўқитувчиларнинг 65 фоизи ўз талабалари учун очиқ таълим ресурсларини қўллаб-қувватлаётганлигини айтишган [12]. Коллеждаги 10 талабадан 4 нафари электрон дарслар ёрдамида топшириқларни бажариш жуда фойдали эканлигини айган. Уй вазифаларини бажаришда ёрдам беришдан ташқари, электрон

таълим талабаларга тартибли бўлишга ёрдам берган. Коллеж ўқувчиларининг 10 дан 3 нафари электрон таълим уларнинг дарс жадвалини кузатиш учун жуда фойдали эканлигини айтишган. Коллеждаги 10 талабанинг 8 дан кўпроғи электрон ўқув ресурслари уларга ўз билимларини оширишга ёрдам берганини таъкидлаган [13]. Бугунги кунда жаҳон таълим тизимида жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Жумладан, рақамли платформа ва янги технологиялар таълим жараёнини тубдан ўзгартириб юборди, аксарият давлатларнинг интернет тармоғига уланганлиги инновацион технологияларига асосланган масофадан ўқитиш тизимини вужудга келиши ва ривожланишига олиб келди. Бугун савдо-сотик қилиш учун кўчага чиқиш шарт эмас: биргина мобил илова орқали истаган нарсангизга буюртма беришингиз мумкин. Бошқарув, хужжатлар алмашинуви ҳам виртуаллашмоқда, масофадан туриб турли хизматларни кўрсатиш оммалашмоқда. Бу ўсиш ва ривожланиш таълим соҳасини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Бугун бутун дунёда миллионлаб кишилар қарийб барча соҳалар: ҳуқуқ, муҳандислик, дастурлаш, тил ўрганиш ва бошқа йўналишларда масофадан таълим олмоқда. Онлайн таълим бепуллиги, ҳаммабоплиги ва қулайлиги билан тобора кенг ёйилмоқда. Ҳаммани бир жойда йиғиб ёки ҳарбийлаштирилган, яъни синф хоналарда барча талабаларга бир вақтнинг ўзида бир хил билим берадиган услуб қайтариб бўлмас даражада эскириб қолди. Бунинг боиси ҳар қандай одам ҳар қандай жойда ва исталган вақтда рақамли дунё майдонида ҳар қандай маълумотни олиши мумкин. Баъзи экспертлар яқин келажакда қимматбаҳо университет бинолари ва ҳатто дипломлар ўз аҳамиятини йўқотиши ҳақида фикр билдиришмоқда, чунки талаба ҳар қандай жойда ва ҳар қандай вақтда таълим олиш имкониятига эга бўлади деган фикрни билдиришмоқда. Сўнгги бир неча йил ичида онлайн курслар тезлик билан ривожланиб келмоқда. 2018 йилда онлайн курслар саноатининг умумий даромади 46 млрд. АҚШ доллар ташкил этди [14]. Статистик маълумотларга кўра жаҳон таълим тизимида қатнаб ўқувчи талабаларнинг сони 1990 йилларда 50 млнни ташкил қилган, 2000 йиллардан бошлаб масофадан туриб ўқиш (**distance education**)га бўлган талаб ортиб борган 2001 йилда қатнаб ўқувчи талабаларнинг сони 90 млн, масофадан туриб ўқувчи талабаларнинг сони эса 60 млнни ташкил қилган бўлса 2010 йилларга келиб қатнаб ўқувчи талабаларнинг сони 150 млн, масофадан туриб ўқувчи талабаларнинг сони 200 млн ва 2025 йилга бориб эса масофадан туриб ўқувчи талабаларнинг сони 650 млнга етиш эҳтимоли бор [15].

**Хулоса ва таклифлар.** Таълим муассасаларининг очиқ таълим ресурсларидан фойдаланган ҳолда масофадан ўқитиш таълим олувчилар учун чексиз имкониятларни яратиб бермоқда, дунёнинг ҳар бир жойида ҳар бир талаба учун қулайлик ва сифатли таълимни таъминламоқда, чунки бу курслар салоҳиятли хорижий ўқитувчилар томонидан ташкил қилинади. Ушбу замонавий рақамли технологиялар миллий таълимни глобал таълим муҳитига интеграциялашга ва замонавий ташкилотлар учун янги касб эгаларини шакллантиришга имкон беради.

#### **Иқтибослар/сноски/references:**

1. <https://president.uz/lists/view/3315>
2. <https://www.holoniq.com/wp-content/uploads/2019/02/HolonIQ-2019-Global-Outlook-Deck.pdf>
3. <https://medium.com/@patrickbrothers/ten-charts-that-explain-the-global-education-technology-market-6809fa68484c>
4. <https://www.statista.com/statistics/501104/worldwide-elearning-market-size/>
5. Рақамли синф деганда – ўқув машғулоти тўлиқ интернетга уланганлиги ва ўқувчиларнинг ўқитиш жараёнини осонлаштирадиган технологияга асосланган синф хонаси тушунилади. Рақамли синф шахсий компьютерлар, проекторлар, интерактив доскалар (interactive white boards), талабалар учун ахборот тизимлари (student information systems), талабалар учун бошқарув дастурлари (student administrative software) ва таълим жараёни бошқариш тизимлари (learning content management systems) каби бир неча аппарат ва дастурий компонентларни ўз ичига олади
6. <https://www.imarcgroup.com/digital-classroom-market>
7. <https://techjury.net/stats-about/elearning/#gref>
8. <https://leftronic.com/smartphone-usage-statistics/>
9. Keegan, Lewis, and Jameson Murphy. “79 Staggering Online Learning Statistics.” SkillScouter, 4 Oct. 2019, [skillscouter.com/online-learning-statistics/](http://skillscouter.com/online-learning-statistics/).

10. Andre, Louie. "72 Essential LMS ELearning Statistics 2020 Market Share Data Analysis." Finances Online, 27 Mar. 2020, financesonline.com/25-essential-learning-management-system-e-learning-statistics-analysis-of-trends-data-and-market-share/.
11. Keegan, Lewis, and Jameson Murphy. "79 Staggering Online Learning Statistics." SkillScouter, 4 Oct. 2019, skillscouter.com/online-learning-statistics/.
12. Pappas, Christopher. "Top 20 ELearning Statistics For 2019." ELearning Industry, 17 Oct. 2019, elearningindustry.com/top-elearning-statistics-2019.
13. Duffin, Erin. "Topic: E-Learning and Digital Education." Wwww.statista.com, 6 Feb. 2020, www.statista.com/topics/3115/e-learning-and-digital-education/.
14. McCue, TJ. "E Learning Climbing To \$325 Billion By 2025 UF Canvas Absorb Schoology Moodle." Forbes, Forbes Magazine, 14 May 2019, www.forbes.com/sites/tjmccue/2018/07/31/e-learning-climbing-to-325-billion-by-2025-uf-canvas-absorb-schoology-moodle/#26126b53b395.
15. [https://www.researchgate.net/figure/Comparative-analysis-of-the-number-of-students-enrolled-in-traditional-and-Internet\\_fig3\\_317282523](https://www.researchgate.net/figure/Comparative-analysis-of-the-number-of-students-enrolled-in-traditional-and-Internet_fig3_317282523)

# ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИДА МАРКЕТИНГ ХИЗМАТИ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Акбаров Музаффаржон Мирмухсинович<sup>1</sup>**

*<sup>1</sup>Тошкент тўқимачилик ва енгил  
саноат институти мустақил изланувчиси*

**Махмудов Носир махмудович<sup>2</sup>**

*<sup>1</sup>Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, и.ф.д.*

**Аннотация.** Ушбу мақолада тўқимачилик корхоналари инновацион ривожланишида маркетинг хизмати ташкилий тузилмаси варианты танлаш экспертлар баҳоси усулини қўллаш асосида асослаш масаласи ўрганилган.

**Калит сўзлар.** Маркетинг, бошқариш, маркетинг хизмати, вариант, бошқаришнинг ташкилий тузилмаси, экспертлар баҳоси.

**Тадқиқот мавзусидаги мавжуд муаммолар.** Ҳозирги вақтда республикаимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашда муҳим тармоқлардан бири саналган – тўқимачилик саноати тараққиётига жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу билан биргаликда, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар сиёсатини амалга ошириш орқали тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш масаласи долзарблигича қолмоқда. Шунинг учун пахта толасига чуқур ишлов бериш натижасида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳукуматимиз жиддий эътиборини қаратмоқда. Шу сабабли 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш, ...» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган [1]. Ушбу муҳим вазифаларни муваффақиятли бажариш учун Корхоналарда маркетинг хизмати самарали фаолият юритиши учун, аввало, бозор ўзгаришларига мосланувчан таркибий тузилмани шакллантириш лозим бўлади.

Республикаимиз олимларидан Шарифхўжаев М. ва Абдуллаев Ё.лар томонидан менежмент таълимотининг умумий масалаларини ўрганиш доирасида бошқариш ташкилий

тузилмасининг асосий тип сифатида чизикли ва вазифавий турлари кўрсатиб ўтилган бўлиб, улар бирикиши асосида турли хил чизикли-вазифавий тузилмалар таркиб топади [2].

Ковалев А.И. томонидан саноат корхоналарнинг маркетинг фаолиятини бошқариш мақсадлари мажмуи ўрганилган [3]. Котлер Ф. маркетинг бошқарувини "корхона мақсадларига эришиш учун мақсадли мижоз билан фойдали муносабатларни яратиш, сақлаш ва кэнгайтиришга қаратилган дастурларни таҳлил қилиш, режалаштириш, амалга ошириш ва назорат қилиш", - деб эътироф этади [4].

Данко Т.П. "маркетингни бошқариш" тушунчасини маълум технология ёрдамида ва мақсадларга эришиш усуллари тизимидан фойдаланган ҳолда бошқарув объектининг (корхонанинг муайян эгасининг фаолияти) бошқарув объектига таъсирини ўз ичига олган мақсадли ҳаракат сифатида белгилайди [5].

Маркетинг фаолиятини бошқариш тузилмаси - бошқарув объектлари ва субъектлари ўртасидаги бошқарув муносабатларининг бўйсунуши, улар изчил бўйсунушда жойлашган ва муайян ҳуқуқларга эга бўлган бўлинмаларнинг таркиби ва ахборот муносабатларини тавсифлайди. Маркетинг хизматларининг намунавий тузилмалари (чизикли, дивизионал ва матрица) Ф. Котлер томонидан батафсил баён этилган [6]. Бугунги рақобат муҳитида корхоналар кучли рақобатга бардош бера оладиган тузилмалар учун янги вариантларни излайдилар.

А.Тиллаходжаев томонидан тўқимачилик корхоналари рақобатбардошлигини ошириш масаласини ўрганиш жараёнида тўқимачилик корхоналарида маркетинг бошқаруви ҳолати ўрганилган [7].

Бу соҳадаги саволлар кўпинча иқтисодиётда турлича талқин қилинади. Буни маҳаллий ва хорижий олимлар ҳамда мутахассислар ўртасида маркетинг тизимини яратиш ва фаолият юритишнинг ягона услубияти йўқлиги исботлайди. Шунинг учун ҳар бир корхона ўз маркетинг хизматини шундай яратадики, у маркетинг мақсадларига эришиш йўлида ўз ҳиссасини қўшади. Тўқимачилик корхоналарининг инновацион ривожланишида самарали маркетинг хизматини ташкил этиш ҳамда уни бошқаришда маркетинг хизмати самарадорлигини баҳолаш, вариантлар ичидан самаралисини танлаш, маркетинг бошқаруви самарадорлигини ошириш соҳаларида бир қанча муаммолар мавжуд бўлиб, уларни ҳал этишга ушбу тадқиқот иши йўналтирилган.

**Муаммони ҳал қилиш усуллари.** Илмий-тадқиқот мавзуга оид хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар изланиш натижаларига таянилди ва статистик, танлаб кузатиш, таққослаш, экспертлар баҳоси каби усуллардан фойдаланилди.

Маркетинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўрганилаётган тўқимачилик-трикотаж саноати корхоналарининг стратегик мақсадларини муваффақиятли амалга оширишда бошқаришнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш ва шу орқали корхоналарнинг ташкилий-ишлаб чиқариш таркибини яхшилаш мумкин бўлади.

Шунинг учун тўқимачилик корхоналари ташкилий-ишлаб чиқариш таркибини ўрганишни лозим топдик. Ўрганиш объекти «WILLING TEXTILE» масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) саналади.

«WILLING TEXTILE» МЧЖ асосан кийим-кечак маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Масъулияти чекланган жамият бошқарувчиси бошқарув раиси саналади, унинг иккита ўринбосари мавжуд: ишлаб чиқариш фаолияти бўйича ва маркетинг ҳамда тижорат фаолияти бўйича.

Ўрганилаётган «WILLING TEXTILE» МЧЖнинг ташкилий-бошқарув тизимини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ушбу масъулияти чекланган жамиятда, умуман бошқа "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси таркибида фаолият олиб бораётган корхоналарда бошқарув тизими "чизикли-вазифавий" бошқарув типига мос келади. Тикувчилик корхонасида маркетинг хизматини самарали ташкил этилишида унинг мақомига етарлича эътибор қаратилмаган. Маркетинг хизмати фақат бўйсунувчи тартибдаги вазифаларни баажаради, холос. Ишлаб чиқаришни бу шаклда ташкил этиш ва бошқаришни

тез ўзгарувчан бозор конъюнктурасига тезкорлик билан жавоб беришга, уни тўғри баҳолаш орқали самарали бошқарув қарори қабул қилишга қодир эмаслиги кўриниб турибди.

Ўрганилаётган «WILLING TEXTILE» МЧЖда маркетинг хизмати бошқаруви “вазифавий-товар” шаклида олиб борилади.

Вазифавий ташкил этиш маркетинг ҳар хил соҳаларидаги мутахассисларнинг маркетинг хизмати бошлиғига бўйсуниб тартибда амалга оширилади. Маркетинг бўлими бошлиғи МЧЖ бошқаруви раисининг маркетинг ва тижорат фаолияти бқаруви раисининг маркетинг ва тижорат фаолияти бўйича ўринбосарига бўйсунди. Ушбу тикувчилик корхонасидаги мавжуд маркетинг хизматининг “вазифавий-товар” шаклида тез ўзгарувчан бозор шароитига мос кийим-кечак маҳсулотлари ишлаб чиқаришига етарлича имконият бермайди.

Шунинг учун ушбу тадқиқот жараёнида “WILLING TEXTILE” МЧЖ «WILLING TEXTILE” МЧЖ, умуман қўллаб тўқимачилик корхоналари учун ўзгарувчан бозор иқтисодиётида кучли рақобат шароитида маркетинг натижадорлигини бошқариш самарадорлигини оширишни таъминлайдиган муқобил маркетинг хизматини ташкил этишнинг таркибий тузилмасини шакллантириш масаласи экспертлар баҳоси усулини қўллаб ҳал этилди.

Экспертлар сифатида “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг 9 та етакчи мутахассислари танлаб олинди. Ушбу экспертлардан қуйидаги бошқарув тузилмаси шакллари баҳо бериш сўралади:

1. Мавжуд маркетинг хизматининг “вазифавий-товар” шакли;
2. Бозор ўзгаришларига мосланувчан “товар-бозор” шакли;
3. Маркетинг хизматининг “чизиқли-штаб” шакли.

Экспертлар томонидан танланган маркетинг вазифаларининг 8 та кўрсаткичлари ҳар бири муҳимлиги даражаси бўйича 10-балли тизимда баҳоланди. Шундан сўнг, ҳар бир маркетинг вазифасини бажарилиши юзасидан учта маркетинг хизмати шакли 5-балли тизимда баҳоланди. Экспертлардан олинган маълумотларни қайта ишлаш асосида ушбу тўқимачилик корхонаси учун маркетинг натижадорлигини бошқариш самарадорлигини таъминлайдиган “товар-бозор” шакли таклиф этилди.

Тикувчилик корхоналарида мавжуд маркетинг хизматини ташкил этишнинг “вазифавий-товар” шаклидан “товар-бозор” шаклига ўтилиши бозор конъюнктурасини атрофлича татқиқ этиш, истеъмолчилар хатти-ҳаракатидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда маркетинг фаолияти натижадорлигини бошқариш самарадорлигини оширишга йўналтирилган тарзда истеъмолчилар талабини тўлароқ қондиришни таъминлайдиган кенг ассортиментдаги юқори сифатли тикув буюмлари ишлаб чиқаришга имконият беради.

Бошқаришнинг муҳим вазифаси ташқаридан ресурс жалб этиш ва ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этган ҳолда бозорга маҳсулот чиқариш жараёнларини ўзаро мувофиқлаштиришдир. Шунини айтиш лозимки, агар корхонада ушбу мувозанат бузилса, у ҳолда ушбу корхона фаолиятини талаб даражасида юригиза олмайди. Ҳозирги замон бозори ушбу мувозанатни мустаҳкамлашда бозорга маҳсулот чиқариш жараёнининг аҳамиятини анча оширди. Бу, энг аввало, бозор шароитида талабнинг белгиловчи рол ўйнаши, “истеъмолчи – ҳамиша ҳақ” деган шиорнинг амал қилиши билан боғлиқ. Айнан шу талабни муваффақиятли ҳал этишда маркетинг хизматини ташкил этишнинг “товар-бозор” шаклини қўллаш юқори самара беради. Бунда маҳсулот ишлаб чиқариш истеъмолчи талаби тазйиқи остида, яъни маҳсулот ассортименти ва ишлаб чиқариш ҳажмидаги ўзгаришларга доир амалга оширилади ва натижалар эса, ўз навбатида, корхона маркетинг фаолияти натижадорлигининг ошишини таъминлайди. Маркетинг хизмати бўлимлари олдида қўйилган вазифа ва уларнинг бажарилишидаги тегишли вазифалар кўламини баҳолаш мақсадида тадқиқот жараёнида ушбу тикувчилик корхонаси маркетинг хизмати учун “вазифа-мақсад” матричасини тузилди.

**Хулоса ва таклифлар.** Олиб борилган тадқиқот натижалари асосида тўқимачилик корхоналарида маркетинг бошқаруви таркибий тузилмаси самарадорлигини ошириш учун қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим:

- тўқимачилик корхонасида бошқарувнинг таркибий тузилмасини бозор ўзгаришларига мосланувчан тарзда шакллантирилиши лозим;
- тўқимачилик корхонаси бошқарув таркибий тузилмасида маркетинг хизмати мақомини ошириш;
- маркетинг хизматини ташкил этишнинг “вазифавий-товар” шаклидан “товар-бозор” шаклига ўтилишини таъминлаш;
- тўқимачилик корхоналарида маркетинг натижадорлигини бошқаришни замонавий бошқарув дастак ҳамда усулларини қўллаш асосида ташкил этиш.

#### **Иқтибослар/сноски/references:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Lex.uz.
2. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент : Дарслик. – Т.: Шарқ, 2002. – 704б.
3. Ковалев А.И. Промышленный маркетинг. М.: «Благовест-В», 2002. - Ч. 2. - 312 с.
4. Котлер Ф. Маркетинг от А до Я: 80 концепций, которые должен знать каждый менеджер. М.: Альпина Паблишер, 2010. - 211 с.
5. Данько Т.П. Управление маркетингом / Т.П. Данько. - М.: ИНФРА. - М, 2015. - 352 с
6. Котлер Ф.М. 300 ключевых вопросов маркетинга. М: Олимп-Бизнес, 2006. - 224 с.
7. Тилляходжаев А.А. Тўқимачилик корхоналари рақобатбардошлигини оширишнинг маркетинг стратегиялари. Иқт. Фанлари бўйича ф.ф.д (PhD) илм. Дараж. олиш учун ёзилган дис. автореферати. – Т.ТДИУ, 2018. – 24б.

## **АВТОМОБИЛ ЁРДАМИДА ХАЛҚАРО ЮК ТАШИШ ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА ДАЪВО МУДДАТИ ҲИСОБЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ҲОС ҲУСУСИЯТЛАРИ**

**Исмаилова Раъно Шухрат қизи<sup>1</sup>**

*<sup>1</sup>Ҳуқуқ магистри, ЖИДУ докторанти*

**Аннотация:** Мазкур мақола автомобил орқали юк ташиш шартномаси бўйича даъво муддатининг ҳисобланишига оид Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг таҳлили тақдим этилган, шунингдек ушбу норманинг ҳуқуқий тартибга солиниши билан боғлиқ айрим муаммоли масалалар ёритилган. Шунингдек, “Юкларни халқаро йўлларда ташиш шартномаси тўғрисида”ги Конвенция шартлари билан қиёсий таҳлили ўтказилган.

**Аннотация:** В статье представлен анализ законодательства Республики Узбекистан в области исчисления сроков исковой давности по договору международной перевозки грузов автомобильным транспортом, а также проведен сравнительный анализ данной нормы с условиями Конвенции «О международной дорожной перевозки грузов».

**Annotation:** This article presents an analysis of the legislation of the Republic of Uzbekistan in the field of calculating the limitation period under an agreement for the international transportation of goods by road, as well as a comparative analysis of this norm with the terms of the Convention on the Contract for the International Carriage of Goods by Road.

**Калит сўзлари:** автомобил орқали юк ташиш, даъво муддати, конвенция.

**Ключевые слов:** перевозка грузов автомобильным транспортом, срок исковой давности, конвенция.

**Key words:** international carriage of goods by road, limitation period, convention.

Следует отметить, несоответствие сроков исчисления исковой давности по отдельным категориям дел международным стандартам также создает препятствия для гармоничного развития отношений в сфере международной перевозки грузов и как следствие в сфере внешней торговли. Одним из ярких примеров этому является срок исковой давности по договору международной перевозки грузов составляющий согласно законодательству Республики Узбекистан один год. Конечно необходимо учитывать, что изначально сокращенный срок исковой давности по договорам перевозки грузов был установлен в один год, т.к. сама по себе перевозка занимает сравнительно небольшое время с одной стороны и быстрые темпы развития сфера перевозок, а также заключение устных контрактов с другой стороны [4]. При этом в Постановлении Пленума Высшего Хозяйственного суда Республики Узбекистан «О некоторых вопросах применения экономическими судами норм гражданского законодательства об исковой давности» от 19 июня 2015 г. указывается, что судам следует иметь в виду, что трехгодичный срок исковой давности применяется в отношении всех требований, вытекающих из гражданско-правовых отношений, за исключением требований, для которых в законодательстве по сравнению с данным сроком установлены сокращенные или более длительные сроки исковой давности, а также требований, на которые исковая давность не распространяется [5].

Как известно, Республика Узбекистан в 1995 году присоединилась к Конвенции «О международной дорожной перевозке грузов» (здесь и далее КДПГ) от 19 мая 1956 года [6]. В статье 32 данной конвенции указывается, что «Право вчинения пока, могущего быть предъявленным относительно перевозки, выполняемой с применением настоящей Конвенции, погашается давностью в один год. Однако в случае злоумышленного поступка или вины, которая согласно закону, применяемому разбирающим дело судом, приравнивается к злоумышленному поступку, предельный срок давности устанавливается в три года.» [7]. Из текста данной статьи ясно, что под словом «вчинения» подразумевается срок исковой давности, тем более что в английском [8] варианте данного документа указан термин 'period of limitation'. Таким образом, как и в Гражданском Кодексе Республики Узбекистан, в КДПГ также установлен срок исковой давности по договору международной перевозки грузов в один год, однако в нашем законодательстве отсутствует упоминание о предельном сроке исковой давности в три года при причинении злоумышленного вреда. Данное упущение приводит к тому, что фактически срок исковой давности по договорам перевозки грузов является одним годом и по исходу этого периода стороны не могут защитить свои права. Как отмечали отечественные ученые И.Б.Зокиров [9], Н.Ф.Имомов [10] лицо, пропустившее срок исковой давности теряет возможность защиты своих прав.

Однако вместе с тем совершенно очевидно, что в целом вопрос об изменении существующего законодательства в сфере транспортных обязательств не может быть решен так скоро, как хотелось бы, несмотря на всю его сверхактуальность, хотя в юридической литературе уже высказывались предложения в целях преодоления неоднозначности в сложившихся подходах при установлении правовых оснований и пределов ответственности грузоперевозчиков, использующих различные виды транспорта, о необходимости внести в нормы Гражданского Кодекса, транспортных кодексов и уставов ряд изменений и дополнений, на основе которых может быть обеспечена большая сбалансированность подходов при правоприменении [11]. Часть 3 статьи 32 КДПГ описывающая нормы, касающиеся продления срока исковой давности, является одним из положений, в которых Конвенция производит отсылку на национальное законодательство страны-участника [12]. В этой связи считается целесообразным внести изменения в статью 724 Гражданского Кодекса Республики Узбекистан предусматривающие трехгодичный срок исковой давности по договорам перевозки грузов автомобильным транспортом при причинении злоумышленного вреда.

Кроме того, важно дополнить Постановление Пленума Высшего Хозяйственного суда Республики Узбекистан «О некоторых вопросах применения экономическими судами норм



гражданского законодательства об исковой давности» от 19 июня 2015 г. пунктом, описывающим действия судьи при определении понятия «злоумышленное причинение вреда», а также дающим руководство при «приравнивании действия к злоумышленному поступку».

Подводя итоги, считаю целесообразным еще раз отметить, что дальнейшее развитие сформировавшегося механизма исковой давности должно идти путем совершенствования как правовых норм, так и практики применения закрепленных законодательством норм.

#### **Иқтибослар/сноски/references:**

1. Ракитина Л.Н. Сроки исковой давности и их применение по договорам перевозки и транспортной экспедиции на автомобильном транспорте. // Транспортное право. 2018. №1. С.7-10.
2. <https://uza.uz/ru/society/kak-vo-vremya-karantina-budut-reshatsya-problemy-vstrechayushch-28-04-2020> Доступ 15:20. 01.05.2020.
3. <https://www.uzdaily.uz/ru/post/51361> Доступ 15:25. 01.05.2020.
4. Radionov N. Suspension of the period of limitation under the CMR and silence of the carrier: new approach. University of Zagreb Faculty of Law. 2018. P.145.
5. <https://www.lex.uz/acts/2712570> Доступ 03.05.2020 в 14.22.
6. Main United Nations Road Transport Agreements. UNECE. SAFEGE. <https://sustainabledevelopment.un.org/content/documents/1761Main%20UN%20Road%20Transport%20Agreements.pdf>
7. <https://lex.uz/docs/2661887#2664442> Доступ 03.05.2020 в 11.14.
8. <https://www.jus.uio.no/lm/un.cmr.road.carriage.contract.convention.1956/doc.html#169> Доступ 03.05.2020 в 11.10.
9. Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳуқуқи. – Т. Адолат. 1996. – 133 б.
10. Имомов Н.Ф. Фуқаролик ҳуқуқида муддатлар ва даъво муддати. – Т. ТДЮИ. 2005. – 101 б.
11. Трофимов С.В. Нормативное регулирование ответственности грузоперевозчиков в гражданском и транспортном законодательстве // Адвокат. 2017. N 2. С. 43
12. Трофимов С.В. Нормативное регулирование ответственности грузоперевозчиков в гражданском и транспортном законодательстве // Адвокат. 2017. №2. С. 43 – 47.
13. R. Löwe, «Die Bestimmungen der CMR über Reklamationen und Klagen (art. 30-33 CMR)», Transportrecht, 9/1988, p. 317.

## **ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ ИНТЕГРАЛ БАҲОЛАШ ОРҚАЛИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**Исаев Равшан Абдурахмонович<sup>1</sup>**

*<sup>1</sup>Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат  
институтини Корпоратив бошқарув кафедраси доценти, и.ф.н.*

**Аннотация.** Мақолада тўқимачилик саноати корхоналари иқтисодий салоҳияти салоҳиятини баҳолаш усули интеграл кўрсаткични қўллаш орқали такомиллаштириш ва баҳолаш натижаларига кўра корхона амарадорлигини ошириш йўллари излаб топиш масалалари ўрганилган.

**Калит сўзлар.** Салоҳият, тизим, тизим ости, интеграл баҳо, тадбиркорлик салоҳияти, иқтисодий салоҳият, самарадорлик.

**Тадқиқот мавзусидаги мавжуд муаммолар.** Сўнгги йилларда тўқимачилик саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми жадал суръатларда ўсиб бормоқда ва мамлакат ялпи ички маҳсулотига улуши сезиларли даражада ошмоқда. Бироқ, умуман олиб қараганда

Ўзбекистон тўқимачилик тармоғининг мавжуд салоҳияти ва заҳираларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Бу эса, тўқимачилик корхоналарининг заҳиралари ва салоҳиятини чуқур илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш долзарблигини янада ошироқда. Ўзбекистонни жаҳон иқтисодиётига жадал интеграциялашиб бориши ва жаҳон бозорлардаги барқарор конъюнктура шароитида тўқимачилик саноати корхоналари ўз салоҳиятидан, хусусан ишлаб чиқариш, молиявий ва техник имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда оқилона бошқариш тизимини яратиши долзарб аҳамиятга эга. Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектлар имкониятлари, яъни унинг салоҳияти турли хил ички ва ташқи омиллар билан белгиланади. Самарали фаолият юритишни таъминлашга қаратилган бошқарув қарорларини қабул қилиш ва ишлаб чиқиш айнан корхоналар салоҳияти бўйича объектив ва аниқ маълумотларга асосланмоғи лозим. Зеро, тўқимачилик саноати корхоналари интеграция ва инновация шароитида унинг салоҳиятидан самарали фойдаланган ҳолда бизнесни режалаштириш ва ривожлантириш ушбу корхоналарни барқарор ривожланишининг асосий омили ҳисобланади. Мадомики, амалда барча бошқарув қарорларини қабул қилишда у ёки бу даражада иқтисодий салоҳиятга эътибор қаратиладиган бўлса, ундан қай даража фойдаланилаётганликни баҳолаш билан боғлиқ масалалар ҳамон долзарблигича қолмоқда.

“Иқтисодий салоҳият” тушунчасини иқтисодий тоифа сифатида ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида шуни айтиш мумкинки, у нафақат назарий аҳамиятга, балки амалий хусусиятга ҳам эга.

Иқтисодчи-олим Бухалков М.И. [1] фикрича, “ҳар қандай корхонанинг иқтисодий салоҳияти режалаштирилган ишлар, хизматларни ишлаб чиқариш учун ташкилот ихтиёрида бўлган ресурслар таркиби: меҳнат, моддий, молиявий ва бошқаларни ўзида акс эттиради”. Фикримизча, Бухалков М.И. томонидан берилган тушунча қизиқарли бўлсада, у тор маънода талқин этилган.

Спирин В.С. [2] ёндашувига қараганда “иқтисодий салоҳият мавжуд ва фойдаланилмаган заҳираларни ўзида жамлаган ресурслар мажмуи орқали аниқланади”.

Райзберг Б.А. [3] фикрича, “иқтисодий салоҳият максимал даражада фойда олиш учун корхонанинг жами мавжуд чекланган ресурсларидан самарали фойдаланишни изоҳлайди ҳамда ишлаб чиқариш ва иқтисодий тизим салоҳиятининг асосий таркибий қисми ҳисобланади”.

Сосненко Л.С. [4] “иқтисодий салоҳият”ни объект сифатида тадқиқ этишни иккита йўналишга ажратади. Бир томондан иқтисодий салоҳиятга хўжалик юритиш субъектларнинг умумий ресурслари, иккинчи томондан хўжалик юритиш субъектларнинг жамият талабни қондириш учун мавжуд ресурсларни ўзлаштириш ва қайта ишлаш қобилияти сифатида қаралади.

**Муаммони ҳал қилиш усуллари.** Илмий-тадқиқот мавзуга оид хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар изланиш натижаларига таянилди ва статистик, танлаб кузатиш, таққослаш, экспертлар баҳоси каби усуллардан фойдаланилди.

Илмий-тадқиқот ишларида корхонанинг салоҳияти тушунчаси, унинг таркибий қисмлари, уни баҳолаш масаласи кенг миқёсда тадқиқ қилинган. Бироқ, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларининг ўзига хос ривожланиш хусусиятларини тўлиқ қамраб олган, тавсифловчи кўрсаткичларни туркумлаш, танланган кўрсаткичлар бўйича салоҳиятини баҳолаш масалалари етарлича ўрганилмаган.

Тўқимачилик саноати корхоналари салоҳиятини баҳолашнинг биз томондан таклиф этиладиган усули қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. Бирламчи кўрсаткичлар ёрдамида салоҳият алоҳида тизим ости компонентлари ресурс ташкил этувчилари ҳолатини баҳолаш. Ҳар бир салоҳият компоненти ресурс ташкил этувчиси ҳолатини таҳлил этиш ҳамда баҳолашда тизимли таҳлилнинг аналитик усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Биз томондан ташкилий салоҳият ташкил этувчилари интеграл кўрсаткичини ҳисоблаш алгоритмининг таклиф этилади:

- салоҳиятнинг ўзгариш динамикасини тавсифловчи кўрсаткичлар жадвали шакллантирилади. Бунда  $x_{ij}$  – ўрганилаётган даврнинг  $t_i$ - йилдаги  $j$ -кўрсаткич миқдори;
- $S_j$  -  $t_i$ - йилдаги  $j$ -кўрсаткичнинг ўртача квадратик оғиши ҳисобланади;
- кўрсаткичларнинг стандартлаштирилган миқдорлари қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$Z_{ij} = \frac{x_{ij}}{S_j} \quad (1)$$

- ўрганилаётган давр учун (қаида уч йил) кўрсаткичларнинг энг яхшиси сифатида  $x_j^e$  – кўрсаткичлар эталон қиймати ҳисобланади;

- эталонларнинг стандартлаштирилган қийматлари қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$Z_j^e = \frac{x_j^e}{x_j} \quad (2)$$

- комплекс баҳолашда ҳар бир кўрсаткич улуши қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$a_j = \frac{Z_j^e}{\sqrt{\sum_{j=1}^n (Z_{ij}^e)^2}}; \quad (3)$$

- йиллар бўйича потенциал функция қиймати қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$y_i = \sum_{j=1}^n a_j * z_{ij}; \quad (4)$$

- потенциал функция эталон қиймати қуйидагича аниқланади:

$$y^e = \sum_{j=1}^n a_i * Z_j^e; \quad (5)$$

- $t$  – йилдаги салоҳият баҳоси қуйидагича аниқланади:

$$S = \frac{y_i}{y^e}; \quad (6)$$

Ҳисоб-китоблар натижасида ҳар бир ҳисоблаш босқичида ( $t$  – йилдаги) ташкилий салоҳиятнинг алоҳида тизим ости компонентидаги мавжуд ресурс ҳолати ва таъминланганлик даражасининг интеграл баҳоси топилади.

Салоҳият ўзгариши динамик кўринишда бўлади. Ҳисоблашнинг ҳар бир босқичида эталон қиймат 100 % га мос келади. Динамикада интеграл кўрсаткичнинг ҳақиқатдаги қиймати корхонанинг у ёки бу йилда эталон қийматга яқинлиги даражасини кўрсатади.

2. Ҳисоб-китобнинг иккинчи босқичида танланган кўрсаткичлар асосида юқорида баён этилган услубга биноан корхонанинг мавжуд ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ҳисоблаб чиқилади. Ушбу ҳисоб-китоб босқичи натижаси динамикада  $t$  – ҳисоблаш босқичидаги салоҳият ташкил этувчи компонентлари элементларидан фойдаланиш самарадорлигининг интеграл баҳосини беради.

3. Ушбу босқичда салоҳият алоҳида ташкил этувчи компонентларини тавсифловчи кўрсаткичларнинг ҳақиқатдаги қийматини эталон қийматга таққослаш натижаларига кўра салоҳиятни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш имкониятлари излаб топилади. Эталон ва ҳақиқатдаги кўрсаткичлар динамикасини солиштириш Кендаллнинг ранг коэффициенти ёрдамида амалга оширилади. Ҳисоб-китоблар ( $t_1 - t_2$ ) ва  $t_2 - t_3$ ) оралиқлар бўйича амалга оширилади. Ушбу босқичда тизимнинг мувозанатлаштирилганлиги ва унинг келгусида салоҳиятни кенгайтиришдаги имкониятлари баҳоланади.

4. Корхона салоҳиятнинг  $t$  – қадамга баҳоси қуйидаги формула ёрдамида амалга оширилади:

$$K_i^c = \sqrt[3]{P_i^t * \mathcal{E}P_i^t * \mathcal{E}D_i^t}, \quad (7)$$

бу ерда,  $K_i^c$  –  $t$  – ҳисоблаш қадамидаги салоҳият  $t$  – ташкил этувчисининг умумлаштирилган интеграл баҳоси, бирликдаги улуши;

$P_i^t$  –  $t$  – ҳисоблаш қадамидаги салоҳият  $t$  – ташкил этувчиси ресурсларининг интеграл баҳоси, бирликдаги улуши;

$\mathcal{E}P_i^t$  –  $t$  – ҳисоблаш қадамидаги салоҳият  $t$  – ташкил этувчисининг ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги интеграл баҳоси, бирликдаги улуши;

$\Delta D_t^t - t$  – ҳисоблаш қадамидаги салоҳият  $t$  – ташкил этувчиси таркибий мувозанатлаштирилганлигини тавсифловчи кўрсаткичлар динамикасининг ҳақиқатдаги ва эталон қийматлари мослигининг интеграл баҳоси, бирликдаги улуши.

Тўқимачилик саноати корхоналари иқтисодий салоҳияти даражасини баҳолаш ва таҳлиллар Тошкент шаҳри, Учтепа туманида фаолият юритаётган “ВАУРАК TEXTILE” ҚҚ, Тошкент вилояти, Бўстонлик туманида фаолият юритаётган “OSBORN TEXTILE” ХК, Тошкент шаҳри, Сергели туманида фаолият юритаётган “UZTEX TASHKENT” ҚҚ ва Тошкент вилояти, Чиноз туманида фаолият юритаётган “CHINOZ TEXTILE” МЧЖ кесимида амалга оширилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, тадқиқот объекти ҳисобланган тўқимачилик саноати корхоналарида газлама тўқийдиган ип-калава ишлаб чиқариш ҳажми “ВАУРАК TEXTILE” ҚҚ ва “UZTEX TASHKENT” ҚҚ корхоналарида кескин камайган бўлсада маҳсулот ишлаб чиқариш қиймати ошган.

Жумладан, “CHINOZ TEXTILE” МЧЖ корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кескин ошган, яъни агар 2015 йилда 3,6 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич қарийб 2 мартага ошган ва 6,6 минг тоннага етган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, “ВАУРАК TEXTILE” ҚҚдан ташқари барча корхоналарда ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти белгиланган меъёрдан юқори бўлмоқда. Кўриниб турибдики, “ВАУРАК TEXTILE” ҚҚда узоқ йиллардан буён бу кўрсаткич паст даражада бўлиб келмоқда, мутахассислар фикрича, бундай ҳолат ҳисоботларни нотўғри берилишининг билвосита аломати сифатида қаралади.

Ушбу услуб асосида “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси таркибига кирувчи тўқимачилик корхоналарининг 2016-2018 йиллардаги ҳисобот материаллари асосида уларнинг салоҳияти баҳоланди. Ҳисоб-китоб натижалари шуни кўрсатадики, ушбу тўқимачилик корхоналарининг салоҳиятини тавсифловчи умумлаштирилган интеграл баҳоси 0,42-0,56 оралиқда бўлган. Ушбу маълумотлар бу тўқимачилик корхоналарида мавжуд салоҳиятдан паст даражада фойдаланилганлигини кўрсатади.

#### **Хулоса ва таклифлар**

“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси таркибига кирувчи тўқимачилик корхоналарининг иқтисодий салоҳиятини ошириш учун қуйидаги таклифларни берамиз:

- мавжуд хом ашё базасидан оқилона фойдаланиш, уни ташишда муқобил транспорт масаласи ечимини топиш лозим;
- пахта-тўқимачилик кластерлари ривожланишининг ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланишини мақсадли тарзда ташкил этиш зарур;
- Ички бозорда пахта-тўқимачилик кластерларининг монопол рақобатига чек қўйиш лозим;
- жаҳон товарлар бозорининг ҳолатини тизимли ўрганиш ва экспортларининг фаолиятини маркетинг таъминлаш учун илмий - тадқиқот базасини яратиш зарур;
- мавжуд техника ва технологиядан унумли фойдаланиш, уни замонавий дастгоҳлар ҳисобига янгиланишини доимий равишда амалга ошириш керак;
- корхона салоҳиятини замонавий усуллардан ёрдамида бошқарилиши ташкил этиш керак;
- тўқимачилик корхоналарида ходимлар малакасини оширишни мунтазам равишда олиб боришни йўлга қўйиш лозим;
- тўқимачилик корхоналари молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш лозим;
- сифатли маҳсулотни ишлаб чиқариш орқали тўқимачилик корхоналари экспорт салоҳиятини ошириш керак;
- хорижда тақдирот марказларининг тармоқларини очиш, ҳамкорликдаги савдо - саноат палаталари ва ишбилармонлик кенгашларини барпо этишга ёрдам бериш керак;
- маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларни қўллаб - қуватлаш тизимини такомиллаштириш керак. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган ёки унга катта бўлмаган ҳажмларда

келтириладиган импорт билан боғлиқ хом ашё, материалларга боғлиқ бўлган маҳаллий ишлаб чиқаришни келтирилганидан паст ёки «нолли» ставкалар ўрнатиш орқали рағбатлантириш керак.

**Иқтибослар/сноски/references:**

- 1.Бухалков М.И. Внутрифирменное планирование. – М.: ИНФРА-М, 2000. –392 с.
- 2.Спирин В.С. Основные черты современных структурных изменений производственного потенциала предприятия // Консультант директора. – 2004. - №15. – 88 с.
- 3.Райзберг Б.А. Государственное управление экономическими и социальными процессами. – М.: ИНФРА-М, 2008. – 384 с.
- 4.Сосненко Л.С. Анализ экономического потенциала действующего предприятия. – М.: Экономическая литература, 2004. – 208 с.

## **ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАСИНИНГ ТАНЛАНГАН МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСУЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Кулиев Тохир Мамаражапович<sup>1</sup>**

*<sup>1</sup>Пахтасаноат илмий маркази АЖ бош директори*

**Мардонов Шерзод Рустамович<sup>2</sup>**

*<sup>2</sup>Пахтасаноат илмий маркази АЖ мустақил изланувчиси*

**Аннотация.** Мақолада пахта тозалаш корхоналарининг келгусида ривожланиш маркетинг стратегияси самарадорлигини баҳолаш усулини такомиллаштириш масаласи ўрганилган.

**Калит сўзлар.** Маркетинг, маркетинг стратегияси, ривожланиш стратегияси, усул, баҳолаш, самарадорлик.

**Тадқиқот мавзусидаги мавжуд муаммолар.** Бозор иқтисодиётига ўтиш, ички ва ташқи савдо шароитининг доимий ўзгариб бориши бозор муносабатларига ўтиш шарт – шароитини, унинг ўзига хос хусусиятларини атрофлича ўрганишни тақозо этади. Ҳозирги вақтда республикамиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашда муҳим тармоқлардан бири саналган – пахтачилик мажмуи тараққиётига жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу билан биргаликда, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар сиёсатини амалга ошириш орқали тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш масаласи долзарблигича қолмоқда. Шунинг учун пахта толасига чуқур ишлов бериш натижасида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳукуматимиз жиддий эътиборини қаратмоқда. Шу сабабли 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш, ...» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган [1]. Бинобарин, пахтачилик мажмуи ва уни қайта ишловчи турдош тармоқларда якуний маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган таркибий ўзгаришларни амалга ошириш муҳим вазифалардан саналади. Шу билан биргаликда, пахта тозалаш саноатида етарлича хом ашё етишмаслиги сабабли мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан, ресурсларидан самарасиз фойдаланиш ҳолатлари кузатилмоқда. Жаҳон бозорида рақобатнинг шароитида маълум даражада келгуси ривожланиш жараёнининг ноаниқлигини кучайтираётган вазиятда, корхона мақсади ва вазифаларига жавоб берадиган, ички ва ташқи омилларга ўз таъ-

сирини ўткази оладиган муқобил ривожланиш стратегик вариантларни амалиётга муваффақиятли жорий этиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу сабабли маркетингнинг тамойиллари ва қоидаларини чуқур ўрганиш натижалари асосида пахта тозалаш корхоналарида самарали маркетинг хизматини ташкил этиш, танланган маркетинг стратегияси самарадорлигини баҳолаш долзарб масала саналади.

Ҳозирги босқичда стратегиянинг самарадорлигини баҳолашга бир қанча ёндашувлар мавжуд стратегиянинг самарадорлиги лойиҳалар самарадорлигига таянилиши мумкин эмас ва алоҳида хусусиятларни талаб қилади. Масалан, Ю. Н. Лапыгин потенциал самарали стратегиянинг қуйидаги асосий хусусиятларини аниқлайди [2]:

1) танланган стратегиянинг моҳиятан тўғрилиги;

2) стратегиянинг ягоналиги (муваффақиятга эришиш учун компания стратегияси ўзининг кучли томонлари ва рақобат устунликларини яратадиган имкониятларини ўз ичига олиши керак);

3) келажакдаги ноаниқлик стратегик имконият сифатида (ташқи муҳитдаги ўзгаришлар келажакда муваффақиятга эришиш учун кашф этилиши ва ишлатилиши керак бўлган таҳдидларни ва янги қўшимча имкониятларни амалга оширади);

4) мослашувчан етарлилик (ташқи муҳит томонидан тақдим этилган имкониятларни амалга ошириш учун компаниянинг ўзидаги стратегик ўзгаришлар ташқи ўзгаришларга адекват бўлиши зарур).

Бизнингча, бу ёндашув бир томондан самарали, лекин айти пайтда тўлиқсиз ва баҳолаш қийин, чунки бу хусусиятларни ҳолисона баҳолаш жуда қийин.

Бироқ, Г. Минцбергнинг фикрига кўра, «замонавий шароитларда ташкилотларнинг муваффақияти ҳақидаги энг сўнгги маълумотлар стратегик бошқарувнинг ҳар қандай мактаби доирасига сиғмайди» [3].

Бошқача ёндашув ҳам мавжуд. Масалан, Т. А. Зубов стратегиянинг самарадорлигини икки йўл билан баҳолаш мумкин деб ҳисоблайди [4]:

- ишлаб чиқилган стратегик муқобилларни компания учун яроқлилигини, мақсадга мувофиқлигини, мақбуллигини ва мустаҳкамлигини аниқлаш учун баҳолаш;
- стратегияни амалга ошириш натижаларини режалаштирилган натижалар билан таққослаш.

Бироқ, мақсадли моделни қўллашда бир қатор муаммолар мавжуд:

- компаниялар кўплаб мақсадларга эга бўлиши мумкин;
- компаниянинг мақсадлари етарлича ўзига хосликка эгадир;
- вақтинчалик истиқболдан фойдаланиш: қисқа муддатга муваффақиятли натижа узок вақт давомида муваффақиятсиз бўлиши мумкин;
- ташкилот ичидаги ва ташқарисидаги воқеалар оқибатидаги фарқлар муаммоси.

Шунинг учун стратегиянинг мақсадли самарадорлигини ўлчаш муаммоси фирманинг мақсадли кўрсаткичларининг аниқлигига боғлиқ [5].

Мақсадларни белгилашда қуйидаги асосий талаблар бажарилиши керак:

- мақсадлар бевосита бизнес мантиқ ва танланган стратегик кўрсатмаларни акс эттириши лозим;
- мақсадлар аниқ бўлиши ва назорат қилиниши ва назорат қилиниши мумкин бўлган миқдорий кўрсаткичлар сифатида тақдим этилиши керак;
- миқдорий кўрсаткичлар компаниядаги дастлабки вазиятга нисбатан белгиланиши лозим.

Айниқса, диққатга сазовор бўлган Р.С.Каплап ва Д.Нортоннинг баланслаштирилган кўрсаткичлар тизими (BSC)ни эътироф этиш лозим [6].

Бекмуродов А.Ш. томонидан маркетинг самарадорлигини баҳолашга мақсадли ёндашув асосида ҳисоб-китоблар амалга оширишни назарда тутадиган услубиёт ишлаб чиқилган бўлиб, бунда маркетинг харажатларининг самарадорлигини фойда ўсишининг маркетинг харажатлари улушига тўғри келган қисмига нисбати каби аниқланган [7].

Болтабоев М.Р. томонидан пахта толаси экспортида маркетинг – микс мажмуаси самарадорлигини ҳисоблашда маркетинг тадбирларини амалга ошириш ҳисобига олинган фойда миқдорининг ушбу тадбирларни амалга ошириш харажатларига нисбати олинган [8].

Бу каби маркетинг самарадорлигини аниқлаш услубиётларини амалиётга қўллаш фойда ва харажатларни алоҳида бўлакларга ажратиш орқали ҳисоб-китоб ишларини олиб боришда кўплаб қийинчиликларни келтириб чиқаради.

**Муаммони ҳал қилиш усуллари.** Илмий-тадқиқот мавзуга оид хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар изланиш натижаларига таянилди ва статистик, танлаб кузатиш, таққослаш, экспертлар баҳоси каби усуллардан фойдаланилди.

Биз томондан пахта тозалаш корхоналари ривожланиш стратегияси самарадорлигини ҳар томонлама баҳолашни ўз ичига олган интеграллашган баҳолаш тизимидан фойдаланиш таклиф этилади.

Бунда мавжуд услублардан фарқли ўлароқ, пахта тозалаш корхоналари ривожланиш маркетинг стратегиясининг самарадорлиги учта таркибий қисмнинг комбинацияси сифатида кўриб чиқилади: стратегиянинг сифати -  $K_c$ ; стратегик самарадорлик -  $C_c$  ва мақсадга эришиш даражаси (ишлаш самарадорлиги) -  $M_d$  (1):

$$\mathcal{E}_c = f(K_c, C_c, M_d) \quad (1)$$

Стратегия сифати деганда стратегиянинг нисбий кўрсаткичларининг ташқи муҳитнинг ривожланиш тенденцияларига мос келиши, унинг динамиклиги, мослашувчанлиги, назорати, компаниянинг имкониятларига мослиги, объективлиги, компания стратегиясининг минтакавий ривожланиш стратегияси билан изчиллиги ва бошқалар тушунилади.

Биз стратегиянинг сифатини баҳолаш учун қуйидаги параметрлардан фойдаланишни таклиф қиламиз:

1) корхона корпоратив стратегиясининг ташқи муҳит шароити ва параметрлари билан изчиллиги;

2) минтақанинг ривожланиш стратегиясига мувофиқлик (ёки минтақа ва мамлакат манфаатларига риоя қилиш);

3) стратегиянинг корхона мақсадларига мувофиқлиги;

4) корхонанинг корпоратив стратегиясининг ички салоҳияти билан изчиллиги;

5) корхонанинг корпоратив стратегияси параметрларининг ички баланси;

6) стратегиянинг мавжуд технологик, меҳнат ва молиявий ресурслар ҳисобига амалга ошириш қобилияти;

7) манфаатдор томонлар учун мақбуллик (иложи борича кўпроқ манфаатдор томонларнинг манфаатларига жавоб бериш);

8) рақобатда устунликни яратиш;

9) корхонанинг корпоратив стратегиясини амалга ошириш билан боғлиқ хавфлар даражасининг мақбуллиги.

Стратегик самарадорлик – бу стратегияни амалга ошириш натижалари асосида узоқ муддатда башорат қилинадиган корхонада сифат жиҳатидан ўзгаришдир. У аниқ вазият ва муайян корхона асосида белгиланади.

Преактив стратегик муқобилни баҳолаш шуни кўрсатдики, уни амалга ошириш рентабелликни оширади, бу эса компанияга рентабеллик даражасини сақлаб қолиш имконини беради, шу билан бирга ички бозор эҳтиёжларини қондириш даражасини оширади.

Баҳолашнинг якуний босқичи бу стратегияни амалга оширишда компания мақсадларига қай даражада эришилганлиги бўлади. Мақсадга эришиш даражаси ушбу стратегияни амалга оширишда эришилган натижанинг белгиланган мақсадларга мувофиқлик даражаси сифатида аниқланади, яъни:

$$\mathcal{E}_c = \frac{\mathcal{E}_\phi}{\mathcal{E}_p} \quad (2)$$

бу ерда,  $\mathcal{E}_\phi$  – ҳақиқатда олинган натижа;

$\mathcal{E}_p$  – режаланган натижа.

Пахта тозалаш корхоналари маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш самарадорлигининг интеграл баҳоси куйидаги формулар ёрдамида аниқланади:

$$K_{CC} = \sqrt{K_{Kc} \times K_{Cc} \times K_{Md}} \quad (3)$$

бу ерда  $K_{Kc}$  – стратегия сифати коэффициенти;

$K_{Cc}$  – стратегия самарадорлик коэффициенти;

$K_{Md}$  – стратегия мақсадга эришиш коэффициенти.

Тадқиқот жараёнида стратегия сифатини бўйича экспертлар берган баҳоларга қайта ишлов берилиши натижасида  $K_{Kc} = 0,92$  га тенглиги аниқланди.

Ўрганилаётган пахта тозалаш корхонасининг танланган преактив маркетинг стратегиясини амалга ошириш самарадорлиги куйидагига тенг бўлади:

$$K_{CC} = \sqrt{K_{Kc} \times K_{Cc} \times K_{Md}} = \sqrt{0,92 \times 1,0 \times 0,96} = 0,94$$

Демак, ушбу пахта тозалаш корхонасида маркетинг самарадорлиги интеграл кўрсаткичи 0,94 га тенг бўлиб, 1-жадвалдаги келтирилган баҳолаш шкаласига биноан “аъло” деб баҳоланади. Бу эса, пахта тозалаш корхонаси ўсишининг танланган маркетинг стратегияси тўғрилигидан далолат беради. Ушбу пахта тозалаш корхонаси келгусида диверсификация сиёсатини амалга ошириши натижасида сотув ҳажмини янада ошириш имкониятига эгадир.

#### **Хулоса ва таклифлар**

Олиб борилган тадқиқот натижалари асосида пахта тозалаш корхоналарида маркетинг стратегияси самарадорлигини ошириш учун куйидагиларга эътиборни қаратиш лозим:

- пахта тозалаш корхонасида бошқарувнинг таркибий тузилмасини бозор ўзгаришларига мосланувчан тарзда шакллантирилиши лозим;

- пахта тозалаш корхонаси бошқарув таркибий тузилмасида маркетинг хизмати мақомини ошириш;

- доимий равишда бозор конъюктурасини ўрганини ташкил этиш, ушбу жараёнда маркетинг тадқиқотлари олиб боришнинг замонавий усул ва воситаларидан самарали фойдаланиш;

- маркетинг стратегияси самарадорлигини баҳолашни амалга ошириш, баҳолашда баланслаштирилган кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш;

- маркетинг фаолиятини ташкил этишда узоқ муддатда ушбу хизмат самарадорлигини таъминлайдиган маркетинг стратегияси вариантини танлаш;

- пахта тозалаш корхоналарида маркетинг натижадорлигини бошқаришни замонавий бошқарув дастак ҳамда усулларини қўллаш асосида ташкил этиш.

#### **Иқтибослар/сноски/references:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Lex.uz.

2. Лапыгин, Ю.Н. Теория организации: учебное пособие / Ю.Н. Лапыгин. – М., 2007. – 311 с.

3. Минцберг, Г. Школы стратегий. Стратегическое сафари: экскурсия по дебрям стратегий менеджмента / Г. Минцберг, Б. Альстрэнд, Дж. Лэмпел. - изд-во Питер, 2000. - 336 с.

4. Зуб, А.Т. Стратегический менеджмент: Теория и практика: учебное пособие для вузов / А.Т. Зуб, 2002. – 415 с.

5. Гурков, И.Б. Стратегический менеджмент организации. / И.Б. Гурков. - 2-е изд., исправленное и дополненное. - М.: ТЕИС, 2004. - 239 с.

6. Каплан Р.С., Нортон Д.П. Сбалансированная система показателей. От стратегии к действию. М.: ЗАО «Олимп-Бизнес», 2004. - 320 с.

7. Бекмуродов А. Ш., Янг Сон Бе. Стратегия развития текстильной промышленности Узбекистана: Кластерный подход. Монография. – Т.: ТГЭУ, 2006. – 112 с.

8. Болтабоев М. Р. Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегияси. Монография. – Т.: ФАН, 2004. – 223 б.



# ТИЗИМЛИ-ИНТЕГРАЦИОН КОНЦЕПЦИЯСИНИ АСОСИДА ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАСИНИНГ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

Мардонов Шерзод Рустамович<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Пахтасаноат илмий маркази АЖ мустақил изланувчиси

Кулиев Тохир Мамаражапович<sup>2</sup>

<sup>2</sup>Пахтасаноат илмий маркази АЖ бош директори

**Аннотация.** Мақолада пахта тозалаш корхонаси ривожланиш стратегиясини амалга ошириш тизимли-интеграцион концепциясини ишлаб чиқиш масаласи ўрганилган.

**Калит сўзлар.** Маркетинг, маркетинг стратегияси, ривожланиш стратегияси, тизим, интеграция, концепция.

**Тадқиқот мавзусидаги мавжуд муаммолар.** Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш корхоналари ишлаб чиқариш самарадорлиги барча мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда уни бозорда муваффақиятли сотишга боғлиқ бўлади. Ҳозирги вақтда республикамиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашда муҳим тармоқлардан бири саналган – пахтачилик мажмуи тараққиётига жиддий эътибор қаратилмоқда. Пахта толасига чуқур ишлов бериш натижасида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳукуматимиз жиддий эътиборини қаратмоқда. Шу сабабли 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш, ...» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган [1]. Пахтачилик мажмуаси ривожидида сўнгги йилларда таркибий ўзгаришлар амалга оширилганлиги боис, пахта-тўқимачилик кластерлари пайдо бўлди. Ушбу кластерлар таркибидаги пахта тозалаш корхоналарининг бозор ўзгаришларига мосланувчанлиги таъминлаш маркетинг тамойилларидан самарали фойдаланишни тақозо этади. Тармоқни янада ривожлантиришда самарали маркетинг хизмати ва уни бошқариш тизимини яратиш, ривожланишнинг маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқилган маркетинг стратегияларини муваффақиятли амалга оширишнинг тизимли-интеграцион концепцияларини ишлаб чиқиш соҳаларида муаммолар мавжуддир.

Ишлаб чиқаришни стратегик режалаштириш маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш зарурлигини кўзда тутди. Маълумотлар шуни кўрсатадики, “стратегия” атамаси бизнес назарияси ва амалиётга ҳарбий сўзлардан кириб келган бўлиб, у қуйидаги маънони англатади: “барча мумкин бўлган мавжуд воситалардан фойдаланиб мамлакат ёки мамлакатлар ҳарбий-сиёсий иттифоқи сиёсатини режалаштириш ва уни амалиётга татбиқ этиш” [1, 147-б].

“Стратегия” атамаси қадимги юнон сўзидан олинган бўлиб, “stratos” (армия) ва “agein” (олиб бориш) сўзидан келиб чиққан. Улар биргаликда “strategia” сўзини ёки “strategos” сўзини келтириб чиқариб, мос равишда “полк бошлиғи” ва “армия қўмондони” каби маъноларни англатади.

Бизнес соҳасида “стратегия” атамасидан фойдаланиш ўтган асрнинг 50-йилларидан бошланган. Бошқарувда биринчи марта стратегия ҳақида Дж. Фон Нейман ва О. Моргенштернлар ўзларининг “Ўйинлар назарияси ва иқтисодий хатти-ҳаракат” китобида 1944 йилда эслатиб ўтишган.

Ф. Котлер «мақсадлар – ривожланиш йўналишлари бўлиб, улар маркетинг режасини ишлаб чиқиш жараёнида ифодаланади, стратегия эса уларга эришиш режасидир», деб ҳисоблайди [2]. Д.Ж.Скалли «маркетинг стратегияси - барқарор рақобатли устунликларни эгаллашга қаратилган ва мувофиқлаштирилган ҳаракатлардир» деб ҳисоблайди [3]. Хоффер ва Шенделларнинг фикрича эса, «стратегия - бу корхонанинг ўз олдига қўйган мақсадлари ва вазифалари ўртасидаги асосий алоқадир»[4].

Иқтисодчи олимларимиздан М.Р.Болтабоев маркетинг стратегиясининг таърифига узок муддатли мақсадларини ифодалаш ва мавжуд ресурсларини очилиётган имкониятлар билан таққослаб қўриш йўли билан ишлаб чиқаришни стратегик режалаштириш жараёни сифатида ёндашади [5].

Пахта тозалаш корхоналари ўсиш стратегиясини шакллантиришда унинг рақобатбардошлигини баҳолаш ҳам муҳим аҳамият касб этади [6]. Маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш жаҳон амалиётда кенг миқёсда ўрганилган бўлиб, уни амалга оширишда менежерлар малакаси, уларнинг бозор ўзгаришларига мосланувчанлик ҳамда эгилувчанлиги муҳим аҳамият касб этади [7].

**Муаммони ҳал қилиш усуллари.** Пахта тозлаш корхоналари ўсиш стратегиясини амалга ошириш тизимли-интеграллашган бошқарув концепцияси ўзига хос таркибга ва пахта тозалаш корхоналари ўсишишининг муҳим детерминант (омил)лари ҳаракатининг ажралиб турадиган белгиларини ҳисобга олишга таянади. Натижада, ушбу белгиларни инобатга олган ҳолда тегишли ўзига хос услубий қоидалар ва тамойиллардан фойдаланишни талаб этади.

Янги концепциянинг асосини жаҳон билим тизимида эътироф этилган замонавий стратегик бошқарув назариясида ҳукмрон бўлган қийматни бошқариш концепцияси ва баланс-лаштирилган кўрсаткичлар тизими ташкил этади.

Пахта тозалаш корхонасининг ўсиш стратегиясини амалга оширишни тизимли-интеграциялашган бошқаришнинг биз томондан таклиф этиладиган концепцияси унинг икки асосий хусусияти: тизимлилиқ ва интеграциялашувини намоён этади. Бизнинг фикримизча, пахта тозалаш корхонасининг ўсиш стратегиясини амалга ошириш учун иқтисодий механизмни ишлаб чиқиш учун ишлатилиши мумкин бўлган замонавий ёндашувларни амалга оширишга ушбу иккита танланган бошқарув воситаси тўлиқ имкон беради. Ушбу концепциянинг хусусиятлари ўртасида қуйидагиларни таъкидлаш керак: салоҳиятли кўрсаткичлардан фойдаланиш, фундаментал қийматга эътибор, иқтисодий ўсиш, инвестицион салоҳият ва корхонанинг қиймати ўртасидаги муносабатларни аниқлаш ва расмийлаштириш, ўсиш стратегиясини амалга оширишга муайян саноат хусусиятларини белгилайдиган пахта тозалаш хусусиятларини аниқлаш ва умумлаштириш.

Интеграция, биринчи навбатда, иккита асосий тушунчанинг назарий ва методологик қоидаларини: қийматни бошқариш концепцияси (VBM) ва баланс-лаштирилган кўрсаткичлар тизими (BSC)ни мустаҳкамлашни ўз ичига олади. VBM концепцияси ўсиш стратегиясини амалга ошириш жараёнини таъминловчи - корхона қийматини ошириш ва бошқарув қарорларининг устувор мезонини белгилайди - корхона харажатларини ошириш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш ва асосий ўсиш воситаларини аниқлаш учун асос яратади. Қиймат пахта тозалаш корхонасининг узок муддатли истиқболларини ҳисобга олади, чунки уни баҳолаш келажакда корхона активлари келтирадиган пул оқимлари башоратига асосланади. Шундай қилиб, қиймат ҳар доим узок муддатни мулжаллайдиган кўрсаткичдир. Шунини таъкидлаш керакки, VBM концепцияси келажакдаги ва мавжуд активларни (капитални) баҳолашга ягона ёндашувга асосланган бўлиб, келажакдаги дисконтланган пул оқимларига асосланган самарадорлик мезонларидан фойдаланади. Шу тарзда, жорий ва башорат кўрсаткичларини баҳолаш ва қийматни яратиш ўртасидаги зиддиятни бартараф этади.

Пахта тозлаш корхоналари ўсиш стратегиясини амалга ошириш тизимли-интеграллашган бошқарув концепцияси ўзига хос таркибга ва пахта тозалаш корхоналари ўсишишининг муҳим детерминант (омил)лари ҳаракатининг ажралиб турадиган белгиларини ҳисобга олишга таянади. Натижада, ушбу белгиларни инобатга олган ҳолда тегишли ўзига хос услубий қоидалар ва тамойиллардан фойдаланишни талаб этади.

Пахта тозалаш корхоналари иш фаолияти мавсумий характерга эга бўлиб, фаолият натижадорлиги тайёрланадиган пахта хом ашёси сифати ва уни сақлашга тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Шу боисдан, тармоқ корхоналари кўп материал талаб қиладиган тармоқлар сирасига кириб, маҳсулот ишлаб чиқариш умумий харажатлари таркибида материал харажатлар қарийб 85 % ни ташкил этади. Шунинг учун пахта тозалаш корхоналари мавсумий шаклда пахта хом ашёсини тайёрлашга эътиборини қаратган ҳолда уни харид қилишда ташқаридан кредит маблағларини жалб қилишга эҳтиёж сезади. Пахта тозалаш корхоналарининг хом ашёни харид қилишида ўз маблағлари этишмаслиги оқибатида айланма маблағларнинг доимий равишда этишмаслиги кузатилади. Бундан ташқари, мамлакатимизда пахта хом ашёсини этиштириш миқдорини камайтириш борасида амалга ошираётган сиёсати ҳамда «пахта-тўқимачилик» кластерларини ташкил этилиши муносабати билан ҳаракатдаги фаолият юритаётган пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятларида хом ашё таъминоти масаласи ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Ҳаракатдаги пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятларининг техник-технологик даражаси ҳам анча паст даражада бўлиб, асбоб-ускуналарнинг эскириш даражаси 40-45 % ни ташкил этади. Шунинг учун инвестиция капитали, аввало, ҳаракатдаги пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятлари ўз маблағларини тўлдиришга, шунингдек қолган қисмини техник-технологик ҳолатини янгилашга йўналтирилиши лозим бўлади.

Келтирилган концепция иқтисодий ўсишнинг дивергенция (ҳар хиллик) ва таянч детерминантлар балансини таъминлаш орқали пахта тозалаш корхонаси қиймати ўсиши муаммоларини ҳал этади.

**Хулоса ва таклифлар.** Олиб борилган тадқиқот натижалари асосида пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқилмайдиган келгусида ўсиш маркетинг стратегияларини амалиётга татиқ этиш самарадорлигини ошириш учун қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим:

замонавий усул ҳамда услубларни қўллаш асосида кенг миқёсда пахта толаси бозори конъюнктурасини ўрганиш учун маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш;

пахта тозалаш корхоналари бошқарув таркибий тузилмасини бозор ўзгаришларига мослаштириш асосида маркетинг бўлимларини ташкил этиш, ушбу бўлимлар мақомини ошириш;

пахта тозалаш корхоналари маркетинг бўлимларига малакали маркетингларини жалб этиш, улар малакасини доимий равишда ошириш бориш механизмини амалга ошириш;

пахта тозалаш корхонаси маркетинг стратегияси самарадорлигини баҳолаш усулини ишлаб чиқиш ҳамда тизимли-интеграцион концепцияси асосида фаолиятни ташкил этиш.

#### **Иқтибослар/сноски/references:**

1. Карлоф Б. Деловая стратегия. – М.: Экономика, 2001. -239 с.
2. Основы маркетинга / Филип Котлер и др.; Гл. ред. С.Н. Тригуб; Пер. с англ. 4-е европ. изд. – М.[и др.]: "Вильямс", 2007. – 332 с.
3. Инновационный менеджмент: учебник / Под ред. Проф. А.И.Чулока. – М.: УРАО, 2000. – 534 с.
4. Hoffer C.W. and Shendel D. Strategy Formulation: Analytical Concepts. St. Paul, MN: West Publishing Company, 1978.
5. Болтабоев М.Р. Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегияси. Монография. – Т.: ФАН, 2004. – 223 б.
6. R.A.Isayev. Paxta tozalash korxonasining raqobatbardoshligini baholash orqali bozor salohiyatini oshirish imkoniyatlari.
7. Strategic Flexibility, Manager Personality, and Firm Performance: The Case of Indian Automobile Industry.

# СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСИДА ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ

**Махмудов Носир махмудович<sup>1</sup>**

*<sup>1</sup>Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, и.ф.д.*

**Яхшиев Хусниддин Толибович<sup>2</sup>**

*<sup>2</sup>Тошкент тўқимачилик ва  
енгил саноат институти мустақил изланувчиси*

**Аннотация:** Мазкур мақолада стратегик бошқариш технологияси замонавий бошқарув дастакларини танлаш ва бошқичларини кенгайтириш асосида тўқимачилик корхоналари барқарор ривожланишини таъминлаш масалалари ўрганилган.

**Калит сўзлар:** инновацион иқтисодиёт, бошқариш, стратегик бошқариш, бошқариш дастаги, бошқариш технологияси, барқарор ривожланиш.

**Тадқиқот мавзусидаги мавжуд муаммолар.** Республикамизда мустақиллик йилларида тўқимачилик саноати бошқарув тизими шакллантирилди ва унинг ривожланишига етарлича инвестициялар жалб қилинди. Тўқимачилик саноатини ривожлантириш учун республикамизда етарлича шароит ҳамда хомашё базасива меҳнат ресурслари мавжуд. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу каби устувор вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш билан биргаликда бошқарув тизимини ҳам ривожлантириш талаб этилади. Тармоқни бошқаришдаги мавжуд тизим эса бозор иқтисодиёти ўзгаришларига етарлича мосланувчанликни таъминлаб олмаяпти. Шунинг учун тўқимачилик корхоналарида стратегик бошқариш технологиясини замонавий бошқарув дастакларини танлаш ҳамда бошқичларини кенгайтириш асосида такомиллаштириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

XX асрнинг 90-йиллари бошидан бошлаб рақобат шароитида ўзига хос тавсифга эга ҳолда корхонанинг устунлигини аниқлаш учун олдингиларига солиштирилганда ҳамда амалий механизмлар ва манбаларни тадқиқ қилиш учун кўпроқ мос келадиган стратегик бошқарув соҳасида корхонанинг ривожланишида ресурс концепцияси устунлик қила бошлайди. Иккинчиси, ўз навбатида, анъанавий тармоқларда рўй бераётган парчаланиш жараёнлари, маҳсулотни янгилаш жараёнларини жадаллаштириш, технологиялар ва бизнес турларини яқинлаштириш каби туб ўзгаришларнинг доимий ҳолатида турибди. Корхона ривожланишининг стратегик бошқарув ресурс концепциясининг тарафдорлири Дж. Барни, Б. Вернерфельт, Дж. Грант, К. Курт, Г. Минцберг, К. Прахалад, Д. Тис, Г. Хэмэллар ҳисобланишади.

Стратегик бошқарув илмий йўналиш ва менежментни ташкил этишга инновацион ёндашув сифатида 20-асрнинг 60-йилларида пайдо бўлди. Бирок, шу вақтга қадар стратегик бошқарув энг аввало қуйи даражадаги - корхоналар, фирмалар, ташкилотлар каби бозор субъектларини бошқариш вазифаси сифатида қаралади.

И. Ансофф ўзининг “Корпоратив стратегия” китобида стратегик бошқарувни “билиш усули, унинг бошланиши стратегик ташхис, давоми-қўшимча чора-тадбирлар йўли ва авж нуқтаси - янги маҳсулотлар, янги бозорлар ва технологиялар, шунингдек, янги имкониятлар”.- сифатида талқин қилади (Миддлтон Д., 2006).

В. Н. Родионова стратегик бошқарувни “стратегик қарорларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга ошириш жараёни, унинг марказий бўғини корхонанинг ўз ресурс салоҳиятини ташқи муҳитнинг имкониятлари ва таҳдидлари билан таққослашга асосланган стратегик танловдир”, - деб тушунади (Родионова В. Н., 2013).

М.И. Круглов ва Н.Ю.Кругловалар фикрича: “стратегик бошқарув олдиндан кўриш уфқларини кенгайтириш, узоқни мустақамлаш ва шу билан корхонанинг ташқи муҳитда: товар ва технологиялар бозорларида, илмий-техник, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда содир бўладиган ўзгаришларга ўз вақтида жавоб бериш имкониятидир” (Круглова Н.Ю., 2007).

Г. Б. Клейнернинг таърифига кўра, “стратегик бошқарув - бу бизнес муваффақиятига эришиш учун компания стратегиясини шакллантириш, амалга ошириш ва ўзгартириш жараёнларига асосланган корхонани бошқариш бўйича қарашлар ва тавсиялар тизимидир” (Клейнер Г.Б., 2008).

Хоффер ва Шенделларнинг фикрича эса, “стратегия - бу корхонанинг ўз олдига қўйган мақсадлари ва вазифалари ўртасидаги асосий алоқадир” (Hoffer C.W. and Shendel D., 1978).

Исаев Р.А. томонидан эса Ўзбекистон Республикасида тўқимачилик класерларини ривожлантириш масалаларини ўрганишда стратегик бошқарув масалаларига асосий эътибор қаратилган (Isayev R.A., 2019).

Турсунов Б.О. томонидан тўқимачилик саноати корхоналари ишлаб чиқариш қувватини бошқариш самарадорлиги сифат ва натижавийлик коэффицентлари ёрдамида баҳоланган (Турсунов Б.О., 2019).

Тиллаходжаев А. томонидан эса Б.А.Соловьев ёндашуви асосида тўқимачилик корхоналари маркетинг фаолиятини бошқариш самарадорлиги баҳоланган (Тиллаходжаев А.А., 2018). Аммо, ушбу тадқиқот ишларида саноат корхоналарида, хусусан тўқимачилик саноати корхоналарида стратегик бошқарув технологияси масаласи етарлича ўрганилмаган.

**Муаммони ҳал қилиш усуллари.** Илмий-тадқиқот ишида тажриба-экспериментал, танлаб кузатиш, таққослаш, экспертлар баҳоси каби усуллардан фойдаланилди.

Замонавий иқтисодий шароитда корхонани бошқариш раҳбарлардан стратегик менежмент соҳасида янги усул ва кўникмаларни эгаллашни ҳамда ривожланиш стратегиясини бошқариш соҳасида замонавий восита ҳамда дастаклардан фойдаланишни, бошқарув технологиясини такомиллаштиришни талаб этади.

Тадқиқот жараёнида стратегик бошқарув технологиясини такомиллаштириш масаласи унинг компонентларини такомиллаштириш масаласига қаратилган.

Амалиёт шуни кўрсатадики, республикамиз тўқимачилик корхоналарининг аксарияти узоқ муддатли ривожланиш стратегиясига эга эмас ёки фақат шунга ўхшаш стратегия билан бошқарилади. Бизнинг фикримизча, тўқимачилик корхоналарининг самарали узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқишга қўйидагилар тўқинлик қилади:

- 1) стратегик истиқболли йўналтирилган эгасининг йўқлиги;
- 2) кўп соҳаларда мулкнинг қайта тақсимланиши давом этмоқда, бу эса корхонани бошқарув тизимининг ўзгаришига олиб келади;
- 3) стратегиянинг қийматини мулк эгалари ва етакчи менежерлар томонидан инобатга олиш;
- 4) акциядорлар томонидан илгари қўйилган мақсадларни тез-тез ўзгартириш;
- 5) узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқиш учун малакали мутахассисларнинг етишмаслиги;
- 6) саноат бозорларида бир қатор йиллар давомида статистик маълумотларнинг етишмаслиги ва ошкор этилмаслиги;
- 7) стратегияларни ишлаб чиқиш услубининг такомиллашмаганлиги.
- 8) стратегик бошқарув технологияси ва усулларининг етарлича такомиллашмаганлиги.

Бу кўп жиҳатдан стратегик бошқарув воситалари ва дастаклари таркибида саноат корхоналарининг самарадорлигини таъминлаш воситаларининг йўқлиги билан боғлиқ. Шу муносабат билан умуман корхона самарадорлиги ва унинг яқка тартибдаги бизнес-жараёнларини оширишни ҳисобга олган ҳолда стратегик бошқарув сифатини ошириш масаласи бугунги кунда ўта долзарб қиёфа касб этади.

Шу боисдан, фикримизча, ҳозирги вақтда тўқимачилик корхоналарининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ва рақобатбардошлиги ошишини таъминлашга йўналтирилган истиқболда ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг асосланган ҳамда амалиётда қўлланилган замонавий дастакларини ўз ичига оладиган стратегик бошқарув комплекс тизими зарур.

Биз томондан ишлаб чиқилган тўқимачилик саноати корхоналарини стратегик бошқариш самарадорлигини ошириш концептуал модели ушбу корхоналарни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш восита ва дастакларини замонавийлаштириш зарурлигини назарда тутувчи стратегик устуворликлар тизимини ўз ичига олади.

Самарали бошқарув механизми компания раҳбарларидан муайян воситани қўллаш мақсадларини аниқлашни талаб қилади. Ушбу босқич жуда муҳимдир, чунки у муайян восита ёки уларнинг комбинацияси самарадорлигини баҳолаш учун ишлатилади. Маълумки, самарали бошқарув воситаларини қонун билан жорий этиб бўлмайди, уларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қарор компания раҳбарлари томонидан қабул қилинади, улар муайян воситани қўллашни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Биз тадқиқот жараёнида стратегик бошқарув воситаларининг мукамаллаштирилган таснифини таклиф қилдик.

Тўқимачилик корхонасида бошқарув дастакларини қўллаш мақсадлари миқдор ва сифат кўрсаткичларига бўлинади ва бу мақсадларнинг ҳар бири эришиш вақтига боғлиқдир. Шундан келиб чиқиб, стратегик мақсадларни амалга ошириш муҳим эканлигини, уни амалга ошириш кўпроқ вақтни талаб қилишини ҳамда натижалар ҳолисона баҳоланиши ва ушбу баҳолаш натижалари келгуси стратегик мақсадларга асос бўлиши заририятини инобатга олган ҳолда тадқиқот жараёнида келтирилган бошқарув дастакларидан тўқимачилик корхонаси учун энг самаралиси сифатида баланслаштирилган кўрсаткичлар тизими (BSC)ни танлаш таклифи берилди. Шу билан бирга, бошқа бошқарув дастаклари ҳам ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини инобатга олган ҳолда улардан ҳам тўқимачилик корхоналарини стратегик бошқарув жараёнида қўллаш тавсия этилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда стратегик бошқарув корхоналар фаолиятини бозор иқтисодиёти шароитида бошқаришнинг энг самарали усулларида бири саналсада, стратегик бошқарувнинг мақсадга мувофиқлиги ва имкониятлари ҳам чеклангандир ва бошқарувнинг бу тури ҳар қандай вазифа ва амалий вазиятлар учун универсал эмас.

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект стратегик режалаштиришнинг яхши кичик тизимига эга бўлса ҳам, стратегик бошқарувга ўта олмайди, қайсики, танланган стратегияни амалга ошириш учун ҳеч қандай шарт-шароит ёки имконият йўқ бўлади. стратегик бошқарув тизимида стратегия ва тегишли бизнес дастурини ишлаб чиқиш ҳамда стратегик мақсадларга изчил эришиш учун зарур бўлган барча чора-тадбирларни амалга ошириш энг қийин жараён ҳисобланади. Амалга ошириш учун ташкилий воситалар билан қўллаб-қувватланмаган ҳар қандай мукамал стратегия ишламайди, Шунинг учун, биринчидан, ҳар томонлама пухта ўйланган илмийлиликка асосланган мукамал стратегия яратиш ва иккинчидан, уни етарли даражада амалга ошириш чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда таъминот масалаларини муваффақиятли ҳал этиш зарур.

### **Хулоса ва таклифлар**

Тез ўзгарувчан муҳитда муваффақиятга фақат ўз стратегиясини аниқ тақдим этадиган ва уни ишлаб чиқиш ва муваффақиятли амалга оширишни таъминлай оладиган корхоналар эришадилар. Ушбу жараёнда бошқарув технологияларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Тўқимачилик корхонасида бошқарув дастакларини қўллаш мақсадлари миқдор ва сифат кўрсаткичларига бўлинади ва бу мақсадларнинг ҳар бири эришиш вақтига боғлиқдир.

Шундан келиб чиқиб, стратегик мақсадларни амалга ошириш муҳим эканлигини, уни амалга ошириш кўпроқ вақтни талаб қилишини ҳамда натижалар ҳолисона баҳолалини ва ушбу баҳолаш натижалари келгуси стратегик мақсадларга асос бўлиши зарирлигини инобатга олган ҳолда тадқиқот жараёнида келтирилган бошқарув дастакларидан тўқимачилик корхонаси учун энг самаралиси сифатида баланслаштирилган кўрсаткичлар тизими (BSC)ни танлаш таклифи берилди. Ушбу бошқарув дастагини амалиётга қўллаш тўқимачилик корхоналарини стратегик бошқаришда нафақат мақсадларни шакллантириш, балки стратегияни амалга ошириш натижаларини баҳолаш имконини ҳам беради.

#### **Иқтибослар/сноски/references:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. <http://lex.uz>
- Миддлтон Д. Библиотека избранных трудов о стратегии бизнеса: пятьдесят наиболее влиятельных идей всех времен [Текст]: [пер. с англ.] / Д. Миддлтон. – М.: Олимп – Бизнес, 2006. – 258 с.
- Родионова В. Н. Стратегический менеджмент [Текст]: учеб. пособие / В. Н. Родионова. – 2-е изд., испр. и перераб. – М.: РИОР: ИНФРА, 2013. – 78 с.
- Круглова Н.Ю. Стратегический менеджмент [Текст]: учеб. пособие / Н. Ю. Круглова, М. И. Круглов. – 2-е изд. перераб. и доп. – М.: Высшее образование, 2007. – 492 с.
- Клейнер, Г.Б. Стратегия предприятия [Текст] / Г. Б. Клейнер. – М.: Дело, 2008. – 567 с.
- Hoffer C.W. and Shendel D. Strategy Formulation: Analytical Concepts. St. Paul, MN: West Publishing Company, 1978.
- Isayev R.A. Issues of developing textile clusters in Uzbekistan // International Journal of Research in Management & Business Studies (IJRMBS 2019). Vol. 6 Issue 3 July - Sept. 2019. – P.9-12.
- Турсунов Б.О. Тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш кувватларидан фойдаланишни бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари. ИФФД (PhD) илмий дараж. олиш учун ёзилган автореферат. Тошкент: ТДИУ, 2019. – 24 б.
- Тилляходжаев А.А. Тўқимачилик корхоналари рақобатбардошлигини оширишнинг маркетинг стратегиялари. ИФФД (PhD) илмий дараж. олиш учун ёзилган автореферат. Тошкент: ТДИУ, 2018. – 24 б.

## **ИҚТИСОДИЁТ ВА БИЗНЕСДА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ МУАММОЛАРИ**

**Мулайдинов Фарход Муротович<sup>1</sup>**

*<sup>1</sup>Қўқон университети, Бизнес кафедраси мудири*

**Қосимова Гульмира Қахрамон қизи<sup>2</sup>**

*<sup>2</sup>Қўқон университети, Қўқон университети,  
Иқтисодиёт йўналиши талабаси*

#### **Аннотация**

Ушбу мақолада иқтисодиёт, иқтисодиёт турлари, иқтисодиёт ва бизнес ривожланиши ва ривожланиш муаммолари акс эттирилган. Иқтисодиёт ва бизнесда инновацион ривожланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** иқтисодиёт, иқтисодиёт турлари ва ривожланиши, бизнес, бизнес ривожланиши, иқтисодиёт ва бизнесда инновацион ривожланиш муаммолари.

Иқтисодиёт бу ўзи нимани англатади яъни бу сўзни эшитганимизда хаёлимизга биринчи бўлиб нима келади. Оддий қилиб айтганда иқтисодиёт бу чекланган ресурслардан тежаб тергаб фойдаланишдир. Иқтисодиёт даражаларига келсак уларга, микроиқтисодиёт, макро-

иктисодиёт, глобал иктисодиётни ўз ичига олади. Булар ҳам ўз навбатида ҳар бир даражаларини ўз йўналишлари бор. Масалан, макроиктисодиётга давлат, вилоятлар ва туманлар киради. Микроиктисодиётга эса корхоналар киради. Глобал иктисодиёт эса ўз ичига макроиктисодиётни ҳам микроиктисодиётни ҳам олади.

Иктисодиёт бош масаласи эҳтиёжларнинг чексизлиги ва иқтисодий ресурсларнинг чекланганлигидир. Инсон яшаши ва камол топиши умуман инсониятнинг ривожланиши учун керак бўлган ҳаётий воситаларга бўлган заруратдир. Хозирги кунда давлатимизда иктисодиётни ривожлантириш бўйича кенг қўламда режалар тузилмоқда. Бунга мисол қилиб Мухтарам Президентимизнинг қарорларини олишимиз мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 3-июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иктисодиётни ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ 3832 -сонли Қарори қабул қилинган ёки бўлмаса, 2019 - йил 4 - октябрдаги ПҚ 4477 -сонли қарори билан тасдиқланган 2019- 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётига ўтиш стратегиясининг мазмун моҳияти билан Мухтарам юртбошимиз одилона ёритиб берганларини олишимиз мумкин [1]. Бу йўналишда бугунги кунда амалга оширилаётган чора- тадбирлар ва келгусида режалаштирган ишларга тўхталиб ўтилган. Бугунги кунда инсоният турмуш тарзига замонавий ахборот коммуникация технологияларнинг (АКТ) кескин кириб келаётганлиги туфайли истеъмолчининг маҳсулотга бўлган талаблари , шунингдек маҳсулот ҳақида тўлиқ маълумотга осон ва қулай эга бўлиш , дунёнинг ҳар нуқтасидан буюртма бера олиш , маҳсулот шаклини шахсий хоҳиш иродасига кўра ўзгартира олиш ва шу каби қулайликларга эга бўламиз. Яна шуни айтишимиз мумкинки Ўзбекистонда иқтисодиёт ва бизнесда инновацион ривожланишларни ҳам кўздан қочирганлари йўқ. Бу борасида ҳам кўплаб режалар тузилмоқда [2]. Ўзи бизнесга келадиган бўлсак, бизнес бу домий равишда ўз устида ишлаш, ўйлаш, ривожланиш, доимо ҳаракат қилиш, олдинга юришдир.

#### Бизнес бу- ФОЙДА =ДАРОМАДЛАР =ҲАРАЖАТЛАР

Шу биргина формула орқали бизнес ва бизнесни юритишни тушуниш мумкин. Бизнесни муваффақиятли бўлиши учун ички ва ташқи омиллар муҳим рол ўйнайди. Яна шуни кўришимиз мумкинки, муваффақиятли бизнес бошлаш учун 8 қадамни:

1. Бизнес режа
2. Бизнес маслаҳат олиш
3. Бизнес учун жой танлаш
4. Бизнесни молиялаш имкониятлари ҳақида билиш
5. Бизнеснинг ҳуқуқий шаклини аниқлаштириш
6. Бизнесни рўйхатдан ўтказиш
7. Иш берувчи мажбуриятларини тушуниш
8. Тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари орқали ёрдам олиш

Мана шундай режаларимиз билан ўз бизнесимизни йўлга қўя оламиз. Сўнги йилларда Ўзбекистонда қулай бизнес муҳитини яратиш, мамлакатни хорижий инвесторлар учун жозибдорлигини ошириш мақсадида бир қанча норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишига тўсқинлик қиладиган ортиқча тўсиқлар ва тартиб тамоиллар бекор қилинди. Бунинг натижасида, Ўзбекистоннинг Бизнес юритиш халқлар рейтингида сўнги 5 йилда ўз ўрнини 18 поғонага яхшилади. Бизнес юритиш 2020 йиллик ҳисоботи натижаларига кўра, Ўзбекистоннинг рейтинг ўрни 190 мамлакат орасида 76 ориндан 69 ўринга кўтарилиб, 7 поғонага яхшиланди. Бироқ, эришилган ижобий натижага қарамаздан айрим муаммолар жумладан, қурилишга рухсатномалар олиш, кредит олиш, солиқ тўлаш, мулкни рўйхатдан ўтказиш, тўловга лаёқатсизлигини хал этишда ислохотларни изчиллик билан амалиётга жорий этилишида камчиликлар учрамоқда [3]. Шу мақсадда бошланган ислохотлари самарадорлигини ошириш, йўл қўйилган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги ПҚ - 4525- сон “Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб қувватлаш тизимини



такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилиниб, унда амалга оширилиши лозим бўлган бир қанча чора тадбирлари белгиланиб берилди. Қолаверса Муҳтарам Президентимизнинг яна бир қабул қилинган қарорлари билан шуни айтишимиз мумкинки иқтисодиётга бўлган эътибор туфайли бу йилни яъни 2020 - йилни Ўзбекистонда “Илм маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб аташни таклиф қилдилар. Яна шуни айтиб ўтдиларки, “Ислохотларнинг амалий натижадорлигини оширишда жойларда янги ташаббусларни илгари суришда аҳолимизнинг янада ташаббускор бўлишига эришмоғимиз лозим. Энг асосийси бу ислохотлар натижасида халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиб беришимиз керак” деб айтиб ўтдилар. Муҳтарам Президентимиз мана шундай одилонани ишларни биз ёшларга ишониб иш юритяптилар. Яна шуни “Янги Ўзбекистонни албатта ёшлар билан қурамир” деб ишонч билан айтяптилар. Биз ёшлар ҳам озгина маъсулиятни ҳис қилган ҳолда, ўз устимизда ишлаб, ўз соҳамиз бўйича мутахассиси бўлиб, Юртбошимиз ишончларини оқлашимиз зарур.

#### **Иқтибослар/сноски/references:**

1. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2018 йил 3 июльдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ 3832- сон Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотларини миллий базаси, 2018 йил 4 июльдаги 07/18/3832 1452 сон.
2. Р.Х.Аюпов, Г.Р.Болтабоева. Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётни шакллантириш муаммолари ва ечимлари. Т.: ТМИ 2013.
3. Г.Р.Болтабоева. Кичик бизнестда инновацион технологияларнинг аҳамияти, Кичик изнес ва хусусий тадбиркорлик муаммолари, ечимлари ва ривожланиш истиқболлари номли илмий мақола ва тезислар тўплами. ТМИ, 2013.

## **МИНТАҚАВИЙ ТРАНСПОРТ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА МУҚОБИЛ КОРИДОРЛАР ОМИЛИ**

**Собитов Акбар Содик ўғли<sup>1</sup>**


*<sup>1</sup>ТДИУ "Жаҳон иқтисодиёти" йўналиши магистранти*

Бугунги кунда транзит ва халқаро ташувларни амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш юзасидан халқаро амалиётда ҳамда илмий доираларда турлича талқинларнинг мавжудлиги, мазкур соҳага оид асосий тушунчаларни тўғри интерпретация қилиш лозимлигини белгилайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, энг аввало «минтақавий транспорт интеграцияси» ҳамда «минтақавий транспорт тизими» каби тушунчаларга оидлик киритилишини тақозо этади.

Бир неча давлат ҳудудидан ўтувчи транспорт коридорларининг самарали ишлаши учун тегишли минтақада транспорт соҳасидаги интеграциялашув талаб этилади. Шундай экан, мазкур йўналишда дастлаб «минтақавий транспорт интеграцияси» тушунчаси бўйича ҳам ягона таъриф ишлаб чиқиш талаб этилади. Мазкур тушунча бўйича олимларнинг ва мутахассисларнинг фикр ва ёндашувларини умумлаштирган ҳолда унга қуйидагича таъриф бериш мумкин:

Минтақавий транспорт интеграцияси – бу минтақа давлатлари томонидан транспорт соҳасида ўзаро самарали ва барқарор алоқаларни кучайтириш, бу борадаги сиёсий ва иқтисодий манфаатларни мувофиқлаштириш ҳамда тегишли меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш жараёни ва унинг натижасида юзага келувчи ҳолат ҳисобланади.

Айтиш жоизки, қайд этилган талқинларни барча минтақа учун, хусусан Марказий Осиё транспорт тизими учун тўғридан-тўғри қўллаб бўлмайди. Чунки, бошқа минтақалардаги (масалан, Европа Иттифоқида) транспорт соҳасидаги муносабатларда барча транспорт



турлари иштирокини кузатиш мумкин. Марказий Осиё минтақасида эса алоҳида тизим сифатида шаклланиши учун шарт-шароитлар ва зарурат асосан автомобиль ва темир йўл транспорти турлари учун мавжуд. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, «минтақавий транспорт тизими» тушунчасини Марказий Осиёга нисбатан қўллаганда, унга қўйидагича таъриф бериш мумкин: минтақавий транспорт тизими бу – мураккаб тизим турига кириб, минтақа давлатларининг умумий манфаатларни кўзловчи, мустақил бошқарув тизимига ва хусусий мақсадига эга миллий транспорт тизимларининг (автомобиль ва темир йўл тармоқлари кесимида) ўзаро мувофиқлашган мажмуи ҳисобланади. Мазкур минтақавий тизимнинг мукамаллиги ҳамда самарали фаолияти ушбу минтақа давлатлари ўртасидаги транспорт соҳасидаги ҳамкорлик даражасига ва учинчи давлат учун яратилган шароитга боғлиқ.

Минтақа транспорт тизимини самарасиз тизим сифатида таърифланиши ундан кутилган натижани бермаётганлиги (Европа-Осиё ташувларида Марказий Осиё орқали ташилаётган юкнинг улуши фақат 1% ни ташкил этаётганлиги, кўрсатилаётган транспорт хизматларининг рақобатбардош эмаслиги ва бошқ.) билан, яхши бошқарилмайдиган тизим сифатида эътироф этилиши – ягона мувофиқлаштирувчи институтуционал (субъект, ташкилот ва х.зо) ва минтақавий ҳуқуқий асосларнинг шаклланмаганлиги билан изоҳланади.

### 1-расм. Марказий Осиё транспорт тизимини мувофиқлаштиришнинг вазият модели


Ўтган давр мобайнида Марказий Осиё ва унга қўшни мамлакатларнинг жаҳон бозорларига чиқиш ва юк ташувларини амалга оширишга қаратилган қатор лойиҳалар ҳаётга жорий қилинди. Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган бу диёрдан йирик халқаро бозорларни ўзаро бирлаштирувчи энг қисқа йўналишлар ўтган. Шу тариқа ривож топган савдо алоқалари турли миллатлар, динлар ва маданиятлар ўртасидаги мулоқот учун қулай шароит яратган.

Марказий ва ғарбий Осиёдаги 11 давлатдан 8 таси тўғридан-тўғри денгиз йўлига чиқиш имкониятига эга эмас, Бу минтақада транспорт-коммуникация тармоқларини жадал тараққий эттиришни тақозо қилади. Марказий Осиё мамлакатларининг автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспорти тизимларида ахборот технологиялари, рақамли маркетинг хизматларини жорий этиш билан боғлиқ масалалар кенг муҳокама қилиш,

минтақамиз мамлакатларининг транспорт-коммуникация тизимини ривожлантириш, транспорт ва логистика соҳаларида янги инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишга доир сарф-ҳаракатларни фаоллаштириш, мултимодаь ташувларни жорий этиш, бунинг учун узок муддатли ва кўп томонлама ҳамкорлик учун қулай шароитлар яратиш зарур.

*1-Жадвал*

**Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан ташқи савдо айланмасини ривожлантиришда товарлар ва хизматлар экспортининг рақобат устунликлари**



*(ихтисослашув коэффициенти асосида)*

2017-2019 йилларда Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари экспорт салоҳиятини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш кўламини кенгайтириш ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқариш жараёнларини чуқурлаштириш бўлди. Таҳлил қилинган даврда Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси 2,9 баробар ошди, бу мамлакат савдо айланмасининг умумий қиймати ўсишидан юқори (Ўзбекистон ташқи савдо айланмасининг умумий ҳажми шу давр мобайнида 1,5 баробар ошди) бўлди. Натижада Марказий Осиё давлатларининг ташқи савдодаги ҳиссаси 2017 йилда 10,2% дан 2019 йилда 19,1% гача ошган бўлиб, бу минтақаларо иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашдан далолат беради.

Шуни таъкидлаш жоизки, айрим иқтисодий фаолият турларида ўзига хос хусусиятлар ва рақобат устунликларига ега бўлган Ўзбекистон товар ва хизматларни экспорт қилишда муносиб ўрин егаллайди (2019 йилда мамлакат товар ва хизматларини экспорт қилишда Марказий Осиё мамлакатларининг улуши 14,5% ни ташкил етди, бу еса 2017 йилга нисбатан юқоридир). Шу билан бирга, минтақа мамлакатлари орасида асосий импортчилар Қозоғистон (умумий экспортнинг 8,0%) ва Қирғизистон (3,8%) ҳисобланади, Тожикистон ва Туркменистон еса ўртача кўрсаткичларга ега (1,9% ва 0,8%, мос равишда).

Мамлакатларо транспорт алоқаларида ўзаро бир-бирини боғловчи транспорт коридорларининг мавжудлиги муҳим омил ҳисобланса, алоқаларнинг ривожини эса транзит ва халқаро ташувларни амалга оширишнинг самарали механизмининг йўлга қўйилганлиги билан боғлиқ. Ҳар қандай давлатда бўлгани каби, Марказий Осиё давлатлари томонидан олиб борилаётган транспорт соҳасидаги чора-тадбирларда ҳам асосан миллий манфаатларга устувор аҳамият қаратилаётганлиги ва уларнинг ўзаро мувофиқлашмаганлиги, минтақа давлатларининг, хусусан Ўзбекистоннинг транзит салоҳиятини оширишда асосий

тўсиқлардан бири бўлиб қолмоқда. Мазкур ҳолатни сўнгги йиллардаги мамлакат орқали ташилаётган транзит юклар ҳажмининг камайиш тенденциясига эгаллиги билан изоҳлаш мумкин (2-расм)

## **2-расм. Ўзбекистон ҳудуди орқали транзит ташувлар ҳажмининг камайиш тенденцияси (2020 й.)**

Бу борада Ўзбекистоннинг транспорт соҳасидаги миллий манфаатларини қуйидагича қайд этиш мумкин: мамлакат аҳолисини арзон ва сифатли транспорт хизмати билан барқарор таъминлаш, мавжуд транспорт йўлларини кенгайтириш ва модернизация қилиш, шунингдек янгиларини қуриш орқали Европа ва Осиёни боғловчи миллий транспорт комплексини ривожлантириш ҳамда минтақада рақобатбардошлигини таъминлаш.

Бугунги кунда Ўзбекистонда транспорт логистикасини ривожлантириш, ундаги хизмат турларини замонавийлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, “2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” қабул қилинди . Ушбу стратегияда транспорт соҳасини ривожлантириш соҳасида бир қанча вазифалар белгиланган. Булар:

- миллий транспорт логистика компаниялари ўртасида рақобат даражасини ошириш;
- автомобиль паркларини кенгайтириш;
- йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш;
- экспортга мўлжалланган миллий маҳсулотлар нархларини рақобатдош қилиш мақсадида юкларни бир транспортдан бошқасига қайта юклаш пунктлари сонини ошириш;
3. “Ресторанларда кўрсатиладиган хизматлар таҳлили ва уларнинг сифатини ошириш йўллари”, Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Курбонов Ж.М. Самарқанд Иқтисодийит ва Сервис Институту 2015

# ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КОРПОРАТИВ ТУЗИЛМАЛАРНИНГ РАҚОБАТ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Хашимов Акром Абдиевич<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, и.ф.д.

Амиркулов Акрам Зияевич<sup>2</sup>

<sup>2</sup>Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг мустақил изланувчиси

**Аннотация.** Мақолада инновацион иқтисодиёт шароитида кимё саноатининг корпоратив тузилмаларида корпоратив бошқарув фаолияти натижадорлигига мос келадиган рақобат маркетинг стратегиясини шакллантиришни такомиллаштириш масалалари ўрганилган.

**Таянч сўзлар:** рақобат, рақобат маркетинг стратегияси, корпоратив тузилма, акциядорлик жамияти, акциядорлик жамиятини бошқариш, маркетинг стратегияси, корпоратив стратегия.

**Тадқиқот мавзусидаги мавжуд муаммолар.** Ҳозирда Ўзбекистонда амалга оширилаётган жадал ислохотлар шароитида маркетинг тамойиллари асосида кимё саноати корхоналарининг бошқариш механизмини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган [1]. Бу каби устувор вазифаларни муваффақиятли ҳал этилиши республикамиз кимё тармоғи акциядорлик жамиятларида кучли рақобат шароитида корпоратив бошқарув фаолияти натижадорлигига мос келадиган рақобат маркетинг стратегиясини шакллантиришни такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишни тақозо этади. Шу жиҳатдан, кимё тармоғи акциядорлик жамиятларида рақобат маркетинг стратегиясини шакллантиришни такомиллаштиришга қаратилган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Корпоратив бошқарув, аввало, акциядорлик жамияти фаолияти билан боғлиқ муайян манфаатларни қондириш мақсадида корпоратив шахслар ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасидаги бошқарув муносабатлари тизими сифатида белгиланади.

Умуман «корпоратив бошқарув» атамасининг ўзи тарихан ўтган асрнинг 70-йиллари ўрталарида АҚШда пайдо бўлган. Кейинчалик ушбу атама Европада кенг тарқалиб, унда корпоратив менежмент, корпоратив ҳуқуқ ва корпоратив тузилмалар (ташкилотлар)ни яратиш соҳаларида тадқиқотлар олиб борилган [2]. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, «*корпоратив бошқарув*» атамаси илк марта Р.Иллс томонидан «корпоратив тузумнинг тузилиши ва фаолияти» моҳиятини очиб беришда қўлланилган. «Корпоратив бошқарув» концепцияси ўзи азалдан маълум бўлган ва бу концепция 20-аср бошларида чоп этилган адабиётларда қўлланилган [3]. Хусусан, корпоратив муносабатлар тизими корпоратив ва хусусий мулкни бошқаришни қўллаш жараёни сифатида биринчи марта 1932 йилда америкалик ҳуқуқшунос олим А.Берли ва иқтисодчи Г.Минзнинг классик ишларида ўрганилган [4]. Иқтисодчи олимлар Ш.Зайнутдинов ва Д.Раҳимова «Корпоратив бошқарув – манфаатдор шахсларнинг даромад олиш мақсадида биргаликдаги ҳаракатларидир», - деган таърифни келтиришган [5].

Ривожланган Ғарб давлатларида «*стратегия*» тушунчаси бизнесга XX асрнинг 50-60 – йилларида кириб келган. Шу даврдан бошлаб корхона бошқаришда стратегиянинг моҳияти ва мазмунини тавсифлаш борасида бир қатор дунёқарашлар вужудга келди.

Менежмент соҳасида дунёда энг таникли олимлардан бири бўлган Г.Минцберг мутахассислар орасида «стратегия» атамасига нисбатан ягона тавсиф йўқ эканлигини кўп марта таъкидлаган. Г.Минцберг, Дж.Б.Куин, С.Гошал ўзларининг стратегик жараёнга бағишланган асарларида «Қандайдир ягона умум қабул қилинган стратегия умуман бўлмайди», деб кўрсатадилар [6].

Россиялик олим В.С.Ефремов фикрича, «бизнес стратегияси – бу ташкилотнинг ишлаб чиқариш, тижорат фаолиятини етарлича давом этувчи ораликда нисбатан барқарор ва бутунлай аниқланган йўлини асослаб берувчи фаолият соҳасидир» [7].

Аммо, шуни таъкидлаш лозимки, ушбу тадқиқот ишларида корпоратив бошқарув фаолияти натижадорлигига кўра ривожланиш маркетинг стратегияларини шакллантириш масалалари ўрганилганлиги сабабли ушбу муаммо долзарб аҳамият касб этади.

**Муаммони ҳал қилиш усуллари.** Илмий-тадқиқот методологияси бўлиб диалектика услуби ҳисобланади ва тадқиқот жараёнида тажриба-экспериментал, танлаб кузатиш, таққослаш, экспертлар баҳоси каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқот жараёнида республикамизда фаолият олиб бораётган етакчи акциядорлик жамиятлар раҳбарлари ва менежерлари ўртасида ўтказилган эксперт сўрови жараёнида олинган маълумотлар таҳлили корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш йўналишларини янгилаш ва қуйидаги 3 та йўналиш бўйича корпоратив бошқарув тизими натижадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини танлаш имконини берди:

- маъмурий-бошқарув жиҳатини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- акциядорлик жамиятининг истиқболини кўра билишликни тавсифловчи кўрсаткичлар;
- акциядорлик жамиятининг ресурсларни тақсимлаш самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлари.

Яратилган кўрсаткичлар мажмуи корпоратив бошқарув тизими фаолиятининг энг муҳим параметрларини баҳолаш имконини беради. Шу билан бирга, асосий ва энг қийин муаммо зарур кўрсаткичлар гуруҳини мувозанатли баҳолашни шакллантиришдир. Шу муносабат билан муаллиф маъмурий-бошқарув, стратегик ва ресурс жиҳатларини жамловчи кўрсаткичлардан иборат комплекс услубиятни таклиф этади. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун кенг қамровли услубиятини шакллантириш учун корпоратив бошқарув тизими фаолиятининг кўрсаткичлари ва параметрлари гуруҳлари шакллантирилди.

Корпоратив бошқарув тизими фаолияти натижадорлигини баҳолашдан сўнг натижадорлик ҳолати ўзгаришига таъсир қилувчи асосий омиллар таҳлили амалга оширилди. Етарли даражада сақлаб қолиш учун зарур бўлган бир қатор жиҳатлар аниқланди, хусусан, улар қуйидагилардир:

- хўжалик юритишнинг зарур даражасини сақлаб қолиш ёки унга эришиш йўллари;
- акциядорлик жамияти миқёсидаги ўзгаришлар йўналишлари, шу жумладан якуний натижага таъсир этувчи элементнинг корпоратив бошқарув тизими ички элементлари таркибидаги ўзгаришлар;

корпоратив бошқарув тизимининг муаммоли элементлари ва уларнинг алоҳида йўналишлари, шу жумладан, иқтисодий бўлмаган соҳаларнинг мавжудлиги.

“Ўзкимёсаноат” АЖ таркибига кирувчи акциядорлик жамиятларининг корпоратив бошқарув натижадорлиги ҳамда корпоратив бошқарув рақобатда устунлиги кўрсаткичлари ўзаро боғлиқлигини ўрганиш натижалари асосида ушбу акциядорлик жамиятларининг келгусида ривожланиш стратегияси “Корпоратив бошқарув устунлигини шакллантириш натижадорлиги -Корпоратив бошқарув фаолияти натижадорлиги” акс эттирувчи ушбу корхоналари ривожланишининг стратегия матрицаси кўринишида бўлади.

Ўрганилаётган акциядорлик жамиятлари фаолиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, улар фаолиятида корпоратив стратегияларнинг барча турлари (хужумкорлик, кутиш, йўналиш стратегияси ва бошқалар) қўлланилади.

"Ресурслар" корпоратив устунлик элементи учун стратегияларни ишлаб чиқишнинг асосий вариантлари қуйида келтирилган:

"корпоратив афзалликларнинг мутлақ тури" учун ресурс гуруҳлари учун максимал даражаларга еришиш йўллари, уларнинг намоён бўлиш нуқталарини ва умуман имтиёзларга таъсирни аниқлаш керак (фаолиятнинг мувофиқлигининг синергетик таъсири);

"рақобат устунликларининг нормал тури" учун рақобат мақеиларининг барқарор ҳолатини сақлаб қолиш учун фаолият йўналишлари бўйича ресурсларнинг тузилмалари ва нисбатларини аниқлаш зарур;

"рақобат устунликларининг беқарор ҳолати" доирасида фаолиятни диверсификация қилиш, ҳар бир ресурс турининг қийматини яратишга "ҳисса" ни аниқлаш ва уларнинг тузилиши ва нисбатларини ўзгартириш, шу жумладан рақобат устунликларини сақлаб қолиш учун кўшимча ресурсларни ажратиш қизиқиш уйғотади;

"корпоратив устунликнинг критик даражаси" бўлган корпорацияларда юқоридаги жиҳатлардан ташқари хавф соҳаларини аниқлаш, шунингдек ресурс салоҳиятини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Натижада корпоратив бошқарув тизимининг ҳолати ҳақидаги маълумотлар унинг самарадорлиги нуқтаи назаридан "корпоратив рақобат устунликларини шакллантириш натижадорлиги" ва "корпоратив бошқарув тизими фаолиятининг натижадорлиги" координатларида ҳудудлар матричасини яратиш учун етарли даражада қўлга киритилди. Матрица ҳар бир корпорация учун КБТ фаолияти натижадорлигини ошириш, ҳар бир фаолият соҳаси учун стратегиялар ва корпоратив рақобат устунликларини шакллантириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини беради. Ишлаб чиқилган услубиятга мувофиқ корпоратив бошқарув тизими натижадорлигини баҳолаш унинг фаолияти (маъмурий-бошқарув йўналиши ва бизнес истикболини кўра билишлик; маъмурий-бошқарув йўналиши ва ресурсларни тақсимлаш; бизнесни кўра билиш ва ресурсларни тақсимлаш)ни тавсифловчи корпоратив бошқарув тизими фаолияти йўналиши ҳолатининг комбинациялари ва рақобат устунликларини шакллантириш кўп ҳолларда ўз ҳолатларининг даражаларида жуда катта фарқларни кўрсатади. Бу эса корпоратив бошқарув тизимининг фаолияти натижадорлиги даражасидаги анча кучсиз корреляцияни кўрсатади, таҳлил натижасида мувозанатлаштирилган фаолиятнинг барча соҳаларига эга бўлган акциядорлик жамиятлари аниқланмади. Шундай қилиб, ҳар бир компания учун ушбу стратегиялар доирасида кўплаб тадбирлар таклиф этилганлигини таъкидлаш мумкин ва ҳар бир акциядорлик жамияти ўз мақсадларига эришиш учун энг мос стратегияни танлаш ва вазиятга қараб фаолиятни бирлаштириш ҳуқуқига эгадир.

#### **Иқтибослар/сноски/references:**

1. Фармон (2017). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. <http://lex.uz>
2. Veasey E.N. The Emergence of Corporate Governance as a New Legal Discipline // The Business Lawyer. – August 1993. – Vol.48, Issue 4. – P.1267-1271.
3. Eells R.S.F. the Meaning of Modern Business; An Introduction to the Philosophy of Large Corporate Enterprise. – New York: Columbia University Press, 1960. – 427 p.
4. Berle A., Means G. The modern Corporation and Private Property. – New York: Macmillan, 1932. – 478 p.
5. Зайнутдинов Ш.Н., Раҳимова Д.Н. Корпоратив бошқарув асослари. – Т.: Академия, 2007. – 48 б.
6. Минцберг Г., Альстрэнд Б., Лэмпел Дж. Школы стратегий / Пер. с англ. – СПб.: Питер, 2000. – 314 с.
7. Ефремов В.С. Стратегия бизнеса. Концепции и методы планирования. – М.: Финпресс, 2001. – 256 с.

**ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ,  
ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
ВА УСЛУБЛАРИ**

# БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ЁЗМА НУТҚ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШ НИМА УЧУН КЕРАК?

Абдуфаттоева Гулаззам Қобилжон қизи<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Андижон давлат университети магистранти

**Аннотация:** ушбу мақолада бошланғич синфларда она тили фанини яхши ташкил этиш учун педагогик технологияларни қўллаш ва шу орқали ўқувчилар билмини ошириш, ва ёзма нутқ нима учун кераклиги масалалари ҳақида.

**Калит сўзлар:** нутқ, ёзма нутқ, педагогик, технология, мотив, инновация.

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб юртимизнинг 1-президенти И.А. Каримов таълим соҳасига катта эътибор қаратган. Бугунги кунда фан ва техниканинг ўсиб бориши таълимга янгиликлар киритишни талаб этмоқда. Инновацион ғояларни яратиш, уни бошқаларга татбиқ этиш орқали юртимиздаги мактаб муассасаларидаги ўқувчиларга туртки бўлмоқда.

Таълим сифатини янада ошириш учун бизга албатта ёзма нутқ билан бирга оғзаки нутқ ҳам керак. Фарзандларимизни оғзаки нутқи қанчалик ривожланган бўлса ёзма нутқ саводхонлиги ҳам шунчалик ривожланган ва равон бўлиши керак. Таълим жараёнида илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш, таълим самарадорлигини ошириш, таҳлил қилиш ва амалиётга жорий этиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Бошланғич таълим умумтаълим мактабларининг бош бўғини ҳисобланади. Бошланғич синф ўқувчилари зиммасида катта маъ сулият туради. Мактаб остонасига энди қадам қўйган ўқувчи ёшларни мактаб ҳаёти билан таништириб билим олишлари ҳақида кўникмалар бериб боради. Болаларнинг ақлий фаолияти уларнинг иқтидорлари, қизиқишлари шу даврда ривожланиб, шаклланиб боради, Ёшлиқда олинган билим тошга ўйилган нақш кабиё дир. Бу ҳам ўқитувчиларнинг касби маъсулиятлар касб эканини исботлайди. Ҳар бир педагогик технологиялар асосида ташкил этилган дарслар ўқувчи эҳтиёжига мос бўлиши керак. Ўқувчиларнинг мактаб дарслиklarини яхши ўзлаштиришида ўқувчи билими, уларга ўргатиш салоҳияти қай даражада эканлиги ва болалар қизиқишини уйғотишда педагогик технологиялар туртки бўлади.

Ёзма нутқ биз учун энг муҳим ҳисобланади. Оғзаки нутқ билан ёзма нутқ бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Негаки оғзаки нутқ бор жойда ёзма нутқ албатта бўлади. Ўқувчилар ҳам китобларда ёзилганларни тоғри ўқишлари билан бир қаторда айтилганларни тоғри ёзишлари керак. Ёзма нутқ саводхонлигини биз диктантлар орқали оширишимиз мумкин. Биз ўқиётган китобларни ҳам ёзма нутқ орқали ёзилган. Сиз ёзаётганларизни бошқалар ўқиб тушниши керак. Барча фанларга ёзма нутқ керак. Сабаби уларнинг ҳаммаси ёзилади. Таълимда педагогик технологияларни қўллашда дарс тўлалигича қамраб олиниши керак. Бошланғич синфларда она тили дарсларини ташкил этишда педагогик маҳорат билан инновацион ёндашиш орқали ўқувчилар қизиқишларини она тилига ўстириб боориш керак. Она тили фанини ҳаётга боғлаб ўтиш лозим. Шунда ўқувчи она тилимизни ардоқлашга ва уну мукамал ўрганишга кейинг ёш авлодга ҳам она тилимизни сир асрорларини ўргатишга бел боғласинлар. Бошланғич синф ўқувчиларнинг Ёши қизиқиши ақлий фаолиятини алоҳида эътиборга олиш керак. Уларнинг ёшларига, қизиқишига ,ақлий фаолиятига қараб осон қизиқэрли қилиб мавзуларни ўргатиб боришлари керак. Ўқувчиларга атроф-муҳит, ҳаётга боғлаб тушунтирилган мавзулар уларни фикрлашини тез, дунёқарашини кенг бўлишига сабаб бўлади. Ўқувчилар ўзгалар фикрини эшитиб тушуна олишлари ва ўзгаларга фикрини баён қилиб етказиб бера олишлари керак. Муҳтарам президентимиз Ш.Мирзиёев „Фарзандларимизга аввало ўзимиз ҳамма соҳада ватанга, халққа садоқатли бўлишда, илмга, касб-хунарга мҳр қўйишда ота-она , жамият олдидаги бурчимизни сидкидилданадо этишда амалий наъмуна кўрсатишимиз керак.ё Бу фикрлар барча касб эгаларининг қалбларига етиб бориб ўз касбларига садоқатли бўлишларига даъват этади. Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ҳар бир дарсни

ўзига хос интерфал методларни танлаб ўтиш тўғри бўлади. Ўқитиш жараёнида юқори кўрсаткичга эришиш учун дарс жараёнини кетма-кетлигини аввалдан режалаштириш керак. Дарсга оид педагогик технологияни танлаб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

#### **Иқтибослар/сноски/references:**

1. Мирзиёев Ш.М. Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга этишда таянчимиз ва суянчимиздир. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ИВ қурултойидаги нутқ. // Маърифат. Тошкент, 2017 йил 1 июл № 52.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори Т. Ўзбекистон. 1998-й.

## **ЁШЛАРИМИЗДА БУЗҒУНЧИ “ОММАВИЙ МАДАНИЯТ” ГА ҚАРШИ МУСТАҲКАМ МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Абдуллаева Саида<sup>1</sup>**

*<sup>1</sup>Андижон давлат университети магистранти*

**Аннотация:** Ушбу мақолада бугунги кунда бутун дунёга хавф солаётган “оммавий маданият”, унга қарши курашда юқсак маънавий-ахлоқий билимларни шакллантириш масалалари баён этилган.

**Калит сўзлар:** маънавият, маданият, таълим, “оммавий маданият”, ёшлар

Бугунги кундаги глобал муаммолар орасида кўзга кўринмайдиган, кўринишидан содда, ҳеч ҳам аҳамиятга молик эмасдек туйиладиган, аслида эса инсон онгини забт қиладиган, ўзи билмаган ҳолда унинг мафкурасига руҳиятига таъсир эта оладиган, муносабатлар тизимини, миллий қадриятлар, миллий ўзлигига ҳамда маданий тузулмасига зарба бериб инсонда ўзгача ёт қиёфани намоён қила оладиган айрим ахборот таъсирлари мавжуд эканлиги сир эмас. Бу омма маданияти сифатида тақдим этилаётган ҳолатлар психологлар, социологлар, маданиятшунослар ҳамда файласуфлар томонидан қўштирноқ ичидаги “оммавий маданият” – деб номланмоқда. Башарти айрим бузғунчи сиёсий кучлар ва, ҳатто, айрим давлатлар ўзларини қизиқтираётган давлатлардаги соғлом ижтимоий онгни бузиш мақсадида тажовузкор маданий сиёсатни ўтказишдан уялишмас экан, бундай ҳадисаларга қарши курашда муваффақиятга эришиш учун биз зудлик билан шахсларда барқарор мафкуравий иммунитетни шакллантиришимиз мақсадга мувофиқдир. Ҳаёт ахлоқий ва эстетик афзалликлар, ҳис-туйғулар, ўзини қарор топтиришга, нуфузли мақомга эга бўлишга уринишлар ўзининг улар билан қардошлигини ҳис этиш, ўз муштараклиги бошқалар томонидан ҳимояланганлиги туйғуси ва шу қабилар билан тартибга солинади. Буларнинг барини инсоннинг “қадрият йўналишлари” деб аташ қабул қилинган (бу ерда фақат ижтимоий қадриятлар санаб ўтилган, лекин инсонда ижтимоий сабабларга бевосита боғлиқ бўлмаган кўплаб манфаатлар ҳам бўлиши мумкин). Ушбу қадрият қоидалари инсоннинг турмуш тарзига кўшилиб, унинг ҳам олам манзарасини- кишиларнинг ҳаёти ва жамоавий борлиги, ушбу борлиқ қонуниятлари ва нормалари, таркибининг қадриятлар иерархиясининг моҳияти ҳақидаги қисман рационал (ишончли билимга асосланган), бироқ кўпроқ интуитив (ментал, образли, ахборот-фрагментлар ва бошқалар) тасаввурлар ҳамда туйғуларни шакллантиради. Шахс экстраутилититар манфаатлари ҳамда эҳтиёжларнинг ушбу даражасида маданият унинг ижтимоий монандлигини тартибга солувчи асосий омил бўлади. Чинакам хавфсиз жамият-



одамларнинг мутлақ кўпчилиги ҳаёт фаолиятининг умум қабул қилинган нормаларига онгли ва мақсадли роя қиладиган, яъни маданиятли бўлган, қонунбузарлар сони эса анча кам бўлган жамият. Қонунбузарлар сони йўл қўйилиши мумкин бўлган даражадан оша бошласа, бундай жамиятга маданиятли деб ҳам, хавфсиз деб ҳам аташ қийин. Шу маънода архаик анъанавий жамиятлар, маргиналлашган аҳоли фоизи анча юқори ва, шунга мувофиқ, хавфсизликнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган ҳамда умум қабул қилинган андазалари (ҳеч бўлмаганда, фуқароларнинг шахсий ва мулкӣ хавфсизлигининг) фоизи паст бўлган индустриал ҳамда постиндустриал жамиятларга қараганда, албатта, анча хавфсизроқ ва уларнинг кўпчилик аъзоларининг хатти-ҳаракатини олдиндан билса бўлади.

Ушбу вазифаларни бажариш учун (кенг маънодаги) маданиятнинг барча тармоқлари: таълим, санъат, дин, фан, оммавий ахборот воситалари, нашриётлар, маданий муассасалар-музейлар, кутубхоналар, уюштирилган бўш вақт ва шу кабиларнинг куч-ғайратини жамиятнинг ўзини ўзи ижтимоий-маданий ривожлантириши ва сақлаб қолиши борасидаги умумий давлат дастури доирасида бирлаштириш талаб этилади.

Шу тариқа, мафкуравий тажовузга қарши кураш масаласини ҳал қилиш ишига бутун давлат сийсати, шу жумладан инсонни ижтимоийлаштириш ҳамда унинг ички маданиятини ривожлантириш бўйича барча институтларнинг куч-ғайратини мувофиқлаштирувчи маданий сиёсат ҳам жалб этилиши даркор.

Норматив ҳодиса бўлган маданият, қанчалик ғалати туюлмасин, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг психологик ўхшашидир. Бироқ у куч билан эмас, балки ахлоқий маъқуллаш ва қўллаб қувватлаш ёки қоидабузарларни қоралаш ёки қабул қилмаслик методи билан иш олиб боради. Бу- ҳар бир кишининг психологик тузилишидаги “тартиб-қоида қўриқчиси” бўлиб, у ўз вазифасини қанчалик қатъият ва мурасасизлик билан бажарса, индивид ўзини (этник ва табақавий маданияти нормалари доирасида) шунчалик юқори маданиятли қилиб кўрсатади. Ушбу индивидлардан таркиб топган жамият ҳам, шунга мувофиқ равишда, анча барқарор ва хавфсизроқ бўлади.

Мафкура бугунгина эмас, балки барча даврларда ҳам жуда муҳим ижтимоий-сиёсий ҳодиса бўлган, ҳар қандай жамиятни бирлаштириб, соғлом ва олийжаноб ниятларни амалга оширишга даъват этиб келган, олдинга қўйилган мақсадларга эришиш учун маънавий-ахлоқий асос бўлиб хизмат қилган.

Бироқ биз янги давлат, янги жамият барпо этаётган ҳозирги кунда мафкуранинг аҳамияти, айниқса улкан. Ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизимида инсон онги ва тафаккури ўзига хос ва шу билан бирга, мутлақо янги аҳамият касб этишига шубҳа йўқ. Бу нимада ўз ифодасини топади? Энг аввало, шахс билан давлат, индивид билан жамият ўртасидаги муносабатлар мутлақо янги мазмун ва шакл касб этиши, янги сифат янги принципларга асосланиши даркор. Бошқача айтганда, булар янги қадриятлар ва демократик принциплар моҳиятига, турмуш тарзимиз ва тафаккуримизга, биз қурмоқчи бўлган адолатли жамият талабларига жавоб берувчи муносабатлар бўлиши лозим.

Ҳаммамизга маълумки халқимиз узоқ даврлар мобайнида ўзига ёт ғоялар ва қадриятларнинг мафкуравий тазйиқи остида яшашга тўғри келган. Бу ҳол маънавий-ахлоқий соҳаларига сингиб кетганди. Ижтимоий онга давлатнинг устуворлиги, инсоннинг унинг манфаатларига хизмат қилиши ғояси сингдирилган. “Олий давлат манфаати” босиб ётган инсоннинг ўзи давлатнинг қўшимчасига айланиб қолганди. Давлат инсон манфаатларига хизмат қилмаган, аксинча, фуқаролар давлат ҳокимияти остида бўлиб, ўз хизмати, маоши стипендияси, нафақаси, хонадони ҳамда ўқиниши давлат инъом этган буюк неъмат деб баҳоланганди. Жамиятнинг ҳар бир аъзосида ҳаётга сиёсат нуқтаи назаридан қараш шакллантирилган. Сиёсатга зид иш қилишга йўл қўйилмаган, у жиноий-ҳуқуқий жавобгарликни келтириб чиқарувчи жиноятга тенглаштирилган. Лениннинг сиёсат “иктисодийнинг жамланган ифодаси” деган жуда маълум таърифи совет юридик фанида машҳурликда кам бўлмаган “ҳуқуқ сиёсатнинг жамланган иродаси” деган жумлада ўз ифодасини топгани тасодифий эмас. Кўп миллатли улкан мамлакатнинг бутун ижтимоий ҳаёти тоталитар тузум томонидан

сиёсатнинг жамланган ифодасига айлантириб юборилган, чунки унинг бошқарувчилик таъсири кириб бормаган соҳа қолмаганди[1].

Мустақилликка эришгач, миллий табиатимизга ҳамда минг йиллик анъаналаримизга, урф-одатларимизга зид бўлган ёлғон коммунистик ғоялардан воз кечдик.

Бироқ XX асрнинг охирида мамлакатимизда рўй берган барча ҳодисалар умуман ижобий баҳоланса-да, барибир, ўша жойнинг салбий томонлари ҳам бўлган. Совет мафқураси тизими буткул емирилгач, юзага келган шароитда жамиятимизда бадном бўлган коммунистик мафқуранинг ўрнини босадиган муқобил мафқура йўқ эди. Ўзига хос бўшлиқ-вакуум пайдо бўлди. Ўтиш давридаги эҳтирослар ва зиддиятлар қийноғида қолган ёш республикамиз бўшаб қолган мафқуравий маконни тўлдиришга тайёр эмаслиги маълум бўлди.

Устига-устак, бундай масалаларда тажриба йўқлиги ва узоқ йиллар мобайнида халқда ҳар қанақа мафқуравий “нарсаларга” ишонч йўқолгани жамиятда, биринчи навбатда, ўша пайтда кескин кўндаланг бўлган иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, шунингдек, ижтимоий кучларнинг ҳаммасини ёш давлатимиз сиёсий ва маъмурий тузилишининг янги тизимини муҳокама қилишга қаратишга олиб келди. Дарвоқе, шунга ўхшаш вазият нафақат Марказий Осиёдаги ёш республикаларда, балки, умуман, советлардан кейинги маконда ҳам юзага келганди. Эндиликда зудлик билан ёш давлатимиз ўзининг миллий истиқлол ғояси ва мафқурасини ишлаб чиқиши керак бўлди. Акс ҳолда инсонлар онгида юзага келган бўшлиқ жуда ёмон оқибатларга олиб келишиши мумкин эди. Шу ўринда ҳурматли биринчи Юртбошимиз бу хавфни олдиндан сезган ҳолда қуйидагича фикрларни илгари “Бу дунёда табиатда ҳам, жамиятда ҳам бўшлиқ бўлмайди. Қаердадир пайдо бўлдимиз, ҳеч шубҳасиз, уни албатта кимдир тўлдиришга ҳаракат қилади”.

Дарҳақиқат ҳеч қандай бўшлиққа, айниқса мафқура соҳасидаги бўшлиққа йўл қўйиб бўлмайди. “Табиат бўшлиқни ёқтирмайди” - деганди америкалик машҳур мутафаккир Жорж Бернанд Шоу - “Кишилар ҳақиқатни билмайдиган жойда улар бўшлиқни уйдирма билан тўлдиришади”. Шу сабабли ҳам янги давлатлар мустақилликнинг дастлабки, энг беқарор босқичида миллий хавфсизлик, барқарорлик ва мафқуравий ҳимояланганлик нуктаи назаридан жуда ночор бўлиб қолишган.

Мафқура соҳасида бўшлиққа йўл қўйиб бўлмаслигини энди жамиятимиз аъзоларининг кўпчилиги англаб олди. Бироқ СССР парчалангач ҳосил бўлган мафқуравий бўшлиқ Марказий Осиёдаги мустақил давлатларнинг унча катта бўлмаган тарихи давомида жуда ҳилми-ҳил ғоялар ҳамда оқимлар билан тўлдирила бошланганди.

Зўр машаққат билан қўлга киритилган миллий озодлик қадриятларини сақлаб қолиш учун бутун диққат-эътибор иқтисодиёт ва бошқарувнинг долзарб муаммоларига қаратилган бир даврда узоқ муддатли давлат мафқураси ёки миллий ғоя ҳақида ўйлашга кўпчиликнинг имконияти бўлмаганди.

Бироқ бугунга келиб, мафқуравий бўшлиқнинг юзага келиши ва ушбу бўшлиқнинг узоқ вақт мавжуд бўлиши бизнинг орзу-умидларимиз ҳамда интилишларимизга мутлақо зид бўлган ёт ғоялар коммунистик мафқура тугатилганидан сўнг бўшаб қолган мафқуравий маконни эгаллашга олиб келиши буткул маълум бўлиб қолди. Марказий Осиё ҳудудида вақтинча мафқуравий бўшлиқ юзага келганидан фойдаланиб қолишга интилаётган кучлар борлиги баҳс талаб қилмайдиган фактдир. Бундай бузғунчи кучлар манфаати аён ва тушунарлидир. Уларнинг Марказий Осиё ҳамда Ўзбекистонда жиддий қизиқиш билан қарашнинг асосий сабаблари аввалги бобда батафсил кўриб чиқилди. Бу қизиқиш, аввало, мамлакатимиз табиий захираларга бойлиги, геосиёсий нуктаи назардан жуда қулай ҳудудда жойлашганлиги туфайли юзага келган. Шу боис айрим мафқура марказларининг халқимиз онгига мафқуравий таъсир механизмларини сингдиришга, кейинчалик уларнинг ёрдамида устимиздан ҳукм юритишга интилиш мутлақо тушунарлидир.

Ушбу кучлар бугунги кунда ўз мақсадларига эришиш учун ҳеч нарсадан ҳазар қилмаслиги, улар гарчи катта маблағ ва замонавий қурола аслаҳага эга бўлишса-да, асосий ҳамда таъсирчан қуроли, барибир, бизнинг миллий қадриятларимизга мос келмайдиган,

шунинг учун эрта-бир кун ўрнимизни босиши лозим бўлган ёшларнинг қалби ва онгини захарлайдиган вайронкор мафкура эканлиги аён бўлиб қолди.

Масалан, ғоялари ёшларнинг муайян қисми томонидан кутилмаганда қабул қилинган диний экстримизм таҳдидини олайлик. Бу ҳодиса ёшларимиз экстримизмга мойил бўлгани учун эмас, балки уларнинг онги четдан бўладиган мафкуравий тазйикқа қарши курашиш учун мамлакатда аниқ ўйлаб чиқилган бирон-бир дастур бўлмаган, ёш авлод йўл қўйилган хатолардан кутулиб қолишида кўмаклашадиган бундай дастурга эга бўлиш зарурати айланмаган мафкуравий бўшлиқ шароитида шакллангани учун содир бўлди.

Хўш ўша тарихий даврда давлат авж олаётган мафкуравий урушга қарши нимани курол қилиб олиши мумкин эди? Мафкуравий жиҳатдан аро йўлда қолган жамиятимизга оммавий коммуникация каналлари, оммавий маданият воситалари орқали ёғилган вайронкор ахборотнинг қудратли оқимиغا чинакам самарали қаршилиқ кўрсатишда нима ёрдам бериши мумкин эди?

Биринчи Президент Ислом Каримов бу ҳақда: “Айниқса, ҳозирги вақтда дунёда кучайиб бораётган турли маънавий таҳдидларнинг олдини олиш, “оммавий маданиятнинг зарарли таъсиридан фарзандларимизнинг онгу-тафаккурини ҳимоя қилишда илму-фан ва маданият жамоатчилиги, ижод аҳлининг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда. Нега деганда, бизнинг миллий руҳимиз ва табиатимизга бегона бўлган ана шундай “маданият” намуналарини фақат танқид ва инкор қилиш ёки уларни тақиқлаш билан бирон натижага эришиб бўлмайди. Бундай хатарлардан ҳаётимизни асраш, маънавий бўшлиққа йўл қўймаслик учун авваламбор эзгу инсоний ғоялар ва юксак маҳорат билан яратилган асарлар орқали халқимизнинг маданий савиясини юксалтириш, бошқача айтганда, бутун жаҳон майдонида юз бераётган кескин ақл-заковат ва истеъдод мусобақасида беллашувга қодир бўлишимиз шарт”, - деб эътироф этадилар.

Бизга маълумки коммунистик ғоялар инқирозини бошдан кечирган мамлакат ХХИ аср бўсағасига келиб мафкуравий ночорлик ҳолатига тушиб қолди. Юзага келган вазиятнинг салбий оқибатлари ХХИ-асрнинг бошидаёқ диний фундаментализм кўринишларида, террорчилик ҳаракатларида, шунингдек, аввалроқ оммавий маданиятнинг вайронкор таъсири муносабати билан тавсифлаб ўтилган айрим салбий ҳодисалар кескинлашувида ўзини кўрсатди. Ўзини бадном қилган эски сиёсий доктриналар аҳолининг ўзлигини англашда бўшлиқни юзага келтиради ва Марказий Осиёнинг ёш мустақил давлатлари келажаги ҳамда янги давлат мафкурасини шакллантириш зарурлиги тўғрисидаги масалани жуда ҳам кескин қўйди.

Шундай қилиб, мамлакатимиз ижтимоий ва сиёсий ривожланишининг ҳозирги босқичда ўз мафкурасини шакллантириш зарурати ҳаммага аён бўлиб қолди. Чунки ҳар қандай касалнинг олдини олиш учун, энг аввало, инсон организмида ушбу касалликка қарши иммунитет ҳосил қилиш керак. Шу боис хавфсизлигимизга жиддий таҳдидлар юзага келган бутунги кунда бутун диққат-эътиборимизни жамиятимизда мафкуравий иммунитетни шакллантиришга қаратишимиз лозим. “Мафкуравий иммунитет деб, кишилар, шу жумладан ёшларнинг жамиятимиз тараққиётига тўғонок бўладиган бузғунчи, вайронкор ғояларга қарши кураша олиш қобилиятини айтамыз”, - деб ҳақли равишда ёзади файласуф олима Ф.Примова - ёшлар онгида ана шундай мафкуравий иммунитетни шакллантириш ғоятда муҳим масаладир. Бу вазифани амалга оширишда оиланинг ўрни ва роли беқиёсдир. Инсон онги ва қалби учун кураш ҳозирги кундаги турли мафкураларнинг бош мақсадига айланиб қолди, чунки муайян ғоя том маънода ғоя бўлиши учун кишилар онгини эгаллаши, аниқроғи, уларнинг қалбидан жой олиши шарт. Комил инсон вужудида қудратли кучга эга бўлган мафкуравий иммунитет бўлиши шарт. Бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш талаб этилади:

биринчидан, инсоннинг кўплаб хусусиятлари туғма бўлса-да, унинг қалбида доимо мафкуравий иммунитетни шакллантириш, уни босқисма- босқич ривожлантириш;

иккинчидан, мафкуравий иммунитет ҳар бир авлод учун ўзига хос хусусиятга эга бўлишини инобатга олиб, тарбия жараёнини одамлар ёши, миллати, ирқи ва динига қараб олиб бориш;

учинчидан, иммунитет тизими шакллангандагина мафкуравий дахлсизликни таъминлаш мумкинлигини унутмаслик керак. Мафкуравий иммунитет тизимига қуйидагилар киради: дунёвий ва диний билимлар; дунёвий, илмий, тараққийпарвар билимлар замирида шаклланадиган кадрятлар. Аммо билимлар ва кадрятлар тизимининг ўзи мафкуравий иммунитетнинг моҳиятини тўлиқ ифода эта олмайди. Зеро, бу икки элемент мафкуравий иммунитетнинг учинчи муҳим элементи, яъни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий соҳалардаги мақсадлар тизими ҳамда шахс психологияси, миллий характери тўғри қарор топмас экан, инсон, миллат ёки жамият гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги мафкуравий тазйиқларга бардош бериши амри маҳол[2].

Тадқиқотимиздан хулоса шуки, биз тадқиқ қилаётган оммавий маданиятнинг салбий иллатлари ҳар доим ҳам яққол намоён бўлавермайди. Аммо майда-чуйда икир-чикирлар бўлиб кўринган масалалар келажак авлод тарбиясида чуқур салбий из қолдириши мумкин. Бу борада асосий эътибор миллий кадрятларни авайлаб асраш ҳамда ёш авлодни аждодлар намунаси асосида тарбиялаш эканлиги ҳамда бузғунчи оммавий маданиятга курашишнинг энг самарали йўли шахсларимизда барқарор мафкуравий иммунитет шакллантириш бугунги кун ҳақиқатидир.

#### **Иқтибослар/сноски/references:**

1. Ғойибназаров Ш. “Оммавий маданият” қўлланмаси. Тошкент. -2012.155-бет.
2. Каримов И. А. Юксак маънавият –енгилмас куч.-Т.: “Маънавият”. 2008.-12-б.

## **БИОЛОГИЯ ДАРСЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУРИЯТИ**

**Абдураимов Иқболжон<sup>1</sup>**

*<sup>1</sup>Андижон вилояти ХТБ га қарашли 4-ДИМИ нинг  
биология фани ўқитувчиси*

**Аннотация:** Ушбу мақолада биология дарсларини ўқитишда замонавий педагогик технологиялар ва ахборот технолояларидан фойдаланиш ва унинг ижобий натижалари ҳақода маълумотлар берилган.

**Калит сўзлар:** педагогика, метод, технология, билим, малака

Биз педагогик технологияларнинг ўзига хос хусусиятлари, моҳияти ва мазмунига кўра икки гуруҳга ажратдик:

1. Педагогик жараённинг характери, бориши ва мазмунини ўзгартиришда қўлланиладиган педагогик технологиялар,

2. Биология дарсларида фойдаланиладиган технологиялар.

Педагогик жараённинг характери, бориши ва мазмунини ўзгартиришда қўлланиладиган педагогик технологиялар гуруҳига:

- Таълим жараёнини инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш технологияси;
- Шахсга йўналтирилган технологиялар;
- Ривожлантирувчи таълим технологиялари;
- Таълимни дифференциаллаштириш ва индивидуаллаштириш;

Биология дарсларида фойдаланиладиган технологиялар гуруҳига:

- Дидактик ўйин технологиялари;
- \* Муаммоли таълим технологиялари;
- Модулли таълим технологиялари;
- Ҳамкорликда ўқитиш технологиялари;
- \* Лойиҳалаш технологияси;
- Анъанавий таълим технологиялари киради.

Биология дарсларида дидактик ўйин технологияларидан фойдаланиш дарс самарадорлигини оширишга имкон беради. Маълумки, ўқувчиларнинг билиш фаолияти ўйин фаолияти билан уйғунлашган дарслар дидактик ўйинли дарслар дейилади.

Дидактик ўйинли дарсларнинг сюжетли ролли, ижодий, ишбилармонлар, конференциялар ва ўйин машқлар каби турлари бор. Мазкур методик кўрсатмада биология дарсларида конференциясидан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилди. Модулли таълим технологиялари. Модулли таълим технологиясининг ўзига хос хусусияти дарсда ўрганиладиган мавзу мантикий тугалланган фикрли модулларга ажратилади ва модул дастури тузилади. Модул дастури бу ўқувчининг мазкур дарсда ўқувбилиш фаолиятини бошқариш дастури бўлиб, у модул дастурининг дидактик мақсади, ўқувчиларнинг бажариши лозим бўлган ўқув топшириқлари, топшириқларни бажариш юзасидан кўрсатмаларни ўз ичига олади.

Ҳамкорликда ўқитиш технологияси. Ҳамкорликда ўқитиш ғояси турли мамлакатлардага жумладам Америкадаги Ж.Хопкинс университети профессори Р.Славин (1990), Миннесот университети профессорлари Р.Жонсон, Д.Жонсон (1987), Калифорния университети профессори Ж.Аронсон (1978), Изроилдаги Тель-Авив университети профессори Ш.Шаран (1988) томонидан ишлаб чиқилган.

Биологияни ўқитишда ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг командада ўқитиш, кичик гуруҳларда ўқитиш, «арра» ёки «зигзаг», «Биргаликда ўқиймиз» методларидан фойдаланиш имконияти мавжуд: Таълим жараёнида салмоқли ўрин эгаллаган муаммоли (аклий хужум) дарс, мунозарали (илмий мунозарали ва эркин фикрлаш) дарслари муаммоли таълим технологиясига асосланади. Мазкур дарсларнинг ўзига хос жиҳати дарс давомида вужудга келтирилган муаммоли вазиятларга асосланади. Муаммоли таълим деб, ўқитувчи томонидан педагогик таъсир кўрсатишнинг энг мўқобил варианты ёрдамида, фикр юритиш қонуниятларига таянган ҳолда, ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш жараёнида фикрлаш қобилиятини ривожлантириш ва билиш эҳтиёжини қондириш мақсадига йўналтирилган, шахснинг умумий ва махсус ривожланишига замин тайёрлайдиган жараёнга айтилади. Муаммоли таълим жараёнида ўқитувчи раҳбарлигида муаммоли вазият вужудга келтирилиб, мазкур муаммо ўқувчиларнинг фаол мустақил фаолияти натижасида билим, кўникма ва малакаларни ижодий ўзлаштириши ва аклий фаолиятини ривожлантиришга имкон беради. Лойиҳалаш технологиясининг асосий моҳияти - маълум бир муаммоли вазиятни вужудга келтириш орқали ўқувчиларнинг қизиқишларини орттириш, лойиҳалаш фаолиятини шакллантириш; уларнинг тегишли билимларни эгаллашлари, фанлараро боғланишларни амалга ошириш керак. Биологияни ўқитишда ўқитувчи лойиҳалаш технологиясидан ўқувчиларнинг қизиқиши ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда нафақат дарсда муаммоларни ҳал этишда, балки дарсдан ва синфдан ташқари ишларда ижодий муаммоларни ҳал этишда фойдаланиши зарур.

#### **Иқтибослар/сноски/references:**

1. Ўтанов Ў. “Педагогик технология” фанидан маърузалар матни. Самарқанд-2016
2. Очиллов М. Янги педагогик технологиялар. Қарши. Насаф. 2019

# ПРИМЕНЕНИЕ КОММУНИКАТИВНЫХ УПРАЖНЕНИЙ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА

Алимсаидова Сайёра Амидьеевна<sup>1</sup>

<sup>1</sup>кандидат педагогических наук, доцент кафедры русского языка и литературы, Кокандский госпединститут имени Мукуми Коканд, Узбекистан

Обучение устной речи - одна из наиболее важных практических целей обучения неродному (русскому) языку. Учащиеся должны научиться овладевать навыками ведения беседы на русском языке, понимать на слух русскую речь, выражать правильно свои мысли, давать свою оценку прочитанному материалу.

В настоящее время в организации процесса обучения устной речи имеется ряд недостатков. Содержание речи бывает подсказано учителем в виде наводящего вопроса, наглядного материала и даже предложения на русском языке. Это ведет к тому, что ученик, имеющий достаточно большой запас языкового материала, становится совершенно беспомощным вне урока, когда к нему обращаются на неродном (русском) языке вне урока [1].

Всё это требует использования коммуникативных упражнений на уроках русского языка. Для стиля устной речи типично употребление вводных слов, междометий. (Ах, ох!). Стиль устной речи отличается от стиля письменной речи большей краткостью выражения. Устная речь, в которой воплощаются не только суждения, но и различные настроения, чувства и эмоции характеризуется богатством интонационных красок.



*Цель реплик или высказываний, которые возникают одно за другим в условиях непосредственного общения двух или более лиц.*

*Речь одного лица, выражающего свои мысли, намерения.*

На характер монологической и диалогической речи влияет тематика и содержание разговора, род деятельности и возраст участников, и другие факторы [2]

При обучении неродному (русскому) языку в образовательных учреждениях целью является неподготовленная устная речь. Учащимся необходимо научиться использовать усвоенный языковой материал для выражения своих мыслей в соответствии с речевой ситуацией.

## **Принципы обучения устной речи:**

- Принцип коммуникативной направленности.
- Учет дифференцированности устной речи.
- Моделирование типичных коммуникативных ситуаций.
- Обучение устной речи как коммуникативной деятельности.
- Интенсивная речевая практика.
- Поэтапность формирования речевых умений.

## **Коммуникативные упражнения**

1. **Вопросно-ответные упражнения.** Форма вопрос-ответ является довольно частым диалогическим единством в реальных актах общения. Вопросы - всегда коммуникативны. Они нацелены на собеседника и требуют от него отклика (это может быть даже кивок или жест).

2. **Репликовые упражнения.** В репликовых упражнениях реакция обучаемых не программируется. Однако эти упражнения сами по себе не могут сформировать у обучаемых умения вести беседу, участвовать в диалоге.

3. **Условная беседа.** Возникает в условиях непринужденности. Виды речевых стимулов к беседе:

- Запрос информации об интересующем лице, объекте, событии.
- Информирование кого-либо о чем-либо.
- Выражение своего отношения к чему-либо.
- Обмен мнениями, впечатлениями.
- Установление контакта.

Поддержание разговора.

Все виды коммуникативных упражнений полезны в плане подготовки обучаемых к ведению беседы. Также необходимо проработать формулы, выражающие положительное или отрицательное отношение собеседника к услышанному. (*Прекрасно! Конечно!* и т.п.).

#### **Репродуктивные упражнения**

1. **Пересказ.** В процессе подготовки к пересказу следует использовать следующие приемы: *постановка выяснительных вопросов, перевод трудных мест, проработка новых лексических единиц.*

2. **Сокращенно-выборочное изложение.** Задания могут быть следующими: *пересказ текста в 5 предложениях, сжатая передача содержания текста, передача текста так, как если бы пересказывающий был участником описываемых событий, пересказ от лица героя.*

3. **Пересказ-перевод.** Следует ориентировать учащихся не на дословный перевод, а на передачу смысла речевого произведения [3].

#### **Описательные упражнения**

В основе этих упражнений лежит воспринимаемый зрительно и имеющий определенное содержание материал, который подлежит словесному описанию. Это может быть: *простые изображения в виде иллюстраций, картинок; изображения, созданные с использованием ИКТ.*

#### **Иктибослар/сноски/references:**

1. Скалкин В.Л., Коммуникативные упражнения на английском языке М., «Просвещение» 1983.
2. Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация (Классический университетский учебник). – М.: Изд-во МГУ, 2004. – 352 с.
3. Хомский Н. Язык и мышление М.: Изд-во Московского университета, 1972. — 126

# ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ФАН ВА ТЕХНИКАНИ ТИЖОРАТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

**И.ф.д., проф. Адилова Зульфия Джавдатовна<sup>1</sup>**

*<sup>1</sup>ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” ИТМнинг “Фан ва таълим интеграцияси” секторининг мудури,*

**К.А. Гулмуродов<sup>2</sup>**

*<sup>2</sup>ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” ИТМнинг “Фан ва таълим интеграцияси” секторининг кичик илмий ҳодими*

**Аннотация:** Ушбу мақолада мамлакатимиз Олий таълим муасасаларида илмий ишланмалар, илмий-техник ғояларни тижоратлаштириш бўйича мавжуд муаммолар ва хориж тажрибаси ўрганилиб, ОТМларда қўллаш мумкин бўлган имкониятлар таҳлил қилинган, бу бўйича муаммо ва ечимлар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** тижоратлаштириш, инновацион ғоялар, инновацион технологиялар, илмий ғоялар, лойиҳалар, кооперация, бизнес-лойиҳа.

Жаҳон давлатларининг ўз иқтисодиётини ривожлантиришдаги асосий мақсади миллий иқтисодиётининг жойларида рақобатбардошлигини ошириш ва унинг глобал бозор улушини янада орттиришдан иборат. Бунинг учун Ўзбекистон Республикасида ва етакчи хорижий мамлакатларда технологияларни трансфер қилиш жараёнлари, шунингдек, реал иқтисодиёт тармоқлари ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида ишланмаларни жорий қилишнинг натижалари билан амалий танишиб чиқишни таъминлаш йўли билан маҳаллий инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни тижоратлаштириш учун шароитлар яратиш зарурдир.

Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш соҳасига инвестицияларни кенг жалб қилиш, ички ва ташқи бозорларда жамоат ва хусусий секторлардан илғор ва илмий ҳажмдор технологияларни фаол тарқатиш, бозор иштирокчилари ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш, тармоқ корхоналарининг жадал ривожланишига қўмақлашадиган минтақавий ва халқаро алоқаларни ривожлантириш, илмий-тадқиқот муассасалари, хусусий тадбиркорлик ва инвесторлар ўртасида кооперацион алоқаларни кенгайтириш муҳимдир. Бу борада илмий ғояларни тижоратлаштиришнинг хорижий тажрибасини ўрганиш, хорижий инновацион ва илмий марказларни, етакчи инвестицион фондларни, технологик агентликларни, инновацион кластерлар, технопарклар ва бошқа манфаатдор субъектларни маҳаллий инновацион ишланмаларни амалга оширишда иштирок этишга фаол жалб этиш борасида етарли даражада чора-тадбирлар амалга ошириш зарурдир.

**Тадқиқот методологияси.** Муайян бир соҳада аниқ ваколатлари, хизматлари, ресурслар ва кўникмаларини ривожлантириш учун етарли даражада жойлашиши инновацион кластернинг асосий кўриниши сифатида қаралади. Бунда инновацион кластер ёндашуви мавжуд инвестиция кучларини тезкор амалга ошириш йўллари ва давлат ҳокимияти ва сиёсатининг зарур чора-тадбирларини топиш мақсадида бизнес ҳамжамияти ва давлат вакиллари ўртасидаги узоқ муддатли ҳамкорликни тартибга солиш учун асос бўла олади. Ушбу жараёнда фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш орқали юқорида белгиланган вазифаларни амалга оширишнинг замонавий ёндашувларидан бири бўлиб, олий таълим масканлари ўрнини “учлик занжирида” алоҳида таъкидлаш зарурдир.

Бугунги кунда университетлар таълим ва илм-фан маркази бўлиб, илмий тадқиқотлар унинг фаолиятининг асоси ҳисобланади. Ҳозирги босқичда университетлар мамлакат миллий



иктисодиётининг ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатиши керак, аммо улар мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши учун ўз вазифасини тўлиқ бажармаяпти. Биринчидан, ҳар доим устувор аҳамият касб этган университетларни бюджетдан молиялаштириш даражаси пасайиб боришини инобатга олиш лозим. Иккинчидан, ушбу жараёнда кўп каналли молиялаштириш, замонавий университетнинг иқтисодий фаолиятида муҳим омил ҳисобланади. Учинчидан, бутунги кунда университетлар мамлакат билан бир хил иқтисодий вазиятда турибти; бу талабалар учун давлатнинг эҳтиёжи ошиши, малакали кадрлар, давлат буюртмаларини ва давлат бюджети масалаларини билан боғлиқ. Таълим масканлари, илмий тадқиқот ташкилотлари ўз фаолиятини олиб бориши учун ҳозирги кунда уларнинг илмий ғояларни тижоратлаштириш билан бевосита боғлиқ муаммолар юзага келяпти. Ушбу ташкилотларнинг иқтисодий шароити янги молиялаштириш манбаларини, бошқариш учун янги технологияларни ва иштирокчилар учун янги роль моделларини излашни талаб қилади. Мисол учун ўқув ва илмий фаолият натижаларининг тижоратлашуви университетларда кечаётган жараёнларга турлича қарашимизни таъминлайди. Ўқув-илмий фаолият мажмуаси технологик, молиявий ва тижорат жиҳатлари билан тўлдирилади. Замонавий шароитларда университет фаолиятини тижоратлаштириш фақат зарурат эмас, балки уни муваффақиятли ривожлантириш формуласи ҳамдир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, илмий ишланмаларни амалга оширишнинг яна бир усули олий таълим, фан ва бизнесни интеграциялашувидир. Илм-фан интенсив маҳсулотлар ва технологиялар тижорат корхоналари ортиб бораётган қизиқиш университетларда илмий ишланмалар натижаларини фойдаланиш имконини беради, университет томонидан ўзи ишлаб чиқарган ёки яратган бизнес-лойиҳа маҳсулотини тижоратлантириши лозим ва у капиталини жалб этиш имконини оширади ва илмий ўзгаришларни амалга оширишга имкон беради.

Хорижий мамлакатларда илмий ғояларни тижоратлашуви жараёни кўрсатишича, АҚШда кўплаб давлатлар ҳукуматлари (Висконсин, Мичиган, Миннесота, Нью-Йорк, Иллинойс, Калифорния ва бошқалар.) янги технологиялар марказлари яратиш мақсадида юқори технологияли фирмалар ва давлат тадқиқот университетлари ўртасида яқинроқ алоқаларни ташкил рағбатлантириш тизимини йўлга қўйганлар. Ушбу тизимни "Фан-техника боғлари" деб номланиши бундай ҳамкорликни ташкил этиш шакли – юқори технологияли бизнес учун инкубатор тури ва олий ўқув юртли илмий фаолияти учун амалий асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижалари.** Исроил университетлари илмий фаолиятини тижоратлаштириш катта тажрибага эга, университетлар кенг қўламли тадқиқотлар билан шуғулланади ва илм-фан ривожига ҳисса қўшади. Исроилда, дунёда биринчи марта, юқори технологияли саноат лойиҳалари университет дастурлари тузилган. Бундан ташқари, университетлар (кўпинча маҳаллий ва хорижий компаниялар билан биргаликда) маҳсулотларни тижорат билан савдо қиладиган техник ишланмалари асосида саноат шўбаларини яратадилар. Исроил университетлари томонидан олинган патентлар сони университет илм-фан ва саноат ўртасидаги ҳамкорлик самарадорлиги кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

#### 1-жадвал

**Ривожланган мамлакатларда технологиялар ва илмий ғояларни тижоратлаштиришнинг молиявий қўллаб-қувватлаш тажрибаси**

Молиявий қўллаб-қувватлаш	Қарор қабул қилиш механизми	Мамлакатларда амалда	Миллий иқтисодиётда мослашиш имконияти (Ўзбекистонда) *
---------------------------	-----------------------------	----------------------	--

Давлат молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш Илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш	Давлат кредитлари (қайтариладиган) ва грантлари; Банк кредитлари олиш учун давлат кафолатлари; стратегик муҳим маҳсулотлар учун давлат буюртмаларини жойлаштириш; тадқиқотда иштироки (50%гача); солиқ имтиёзлари; тезлаштирилган амортизация; миллий юқори технологияли маҳсулотни сақлаб қолиш учун экспорт-импорт квоталар; тўғридан-тўғри инвестиция киритилганда солиқ имтиёзлари; патентлар юритиш ва натижаларини бюджетдан молиялаштиришда уларни химоясини таъминлаш учун харажатларни тузиб чиқиш (тахминан 10% патентлар химоя қилиш учун кетади.); барча харажатларни ишлаб чиқариш харажатларига тўлиқ тавсифлаш инвестиция киритилган ташкилот зиммасида бўлади	АҚШ, Италия, Бельгия, Англия, Швеция, Канада	+++
Хусусий инвестицияларни рағбатлантириш	Холдинг компанияларининг шўба корхоналари бўлган патентли ва венчур капитал фирмаларининг мавжудлиги ёки ташкил этилиши. Икки томонлама солиққа тортишнинг йўқлиги	Швеция АҚШ	+
Илмий тадқиқотлар учун солиқ солишни такомиллаштириш	Инвесторларни топиш учун ахборот тизими тузилмаси бўйича ҳисоботларни тайёрлашда давлатга амалий ёрдам ва маслаҳатлар бериш. Стратегик битимлар учун 1999 йилда қабул қилинган халқаро бухгалтерия стандартларига ўзгартиришлар киритиш	Европа Иттифоқи, АҚШ	+
Миллий инновацион ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш	Тадқиқот ва ривожлантириш учун моддий харажатларни камайштиришда замонавий механизмларини жорий этиш (илмий тадқиқот орқали мижозни аниқлаш, келажак бозорни химоя қилиш, интеллектуал маҳсулот яратишда хорижий олимларни жалб этиш, маҳаллий савдо брендларини химоялаш)	Европа Иттифоқи, АҚШ, Япония	++
	Миллий брендни ривожлантириш дастурини қўллаб-қувватлаш	АҚШ, Европа Иттифоқи, Япония, Жанубий Корея	+++
	Қонунларини кучайтириш орқали йирик фирмаларнинг ишлаб чиқишда таъсирини чеклаш, кичик ва ўрта инновацион корхоналарни қўллаб-қувватлаш	АҚШ, Европа Иттифоқи	+
	Лицензиялаш тизими ёки spin-off компаниялари яратиш орқали компания ташаббусларини ҳамкорликда молиялаштириш	Германия, Англия	+
Технологиялар трансфери профессионализациясини мустаҳкамлаш, жумладан, илмий-тадқиқот институтларидан саноатга ўтиш	Инновацион лойиҳаларни молиялаштириш (узлуксиз молиялаштириш, консалтинг ва шартнома тузишнинг дастлабки босқичида қўллаб-қувватлаш, натижаларни миллий ва халқаро инвесторларга тақдим этишга ёрдам беради)	Англия	++
Having a deep understanding of the essence and essence of the principles reflected in the national ideology of our country, young people should fully understand the essence and essence of the ideas of peace, prosperity, people's well – being, a perfect person, harmony of the nation, tolerance of religion, social cooperation. Education is one of the main factors determining the activity and spiritual appearance of a person. Through education and upbringing, a person is considered an active participant in the formation of social relations in society. Education is the formation of social needs. He not only acquires knowledge of the norms of conduct, but also seeks to follow them in order to get rid of stimuli or punishment, but also to translate them into the internal norms of behavior and apply them consciously in practice. Attention to education-attention to the future. Education is the most important system at the development stage. Total changes, updates are directly related to educational progression. In the phrase of the president of our country Shavkat Mirziyoyev, "we consider it our first duty to improve all the activities of the educational and educational system on the basis of modern requirements" [2]. he highlighted the past. The acceleration of the pace of life in the 21st century, the growth of knowledge, global and national interests, the increase in the gap between substance and spirituality in life requires new reforms in the field of education and in the preparation of a harmonious generation. There is no doubt that every reform in the field of Education will have a positive impact on the prosperity of our society. Increasing the country's potential is an important factor in the training of mature, competitive personnel, able to meet the requirements of the state



educational standard [3]. At the present stage of development of our society, the activity of young people in the spiritual sphere is an indicator of their conscious and creative realization of their active life position. Such a position-means to know the essence of the policy of building a free and prosperous, free and prosperous life in our country, to study deeply the profound attitude to social events, the priority tasks of the development of society, that is, to skillfully integrate theory and practice, to demonstrate an active attitude to Labor, high moral and moral qualities. Within the framework of the science of "National idea: basic concepts and principles", the idea as a driving factor in the development of mankind, the expression of humanistic trends in creative ideas, the functions of ideology, the role of national idea and ideology in strengthening the independence of Uzbekistan, the main stages of the manifestation of ideas and ideologies in the history of mankind, the functions of developing ideological immunity and competence, ideological issues such as the socio-ideological foundations of ensuring the stability of society, changes in thinking and the role of the National idea in spiritual and educational renewal, institutional system of the development of the National idea are studied. At the present stage of development of our society, the activity of young people in the spiritual sphere is an indicator of their conscious and creative realization of their active life position. Such a position-means to know the essence of the policy of building a free and prosperous, free and prosperous life in our country, to study deeply the profound attitude to social events, the priority tasks of the development of society, that is, to skillfully integrate theory and practice, to demonstrate an active attitude to Labor, high moral and moral qualities. In conclusion, in improving the life of the country, finding a healthy lifestyle, educating young people who are able to form a new ideological and ideological worldview, high spiritual and spiritual potential, respond to them with loyalty to the motherland, political vigilance, anti-obscurantism against destructive ideas. Student youth activity, which is a social group of society, reflects all the characteristics of activity inherent in members of our society.

#### **Иқтибослар/сноски/references:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги № ПК-3907 қарори
2. Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт ва йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ. 2017, 124-б.

## **WORKSHOP VA PEDAGOGIK MAHORAT**

**Ganiyeva Muborak Adilovna<sup>1</sup>**

*<sup>1</sup>Qo‘qon universiteti*

*Innovation ta'lim texnologiyalari markazi boshlig'i*

#### **Annotasiya**

Ushbu maqolada o‘qitishning yangi shakli workshop hamda uni dars jarayoniga qo‘llashning usullari yoritib berilgan. Workshop mashg‘ulotlari orqali talabalar nazariy olgan bilimlarini amaliyotda qo‘llash ko‘nikmalariga ega bo‘ladilar.

#### **Kalit so‘zlar**

Workshop, usul, seminar, master klass, trening, disput klub, timbilding, aqliy hujum, marafon.

Workshop – bu o‘qitishning yangi shakli bo‘lib, uni tashkil etish alohida yondashuvni talab qiladi. Workshop ishtirokchilarning o‘zaro hamkorlikdagi harakatidir. Ta'lim jarayonida Workshop ishtirokchilaridan erkin fikr, hamkorlikda harakat, tashabbuskorlik hamda o'quv jarayoniga shaxsiy mas'uliyatni talab qiladi.

Tinglovchi Workshop mashg‘ulotlarida nazariy olgan bilimlarini, mashqlar orqali amaliy ko‘nikmalarni egallaydi. Workshopning o‘ziga xos xususiyati barcha ishtirokchilarning faolligi bilan belgilanadi, ishtirokchilarga rag'batlantirish orqali motivasiya beradi, kuchli tomonlarini namoyon

etadi. Workshop – umumiy qiziqish yoki muammoga ega bo'lgan 10 dan 25 kishigacha bo'lgan odamlar guruhi deb ta'riflanadi. Ular intensiv o'rganish, izlanish, amaliyot va munozaralar orqali mavzu bo'yicha o'z mahoratlarini oshirish uchun yig'ilishadi.

Asosiy xususiyatlari:

- Ishtirokchilar to'liq va faol ishtirok etadilar.
- Diqqatning asosiy maqsadi ishlash va amaliy tajribalarni o'rganishdir.
- Ishtirokchilar reporter sifatida ishlashi kutiladi.
- Bu metod har bir a'zoga topshiriqni bajarishga o'z hissasini qo'shish imkoniyatini beradi.

Workshop seminarni barcha xususiyatlarini o'z ichiga olarkan, qo'shimcha amaliy mashg'ulot ekan. Masalan, hackerlar haqida leksiyada aytilgan narsani gapirib bersa, qanaqa turlari borligi shunaqa nazariy malumotlar berilsa bu seminar, endi talaba leksiyadan o'rgangan narsasini amalda bajarib bersa, yani komputerdan foydalanib kimnidir accountini ochib bersa workshop bolarkan. 2-kun talabalarni lms ga kirishi ham workshop ekan. 1- kungi maruzadan keyin nazariy bilimlarni egallab, amaliyotda qo'llash. Workshop, seminar, trening va master-klass mashg'ulotlarining o'xshash va farqli tomonlari Seminar. Seminarni o'qituvchi olib boradi. Nazariy bilimlar amaliy mashqlar orqali mustahkamlanadi. Master-klass. Soha bo'yicha mutaxassis muloqotini o'z ichiga olgan mashg'ulotdir. Ma'ruzachi master-klass mashg'ulotida ma'lum bir yo'nalishdagi bilimlarni taqdim etadi. Trening. Treningda amaliy ko'nikmalar hosil qilish orqali ishtirokchilarning bilimlari kengayadi. Maqsadga erishish uchun turli texnologiyalardan foydalaniladi. Workshop. O'quv jarayonida tajribali o'qituvchi yordamida tinglovchi o'z qobiliyati va imkoniyatlarini ro'yobga chiqaradi. Muammoli vaziyatlarni taxlil qilish va yechimini topishga sharoit yaratadi.

Amaliyotda bu tushunchalar bir-biriga juda yaqin turadi. Workshop mashg'ulotlarini to'g'ri tashkil etishda o'qituvchidan kata mahorat talab qilinadi. Imkon darajasida mashg'ulot qiziqarli tashkil etilishi va uning samaradorligiga e'tibor qaratish lozim.

Workshop qnday tartibda amalga o'tkaziladi

- 1-qadam. Mavzu tanlab olinadi. Mavzu dolzarb muammolarga qaratilgan bo'lishi kerak.
- 2-qadam. Maqsadni to'g'ri belgilash kerak. Maqsadsiz kutiladigan natijaga erishib bo'lmaydi.
- 3-qadam. Tadbirning davomiyligini rejalashtirish lozim. Workshop bir necha soat yoki bir necha mashg'ulotlar davomida o'tkazilishi mumkin. Mashg'ulotni o'tkazish vaqti materialning mazmuniga ko'ra belgilanadi.
- 4-qadam. Mashg'ulotni o'tkazish joyini aniqlash.
- 5-qadam. Vizual materiallarni tayyorlash. Axborotni soddalashtirilgan holda idrok etish uchun qiziqarli taqdimot, slayd-shou, plakat va videofilmlarni tayyorlash muhim o'rin egallaydi.
- 6-qadam. Ishtirokchilarni aniqlash, yetakchilarni tanlash. Odatda, Workshopda bir necha ishtirokchi qatnashadi. O'qituvchi yangi ma'lumotlarni taqdim etib, talabalarni boshqaradi.
- 7-qadam. Mashg'ulot rejasini tuzadi, Tinglovchilarning xususiyatlaridan kelib chiqqan holda materiallarni tayyorlaydi. Mashg'ulotlarni soda va tushinarli tilde tashkil etadi.
- 8-qadam. Imkon bo'lsa natijalarni OAV yoritish.
- 9-qadam. Fikr-mulohaza orqali fikr yuritish. Mashg'ulot ishtirokchilari tadbir haqidagi taassurotlari bilan o'rtoqlashishni xohlaydi. Ijtimoiy tarmoqlardagi kichik anketa yoki so'rovnoma nafaqat qo'shimcha qiziqish uyg'ish, balki yo'l qo'yilgan xatolarni aniqlash va kelajakda ularni bartaraf etishga yordam beradi. Har qanday mashg'ulotni tashkil etish uchun albatta katta vaqt va mexnatni talab qiladi. Shu o'rinda workshopni tashkil etishda soha bo'yicha mutaxassislarni jalb qilishingiz mumkin.

Workshopning amaliy ahamiyati quyidagilardan iboratdir:

- o'qitish jarayonida eksperimental yondashiladi;
- amaliyot bilan uzviy bo'lanadi;
- o'quv jarayoni jamoaviy tarzda amalga oshiriladi;
- mashg'ulotlar o'quv bazalarda o'tkazilsa ko'proq samara beradi.

Mavzuning maqsadi va kutiladigan natijasiga ko'ra quyidagi Workshop turlaridan foydalanish mumkin.

- disput klub;
- timbiding yoki jamoa bilan ishlash;

- o'quv bazasida amaliyotni o'tkazish;
- aqliy hujum;
- marafon.

Ushbu modellar ularning tuzilishi, amalga oshirish shakli, vaqt miqdori, vazifalarni qo'yish va ularni hal qilish usullari bilan bog'liq bo'ladi. Disput klub – bu har bir ishtirokchi o'z nuqtai nazarini ifoda etish va uni himoya qilish huquqiga ega bo'ladi. Bitta ishtirokchining chiqishidan so'ng so'z navbati boshqa ishtirokchiga o'tadi. Muhokamani moderator olib boradi. Timbiling – bu jamoaviy ish bo'lib, ishtirokchilar raqobat ruhida faoliyat olib boradi. Jamoani shakllantiriladi. Jamoa a'zolari faol ishtirok etib, muammoni hal qilishning eng samarali usullarini izlaydilar. O'quv bazasida amaliyotni o'tkazish. Ushbu usul kerakli maslahatlar to'plami, adabiyotlar, buyumlar, uskunalar, texnologiyalardan foydalanib, biror narsani o'z qo'lingiz bilan loyihalashtirishga yordam beradi. Aqliy hujum – bu oldindan ma'lum bo'lgan muammoga jamoaviy javob izlash. Aqliy hujum bir necha bosqichda amalga oshirish mumkin: muammoni shakllantirish; g'oyalarni generatsiya qilish hamda g'oyani tahlil qilish. Marafon – bu uzoq vaqt talab qiladigan va bir necha kun, hafta yoki hatto oy davom etishi mumkin bo'lgan intensiv mashg'ulotdir. Marafonning maqsadi - belgilangan vaqt ichida aniq o'lchov natijasiga erishish. Masofada uzoq yugurish kabi bu yerda kuchlilar g'olib bo'ladi. So'nggi yillarda marafon formati onlayn ta'lim maydonida juda mashhur bo'ldi. Qanday qilib maksimal natijalarga erishish mumkin

Workshopda muammo va muammo osti muammolar aniq ajratib olinishi kerak. Maksimal natijaga erishish uchun aqliy hujumdan faol foydalanishingiz, tajribalarni tahlil qilishingiz, jarayonning boshqa ishtirokchilari bilan ochiq munozaraga kelishingiz va tezda qaror qabul qilishingiz lozim.

#### **Иқтибослар/сноски/references:**

1. <https://journals.plos.org/ploscompbiol/article?id=10.1371/journal.pcbi.1003497>.  
<http://aegeanartscircle.com/workshop%20articles.htm>

## **БОЛА ТАРБИЯСИДА ОИЛАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР СИЛСИЛАСИ**

**Джабборова Нодира Мухторовна<sup>1</sup>**

<sup>1</sup>*Қўқон университети ўқитувчиси*

#### **Аннотация**

Ушбу мақолада оила ва бола тарбиясидаги муносабатлар, қадриятларнинг нечоғлик муҳимлиги, аждодларимиздан қолган бой таълим ва тарбиявий тажриба, фарзанд тарбиясидаги муҳим жиҳатлар олимларимиз томонидан олиб борилган тадқиқотларда, илмий адабиётларда асосли тарзда ёритиб берилганлиги ҳақида сўз боради.

**Таянч сўзлар:** *оила, никоҳ, оила психологияси, оила функциялари, репродуктив, оила турлари, аждодлар меъроси, миллий тарбия ўчоғи, қадриятлар силсиласи, мутафаккирлар ўғити.*

Оила-илк тарбия ўчоғи. Оила муқаддас ва масъулиятли гўша. Фарзанд тарбияси эса мана шу миллий ва ижтимоий бирликнинг ажралмас қисмидир. Оила-ўзига хос ижтимоий бирлик бўлиб, унинг асосида эр-хотин иттифоқи, қариндошлик муносабатлари, маиший ҳаёт бирлиги, ахлоқий ва ҳуқуқий масъулият ҳамда жамият томонидан ўрнатилган ота-оналарнинг бола-ларини тарбиялаши бўйича ва фарзандларнинг ўз ота-оналари учун муайян мажбуриятлари туради

Оила – ижтимоий институтларнинг энг қадимгисидир. Инсоният бошидан кечирган тарихий даврларнинг қанчалик турфа ва мураккаб бўлишига қарамай, айниқса, XIX ва XX асрларда рўй берган буюк ўзгаришлар ва ислоҳотларга дош бера олган ушбу маскан ўз тизими, таркиби ва жамият олдида турган мажбуриятларини бажариши нуктаи назаридан соғ омон сақланиб қолган тузилмадир. Оилани инсонлар ташкил этгани ва ундаги ҳаёт-мамотни улар

ўртасидаги ўзаро муносабатлар ташкил қилишини ҳисобга оладиган бўлсак, уни соф психологик жараёнлар маскани ҳам деб аташ мумкин. Оилани ўрганиш мақсади, авваломбор, оилавий ташхис қўйиш маълум бир оила ҳаётидаги унинг бир ёки бир неча аъзоларида асаб ёки руҳий касалликлар келтириб чиқарувчи ҳолатлар (носозликлар)ни аниқлаш ва иккинчидан, шу касалликлар олдини олишда қўл келувчи оила аъзолари фазилатларини ўрганишдир. Оилавий муносабатларга қизиқиш қадим замонларда халқ оғзаки ижодининг эртақ, дoston ва қўшиқ сингари барча намуналарида, Қуръони Карим ва ҳадисларда, Абу Носир Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний асарларида, шунингдек, Кайковуснинг “Қобуснома”, Алишер Навоийнинг “Маҳбуб-ул кулуб” каби мумтоз асарларида етарлича кенг ифода қилинган. Юсу Хос Ҳожиб ўз асарларида оилавий бахт шахс муваффақиятининг гарови деб ҳисоблайди. Унинг “Қутадғу билиг” асарида оила бахтли бўлиши учун йигит уйланмасдан олдин келиннинг кимлиги, келиб чиқиши, ёши, характери, хулқ-атворини билиш керак, дейди [1]. Шарқнинг буюк олими Абу Али ибн Сино ўзининг “Рисолаи ишқ” асарида инсон бахтли ҳаёт кечирishi учун эр-хотин муносабатларида икки томонлама севиш, ҳурмат, муносабат оила мустаҳкамлигининг асоси эканлигини таъкидлайди. Оиланинг давлати ва бахти – яхши аёл эканлигини асарда асослаб берганлигининг ўзи ҳозирги кунларда ҳам бу асарнинг бебаҳо аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Ўрта Осиё донишмандларининг қолдирган мерослари ўзига хос “ахлоқ кодекси” бўлиб, авлоддан авлодга ўтиб келяпти ва шу кунларда ҳам ўз тарбиявий кучини йўқотгани йўқ. Уларнинг ахлоқий-фалсафий қарашлари халқаро тан олинган бўлиб, Осиё, Европа ва Африка халқларининг деярли барча тилларига таржима қилинган. Абу Райҳон Беруний барча аёлларга, қизларга бермоқчи бўлган насиҳатини Абдулла ибн Жаъфар тилидан гапиради: “Рашқдан сақлангил. У талокнинг калитидир. Эрингни тез-тез танбеҳ қилишни сенга тақиклайман. Чунки танбеҳ нафрат уйғотади. Ўзингни безаб юргин. Бунинг учун яхши восита сурмадир. Яна хушбўй атирлардан фойдалангин. Уларнинг ичида энг яхшиси сувдир”. Амир ибн Аз-Зариб Авлоний қизини турмушга чиқараётган пайтда хотинига бундай деган: “Қизингга қаттиқ буюргинки, саҳрога чиқадиган бўлса, сувни ғамлаб олсин. Сув юза томонга жило беради, ички томонни пок қилади. Эрининг хоҳишларига қаршилик кўрсатмасин. Чунки бахт ва яхши оилавий муносабат ўзаро мувофиқликдадир”.

Ҳадиси Шарифда ҳикоя қилинишича, кунлардан бир куни Жаноби пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом розияллоху анхунинг олдига бир аёл келиб, ўз эридан шикоят қилибди. Уни ёмон сўзлар билан ҳақорат қилишини, калтаклаб азоб беришини йиғлаб айтиб берибди. Шунда пайғамбаримиз у аёлга айтибдиларки, эринг уйга келиши билан шу тошни оғзингга солиб ол нима дейишидан қатъий назар, тошни оғзингдан олма, дебдилар. Унинг насиҳатига амал қилган аёл бир неча кундан кейин келиб, эри уни энди қийнамаётганлигини, аксинча, меҳрибон сўзлар билан эркалатиб, яхши муносабатда бўлаётганини айтиб, пайғамбаримизга миннатдорчилик билдирибди.

Юқорида келтирилган барча буюк мутафаккирларимиз каби йирик маърифатпарвар олим Ризоуддин ибн Фаҳриддин ҳамоилада эр ва хотин муносабатлари бўйича ўзининг яхши фикрларини билдириб ўтади. “Оиланинг асл устуни хотиндур”, дейди у. “Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам, бой қиладиган ҳам, камбағал – қашшоқ қиладиган ҳам хотиндир”. Булардан хулоса қилиш мумкинки, оиладаги низоларнинг, келишмовчиликларнинг сабабини оиладаги мулоқотнинг нотўғри қурилганлигидан қидириш керак. Қарс икки қўлдан чиққани каби, муаммоларнинг келиб чиқишига ҳам эр, ҳам хотин – бири озрок, бири кўпроқ даражада ёки иккаласи баббаравар айбдор бўлиши мумкин [2]. Оилаларда ота-оналарнинг ўз фарзандларини тарбиялашнинг турли услубларини фарқлаш мумкин:

**Гиперпротекция** – ота-оналарнинг фарзандларига нисбатан ҳаддан зиёд эътибори бўлиб, бу уларнинг бола тарбияси учун куч, вақт ва эътиборни аямасликларида намоён бўлади. Ота-она бу ишни ҳаёт тарзига айлантиради, яъни она учун ҳам, ота учун ҳам бола тарбияси ҳаётининг мазмун муддаосига айланади.

**Гиперпротекция** – ота-она томонидан боланинг барча истак, тилак ва эҳтиёжларини кўр-кўрона, танқид ва мулоҳазасиз қондиришга интилиш; болани ҳар қандай қийинчиликлар ва тўсиқлардан ҳимоя қилиш, унинг барча истакларини жойида бажо келтириш, эркалатиш,

оддий ютуқларидан қувониш, хатоларини сезмасликка қаратилган ҳаракатлар. Боласи учун “жонини жабборга берувчилар” одатда ўзлари билмаган ҳолда фарзандларига ёмонлик қилаётганликларини сезмайдилар, натижада бола келажакда ишга тоқати йўқ, кўпчиликнинг ичида ўзини тута олмайдиган, ҳаётнинг паст баландликларида ўзини ночор ҳис этадиган, тантиқ, эрка бўлиб қолади. Айниқса, бола ўсмирлик ёшига етганда, эрка, тантиқ бўлгани учун дўстлари ва тенгқурлари даврасида ҳам ҳамма айтганлари бўлишини истайдиган, лидерликка интилувчанлигини намоён этгиси келади, лекин иккинчи томондан, аслида унда бундай сифатлар бўлмайди. Гап шундаки, бундай ҳолатларда ота-она зурриёди тимсолида илгари ўз ҳаёт тажрибасида эришолмаган армонларини рўёбга чиқаргиси келади, уларнинг тарбия услублари айнан шунга қаратилган бўлади, лекин бола кўп жиҳатдан ночор эканлигини кейинчалик ижтимоий муҳитнинг турли вазиятларига тушганида ҳис эта бошлайди. Ғамхўрликдан устун келадиган гиперпротекция – бунда эркалатишдан кўра ота-она томонидан боласининг ҳар бир юрган қадами ва хатти-ҳаракатини назоратга олиш орқали унга эътибор бериш назарда тутилади. Шунинг учун бу тарбия услубида турли хил тақиқлар, чегаралашлар (“у мумкин эмас”, “бу мумкин эмас” қабилида) бисёр бўлади. Бундай шароитда катта бўлган бола одатда мустақил фикрли, мустақил қарорлар чиқарувчи бўлолмайди, лекин салга жаҳли чиқадиган, кўп нарсалардан норози ҳолда катта бўлади, чунки у доимий назоратга, бировларнинг ҳамма йўл-йўриқларни кўрсатиб, айтиб беришларига ўрганиб қолади: онасисиз дарс тайёрлай олмайдиган, отасисиз кўчага чиқмайдиган бўлади, барча ишларида катталарнинг аралашувига кўникиб кетади.

**Ўта кучли ахлоқий масъулият** – бунда ота-она томонидан болага нисбатан талаблар даражаси юқори бўлади, лекин унинг асл хоҳиш-истаклари, эҳтиёжлари унчалик эътиборга олинмайди. Ота-она боласининг келажакини пухта қилишни ўйлаб, унинг юриш-туриши учун ўзларини масъул деб ҳис қилган ҳолда, шахсий тасаввуридаги инсонни яратишга, шахсни шакллантиришга уринадилар, баъзан назорат остида боланинг ёши, ақлий ёки жисмоний имкониятларига зид талаблар, топшириқлар ҳам берилаверади. Масалан, “сен тўнғичимизсан, укаларингга сен қарашинг керак”, деган маънода унга оиладаги кичик аъзоларга ёки касалликка чалинган оила аъзосини парвариш қилиш каби масъулиятли ва оғир ишлар ҳам юкланади. Эмоционал радия – бунда ота-она боласини шундай тарбиялайдики, унинг ота-она ҳаётида у ўзига яраша ташвиш, ортиқча юк эканлиги, у бўлмаганида ота-онанинг ҳаёти бошқачи бўлиши мунтазам равишда эслатиб турилади. Агар бу фарзанд оилада ягона бўлмаса, бошқа арзандароқ, суюклироқ инсон бўлса, вазият янада оғирлашади, “сен бўлмаганингда...” ёки қиз болага қараб: “Сенинг ўрнингда ўғил бўлганда эди...” қабилидаги кесатиқлар тез-тез айтиб турилади. Айрим ота-оналар бу каби эмоционал жиҳатдан боласини рад этаётганлигини яширишга уринади, “нега болани ёқтирмайсан?” каби саволларга аслида уни севиши, кераклигини таъкидлаган билан барибир бола ота-онаси учун ортиқча ташвиш эканлигини ҳис қилиб яшайди ва тезроқ мустақил бўлиб олиб, уларни ташлаб кетишни, алоҳида яшашни ихтиёр қилиб қолади.

Она қанчалик ўз меҳрибонлигини сунъий равишда намоён этишга уринмасин, бола барибир уларнинг самимий эмаслигини қалби билан ҳис этади. Айниқса, отаси билан ажрашган ёки ота ташлаб кетган ҳолатларда онанинг бундай муносабати болага жуда оғир ботади. Қаттиққўллик – бир қарашда эмоционал рад этишга ўхшайди, лекин ундан очикроқ ва оғирроқдир. Қаттиққўллик тўғридан-тўғри болани ёшлигидан калтаклаш, ҳақорат қилиш, камситиш шаклида ёки бола эҳтиёжларига тўла бефарқлик, унинг бор-йўқлигини гўёки сезмаслик каби кўринишларда бўлиши мумкин. Иккала ҳолатда ҳам бола ёшлигидан нима қилиб бўлсада, тезроқ катта бўлиш, ўзи амаллаб тирикчилигини қилиш, ота-она тазйиқидан қутулишни ўйлаб яшайди. Бундай оилада болани у ёки бу хулқи учун жазолаш одат тусига кириб қолади, бола кўрққанидан ота-она ҳукмига итоат этаётганлиги, бунинг истиқболда ёмон асоратлари борлигини катталар билмайдилар, билсалар ҳам бу усул улар учун самарали туюлади. Айбдорлик, айбга яраша жазо каби усуллар бола хулқ-атворини бошқарувчи психологик омилга айланади, у ҳам келажакда доимо айбдорларни қидиришга ўрганиб боради.

А.Фрейд назариясига кўра, ана шундай жазога ҳукм этилган бола тобора агрессив бўлиб бориб, ўзида аламни қайсидир бир объектдан (ўзидан кичиклардан, бегоналардан, ҳайвонлардан) олишга қасд қиладиган, қасоскор бўлиб ўсади. Маълумотларга кўра, Америкада кўча болаларининг камида 1% и оилада айна шундай тарбиянинг қурбонидирлар. Оиладаги шахслараро муносабатлар, эр-хотин ва ота-она ҳамда болалар муносабатлари кўплаб тадқиқотларнинг объекти ва предмети бўлган.

Маълумки, ижтимоий тарбиянинг дастлабки ўчоғи оила бўлиб, айнан ота ва она дастлабки ижтимоий кўникмаларни бола онгига сингдирувчи, унинг иродасини чарҳловчи инсонлардир [3]. Оилавий муносабатлар болани наққат шахс сифатида ўзлигини англаш, балки ўзини у ёки бу жинс вакили сифатида идрок этиш ва шахсий фазилатларини такомиллаштиришга ҳам ёрдам беради. Бизнинг кузатишларимиз шуни исботладики, оиланинг тўлиқ бўлиши, яъни, унда ҳам ота, ҳам онанинг тинчлик-тотувликда яшашлари ва унда нормал инсоний муносабатлар, соғлом маънавий муҳитнинг мавжудлиги боланинг ҳар томонлама яхши ривожланиши, соғлом, ақли, кучли ирода соҳиби бўлиб етишига имкон беради. Болага ҳам отанинг ҳам онанинг бўлишининг зарурати шу билан изоҳланадики, масалан, қиз бола онаси ва унинг оилада ўзини тутишига қараб, ўзини аёллар жинсига тааллуқли эканлигини англашдан ташқари, келажакда қандай она бўлишини тасаввур қилса, отасига, унинг онасига бўлган муносабатига қараб, ўзини келажакда оила курганда қандай оила соҳибаси бўлиши лозимлигини англаб боради. Худди шундай, ўғил бола онасининг фазилатлари, оиладаги тутими ва отасига муносабатини идрок қилиб борар экан, келажакда қандай қиз билан турмуш қуриш мумкинлиги, танлайдиган қизи қандай сифатлар соҳибаси бўлиши лозимлигини билиб борса, отаси ва унинг оилада мавқеига қараб, ўзини эркак сифатида келажакда тасаввур қилиш билан бирга, турмуш ўртоғига қандай муносабатда бўлиш лозимлиги тўғрисида билим ва тасаввурларини орттириб боради. Бу психологик қонуният бўлиб, шахснинг оиладаги шахсий ва жинсий социализациясининг етакчи тамойили ҳисобланади. Шу боис ҳам боланинг том маънода яхши тарбия олиб, жамиятда ва оилавий муносабатларда муносиб мавқега эга бўлиши учун оила муҳити соғлом, барқарор, эр ва хотин бир-бирларига ғамхўр, меҳрли ва садоқатли бўлишлари ўта муҳимдир. Шу билан бирга оилада фарзандларнинг ўзаро муносабатларини тўғри йўлга қўйиш ҳам муҳим масалалардандир. Бунда ҳар бир боланинг сиблинг мақомини ҳисобга олган мақсадга мувофиқ саналади [4].

Ўсиб келаётган мурғак қалбларнинг шуур онгига энг шарафли ном ахлоқ-одоб, тарбиянинг миллийлигимиз, кадриятларимиз силсилалари ҳисобланган маънавий-маданий меросларимиз орқали, ота-боболаримизнинг мангуликка тенг бўлган шарафли бебаҳо дурдоналари авлодларга тажриба бешиги бўлиб хизмат қилади.

#### **Иқтибослар/сноски/references:**

1. Шоумаров Ғ.Б. ва б. Оила психологияси. - Т.: "Sharq", 2001 у.-272 б.
2. Шоумаров Ғ.Б Шоумаров Ш.Б. Муҳаббат ва оила. – Тошкент, «Ибн Сино», 1994 й.120 б.
3. Эйдемиллер Э.Г., Добряков И.Б., Никольская И.М. Семейный диагноз и семейная психотерапия. Учеб. пособие для врачей и психологов. СПб.: Речь, 2003. 336 с
4. Эйдемиллер Э.Г., Добряков И.Б., Никольская И.М. Семейный диагноз и семейная психотерапия. Учеб. пособие для врачей и психологов. СПб.: Речь, 2003. 336 с.

# ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ ПЛАНИРОВАНИЕ И СРЕДСТВА УЧЕБНОГО ПРОЦЕССА В ФИЛОСОФИИ

Джураев Шодмон Файзуллаевич<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Преподаватель Бухарского Государственного Университета  
кафедры История ислама – источниковедения, философия

## Аннотация

Статья посвящена на тему педагогического планирования и средствам учебы по предмету философии. Как и другие науки в преподавании философии идет быстрое изменение глобального характера. Сейчас как и во всем мире в Узбекистане идет обновления процесса обучения на основе новых педагогических технологий. В статье освещены некоторые особенности этого процесса в преподавании предмета философии.

## Ключевые слова

Педагогика, философия, преподавания, обучения, воспитания, планирования, учебные средства, наука, дистанционная обучения, самостоятельная работа, поиск.

## Проблема

Философия древняя, сложная наука о мире и место человека в нем. Изучение философии имеет свои специфичные черты. Они связаны со свойствами основ философии. Из этих основ возникает система проблемы обучения этого сложного предмета. Эти проблемы философии носит сугубо частный характер. А основными требованиями для решения этих проблем являются: дифференциация, практичность, перспективность и гуманистический характер образовательного процесса [1].

## Методы решения проблемы

Существует множество различных научных и методических работ, посвященных к дидактическим средствам непосредственного учебного процесса [2]. А средства философского обучения это есть:

- философская литература (книги, диски, флешки, копировки); - технические средства (внутренние и наружные оборудования кабинетов); - средства практического опыта (логические упражнения);

- новые философские информсредства (электронномедиа и компьютерно – вычислительные средства);

- наглядные пособия и.т.д. Эти средства обучения позволяет правильно и эффективно организовать учебно – практические деятельности преподавателей и студентов. А это есть педагогический процесс, который состоит из двух частей: обучение и воспитание. В обоих процессах решающими являются правильная постановка вопроса и программирования – моделирования основы деятельности студента [3]. Для этого надо будет определить этапы и направления функции педагогических целей. Фазы педагогического планирования отражает задачи учебного процесса. Условно их можно выделить в форме следующих задач:

- Эмпирические (предварительно теоретическое представление) представления дидактических задач и определение места проекта в педагогической практике;

- Научно – практическое обоснование эмпирической модели и устранение разных недостатков проекта через призмы практики;

А система функции педагогического планирования обучения философии формируется на основе реального учебного процесса. Их можно сформулировать в такой последовательности:

- Инженерная функция моделирования разных ситуаций;

- Первичная аксиологическая функция (практическая ценность данного плана);

- Правильная организационная функция (правильная организация деятельности студента);
- Поисковая селективная функция (отбор эффективных средств);
- Мотивно - стимулятивная функция (формировать мотивы).

Параллельно с традиционными средствами в системе образования особое место занимает современные педагогические средства (средства автоматического управления, системы компьютерного программирования, системы самостоятельного творчества, средства электронной связи и т.д.). Это прежде всего связано с быстрыми темпами развития науки и образования в глобальном масштабе. Обычная простая форма планирования учебного процесса это сценарий урока - карта урока. Есть и другие формы планирования урока (учебные программы, учебники, пособия, рабочие программы, инструкции), которые помогают правильно планировать, организовать и провести уроки. Главное в этом направлении это оптимизация учебного процесса. Задачи оптимизации учебного процесса состоит из следующих элементов:

- задачи (комплексная планирования и конкретизация наиболее важных задачи образования, воспитания, развития);
- содержание урока (выделение главного, существенного в содержание обучения);
- структура урока (выбор оптимальной структуры урока);
- методы и средства обучения (выбор наиболее рациональных методов и средств преподавания);
- формы обучения (выбор наиболее рационального сочетания разных форм обучения);
- планирования затрат времени (рациональное распределение времени урока);
- условия обучения (создание благоприятных условий для обучения);
- анализ результатов обучения [4].

#### **Предложения**

Оптимизация урока – это основа улучшения формирования знания и навыков студентов.

Для этого нужно делать следующее:

- отбор эффективной литературы, средства и методов урока;
- правильная планирования учебного процесса;
- применение модульной системы преподавания [5];
- использование новых педагогических технологий [6];
- практическая применения кейс инноваций [7];
- постепенный рост доли самостоятельных работ в нагрузки учебных часов рабочей программы;
- интеграция общих предметов преподавания связанных с философией.

Для оптимизации обучения студентов требуется серьезный анализ и обоснование педагогической ситуации в каждом этапе учебного процесса. Значение такого анализа ярко изложено в трудах Н. Бордовской, А. Реан и С. Розума [8].

В последние десятилетия на основе новых педагогических технологий к ним добавили уроки “нестандартного типа” (дистанционные уроки на основе модуль платформы) , которые должны отражать элементы инновации в учебном процессе.

#### **Иктибослар/сноски/references:**

1. О.Розиков. Б. Адизов. Г.Нажмиддинова. Дидактика. Дурдона. 2012. стр 240 – 245.
2. А. Реан Н.В. Бордовская. С.И. Розум. Психология и педагогика. Питер. 2006. стр 294 - 298.
3. М.Махмудов. Принципы дидактического проектирования образования. Ташкент. 2002.стр 16, 28.
4. Ю.К. Бабанский. Оптимизация учебно – воспитательного процесса.Москва. 1982. стр 2 – 4.
5. М. Тажиев. А.Я. Алимов. Д.У. Кучкаров. Применение педагогических технологий в процессе образования. Ташкент. Тафаккур. 2010. стр 6 – 18.
6. Н. Бекова. Ф. Бойназаров. Основы новых педагогических технологий. Ташкент. 2007. стр 8 – 10.
7. Разработка кейс технологий. Ташкент. 2009. стр 5 – 23
8. Н. Бордовская. Н.Реан. Педагогика.Питер. 2011. стр 16.



# “ДАВРА СУХБАТИ” УСУЛИНИНГ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИНING ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАРИ

Исакова Арофат Махкамовна<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Қўқон давлат педагогика институти ўқитувчиси

Жамшидов Аброржон Музrabжон ўғли<sup>2</sup>

<sup>2</sup>Қўқон давлат педагогика институти талабаси

**Аннотация:** Мазкур мақолада таълим жараёнида талабаларнинг фикрлаши ва тафаккурининг ўстиришига хизмат қилувчи оғзаки методнинг усулларида бири “Давра суҳбати” нинг мазмун-моҳияти ёритилган. “Давра суҳбати” усулининг таълим жараёнида қўлланилишининг ютуқ ва камчиликлари баён этилган.

**Калит сўзлар:** педагог, таълим олувчилар, инновацион технологиялар, “Давра суҳбати”, фикрлаш, тафаккур.

Бугунги кунда таълим муассасаларининг таълим жараёнида педагогик ва психологик билим асосларини мукаммал эгаллаган педагог-кадрлар ўз касбий маҳоратларини ошириши, таълимнинг замонавий усуллари амалиётга жорий этиши, таълим жараёнини ташкил этишнинг самарали, ижобий натижаларни кафолатловчи усул ва методикаларини ўзлаштирилиши энг долзарб вазифалардандир. Бунинг учун ҳар бир педагог ўз устида мукаммал ишлаши, замондан орқада қолмаслиги, ўқитишнинг инновацион технологияларини пухта билиши ва ўз фаолиятида жорий этиши зарур. Ҳозирги кунда эски анъанавий услубдаги дарслар ёшларимиз эҳтиёжини қондирмайди, улар бундай дарсларни тинглагиси келмайди. Чунки, фикрлаш ва тафаккур бошқа, айнан бирор фан бўйича билимга эга бўлиш бошқа. Фикрлаш ва тафаккур табиий ақл маҳсули, билим олиш эса –бу таълим муассаси, педагог фаолияти маҳсули. Ёшларимизнинг фикрлаши ва тафаккури бундан 15-20 йил аввалги ёшларга нисбатан анча баланд ва тездир. Агар педагог ёшлар билан ҳамнафас фикрламаса, замон янгиликларига ва талабларига ёшлардан тез бўлмаса, унинг таълим соҳасидаги фаолияти самарасиз бўлиб қолади. Чунки, таълим муассасаларининг таълим жараёнидаги фаолиятини бошқарилишида педагог-кадрлар турли муаммоларга дуч келмоқдалар. Масалан, айрим педагог-кадрларнинг эскича фикрлашдан воз кечиб, ишга янгича муносабатда бўла олмаётганликлари асосий муаммолардан биридир. Муаммони ҳал этишнинг асосий усули педагог-кадр томонидан таълим методларининг амалиётга тўғри тадбиқ этишни била олишидир. Таълим жараёнида ўқитишнинг оғзаки методи энг кўп қўлланилади. Сабаби, барча фанларнинг мазмуни акс эттирувчи кўргазмалардан фойдаланилганда ҳам, амалий машғулот бажариш учун берилган топшириқларда ҳам, албатта, педагог оғзаки тушунтириб беради. Ўқитишнинг оғзаки методи бир нечта усулларни ўз ичига олади. Суҳбат – оғзаки таълим методининг савол ва жавоб шаклидаги диалогик таълим усули бўлиб, у фанга қадимдан маълум, ҳатто ундан ўз фаолиятида Суқрот ҳам моҳирона фойдаланган. Суҳбат таълим жараёнида кўп функциялар:

- ақлий фикрлаш;
- ҳозиржавоблик;
- мулоқот маданияти ва бошқа сифатларни шакллантиради;
- таълим олувчида фаолликни юзага келтиради. Суҳбат педагог фикрига мос ҳаракат қилиш, натижада янги билимларни босқичма-босқич эгаллашга имкон беради.

Суҳбат фаолиятини эндиgina бошлаган педагог учун мураккаб таълим усули ҳисобланади, бинобарин, саволларни тайёрлаш, уларнинг кетма-кетлигини таъминлаш кўп вақт талаб этади, уни ташкил этишда эса барча ўқувчиларнинг диққатини жалб этиш талаб қилинади. Педагог

оддий саволлар бериши, таълим олувчиларга улар юзасидан батафсил ўйлаш учун вақт ажратиши, таълим олувчиларнинг жавобларини эса диққат билан тинглаши, зарур ўринларда уларни шарҳлаши лозим. Шу боис суҳбатда билиш дедуктив ёки индуктив йўл билан амалга ошади. Дедуктив суҳбат ўқувчиларга олдиндан маълум бўлган қоидалар, тушунчалар, ҳодисалар, жараёнлар асосида ташкил этилиб, ўқувчилар таҳлил ёрдамида хусусий хулосаларга келадилар. Суҳбатнинг индуктив шаклида алоҳида далиллар, тушунчаларнинг таҳлил асосида умумий хулосага келинади.

Суҳбат кўпроқ таълим олувчиларни Янги билимлар билан таништириш, билимларни тизимлаштириш ва мустаҳкамлаш, назоратни ташкил этиш ҳамда ўзлаштирилган билимларни ташхислашда ижобий натижаларни беради. Суҳбат турли кўринишларда, яъни, кириш, якуний, индивидуал, гуруҳли, катехизисм, эвристик суҳбат тарзида ташкил этилади. Лекин суҳбат усулининг “Давра суҳбати” кўриниши ҳам мавжуд бўлиб, ўз мазмун-моҳиятига эга. Қуйида, таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилаётган “Давра суҳбати” усулининг амалиётда қўллаш технологиясини тавсия этаман.

“Давра суҳбати” оғзаки методнинг усулларидан бири бўлиб - айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб борилади.

“Давра суҳбати” усулининг ташкилланиши:

- аудиторияни тайёрлаш, стол-стулларни доира шаклида жойлаштирилиш. (Бу ҳол ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан кўз алоқасини ўрнатиб туришига ёрдам беради).

“Давра суҳбати” усулининг шакли:

- оғзаки.

“Давра суҳбати” усулининг бориши:

- “Давра суҳбати” усулининг оғзаки шаклида педагог (таълим берувчи) мавзу бўйича савол беришни бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу саволга соат стерелкаси бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини таклиф этади;

- таълим олувчилар айлана бўйлаб қоидага риоя этган ҳолда ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар;

- сўзлаётган таълим олувчини барча диққат билан тинглайди;

- агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади, (бу эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради);

- режадаги саволлар тугагач, жавоблар таҳлил қилинади ва савол эгалари томонидан баҳоланадилар;

- педагог (таълим берувчи) барчани жавобларини умумлаштириб, мавзуга якуний хулоса ясайди ва тўпланган баҳоларни эълон қилади.

“Давра суҳбати” усулининг аҳамияти:

-таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар;

-таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар о\_злари берган саволларига гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

-одоб-ахлоқ мезонлари, тартиб-қоида нормаларига риоя этишади, ўзаро ҳурмат, фикрларни тинглаш, навбат кутиш каби одамийлик фазилатлари ривожланиб боради;

-таълим олувчиларни монологик ва диалогик нутқлари ўсади, ўз-фикр мулоҳазаларини эркин баён этиш, ўз нуқтаи-назарларини ўзгаларга етказиш малака ва кўникмалари шаклланади.

“Давра суҳбати” усулининг афзалликлари:

- ўтилган материалнинг яхши эсда қолишига ёрдам беради;

- барча таълим олувчилар иштирок этадилар;

- ҳар бир таълим олувчи ўзининг баҳоланиш масъулиятини ҳис этади;

- ўз фикрини эркин ифода этиш учун имконият яратилади.
- “Давра суҳбати” усулининг камчиликлари:
  - кўп вақт талаб этилади;
  - таълим берувчининг ўзи ҳам ривожланган фикрлаш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади;
  - таълим олувчиларнинг мавзу бўйича билим даражасига мос ва қизиқарли бўлган саволлар танлаш талаб этилади.
- Хулоса ўрнида қуйидагиларни айтиш мумкин:
  - “Давра суҳбати” усулини танлашда замонавий дидактиканинг етакчи ғоялари, таълим, тарбия ва ривожлантиришнинг умумий мақсадларини;
  - ўрганилаётган фан мазмуни ва методлари, мавзуларининг ўзига хослиги;
  - хусусий фанлар методикасининг ўзига хослиги ва умумдидактик методларни саралашга қўйилувчи талабларнинг ўзаро алоқадорлиги;
  - муайян дарс материалининг мақсади, вазифалари ва мазмунлари;
  - мавзунини ўрганишга ажратилган вақт;
  - таълим олувчиларнинг ёш хусусияти, билиш имкониятлари, даражаси;
  - таълим олувчиларнинг дарсга тайёргарлик даражаларни инобатга олиниши лозим.

#### **Иктибослар/сноски/references:**

1. О.Д.Рахимов, О.М.Турғунов, Қ.О.Мустафаев, Ҳ.Ж.Рўзиев Замонавий таълим технологиялари /Тошкент, “Фан ва технология нашриёти”, 2013й., 200бет
2. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги. А.Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти. Умумтаълим мактаблари директорлари учун —халқ таълими соҳасидаги менежерлик кўникмаларини шакллантириш курслари бўйича ахборотнома. 1-сон II тўплам.© ЛЭССОН ПРЭСС. Тошкент 2020

## **БОЛАЛАР НУТҚИНИ РАВОН ЎСИШИДА ЭРТАКЛАРНИНГ ТУТГАН АҲАМИЯТИ**

**Каримова Минавархон<sup>1</sup>**

*<sup>1</sup>Андижон вилояти, Шаҳрихон тумани  
ХТБ га қарашли 44-сонли умумий ўрта  
таълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси*

**Аннотация:** Ушбу мақола болалар нутқини равон ўсишида эртақларнинг катта эканлиги ва ота оналарнинг фарзандларини тарбиясига лаёқат билан қарашларини қамраб олади.

**Таянч сўзлар:** болалар нутқи, оилавий муҳит, таълим, тарбия, одоб-ахлоқ, педагогик технология, адабиёт дарслари, эртақлар.

Эртақ - бу бадиий тўқима бўлиб, улар халқ томонидан яратилади. Эртақлар фарзандларимиз дунёқарашини кенгайтиради, хайтга бошқа нигоҳ билан қарай бошлайди. Эртақларни эшитиб бошқа ўртоқларига ҳам айтади. Боланинг нутқи ўз-ўзидан ривожланиб боради. Эртақларни кўп тинглаган болалар нутқи равон бўлади ва ўзгалар фикрини тез тушуна олади, ўзгаларга ҳам фикрини тўғри етказа олади. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев соғлом оилада соғлом фарзандлар дунёга келиши ва жамиятимиздаги оилаларга яратиб берилаётган шароитлар дунё халқларини эътиборига сазовор бўлмоқда.

Соғлом оилада соғлом фарзандлар дунёга келади. Болалар нутқини равон бўлишида оилани роли катта. Оилада фарзандлар нутқини равон бўлишида бола учун барча сўзларни равон айтмоқ зарур. Юртимизда зиёли оила фарзандларининг нутқи равон, дунёқарашини кенг, жисмонан бақувват, маънан ятуқ бўлиб тарбияланаётганини таъкидлаш жоиз.

Бола билан катталардек гаплашиш керак. Катталарнинг нутқи тўғри ва равон бўлиши керак. Масалан кўп оилаларда фарзандини эркалаб нон ўнига, наннаъ, чой ўнига „уммаъ деб айтади. Бу сўзларни тўлиқ айцак бола бу сўзларни катталар тилида қайтадан ўрганмайди. Болалар нутқини шу тарика равон қилиб бориш керак.

Бола янги туғилгандан буён унга эртақ, шърлар айтиш орқали болани нутқини ўстириб борамиз. Бир оилада яшаётган бир ота онанинг болалари ҳам турлича характерга эга бўлади. Уларнинг фикрлаши ҳам ҳар хил бўлади. Катта фарзанднинг нутқига қараб кейинг фарзандларнинг нутқи катта фарзанд нутқига қараб ўсади.

Бундан кўриниб турибдики, фарзандларимиз соғлом оила, соғлом муҳитда тарбияланмоғи зарур. Мамлакатимиз президенти Шавкат Мирзиёев шундай деган эдилар, Бизни ўйлантириб келаётган яна бир муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб –ахлоқи, юриш–туриши, бир сўз билан айтганда, дунё қараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айна пайитда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобиданъ. Президентимизнинг юқоридаги фикрларидан кўриниб турибдики, фарзандларимиз келажаги порлоқ бўлиши учун ота-она талим муассасаларининг ўрни катта эканлигини, тарбиянинг биринчи эканлигини билишимиз мумкин.

Мактабга янги қадам қўйган фарзандларимизда янги ҳаёт бошланади. Таълим муассасаларида айрим фикрини айтгани болалар ҳам фикрини айта оладига бўлади. Мактаб таълим тизимини ислиҳ қилиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳатлар, бу борада олдимизда турган долзарб вазифалар ҳақида дикр юритганда, улуғ маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудийнинг „ Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактабдиръ деган фикрини алоҳида таъкидлаб бу масаланинг моҳияти ва аҳамиятига алоҳида эътибор бериб ўтган.

Таълимда педагогик технологияларни қўллашда дарс тўлалигича камраб олиниши керак. Бошланғич синфларда она тили дарсларини ташкил этишда педагогик маҳорат билан инновацион ёндашиш орқали ўқувчилар қизиқишларини адабиётга ўстириб бориш керак. Адабиёт фанини ҳаётга боғлаб ўтиш лозим. Шунда ўқувчи она тилимизни ардоқлашга ва уну мукамал ўрганишга кейинг ёш авлодга ҳам она тилимизни сир асрорларини ўргатишга бел боғласинлар.

Бошланғич синф ўқувчиларнинг Ёши қизиқиши ақлий фаолиятини алоҳида эътиборга олиш керак. Уларнинг ёшларига, қизиқишига, ақлий фаолиятига қараб осон қизиқэрли қилиб мавзуларни ўргатиб боришлари керак. Ўқувчиларга атроф-муҳит, ҳаётга боғлаб тушунтирилган мавзулар уларни фикрлашини тез, дунёқарашини кенг бўлишига сабаб бўлади. Ўқувчилар ўзгалар фикрини эшитиб тушуна олишлари ва ўзгаларга фикрини баён қилиб етказиб бера олишлари керак. Давлатимиз раҳбари Ш. Мирзиёев ҳам ҳар бир ёш авлод ўз фикрини бировга тушунтириб бера оладиган ва ўзгалар фикрини тўғри тушунадиган маънан етук ёшларни тарбияламоғимиз зарур деб таъкидлайди.

Замонавий оилалар мавжуд жамият билан узвий боғлангандир. Яшаҳс шароитининг яхшилиги, оиланинг иноқлиги, фарзандларини нутқи равон бўлишини, баркамол шахс бўлиб тарбияланишига таъсир қилади.

Болаларнинг педагогик-психологик жиҳатдан яхши тарбия олиши унинг оилавий муҳитини соғломлиги миллий кадрятларимиз, ананаларимизга содиқлигидан билишимиз мумкин.

Болаларни рост сўзларга, яхши хайрли ишларга ундаш, ёш хусусиятлари инобатга олиниши, ота-она ва таълим муассаса вакилларининг ҳамкорлиги орқали фарзандимиз тўғри тарбияли, тўғри йўлдан адашмайдиган бўлади.

Бундан кўриниб турибдики ҳам маънавий жиҳатдан, ҳам жисмоний жиҳатдан соғлом бола фақат соғлом оилада шаклланади. Оиладаги соғлом муҳит эса юртимиз келажагининг устуниси ҳисобланади. Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ҳар бир дарсни ўзига хос интерфал методларни ўтказиш тўғри бўлади. Ўқитиш жараёнида юқори кўрсаткичга эришиш учун дарс

жараёнини кетма- кетлигини аввалдан режалаштириш керак. Дарсга оид педагогик технологияни танлаб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

#### **Иқтибослар/сноски/references:**

1. Мирзиёев Ш.М. Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга этишда таянчимиз ва суянчимиздир. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ИВ курултойидаги нутқ. // Маърифат. Тошкент, 2017 йил 1 июл № 52.

2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Том 3. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.- 82 б.

## **ЎҚУВЧИ ЁШЛАРНИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА**

**Мамарасулова Минаввархон**

Андижон вилояти, Шаҳрихон тумани ХТБ га қарашли  
65-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада ўқувчи ёшларга таълим-тарбия беришда таълим муассаларининг ўрни, сўнгги йилларда мактаб таълимини ривожлантириш борасидаги ислохотлар ҳақида тўхталиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** мактаб, таълим, тарбия, педагогика, ислохот

Барчамизга маълумки миллатни тарбиялаш, уни ислоҳ қилиш аввало, униб-ўсиб келаётган ёш авлодни онгу-шуурини ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш лозим. Юртимизда бу борада изчиллик билан ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев президентлик фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб юртимизда инновацион ва креатив фикрлайдиган, замонавий кадрлар тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида, юксак маънавий эгалари этиб тарбиялаш, шу мақсадда таълим тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Мактаб таълими тизимини ислоҳ қилиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, бу борада олдимизда турган долзарб вазифалар ҳақида фикр юритганда, улуғ маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактабдир” деган фикрини алоҳида таъкидлаб, бу масаланинг моҳияти ва аҳамиятига атрофлича тўхталиб ўтамыз. Ҳақиқатан ҳам, жаҳондаги ривожланган давлатлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, уларда жамият ҳаётини ўзгартиришга қаратилган ислохотлар аввало таълим тизимидан, боғча, мактаб, тарбия масаласидан бошланганини кўрамыз. Чунки мактабни ўзгартирмасдан туриб, одамни, жамиятни ўзгартириб бўлмайди. Таълим ва тарбиянинг асоси, пойдевори бу – мактаб. Мактабни мактаб қиладиган куч эса ўқитувчилардир. Улуғ алломаларимиз – Мирзо Улуғбек ва Муҳаммад Хоразмий номидаги иқтидорли болалар мактаблари, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов, Исҳоқхон Ибрат, Муҳаммад Юсуф, Ҳалима Худойбердиева номлари билан аталган ижод мактаблари, “Темурбеклар мактаби”, Президент мактаблари, хусусий мактаблар сингари янги ва замонавий намунадаги таълим даргоҳлари ташкил этилгани юртимиз фарзандлари учун таълим-тарбия олиш борасида янги имкониятлар очиб бермоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, “Моддий ва маънавий ҳаётни уйғун ривожлантиришимиз керак. Мактаб бу борада асосий бўғин бўлиши лозим. Мактаб таълимини ривожлантириш биз учун буюк умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланиши зарур”[2]. Таълим-тарбия соҳасида замонавий ва оқилона тизим яратиш, ўқитиш методлари, таълим стандартлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларини янгилаш зарурлиги, билим беришда чет элдаги

илғор тажрибалардан фойдаланиш, тарбияда эса миллий анъана ва кадриятларга суяниш муҳим омил ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчи-ёшларни баркамол этиб вояга кетказиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Фарзандлар қанчалик билимли, тафаккурли бўлиб вояга еца, миллат ҳам ўзининг ривожланиш чўққисга шунчалик тез ва осон етиб боради. Бу борада бизнинг юртимизда етарли даражада моддий техник база, юксак салоҳиятли устоз-мураббийлар мавжуд. Биздан таълаб қилинадиган асосий нарса эса, кунт ва сабот билан илм олиш, касб ҳунар эгаллаш ҳисобланади. Зеро, буюклар таъкидлаганидек, илмдан ўзга нажот йўқ ва бўлмагай

#### **Иқтибослар/сноски/references:**

1.Ш.Мирзиёев. “Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир”. Т.Ўзбекистон 2018.Б.490

2.Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун. Тавсиялар. Тошкент-2017. Б.26

## **МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ**

**Мамаюсупова Диловархон Бегматовна<sup>1</sup>**

*<sup>1</sup>Қўқон университети ўқитувчиси*

**Абсаматова Иродахон Ботировна<sup>2</sup>**

*<sup>2</sup>Қўқон Университети талабаси*

**Аннотация:** Мақолада мактабгача таълим тизимининг ривожланиши, жумладан, болаларнинг мактабгача таълим ташкилотларига жалб қилиниши, замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологиялари асосида уларни тарбиялаш ва ўқитиш даражаси ҳамда сифатини ўрганиш, соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантиришга доир фикр ва тавсиялар ўрин олган.

**Калит сўзлар:** мактабгача таълим, мактабгача таълимнинг замонавий тизими, тиббий гигиена, профилактика, таълим тўғрисидаги қонун, замонавий технологиялар.

Юртимизда мустақиллик йилларидаги илк қадамларданок жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий туб ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Таълимда, жумладан унинг биринчи бўғини ҳисомланмиш мактабгача таълим соҳасида ҳам жиддий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мактабгача таълим ташкилотлари - Республика таълим муассасаларининг тури бўлиб, турли хил йўналишда мактабгача бўлган даврдаги умумий таълим дастурларини амалга оширади. Ушбу таълим муассасалари 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларни тарбиялашни, ўқитишни, парваришлашни ва соғломлаштиришни қамраб олади ҳамда таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 29-сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2017-йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони шунингдек “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди [1].

Ушбу қонунларда мактабгача таълим тизимини комплекс ривожлантириш, болаларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашнинг барча йўналишлари белгилаб берилди. Жумладан, янги тузилган Мактабгача таълим вазирлиги олдига шу соҳа бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқиш

ва амалга ошириш, мактабгача таълим муассасалари давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш ва моддий-техник базасини мукамаллаштириш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, мактабгача таълим ташкилотларига болаларни қамраб олишни кескин ошириш, таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим технологиялари ва методларини татибиқ этиш орқали болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний ривожлантириш ҳамда уларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилашнинг устувор вазифалари қўйилди [2]. Мактабгача таълим узлуксиз таълимнинг бошланғич қисми ҳисобланади. У боланинг соғлом ва ривожланган шахс бўлиб етишишини таъминлаб, ўқишга бўлган иштиёқини уйғотиб, тизимли ўқитишга тайёрлаб беради. Унинг мақсади - болаларни мактабдаги ўқишга тайёрлаш, соғлом, ривожланган, етук, мустақил, баркамол шахс бўлиб шакллантириш, қобилиятларини очиб бериш, ўқишга, тизимли таълимга бўлган иштиёқини тарбиялаш ҳисобланади. Кейинги йилларда мактабгача таълим ташкилотларининг янги тармоғи шаклланиб бормоқда. Бу ўринда «Хонадон боғчаси» ҳамда «Болалар боғчаси - бошланғич мактаб» мажмуаларини мисол қилиб келтириш мумкин. Мактабгача таълим ташкилотларида болаларга тасвирий санъат, мусиқа, тил ва компьютер саводхонлигини ўргатувчи гуруҳлар ташкил этилмоқда. Бу каби ҳаракатлар мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида маънавий-ахлоқий тарбиялашга хизмат қилади [3].

Замонавий ривожланувчи педагогик ахборот коммуникация технологиялари таълим-тарбия жараёнига, ҳамда болалар психик жараёнлари ривожланишига, унинг шахс сифатида шаклланишига, интеллектуал ижодий салоҳиятига ва жисмоний ривожланиб боришига қаратилган.

Республикамизнинг мактабгача таълим ташкилотларида ақлий ёхуд амалий вазифаларни жорий этишда қабул қилинган умумий усуллардан фойдаланишни амалга оширувчи педагогик технологияларни шиддатли ташкил қилиш, ҳамда мавжуд анъанавий технологияларини ривожлантириш ва қайта ишлаш фаолиятлари амалга оширилмоқда.

Муҳим янгиликлардан яна бири – гуруҳлардаги болалар сони 25 кишидан ошмаслиги белгилаб қўйилди. Бу чекловни амалиётга жорий этиш мақсадида ЭМИС электрон тизими ҳам йўлга қўйилди. 2021 йилга бориб мамлакатдаги барча МТТ гуруҳларида болалар сони шундай бўлади [4]. Мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш ташкилот ҳамда ҳудуддаги тиббиёт ходимлари, шунингдек ташкилотга бириктирилган соғлиқни сақлаш органларининг тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилади.

Мактабгача таълим ташкилотларига болаларни олиб келиш ва олиб кетиш қоидалари, биноларда хавфсизликни ташкил этишга оид талаблар, ёнғин хавфсизлигини ташкил этишга оид талаблар, ҳудуд хавфсизлигига бўлган талаблар “Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисида Низом” билан тартибга солинади [5].

Ушбу таълим-тарбия ташкилотлари боланинг соғлом, ҳар томонлама мукамал камол топиб шаклланишини таъминлайди, унда ўқишга интилиш туйғусини шакллантиради, ҳамда мунтазам таълим олишга тайёрлайди. Бундай тартибдаги тадбирлар бола олти-етти ёшга етгунга қадар давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда оилаларда амалга оширилади. Таълим-тарбия муассасаларининг фаолиятини ташкил этишда оила, маҳалла, жамоат ташкилотлари, халқаро фондлар ҳам фаол иштирок этишади.

Бу каби буюк ишлар замирида Амир Темур, Увайсий, Навоий, Бобур ва Нодиралар сингари аждодларимизнинг давомчиларини камолга етказиш турибди десак муболаға бўлмайди.

#### **Иқтибослар/сноски/references:**

1. Ш.М.Мирзиёев. “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 2018-йил 29-сентябрь.
2. Ш.М.Мирзиёев. “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. 2017-йил 30 сентябрь.
3. Р. Машарипова. Мактабгача таълим концепсияси 2015-йил.
4. [http://kun.uz/uz/news/2018/10/01/maktabgacha ta'lim](http://kun.uz/uz/news/2018/10/01/maktabgacha_ta'lim).
5. <http://info.ziynet.uz/uz/post/viyew/education/preschool>

# МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ- УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

Назирова Гузаль Маликовна<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Қўқон университети ўқитувчиси

## Аннотация

Ушбу мақолада мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни такомиллаштиришнинг илмий-услубий асослари назарий жиҳатдан асослаб берилган, шунингдек, назарий маълумотларнинг амалда қўлланган усуллари ва тадқиқот натижаларига асосланиб хулоса ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** мактабгача таълим, МТМ, педагогик жараён, такомиллаштириш, “Илк қадам” Давлат дастури, давлат талаблари, тизимли ёндашув, ахборот-таҳлил, мақсадли-мотивлаштириш, олдиндан кўриш-режалаштириш, ташкилий-ижрочилик, тартибга солиш-мувофиқлаштириш, назорат-ташхис.

Жаҳонда таълим соҳасидаги инновацион ривожланиш тенденцияларига мос равишда мактабгача таълим тизимини компетенциявий талаблар асосида такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ЮНЕСКО томонидан 2030 йилгача белгиланган барқарор ривожланиш мақсадларида болаларда мустақил-ижодий фикрлашни ривожлантиришга қаратилган сифатли таълим хизматларини ташкил этиш долзарб вазифалар сифатида қайд этилган. Халқаро тажрибалар мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараён самарадорлигини ошириш, эрта ёшдан бошлаб STEAM ўқитиш асосларини жорий этиш, таълим хизматларини диверсификациялаш заруратини юзага келтирмоқда.

МТМда ташкил қилинадиган машғулотлар, аниқроқ айтганда, таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёни яхлит педагогик тизимни ташкил этади. Тарбияланувчилар шахсига турлича таъсир кўрсатадиган барча шаклдаги машғулотлар, сайр ва экскурсиялар, тарбиявий ва шахслараро муносабатлар жараёни ўзаро алоқадор ва узвий боғлиқдир. Мазкур ташкилий компонентларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги, бирлиги педагогик жараённинг яхлитлигини ифодалайди.

Дунё миқёсида болаларни психофизиологик, интеллектуал, иждодий ва шахсий салоҳиятини оширишга йўналтирилган креатив технологияларни ривожлантириш, мактабгача таълим муассасаларида шахсга йўналтирилган инновацион таълим муҳитини ташкил қилиш ҳамда стратегик бошқарув тамойиллари асосида мактабгача таълимнинг сифат менежменти механизмларини такомиллаштириш масалаларига қаратилган илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотларда мактабгача таълимни бошқаришнинг ахборот-методик тизимини такомиллаштириш, сифатли таълим хизматларини диверсификациялаш, таълим-тарбия жараёнига ахборот-коммуникация технологиялари, интерактив ва муаммоли-вазиятли ўқитиш усуллари жорий этиш, мактабгача таълим тизими ходимларининг касбий-инновацион компетентлигини ривожлантириш ва баҳолашнинг самарали шакл ва методларини амалиётга жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда республикамизда мактабгача таълим соҳасида меъёрий-ҳуқуқий базани тубдан такомиллаштириш, илғор хорижий тажрибалар, илмий ишланмалар ва технологияларни мактабгача таълим муассасалари фаолиятига интеграция қилиш, мактабгача ёшдаги болаларни эрта ривожлантириш соҳасидаги илмий, инновацион-педагогик фаолиятни қўллаб-қувватлашга қаратилган концептуал ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Мактабгача



таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш” каби муҳим вазифалар белгиланган [1]. Бу борада мактабгача таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, замонавий бошқарув шакллари жорий этиш, мактабгача таълим тизими ходимларида замонавий менежмент ва педагогик технологиялар бўйича билим ва кўникмаларини ривожлантириш долзарб йўналишлардан ҳисобланади.


МТМда ташкил қилинадиган барча шакллардаги машғулотлар ва тарбиявий муносабатлар жараёнига тизимли ёндашувни жорий қилишда педагогик аҳамият касб этувчи жараёнлар мажмуи яхлит тизим, яъни тарбияланувчилар шахсига аҳамиятли таъсир кўрсатадиган мураккаб педагогик тизим сифатида инобатга олиниши муҳим ҳисобланади. МТМда педагогик жараёнларни такомиллаштиришга тизимли ёндашувни татбиқ этишда инобатга олиш зарур бўлган омиллардан бири мураккаб педагогик тизим компонентлари ҳисобланадиган турли шакллардаги таълим-тарбия жараёни ва тарбиявий муносабатлар, педагогик тажриба-синов ишлари, педагогик амалиёт ва узлуксиз малака ошириш жараёнининг тизимга хос хусусиятлари бўлиб, улар алоқадорлик, боғлиқлик, ўзаро таъсир, интеграция, яхлитлик, изчиллик каби тушунчалар орқали ифодаланади. Мазкур жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги, ўзаро таъсир кўрсатиши ҳамда изчиллик ва интеграцияга мойиллиги уларни яхлит тизим компонентлари сифатида тасаввур қилиш учун асос бўлади.

Дунёнинг кўпгина давлатларида мактабгача таълим узлуксиз таълим-тарбия тизимининг дастлабки бўғини ҳисобланади. Мазкур тизимга маҳаллий ҳокимият органлари, саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари, диний ва жамоат ташкилотлари, жисмоний шахслар томонидан эътибор кўрсатилади. Қатор давлатларда стационар ва мавсумий ясли, иш вақти давомийлиги турлича бўлган МТМ, бошланғич синфларда мактабгача бўлимлар, оналар мактаблари, майдончалар фаолият юритади. Тарбиявий ишларнинг мақсади болаларнинг баркамол ривожланиши, уларда ижтимоий ҳаёт малакаларини шакллантириш ҳисобланиб, у таълим ва тарбия дастурлари асосида амалга оширилади. Барча давлатларда педагогик ходимларни тайёрлаш тизими мавжуд (курслар, ўрта махсус, олий таълим муассасалари). Мактабгача таълимнинг ҳар бир миллий тизими ўзига хосликлар ва ўз илғор тажрибаларига эга. Шу жиҳатдан хорижий давлатларда мактабгача таълим тизими тажрибалари ўрганилди ва таҳлил қилинди.

МТМда педагогик жараёнларни такомиллаштиришда тарбиячилар томонидан амалга ошириладиган ишларнинг мазмун-моҳияти ва йўналишига кўра режалаштириш ва ташкил қилиш функциялари қуйидаги жараёнларда амалга оширилади: мақсади, вазифаси ва шаклига кўра турли машғулот жараёнларини режалаштириш ва лойиҳалаштириш; моделлаштириш, яъни ташкил қилинадиган педагогик жараёнларда тарбияланувчилар учун зарурий шарт-шароитларни яратиш ва уларнинг имкониятларини инобатга олган ҳолда фаоллигини таъминлаш бўйича вазифаларни олдиндан белгилаш; яратилган шарт-шароитлар ва мавжуд вазиятларга кўра тарбияланувчилар фаолиятини назорат қилиш, таҳлил қилиш ва объектив баҳолаш асосида рағбатлантириш.

МТМда педагогик жараёнларни илмий асосда такомиллаштиришни таъминлаш учун тарбиячилар ўз фаолияти давомида муайян тамойилларга асосланиши зарур: МТМда ташкил қилинадиган барча турдаги ва турли шакллардаги таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришда ўзига хос интегратив тизим сифатида ёндашувнинг муҳимлиги; МТМда ташкил қилинадиган барча турдаги машғулотлар ва бошқа таълим-тарбиявий аҳамият касб этувчи жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги; МТМда ташкил қилинадиган барча турдаги машғулотлар ва бошқа таълим-тарбиявий аҳамият касб этувчи жараёнлар самарадорлиги тарбияланувчиларнинг шахсий сифатларининг ўсиши, яъни таълим-тарбия жараёнининг натижавийлигини ифодалаши ва ҳ.к.

Тадқиқот доирасида мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни тизимли ёндашув асосида такомиллаштириш модели ишлаб чиқилди (1-расм).



1-расм. Мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни тизимли ёндашув асосида тақомиллаштириш модели

Хулоса ўрнида шуларни таъкидлаш жоизки, МТМда педагогик жараёнларни такомиллаштириш нафақат таълим-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил қилиш, балки тарбиявий муносабатлар жараёнларини мувофиқлаштириш, тарбияланувчиларда ўзини-ўзи тарбиялашга хизмат қилувчи мотивлаштириш жараёнларини ташкил этиш, шунингдек, МТМдаги таълим-тарбиявий муҳит ҳамда унда ўзаро таъсир жараёнларини кенг қамровлилигига боғлиқ бўлади. МТМда ташкил этиладиган педагогик жараёнлар самарадорлигини таъминлашда тарбияланувчиларни кўпроқ мулоқотга чорловчи, кўпроқ мустақил фикрлашга ундовчи ва уларнинг келгуси ҳаётида муҳим аҳамият касб этувчи объектив хулосаларни мустақил равишда шакллантиришга хизмат қилувчи воситалардан кенг фойдаланиш муҳим бўлиб, бундай воситалардан фойдаланишнинг аҳамиятлиги МТМда ташкил этиладиган педагогик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади.

- МТМда педагогик жараёнларни такомиллаштиришда тарбияланувчиларнинг фаоллигини таъминлаш, уларни мустақил ва эркин фикрлашга ўргатиш ҳамда эркин ва мустақил мулоқотга киришишлари учун зарурий шарт-шароитларни яратиб беришнинг аҳамияти таълим-тарбия жараёнларининг самарадорлигини таъминлашда ўз ифодасини топади.

- Мактабгача таълим муассасасида ривожлантирувчи муҳитни ташкил этишда болаларнинг ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ёшга доир хусусиятлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Мактабгача ёшдаги болаларнинг етакчи фаолияти ўйин ҳисобланади. Тўғри ташкил этилган ўйинда боланинг жисмоний, ақлий ва шахсий сифатлари ривожланиши, ўқув фаолиятига тайёрлик шаклланиши ва мактабгача ёшдаги боланинг ижтимоий муваффақиятини таъминлаш учун шароитлар яратилади.

- МТМда ташкил этиладиган мураккаб тузилишга эга бўлган педагогик тизимни ташкил этувчи асосий (таълим-тарбиявий) ва ёрдамчи (мотивлар шакллантирувчи ва шарт-шароитлар яратувчи) жараёнлардан бири – тарбиявий муносабатлар ҳам тизимли хусусиятларга эга бўлиб, унинг самарадорлиги асосий (таълим-тарбиявий) машғулотлар натижавийлиги, ўз таъсирини кўрсатиши ёки ўзини-ўзи тарбия жараёнлари сифатида хизмат қилишини инобатга олинди.

- МТМда турли шакллардаги таълим-тарбия ва тарбиявий муносабатлар жараёнларини мувофиқлаштиришдан кўзланган мақсадга эришиш йўналишида олинган натижалар умумий ҳолда мураккаб педагогик тизим ҳисобланадиган барча таълим-тарбия жараёнларининг яхлит тарздаги самарадорлигини ифодалайди. МТМда педагогик жараёнларни такомиллаштириш тарбияланувчилар дунёқарашининг ўзгариши, тафаккурининг ривожланиши, уларда шахсий сифатларнинг шаклланиши ва ривожланишида ўз ифодасини топади.

- Тизимли ёндашув асосида МТМда педагогик жараёнларни такомиллаштириш яхлит тизим сифатида, яъни ташқи муҳитда хизмат қилаётган мураккаб педагогик тизим сифатида кўриб чиқилади. Педагогик жараёнларни такомиллаштиришда шахс-фаолият ёндашуви ҳам зарур ҳисобланиб, педагогик жараёнларда тарбияланувчилар фаоллигини таъминлаш ва аниқ мақсадларга кўра белгиланган вазифаларни бажаришга субъектларни мотивлаштириш йўналиши сифатида вужудга келади.

- Педагогик жараёнлар самарадорлигини ошириш, кўзланган мақсадга эришишда тарбияланувчилар фаоллигини таъминлашга жалб этиладиган сарф-харажатлар (вақт, меҳнат, қўшимча методик маҳсулотлар ва воситалар)нинг меъёрдан ортмаслигини таъминловчи, тарбияланувчиларнинг имконияти, қобилияти ва бошланғич тушунчаларига ҳамда мавжуд вазиятлар ва шарт-шароитларга мос келувчи, энг қулай, педагогик жараён ва унинг таркибий тузилишини қайта ташкил эта оладиган тизимни вужудга келтириш мувофиқлаштирилган ёндашувни жорий этишдир.

- Педагогик жараёнларда рефлексив таълимий муҳитни вужудга келтириш тарбияланувчиларни маълум бир тушунча тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш, яъни ўрганилаётган тушунчаларнинг аҳамиятини ўрганиш, таҳлил қилиш ва объектив баҳолаш асосида уларда асосланган тушунчалар шакллантиришга хизмат қилади.

• МТМда педагогик жараёнларни илмий асосда такомиллаштириш, қўйилган мақсадларга эришиш ва самарадорликни таъминлашда тарбияланувчилар фаоллигини таъминлаш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва объектив баҳолаш асосида инновацион фаолиятни ташкил этиш ва унинг натижавийлигини таъминлаш йўналишидаги тарбиячи фаолиятининг мазмун-моҳияти ахборот-таҳлил, мақсадли-мотивлаштириш, олдиндан кўриш-режалаштириш, ташкилий-ижрочилик, тартибга солиш-мувофиқлаштириш, назорат-ташхис функцияларини амалга оширишда ўз ифодасини топади.

Олиб борилган ишлар натижасида қуйидаги илмий-методик *тавсиялар* ишлаб чиқилди:

1) МТМларда умумий компетенцияларни шакллантириш бўйича методик тавсиялар, илмий амалий ёндашувлар ишлаб чиқилиши ҳамда тегишли соҳа мутахассисликларни тайёрлашда ОТМга жорий қилинишини таъминлаш зарур;

2) МТМ тарбияланувчиларини жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши; ижтимоий-ҳиссий ривожланиш; нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари; билиш жараёнини ривожланиши; ижодий ривожланишларига тизимли ёндашувни татиқ қилиш мақсадга мувофиқ;

3) МТМ мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари ўқув мазмунига тизимли ёндашув асосида мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни такомиллаштиришга оид илмий назарий ёндашувларни киритиш керак;

4) Мактабгача таълим муассасалари ва ота-оналар ҳамкорлиги йўналишлари бўйича илмий амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

#### **Иқтибослар/сноски/references:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. ПФ-4947-сон. 2017 йил 7 февраль. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3261-сонли Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил., 6-сон, 70-модда.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сон Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сон Қарори.

6. Джураева Б.Р., Умарова Х.А., Тожибоева Ҳ.М., Назирова Г.М. «Мактабгача таълим муассасаларида таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигини такомиллаштиришнинг педагогик тизими» / монография // Т.: Реал принт. – 2017. - 160 б.

7. Турғунов С.Т., Ахмаджонова Н.М. Мактабгача таълим муассасаларида бошқарув фаолияти алгоритми. // Халқ таълими. – Т.: 2012. – №1. – Б. 133-134.

8. Қодирова Ф.Р. ва бошқалар, “Мактабгача педагогика” /дарслик/ Т.:Тафаккур нашриёти. – 2019. – 441-474 б.

# ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ, ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА УСЛУБЛАРИ

Қодирова Манзура Баходировна<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Кўқон шаҳар 1-сонли ўрта таълим мактаб инглиз тили ўқитувчиси

Келдибоева Зумрад<sup>2</sup>

<sup>2</sup>Кўқон университети бошланғич таълим йўналиши талабаси

## Аннотация

Ушбу мақола таълим тарбия соҳасидаги замонавий ва оқилона тизим яратиш, ўқитиш методлари, таълим стандартлари, дарслик ва ўқув кўлланмаларини янгилаш зарурлиги, билим беришда чет элдаги илғор тажрибалардан фойдаланиш, тарбияда эса миллий анъана ва қадриятларга суяниш муҳимлиги қайд этилди.

**Таянч сўзлар:** таълим муаммолари, таълим самарадорлиги, ахборот коммуникация , интернет.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Туркистон ўлкасида миллий озодлик ва маърифатга эришиш мақсадида жаҳид намояндалари чоризм мустамлакачилик сиёсатига қарамасдан халқ озодлиги, билимли бўлиши учун улкан ислохотларни амалга оширдилар. Бунинг натижасида 1937-1938 йилларда буюк маърифатпарварларимиз сохта айблар бўйича қатағонга учрадилар. Бундай жасоратли маърифатпарварлар номи қалбимизда мангу яшайди.

Бугун таълим сифати ва самарадорлигини ошириш ҳақида гап кетар экан, бу масала биринчи галда бошланғич синф ўқитувчилари олдига ҳам улкан вазифаларни қўймоқда. Чунки таълим пойдеворида деб эътироф этилган бошланғич синфларда эгалланган билим ва кўникма бутун мактаб давомида ўқувчиларнинг фанларни пухта ўзлаштиришига асос бўлади. Кези келганда айтиш жоизки, юқори синфларда мавзуларни ўзлаштиришда қийналаётган айрим ўқувчилардаги камчиликлар сабабини ҳам қўйи синфлардан излаш зарур деб ўйлайман. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, мактаб ҳаёти оила ёки мактабгача тарбия муассасасидан фарқ қилади. Биринчи синфга келган бола бунинг хис қилади. Болаларга бетиним дарс бериш, устмас-уст назарий билим ва қоидаларни тиқиштириш уларни ўқишдан бездиради. Ақлий зўриқишдан бола ўқимай қўяди. Кичик мактаб ёшидаги болаларда бу ҳол кўп учрайди. Шунинг учун боланинг мустақил фикрлаши, бадиий ижодкорлиги, илмий-назарий билимини эгаллашини ўйинлар асосида ташкил этиш мақсадга мувофиқ деган фикрдаман. Чунки, баркамол авлодни шакллантиришнинг бош омили ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатишдир. Ўз фикрига эга бўлган инсон ўқиган, кўрган – билганини мулоҳаза қилади, мустақил хулоса чиқара олади. Шу билан бир қаторда таълим муассасаларида ҳар бир фан бўйича боланинг ёшига мос равишда таълим-тарбия бериш орқали барча фанларга пойдевор қўйилади. Айниқса, мусиқа, жисмоний тарбия фанларининг мутахассислар томонидан ўтилишини тахсинга лойиқ дейиш билан бир қаторда, болада фикрлаш доирасини кенгайтирадиган, ижодкорлик, эстетик дидни шакллантирадиган, борлиқ ва санъатдаги гўзалликни кўра олиш, идрок этишни ўргатадиган тасвирий санъат фани кўп ҳолларда мутахассислар томонидан олиб борилмайди. Бу фанни ўқитишдаги биринчи бўшлиқдир.

Шу ўринда Француз файласуфи Дени Дидронинг “Қайси халқ ўз болаларини расм чизишга ўргатишни тил, адабиёт ва математика даражасига олиб чиқса, фан, санъат, хунармандчиликда ўзиб кетади” деган фикри бежиз эмаслигини таъкидлашимиз ўринли. Жаҳон мамлакатлари халқларини ўзининг аянчли оқибатлари билан тахликага солган коронавирус пандемияси барча давлатларда ишлаб чиқариш ва саноат, таълим тарбия жараёнларига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Жумладан, таълим тизимида ўқувчиларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш бўйича давлат миқёсида дастурлар белгиланиб, ўқув машғулотларини онлайн ҳолда олиб беришга ўтказилди. Бу эса мамлакатимиздаги чекка қишлоқларда яшовчи ўқувчи

ва ўқитувчиларни Ахборот коммуникация тармоқларидан фойдалана олиш кўникмалари анча пастлигини кўрсатиб берди. Истаймизми-йўқми , интернет қайсидир маънода жамият тараққиётини белгилайдиган омилга айланмоқда. Шундай экан ,ёшлар ўртасида интернетни таъқиқлаш эмас , аксинча, уни кенг тарғиб қилиш, глобал тармоқдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш, интернет асри ёшларининг фаоллик ва янгиликка интилишини билим олишга йўналтириш зарур.

Хулоса ўрнида айтмоқчиманки,харбир фан ўқитувчиси дарс жараёнида глобал тармоқдан таълим сифатини оширишда фойдаланса мақсадга мувофиқ бўлади. Таълим технологиялари ҳақида гапирганда шуни алоҳида айтмоқчиманки, хар бир фан ўқитувчилари синф ўқувчиларининг ўзлаштириш даражаларига қараб ўзлари танлаган, синф ўқувчилари учун тушунарли ва қулай бўлган усул ва методлардан фойдаланганлари самаралидир.Масалан, инглиз ва рус тилларни ўргатиш асносида “Замон” методидан фойдаланилса ўқувчилар бир вақтининг ўзида бир мазмундаги гапни турли шароитларда қўллаш кўникмасига эга бўладилар. Шу жойда алоҳида айтиб ўтиш керакки мактабларда инглиз тилидан транскрипсия белгилари дарсларда ўргатилмайди.Транскрипсия ҳақидатушунча шуки , БУТ сўзини олайлик маъноси АММО ўқувчи бу сўздаги харфларни танийди лекин талаффузидаги БЎТхарфни айтиш учун маълум кўникмага барчалари хам эга эмаслар бу каби мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин.Адабиёт фанида асарларни таққослаб ўргатиш учун “Венн диаграммаси” методи хам анча самаралидир.

Қисқа қилиб айтганда биз мамлакатимиз таълим тузилмасини ривожлантиришни ўз олдимизга мақсад қилиб кўяр эканмиз бу борада аввало мактаб,оила , ота-она хамкорлигини мустаҳкамлашимиз муҳим ва шарт эканини унутмаслигимиз лозимдир.

Ўқувчилар учун ташкил этиладиган фан олимпиадалари хам ўқув йили давомида барча фанлардан ихтиёр қилиб белгиланиши ва юқори натижага эришган ўқувчиларни рағбатлантириш усуллари хам қайта кўриб чиқилмоғи керак.

Ўрта таълим мактаби битирувчиларига тақдим этиладиган олтин ва кумуш медаллар савиясини хам ошириш ўқувчилар ўртасида билим олиш, жамоат топшириқларида фаол бўлиш кўникмасини шакллантиради деган фикрдаман.

Ҳар томонлама етук инсонни тарбиялаш бугунги жамиятимиз олдида турган долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Комил инсонни вояга етказишда бошланғич таълим, шубҳасиз, мустаҳкам пойдевор ролини ўтайди. Бошланғич синфларда олиб бориладиган таълимий ишларнинг оғзаки нутқини ўстириш, муомала одобини шакллантириш ҳисобланади. Бизнинг олдимизда турган энг катта муаммоларимиздан бири хам шу.Ўқувчи юқори синфга чиққанда биринчи галдаги муаммо, ўқувчиларнинг нутқидаги камчиликлар эканлиги айтилади. Бу ўқувчининг китобни кам ўқишидан, ўқиган асар юзасидан оғзаки ҳикоялаш малакаси ривожланмаганидан далолат беради. Шу боисдан ота- оналар билан хамкорликда ишлаган ҳолда тез – тез дарсларга, тадбирларга таклиф қилиб туриш хам мақсадга мувофиқдир.

Сўзим сўнгида бўлажак педагог сифатида юртимиз ёшларини мамлакатимиз келажаги учун фидоий ва жонқуяр фарзандлар бўлишларида биз педагогларни зиммамизда кўплаб вазифалар борлигини тушунган ҳолда дунё халқлари ичида муносиб ўрин тутадиган фуқаролар қилиб тарбиялаш ва таълим беришга ваъда бераман.

#### **Иқтибослар/сноски/references:**

1. Асқарали Сулаймонов. “Халқ таълими” Илмий – методик қўлланма.
2. [www.pv.uz](http://www.pv.uz)>news >мактаб- таълимивеб сайти
3. [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги веб сайти
4. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қомитасининг расмий веб сайти.

# ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

Парпиев Одил Олимович<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Қўқон университети, Таълим кафедраси катта ўқитувчиси

## Аннотация

Ушбу мақолада мустақил таълим, унинг мақсади, вазифалари, турлари ва шакллари ифодаланган. Таълим беришнинг кредит-модул тизимида мустақил таълим таълим сифатини ошириш кафолати эканлиги бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** ахборот коммуникацион билим, интерактив усул, креатив фикрлаш, Moodle масофавий таълими, модератор, фасилитатор.

Бугунги кун таълимини ахборот коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки бозор муносабатлари шароитида рақобатбардош кадрларга бўлган энг асосий талаблардан бири ҳам бўлажак кадрларнинг ахборот коммуникацион билимларга эга бўлишидир. Чунки: «Ахборот технологиялари ва рақамли таълим воситалари ривожланиши талабаларнинг мустақил таълим олишини, ўқув жараёнини бошқаришни такомиллаштириш, талаба ва ўқитувчи ўртасидаги мулоқотни таъминлаш, ҳатто билимни баҳолаш жараёнларига ҳам таъсир кўрсатмоқда» [1].

Ушбу мақолада мустақил таълимнинг таълим сифатини оширишдаги аҳамиятига тўхналиб ўтмоқчиман. Хўш, мустақил таълим нима? «Талаба мустақил иши – муайян фандан ўқув дастурида белгиланган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир қисмини талаба томонидан фан ўқитувчиси маслаҳати ва тавсиялари асосида аудитория ва аудиториядан ташқарида ўзлаштирилишига йўналтирилган тизимли фаолиятдир» [2].

Талабаларга мустақил таълим беришдан кўзланган мақсадлар қуйидагича:

- дарс машғулотларида олган билимларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш;
- ўқув материалларини мустақил ўрганиш;
- илмий тадқиқот малакаларини ривожлантириш;
- мавжуд ўқув материалларини мустақил таҳлил қилиш ва тартибга солиш;
- креатив фикрлаш ва ижодий ташаббускорликни рағбатлантириш.

Демак, талабалар мустақил ишининг асосий вазифаси таълим олувчиларда креатив фикрлаш ва ижодий ёндашиш орқали таълим олишга қизиқишни орттириш ва талабанинг мустақил ишлаш нима учун зарурлигини англаб етишига эришишдир. Жумладан, бошланғич таълим йўналиши талабалари билан болалар адабиёти фанини ўрганиш жараёнида фан материалларини ўзлаштириш юзасидан қуйидагича иш турлари ташкил қилиниши мумкин:

1. Аудиторияда бажариладиган мустақил ишлар. Аудиторияда бажариладиган мустақил ишлар талабалардан кўп вақт талаб этмаслиги, тавсия этилган муаммо ечимини ҳал қилишда таълимнинг интерактив усулларида фойдаланишнинг қулайлиги билан характерланиб, талабаларда ўз-ўзини баҳолаш ва идора қилиш, нутқий малакаларни ривожлантириш, ўзаро бир-бирини тушуниш каби сифатлар ривожлантирилади. Масалан, 4-дарсда «Анъанавий эртак» мавзуси ўтилганда талабаларга эртак бошламаси, эртак якуни вариантлари, эртакларни мавзу жиҳатдан гуруҳлаш, ижобий қаҳрамонлар, салбий қаҳрамонлар, эртакларнинг жозибадорлиги каби мавзуларда топшириқлар берилиб, белгиланган вақтда талабалар кичик гуруҳларда мавзунини ёритиши, талаб ва таклифларини баён қилиши талаб этилади. Бой мунозаралар, савол-жавоблар асосида ўтадиган талабаларнинг ҳар бир тақдироти бир-бирини баҳолаш ва танқидий ёндашув асосида ташкил этилади. Аудиторияда бажариладиган мустақил ишларнинг «Айлана стол», ФСМУ, «Савол-жавоблар мусобақаси», «Балиқ скелети», «ВЕН», «Интеллектуал ринг», «Мен журналистман» каби интерактив методлар асосида ташкил этилиши бўлажак ўқитувчиларда компетенциявий малакаларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

2.Аудиториядан ташқарида бажариладиган мустақил ишлар. Аудиториядан ташқарида бажариладиган ишлар талабалардан кенг қамровли кичик изланишларни талаб қилиши, топширик юзасидан мустақил таҳлилий қарорлар қабул қилиш, интернет сайтлари ва ахборот ресурс маркази имкониятларидан самарали фойдаланиш ва мустақил таълимга қўйилган талаблар асосида ахборотларнинг тайёрланиши, белгиланган вақт оралиғида Moodle масофавий таълим платформасига жойлаштирилиши ва фан ўқитувчиси томонидан баҳоланиб, ёзма муносабат билдирилиши билан характерланади. Замонавий ўқитишнинг кредит-модул тизимида талабалар мустақил ишига алоҳида эътибор берилиши, ўқитувчи ва талабалар ўртасида мулоқот ўрнатишнинг янги интерактив усулларининг жорий қилиниши талабаларнинг муайян мавзу доирасида мустақил изланишларига кенг йўл очиб беради. Бу эса ўз навбатида уларда илмий тафаккурни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Таълим жараёнида ўқитувчининг модератор ва фасилитатор мақомида бўлиши таълим сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Талабалар мустақил таълим олишини фаоллаштириш учун куйидагиларга эътибор бериш керак:

1. Талабаларга ўз-ўзини назорат қилиш имкониятини бериш.
2. Мустақил ўрганишда савол, сўровлардан фойдаланиш.
3. Ўзини тутиш моделларини таклиф этиш.
4. Таълимга йўналтирилган тилни ўз ичига олган алоқани ривожлантириш.
5. Ҳар қандай топширик ижроси бўйича ёзма ёки оғзаки муносабат билдириш.
6. Ҳамкорликни рағбатлантириш.
7. Талабаларга танлов имкониятини бериш ва уларнинг ўз ўқув мақсадларини белгилашга ундаш.
8. Талабаларни янги дарсларни режалаштиришга жалб қилиш.
9. Талабаларни эркин ва креатив фикрлаш сари йўналтириш.

Ўқитувчи томонидан талабалар мустақил ишининг тўғри ташкил қилиниши, жумладан, мустақил иш ва ўқув лойиҳа топшириқларини, мустақил ишни ёритиш учун тавсия қилинган адабиётлар рўйхатини ўз вақтида Моодле масофавий таълим платформасига жойлаштириш, талабаларни университет ахборот ресурс маркази имкониятларидан фаол фойдаланишга йўналтириш, дарс жараёнидаги мустақил ишларни интерактив усулларда ташкил қилиш таълим сифатини оширишдаги асосий омил ҳисобланади.

#### **Иқтибослар/сноски/references:**

1. «Ўзбекистонда хорижий тиллар» илмий-методик электрон журнал. №1/2019.110-
2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009- йил 14-августдаги «Талабалар мустақил ишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича йўриқнома тўғрисида»ги 286-сонли буйруғи.



# БАРКАМОЛ АВЛОД ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИДА “ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА” ГИ ҚОНУН ВА “КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ” НИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Раҳмонов Мирзаодил<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Андижон вилояти ХТБ га қарашли 4-ДИМИ нинг  
1-тоифали тарих фани ўқитувчиси

Мустақиллик-милат орзуси, ўз ривожланиш йўлини ўзи танлаш ҳуқуқи. Мустақиллик-бу орзулар рўёби. Ҳақиқатан ҳам истиқлолга эришгандан сўнг Ўзбекистон ўз орзуларини рўёбга чиқариш учун жуда катта имкониятга эга бўлди, ҳаракат бошланди. Бироқ бундай улғу мақсадни амалга ошириш, баркамол авлодни вояга етказиш учун давлатнинг қонун даражасидаги махсус дастур ҳали ишланмаган эди. Бу “Таълим тўғрисида” ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” дир. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳбарлигида таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, профессионал билимларни эгаллаш имкониятларини кенгайтириш, янги шаритларда, янги техника-технологиялар билан ишлай оладиган малакали кадрларни тайёрлаш масаласи долзарб вазифа сифатида илгари сурилди. 1992-йилда Ўзбекистоннинг “Таълим тўғрисида” ги биринчи қонуни қабул қилинди. Бу қонун сабаб таълим тизимида қатор янгиликлар кириб келди. Булардан энг асосийси олий ва ўрта махсус ўқув юртларига адолат мезони ҳисобланган тест тизими кириб келди. Бунинг оқибатида эски тузумдан меърос бўлиб келаётган қариндош-уруғчилик, порахўрликка, қисқаси, адолацизликка барҳам берилди. Давлат олиб бораётган сиёсатга нисбатан халанинг ишончи ортди. Шу ўринда биринчи президентимизнинг қуйидаги сўзлари ўринлидир: “Биз ўз истеъдодли, фидойи болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиш учун қанот беришимиз керак” [1].

Таълим тизимини янада такомиллаштиришда шубҳасиз “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” пойдевор вазифасини бажарди. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”-орзуимизга эришишнинг қонун билан ҳимояланган ҳужжати дир. Бу дастурни амалга ошириш жараёнида мактаб таълими, айниқса, умумтаълим мактабларининг моддий-техник баъзасини мустаҳкамлашга эътиборини кучайтириш биз учун кун тартибидаги энг муҳим ва жиддий масалага айланди. Таълим тизимимиздаги янги модел жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келди. Ўзининг кадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўлди. Янги тизимнинг ҳуқуқий асосари яратилди. Умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб хунари таълими тўғрисидаги низом, умумий ўрта таълимнинг давлат стандартлари, ўқув предметлари бўйича замонавий талабларга жавоб берувчи дастурлар ва бошқа қатор меъйрий ҳужжатлар амалга жорий этилади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури биринчи президентимиз томонидан итимоий онга киритилган, давлатни, жамиятни ривожлантиришга хизмат қиладиган тамомила янги тушунча дир. “Таълим тарбия эса шу кенг қамровли вазифанинг таркибий қисми дир. Таълим-тарбия тизими кадрларнинг янги авлоди тафаккурини, онгини шакллантиришга хизмат қиладиган зарур бир соҳа дир” [2].

Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда юртимизда ёшларни илм-хунари эгаллашлари учун барча имкониятлар яратилган. Бунинг ёрқин бир исботи сифатида муҳтарам президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017-2021-йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг Ижтимоий соҳанинг ривожлантиришнинг устувор йўналишлари деб номланган тўртинчи йўналишининг иллита банди

айнан таълим ва фан соҳасини ривожлантириш ва ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш, таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, чет тилларини ўқитишни такомиллаштириш, ўқув юртлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, болаларни спорт билан оммавий тархда шуғуллантириш каби устувор вазифалар озъ аксини топган. Амалга оширилаётган ислохтларнинг барчаси таълим тизимини самарадорлигини ошириш, халқаро стандартларга жавоб бера оладиган етук кадрларни етказиб бериш учун имконият эшикларини очиб беради [3].

Хулоса қилиб айтганда, сўнгги йилларда таълим-тарбия жараёни ва бу соҳада амалга оширилган барча ислохтларимиздан кўзланган мақсад ёш авлодни ҳар томонлама, ҳам жисмонан, ҳам маънан, ҳам руҳан баркамол этиб тарбиялаш, жамият ривожига муносиб ҳисса қўшишлари учун етарли имкониятларни яратиб бериш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этишдан иборатдир.

#### **Иқтибослар/сноски/references:**

- 1.Шавкат Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Т:Ўзбекистон. 2018. Б:491.
- 2.Ислом Каримов. Баркамол авлод орзуси. Т.Шарқ.1999.Б:45.
- 3.Оммавий ахборот воситалари нашрлари

## **БОЛАНИНГ ҲАЁТИДАГИ ИНҚИРОЗЛИ КРИЗИС ДАВР МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ**

**Салиева Дилором Абдуллаевна<sup>1</sup>**

*<sup>1</sup>Кўқон университети*

*Таълим кафедраси психология фанлари номзоди доценти*

#### **Аннотация**

Ушбу мақолада бола шахси ёш давлари бўйича инқироз даврлар муаммоси ҳамда инқироз даврлардан чиқиш болага муносабат йўллари ҳақида тавсиялар берилган.

**Таянч сўзлар:** бола, шахс, қийин давр, психик ривожланишдаги кризис, ўтиш даври, муносабат, кризис давр, ўсмирлик инқирози, ёшлик инқирози.

Биз биламизки, бугунги куннинг шароити ўқитувчи ва тарбиячиларга жуда катта талаблар қўйилмоқда. Ҳозирги пандимия даврида ота-оналарнинг ўз фарзандлари билан муносабатида бир қанча муаммоларнинг юзага келиши ёш даврлаининг ўзига хос хусусиятларини ҳамда маълум даврларда инқироз даврларини билмасликлари сабаб бўлмоқда. Ҳар бир ёш даврдан кейинги даврга ўтишда бола шахсида инқирозли ўзгаришлар юзага келади. Буни тарбиячи ва ўқитувчилар яхши билиши, уларнинг индивидуал хусусиятларига кўра бола шахси билан муносабатда бўлиши керак. Айниқса болалик даврдаги инқирозлар бошқа даврларга нисбатан ҳар бир болаларда оғир кечади.

Психолог олимлар томонидан инқироз даврни “қийин давр”, “психик ривожланишдаги кризис” “ўтиш даври” каби номларни олган психологик кўринишлари билан ўрганишган. Бола шахси тўғилган вақтидан бошлаб то балоғат ёшигача бўлган даврдаги инқирозли ҳолат ва ўзгаришларни Л.С.Виготский ишларида кўрсатиб берилган бўлиб, айниқса ёшлик инқирозлари аниқроқ ёритилган.

Чақалоқнинг психологик ҳаётидаги инқирознинг характерли томони кулгу билан кўз контакти гавдаланади ва шу билан бирга чақалоқлик даврида психофизиологик ривожланиши мураккаб жараён ҳисобланади. Боланинг она қорнидалик даврига нисбатан атмосферадаги <http://kokanduni.uz/>

хаёт бола учун қийинчиликларни келтириб чиқаради. Бу даврни Л.С.Виготский томонидан “Тўғилиш инқирози” деб атаган. Бола бурун, кулоқ, ўғиз умуман териларда она қорнидаги суноқликлар мавжуд бўлади. Ташқи дунёга мослашиш жараёни боланинг қай даражадаги соғломлигига боғлиқ бўлиб, ташқи дунёда бола яқинлари билан йиғи орқали, эмоционал муносабат мулоқотга киришади. Шартсиз рефлекслар шартли рефлексга айланишга яқинларини таниш орқали келтириб чиқаради. Бола яқинларига бўлган муносабатни турли эмоционал ҳолатлар орқали ифода этади.

Бола ҳаётдаги 1 ёш бўлган давр ҳам инқирозли давр ҳисобланади. Чунки бир ёшга тўлган бола юришни бошлаши, ундаги фазони идрок этиш жараёнининг ўзгариб бориши, инқирозни вужудга келтиради.

Бола ҳаётидаги кейинги инқироз даври 3 ёшгача инқироздир. Биринчи навбатда 3 ёшдаги инқирозни ижтимоий алоқаларга боғлиқлигини Л.С.Виготский ўз ишларида кўрсатиб ўтган. Чунки бу даврда инсон зотига хос энг муҳим сифатлари характер хислати, атроф-муҳитга, ўзгаларга муносабат хулқ-атвор, тафаккур ва онг каби психик акс этиришининг турли кўринишлари шаклланади. Унинг мустақил ҳаракат қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратилади. 3 ёшда бола ўзини катталар билан таққослай бошлайди ва катталар қилиши мумкин бўлган, улар бажара оладиган ҳаракатларни бажаришга интилади. Бола ўзини мустақил ҳаракат қила олишини англаган вақтдан бошлаб, унда “Ўзим қиламан” бошланади ва бу яна қайсарлик, ўжарлик тарзида кўринади. Бу даврдаги инқироз бола шахсининг маълум даражада ривожланганлиги ва катталар бажарадиган хатти-ҳаракатларни қила олмаётганлигини англаши натижаси ҳисобланади. Инқироз даврида юзага келадиган ирода, лаёқат ва бошқа бир қанча хусусиятлар уни шахс бўлиб шаклланишига тайёрлайди. Бу даврда бола бажарадиган ишларни ўзига хос тарзда бажартириш инқирозни бирмунча осонроқ кечишини тامينлайди. Бола бажараман деган ишларни бажартириш бу инқирозни бартараф этишига сабаб бўлиши мумкин.

Мактабда ўқишнинг бошланиши 7 ёшда бўладиган кейинги физиологик инқироз билан мос келади. Бола организмда жадал бўйнинг ўсиши, ички органларнинг катталашуви, вегетатив ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган кескин эндокрин ўзгаришлар руй беради. Л.С.Виготский ишларида кўрсатилишича бу ёшдаги инқирозни 2 та асосий симптом билан ажралиб туриши изоҳланади. Боланинг мактаб таълимига психологик тайёрланишининг субъектив жиҳати шундан иборатки, унинг мактабда ўқишга хоҳиши, интилиши, катта ёшдаги одамлар билан узвий боғлиқдир. Бу даврда бола мактаб жамоаси аъзоларининг маъсулиятли вазибаларини англайди ва уларга итоат қилишга, уларнинг кўрсатмаларини бажаришга мойил бўлади, лекин болаларнинг ҳаммаси бир хил эмаслиги сабабли улар ўртасида муҳим фарқлар вужудга келади. Баъзи болалар мактабга бутун вужуди билан талпинади, бошқа бир бола эса мактабдан қатий воз кечишга бориб этади. Ўқишга салбий муносабат кўпинча катталарнинг кўрқитишлари оқибатида вужудга келади. Яна бола боғча шароитидан мактаб шароитига кўникиши қийин бўлади. Уларда энди дарсга нисбатан маъсулиятли бўлиш талаб қилинади. Боланинг ижтимоий муносабатлар тизими ва фаолиятидаги кардинал ўзгаришлар унинг организмдаги барча тизимлар ва функцияларидаги ўзгаришларга тўғри келиб, боладан кучли зўриқиш ва ўз ички имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш заруриятини тақозо этади. Бунда болага унинг имкониятларига асосланиб муносабатда бўлиш бу инқирозни бартараф этишда ёрдам беради.

Ўсмирлик даври ўз номи билан “ўтиш даври”, “кризис давр”, “қийин давр” деб номланади. Бу ёшдаги ўсмирларнинг хатти-ҳаракатида муқобил, янги шароитларда ўз ўрнини топа олмаганлигидан психик портлаш ҳоллари ҳам кузатилади. Ўз даврида Л.С.Виготский бундай ҳолатни “психик ривожланишдаги кризис” деб номлаган. Ўсмирлик даврига кўпинча сўзга кирмаслик, ўжарлик, тажанглик, ўз камчиликларини тан олмаслик, уришқоқлик каби хусусиятлар хосдир. Кўпгина ўсмирларда ўзидан қониқмаслик ҳолати кузатилади. Шунингдек мавжуд фикрларининг бугун унда содир бўлаётган ўзгаришларга тўғри келмаётганлиги

Ўсмирни асабийлашишига олиб келади. Унда жуда кўп ноқулай ва ташвишга тушувчи ҳолатлар кузатилади. Бу эса ўсмирда ўзи ҳақида салбий фикр ва қўрқувни юзага келтириши мумкин. Баъзи ўсмирларни нима учун атрофдагилар, катталар шунингдек, ота-онасига қарши чиқаётганлигини англай олмаётганлиги ташвишга солади. Бу ҳолат уларни ичдан асабийлашишларига сабаб бўлади ва ўсмирлик даври кризиси юзага келади. Кризис боладаги мавжуд тушқунлик, ёдғизликка интилиш, пассивлик ёки акси, ўжарлик, қайсарлик, агрессивлик, ҳаётга салбий муносабатларнинг юзага келиши сифатида намоён бўлади. Бу кризис ўсмирнинг маънавий ўсиши, шунингдек психикасидаги ўзгаришлар билан ҳам боғлиқдир. Бундай пайтларда у ўзи сингари катта физиологик, психологик ўзгаришлар кечаётган ўртоғи билан мулоқот қилишга катта эҳтиёж сезади. Ўсмирга унинг ёнидаги ўртоғини таъсири катта аҳамиятга эга бўлиб, унинг ёмон ёки яхши кишиларга қўшилиши ва ахлоқий қиёфаси шу ўртоғининг муносабатларида намоён бўлади.

Ота-оналар, ўқитувчиларга ўсмир билан муносабатда қуйидаги тавсияларни таклиф этамиз.

1. Ўсмир билан муносабатда унга боладек эмас балки катталарга қиланадиган муносабатни юзага келтириш;

2. Ўсмирнинг бекорчи бўлиб қолишига йўл қўймаслик;

3. Ўсмир шахсининг қизиқишларини албатта ҳисобга олиш;

4. Маъсулиятли вазифаларни юклаш.

5. Хар бир ота- она ўсмир билан муносабатда дилкаш бўлиши. Унинг режалари қиладиган ишларини доимо сўраб туриши нотўғри қилган ишларини асослаб таҳлил қилиш;

6. Ўсмир шахсини ўзини-ўзи тарбиялашга ўргатиш яхши натижа беради.

#### **Иқтибослар/сноски/references:**

1. Шоумаров Ғ.Б. ва б. Оила психологияси. - Т.: "Sharq", 2001 у.-272 б

2. Шоумаров Ғ.Б Шоумаров Ш.Б. Муҳаббат ва оила. – Тошкент, «Ибн Сино», 1994 й.120 б.

## **ПОБУЖДЕНИЕ МОТИВАЦИИ К ОБУЧЕНИЮ МАТЕМАТИКЕ**

**Султанов Дилшод<sup>1</sup>**

*<sup>1</sup>преподаватель кафедры*

*Математика-Информатика КГПИ им. Муқими*

**Райханова Эльмира Наримановна<sup>2</sup>**

*<sup>2</sup>учитель математики средней*

*общеобразовательной школы № 41 города Коканда*

#### **Аннотация**

В статье показаны функции мотивации в обучении, пути и методы мотивации изучения математики, как одной из проблем математического образования, актуальность чего объясняется увеличением самостоятельной работы, новых технологий, что важно в воспитании учащихся в духе патриотизма, формирования у них активной жизненной позиции.

Побуждение мотивации к обучению математике можно назвать одной из центральных проблем математического образования, актуальность чего объясняется новым содержанием образования, перезагрузкой приёмов самостоятельной работы, по приобретению знаний и познавательных интересов, полезной информации, новых технологий, электронно-образовательных ресурсов, воспитания учащихся в духе патриотизма, формирования у них активной жизненной позиции, введением всеобщего обязательного образования. Современный социа-

льный заказ общества школьному образованию состоит в том, чтобы повысить качество обучения и воспитания, исключая формальное отношение к оценке результатов труда педагога и учащихся.

Функции мотивации в обучении различны: побуждает поведение, направляет и организует его, придавая ему личностный смысл и значимость.

Заполнение матрицы  $W_n$  осуществляется с помощью проводимого опроса группы, т. е. от ответа каждого обучаемого  $a_{ij}$ . И так полученными ответами т.е. статистическими данными заполняется очередная матрица  $W_1$ . Значения  $a_{1j}, a_{2j}, \dots, a_{ij}$  зависят от количества проводимых занятий –  $j$  и количество обучаемых –  $i$ . Например, если объем лекции 36 часов, то обучающие будут опрошены 18 раз – после каждого занятия, т.е.  $a_{m,18}$  и матрица  $W_{18}$  будет заполнена ответами обучаемых 18 раз, которые будут осуществляться методом Мозгового штурма. Значит, матрица полученных результатов 18 раз циклически будет вычисляться, суммироваться и делится на 18 и определится конечный результат, т.е. качество обучения.

После каждого вычисления заполняется следующая результирующая матрица  $W_{n+1}$ , для каждого ответа обучаемого с оценками (1, 2, 3, 4, 5).

Пример 1.

Рассмотрим, где участвуют двое: обучаемый и преподаватель, она описывается в следующем виде (Рисунок 3).



а) б)

Рисунок 3. Рисунок 4.

Этот процесс напишем в операторном виде, для облегчения составления программы на алгоритмическом языке, для разработки имитационной модели проводимого исследования, т.е. процесса обучения.

<обучаемый> := <преподаватель>

Исследования показывают, что обучаемый может приобретать знание в основном кроме преподавателя и от других источников, как: электронная доска, громкоговоритель, устройство, машины, механизмы, плакаты, медицинские приборы и устройства, манипуляторы, роботы и др., которые могут участвовать в учебном процессе и являются необходимыми в приобретении знаний и влияющие на качество обучения.

Это технические средства обучения (ТСО). Существуют множество видов ТСО активно участвующих в приобретении знаний в виде факторов, которые связаны с подготавливаемыми специальностями и специализациями.

Пример 2. Рассмотрим участие ТСО в виде электронной доски, которая расположена справа (Рисунок 4, б) или слева от обучаемого (Рисунок 4, а).

Операторный вид второго примера будет записано в следующем виде:

<обучаемый> := <преподаватель> <ТСО 1>

Из этих примеров можно сделать следующее заключение:

- обучаемый – т.е. один из элементов матрицы, например,  $a_{11}$  входит в контакт не только с преподавателем, но еще с ТСО-1, где он дополнительно приобретает знание и от ТСО-1, например, от электронной доски.

Тогда формула расчета одного из элементов матрицы  $a_{mn}$  из (1), например -  $a_{11}$  будет записано в следующем виде

$$a_{11} = \begin{bmatrix} b_{11} & b_{12} \\ b_{21} & b_{22} \end{bmatrix} (2).$$

Откуда необходимо определить параметров  $b_{11}$ ,  $b_{12}$ ,  $b_{21}$  и  $b_{22}$  и вычислить матрицу (2) и полученного промежуточного результата  $a_{11}$  вставляется в матрицу  $A_{ij}$  для ее дальнейшего вычисления. Таким образом определяются все элементы  $a_{mn}$ , для расчета матрицы  $A_{ij}$ , чтобы получить результат, т.е. качество процесса обучения с использованием ТСО 1 – электронной доски.

**Резюме:**

Так как проведённое исследование является первым приближением в нашей практике, из-за этого необходимо продолжать изучение и исследование процесса обучения и относительно их строить эргономический модель, так как:

Во - первых, в обзорах отечественной и зарубежной литературе нами не было обнаружены материалы в области использования эргономики в области оценки качество образования.

Во - вторых, нами построенная математическая модель в виде матрицы очень удачный выбор, где в цифровом виде адекватно описывает исследуемый объект, рассчитывая оценивает качество процесса поэтапно обучения.

В - третьих, использование математических методов в решении поставленной задачи с помощью медом Зейделя и Гаусса. Какая из этих методов является более оптимальным и приемлемым на практике нами еще не определено, это покажет дальнейшие исследования.

В - четвертых, данная разработка является очень необходимым в определении качество образовательных систем не только для одной группы, а в целом для всего вуза и высших образовательных учреждений, которое на сегодняшний день является необходимым и актуальным.

В - пятых, в процессе проектирования между эргономическими моделями таких систем необходимо определить структурные, логические и информационные взаимосвязи, для определения связей между элементами, подсистемами и в целом системы, для разработки управляющей программы определения качества образовательной системы.

#### **Иктибослар/сноски/references:**

1. Халдаров Х.А., Кадырова Г.А. Программа методики оценивания знаний учащихся с использованием педагогической технологии таблично - опросного метода Инсерт в образовании. Агентство по интеллектуальной собственности РУз. Авторская справка № DGU 04556. Ташкент 13.07.2017.

2. Халдаров Х.А. Алимарданова Н. Управление качеством образования в процессе проектирования образовательных систем. Межд. НПК «Новая наука и формирование культуру знаний современного человека», Москва, 2018, С. 358-363.

3. Абдуллаева Б. С., Халдаров Х.А. Концептуальное управление качеством образования в проектировании образовательных систем. Германия, 2019, 8 с.

4. Халдаров Х.А., Примкулова А.А., Жаббарова И.Р., Построение математической модели процесса обучения с помощью эргономики. Proceedings of GLOBAL TECNOVATION, An International Multidisciplinary Conference, Samsun, Turkey. October 31<sup>st</sup> 2020. Ст. 114-118.

5. Khaldarov Kh. A, Primkulova A. A., Jabbarova I. R. MATRIX METHOD IN THE STUDY OF THE LEARNING PROCESS USING ERGONOMICS. International Journal for Innovative. Enjineering and Management Research. A Peer reviiieved Open Access International Journal. ELSEVIER SSRN. 19<sup>th</sup> Nov 2020. Volume 09, Issue 11, Pages: 77-80.

6. Khaldarov Kh. A, Primkulova A. A., Urakova Sh. B., THE CONSTRUCTION OF THE MATHEMATICAL MODEL OF THE LEARNINGPROCESS WITH THE HELP OF ERGONOMICS. International Journal for Innovative. Enjineering and Management Research. A Peer reviiieved Open Access International Journal. ELSEVIER SSRN. 19<sup>th</sup> Nov 2020. Volume 09, Issue 11, Pages: 72-76.



# МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА ТАРБИЯЧИНИНГ ИННОВАЦИОН ОНГИНИ ОШИРИШДА КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Хўжаматова Хуснида Мансуровна<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Қўқон университети ўқитувчиси

Мелибаева Гулхон Назруллаевна<sup>2</sup>

<sup>2</sup>Бизнес кафедраси ўқитувчиси

## Аннотация

Ушбу мақолада мактабгача таълимда тарбиячилар онгини оширишда инновацион ёндашувнинг компьютер технологиялари орқали олиб боришда самарали йўللарни ишлаб чиқиш ва таълим жараёнига янгича ғояларни тадбиқ қилиш, ривожланиш бўйича таклиф ва тавсиялар келтирилган.

**Таянч сўзлар:** *мактабгача таълим тизими, мактабгача таълим тўғрисидаги низом, президент қарор ва фармойишлари, кадрлар масаласи ва салоҳияти, тарбиячи, онг, тараққиёт, компьютер технологиялари.*

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, жаҳон талаблари даражасида таълим олиши ва касб эгаллаши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Маълумки мактабгача таълим тизими Мустақил Ўзбекистонимизда кенг ривожланиб тармоқлари қулоч ёзиб, ўсиб бораётган таълим тизимининг бошланғич бўғинидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018-йил 3-июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ 3832 -сонли Қарори [1] қабул қилингани ёки бўлмаса, 2019 - йил 4 - октябрдаги ПҚ 4477- онли Қарори [2] билан тасдиқланган 2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётига ўтиш стратегиясининг мазмун моҳияти билан муҳтарам юртбошимиз одиллона ёритиб берганларини олишимиз мумкин.

Бу йиғилишда бугунги кунда амалга Давлат мактабгача таълим ташкилотидида фаолият юритаётган педагог кадрларнинг аксарияти ўрта махсус маълумотга эга бўлиб, болаларни мактаб таълимига талаб даражасида тайёрлаш имконини бермайди. Бундан ташқари, мактабгача таълим сифати мониторингини юритиш тузилмавий ва ташкилий жиҳатдан назарда тутилмаганлиги сабабли, мактабгача таълим ташкилотидидаги таълим жараёнининг сифати ва самардорлигини баҳолаш замон талабларига жавоб бермайди.

Хорижий давлатлар илғор тажрибасининг таҳлили замонавий мактабгача таълим ташкилотидида мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантириш учун шароитларни яратишга йўналтирилганлиги билан тавсифланиб, боланинг ижобий ижтимоийлашуви имкониятларини намоён қилиш [2], унинг ҳар томонлама шахсга оид маънавий-ахлоқий ва онгли ривожланиши, мактабгача ёшга оид тегишли фаолият турлари асосида ташаббускорлиги ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга, мулоқот доирасида катта ёшдагилар ва тенгдошлари билан ҳамкорлик қилиш имкониятларини очишга қаратилган.

Узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини бўлган мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, самарали давлат бошқаруви тизимини яратиш, мактабгача таълим ташкилоти давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, мактабгача таълим ташкилотига болаларни қамраб олишни кескин ошириш, таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини тадбиқ этиш орқали болаларни ҳар томонлама интеллектуал,

маънавий-эстетик, жисмоний ривожлантириш ҳамда уларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ҳамда уларнинг туман(шаҳар) лардаги бўлимлари ташкил этилсин.

Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

**биринчидан**, мактабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

**иккинчидан**, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

**учинчидан**, республикада давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилоти орасида соғлом рақобат муҳитини яратиш ҳисобига барча болаларнинг мактабгача таълим ташкилотига босқичма-босқич камраб олинишини таъминлаш, уларга солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш, бюджетдан субсидиялар ажратиш, шунингдек, болаларнинг мактабгача таълими ва тарбиясининг муқобил шакллари амалиётга татбиқ этиш;

**ўртинчидан**, замонавий инновацион педагогик технологияларни, таълим ва тарбиянинг самарали шакллари ҳамда усуллари таълим-тарбия жараёнига, шу жумладан нодавлат секторида жорий этиш;

**бешинчидан**, миллий маданий-тарихий қадриятларни акс эттирувчи ва болаликдан китоб ўқишга қизиқишни уйғотувчи ўқув-методик, дидактик материаллар, ўйин ва ўйинчоқлар, бадиий адабиётлар билан мактабгача таълим ташкилотини таъминлаш;

**олтинчидан**, замонавий педагогик технологиялар ва методларни ҳисобга олган ҳолда болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини профессионал даражада ҳал этишга қодир бўлган мактабгача таълим ташкилоти раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

**еттинчидан**, мактабгача таълим ташкилоти ходимларини моддий рағбатлантириш тизimini яратиш ва тажрибали юқори малакали ва касбий жиҳатдан пухта тайёрланган педагог кадрлар ҳамда тарбиячиларни таълим-тарбия жараёнига жалб қилиш;

**саққизинчидан**, мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларининг рационал ва белгиланган меъёрлар асосида соғлом ва тўғри овқатланишини таъминлаш учун муносиб шароитлар яратиш, кўнгилочар ва билим берувчи машғулотлар элементлари бўлган, ҳажмлари ва интенсивлиги асосий тиббий тақдимномалар билан белгиланувчи серҳаракат ўйинлар ва машқлар уюштириш;

**тўққизинчидан**, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан бирга-ликда мактабгача таълим ташкилотида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда уларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш бўйича профилактика чора-тадбирларини мувофиқлаштиришни назарда тутди. Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълим ташкилоти тармоғини кенгайтириш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида “Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастур” [3] ишлаб чиқилди.

Мактабгача таълимдаги бундай муҳим вазифаларни амалга оширишда тарбиячи-педагоглик касби айниқса, алоҳида аҳамиятга эга. Ўзи ўқийдиган, доимо билимини ошириб борадиган киши ўқитувчидир, деган қоида тарбиячига ҳам бевосита тааллуқлидир. Доимо ўзини тарбиялаш билан, тарбия илмий ва санъатини эгаллаш билан шуғулланадиган тарбиячигина ҳақиқий тарбиячи бўла олади.

Бу борада улуғ алломалардан бири “Болани тарбиялаш тарбиячининг ўз-ўзини такомиллаштиришидан бошқа нарса эмас”, деган эди. Тарбиячи ёш авлодимизни халқимизнинг муносиб фарзандлари қилиб тайёрлашдек муҳим, фахрли иш билан бирга масъулиятли вазифани бажаради. Тарбиячининг сиёсий етуклиги болаларни тарбиялаш сифати учун халқ ҳамда жамият олдидаги ўз масъулиятини англашга, таълим-тарбия вазифаларини ижодий ёндашишга, ўз маҳоратини доимо такомиллаштириб бориш ва ишдаги ўртоқларини ўсишига ёрдам беради. Демак, тарбиячи аввало, билимли бўлиши, ўзи яшаб турган улкан ҳаётини билиши, табиат ва жамиятнинг қонуниятларини тушуниши, ижтимоий фаол бўлиши, умумий ва мактабгача тарбия педагогикасини, болалар руҳияти ва физиологиясини эгаллаши ва болаларнинг ёш хусусиятларини билиши керак. Шунингдек, педагогик тарбиячининг ҳодисаларни таҳлил қилишга илмий нуқтаи назардан ёндашуви болани ҳар томонлама ривожлантириш муваффақиятини амалга оширишга имкон беради.

Мустақиллик муносабати билан республикамиз раҳбарияти тарбиячиларнинг фаолиятини юқори баҳоламоқда. Ёш авлодни комил инсон қилиб, камолот сари етаклашдаги эришган ютуқлари учун ва тарбиячилар, методист, катта, методист тарбиячи ва бошқа шунга ўхшаш унвонлар билан тақдирланадилар. Уларга республика миқёсидаги унвонлар берилади. Халқ таълими ходимлари орасидан республика, вилоят, туман кенгашларига депутатлар сайланиш, уларга бўлган чуқур ҳурмат ва эҳтиромни билдиради.

Республикамизда амалга оширилаётган туб ислохотлар бугунги кунда боғчада, академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ҳамда олий ўқув юрларида шаклланаётган авлод ижобий хулқатвор меъёрлари ва қоидаларини, илмий билим асосларини, касб-ҳунар малака ва кўникмаларини ҳар томонлама пухта эгаллаб боришини талаб қилади. Бунинг учун ўсиб келаётган ёш авлодни билимлар билан қуроллантириш миллий қадриятларимиз, маънавиятимизни тиклаш жаҳон маданияти, миллий маданиятимиз дурдоналари билан таништириш, уларни жисмоний соғлом маънавий етук қилиб тарбиялашдек вазифалар қўйилди. Давлат аҳамиятига молик бундай вазифани амалга оширишда умумтаълим мактаблари билан бир қаторда халқ таълимининг бошланғич бўлими бўлган болалар боғчалари муҳим роль ўйнайди.

Бунинг учун ҳар бир тарбиячи ўзини талаб ва назорат қила билиши давлатимиз мактабгача таълим ташкилотлари олдида қўйган талабларни амалга оширишнинг гаровидир.

Бунга қуйидагилар киради:

1. Боланинг соғлиғини сақлаш ва мустақкамлаш.
2. Ақлий қобилиятини ўстириш.
3. Миллий қадриятимиз ва маънавиятимизнинг ғоявий-ақлий тамойилларига мос келувчи эътиқод ва қарашларини таркиб топтириш.
4. Она ватанга муҳаббатини, ижтимоий фаолликни шакллантириш.
5. Ёш авлодда ўртоқлик, дўстлик ҳиссини ҳалоллик ва меҳнатсеварликни таркиб топтириш.

Демак, юқорида келтирилган сифатларни таркиб топтириш ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш вазифасининг ҳамма томонларини қамраб ололмайди. Лекин тарбиячи ишларга асосланиб, болаларни мустақил ҳаётга ва меҳнатга тайёрлаш ишини маълум бир мақсад билан самаралироқ амалга ошириш мумкин. Мустақиллик муносабати билан ва тарбиячиларнинг маънавий ўсишларига ва моддий аҳамият берилмоқда. Масалан, Республикамизда 1992 йил 1 октябрни мураббийлар куни деб номланиши ҳамда халқ маорифи ходимларининг маошлари оширилиб, турмушлари яхшиланиб бормоқда.

Тарбиячи ёш авлодни халқимизнинг муносиб фарзандлари қилиб тарбиялашдек муҳим, фахрли ва шу билан бирга масъулиятли вазифаларни бажаради. Тарбиячининг сиёсий етуклиги болаларни тарбиялаш сифати учун халқ ва жамият олдидаги ўз масъулиятини англашга, таълим-тарбия вазифаларини ҳал этишга ижодий ёндашишга, ўз маҳоратини доимо такомиллаштириб боришга ёрдам беради.

**Белгиланган вазифалар бўйича тарбиячиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

Тарбиячи:

- жамият тараққиётидаги таълим-тарбия жараёнининг аҳамиятини;
- таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш босқичларини;
- инновацион жараён: педагог ва унинг фаолиятини;
- таълимга технологик ёндашув асосида машғулотларнинг ўқув-тарбиявий мақсадини кўя олиш;
- тарбияланувчилар фаолияти фаоллигини жадаллаштираш асосида педагогик технологияларни танлай олиш;
- мактабгача таълим ташкилотларида машғулотларни ташкил этиш;
- ўйинли технологиялар ва улардан машғулотлар даврида фойдалана олиш;
- тарбиячи-педагог фаолиятига креатив ёндашув;
- замонавий тарбиячи имиджи бўйича замонавий талабларни билиши;
- шахснинг маънавий-ахлоқий сифатларини фаол шакллантириш, таълим-тарбия жараёнини педагогик технология тамойилларига мос равишда педагогик мақсадга мувофиқ ташкил этиш ва амалга ошириш, таълим тарбия мазмунига оид ахборотларни қайта ишлаш, умумлаштириш ва болаларга етказиш;
- таълим самарадорлигини ошириш учун педагогик технологиялардан фойдаланиш;
- машғулотларда таълим ресурсларидан фойдаланиш;
- ўқитиш мазмунига оид ахборотларни қайта ишлаш, умумлаштириш ва болаларга етказиш кўникмаларини;
- ўқув жараёнини технологиялаштириш;
- таълим-тарбия технологияларни ўз фаолиятида қўллай олиш;
- ўқув жараёнини ташкил этиш ва самарали бошқариш асосида педагогик технологияни танлай олиши замонавий талаблар асосида машғулотларни ташкил этиш малакаларига эга бўлиши;
- жаҳон тажрибасида мавжуд инновацион таълим-тарбия технологиялардан хабардор бўлиш ва касбий фаолиятда фойдаланиш компетенцияларини эгаллаши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Тарбиячи аввало ўзини устида ишлайдиган, билимдон, онгини инновацион билимлар билан бойитиб боришида албатта компьютер технологияларини билиши ва улардан тўғри фойдалана олиш имкониятига эга бўлиши ҳозирги кундаги замонавий педагог тарбиячидан талаб қилинадиган оптимал жараёнлардандир. Чунки ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш ва замонавий билимлар беришда мутахассис тарбиячининг онгий салмоғи ғоят муҳимдир.

Тарбиячи ахборот коммуникацион технологияларидан салмоғли фойдаланиши ундаги даврий тафаккур ривожланиши, онгини ўстириш каби таълимий мақсадларни белгилаб беради. Ахборот коммуникацион технологияларининг ўзига хос бўлган турлари мактабгача таълимда қўлланилиши тарбиячининг билим савиясини ва амалий ишлаш кўникмаларини, болалар билан ишлашда янгиликларни жорий этиш орқали таълимда ноананавийлик, жаҳон тажрибасини ўрганиш ва ўзимизга хос бўлган моделларини ишлаб чиқишда тарбиячининг онгида инновацион ёндашувни талаб этади.

Ҳозирги замон педагог-тарбиячиси ривожланиб бораётган мактабгача таълим соҳасида ўзининг янгича ёндашувлари орқали билим олади ва уни ўсиб келаётган авлод таълим-тарбиясида турлича замонавий, технологик шакллар орқали бойитиб боради.

#### **Иқтибослар/сноски/references:**

1. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва крипто-биржалар фаолиятини ташкил этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3832-сон

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябридаги «2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «Яшил иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-4477-сон

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида 2016 йил 29 декабрь, ПҚ-2707-сон

# ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ МАЗМУНИ ВА ТАЪЛИМНИНГ ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРИ

**PhD., доцент Холматова Зироат Анваровна<sup>1</sup>**

*<sup>1</sup>Кўқон университети ўқитувчиси*

**Аннотация:** Янгиланаётган Ўзбекистоннинг таълим мазмуни янгилаш, таълим самардорлигини ошириш борасида таълимни интерфаол методларининг қўлланилиш аҳамияти баён этилган ва амалиётда қўлланилган таълимни интерфаол методларидан намуналар келтирилган.

**Калит сўзлар:** таълим мазмуни, интерфаол методлар, “Пантомима”, “Молекула”, таълим берувчи, таълим олувчи, шахс.

Мустақил ва янгиланаётган Ўзбекистон ўз олдига мустақил фикрлайдиган, ижодкор шахсни тарбиялашдек улкан мақсадни қўйиб, унга эришиш йўлида улкан ишларни амалга ошириб келмоқда. Республикамиз таълим сиёсатини амалга ошириш, таълим мазмунининг юқори сифатини таъминлаш учун таълим муассасаларида долзарб муаммоларни ҳал қилишга инновацион ёндашувлар талаб этилади. Ватанимиз педагогика фани ва амалиёти вакиллари бу каби муҳим масалалар ечимини топиш борасида тинимсиз изланишларни амалга оширмоқда.

Таълим мазмуни янгилаш, такомиллаштириш ва сифат кўрсаткичларини ошириш бугунги мустақил фикрлайдиган, ижодкор кадр билан белгиланади. Мустақил фикрлайдиган, ижодкор кадр илм – фан тараққиёти билан ҳамқадам боришини, айниқса барча соҳаларга кенг кириб келган ва қўлланилаётган ахборот технологиялари, интерфаол усуллардан унумли фойдалана оладиган, компьютер билан эркин мулоқот қила оладиган ва ўз фаолиятида, таълим самардорлигини таъминлашга тадбиқ эта оладиган даражада бўлишини таъминлаш масаласи бугунги куннинг муҳим муаммосидир. Мамлакатимизда жисмонан соғлом, маънавий етук, ҳар томонлама уйғун ва баркамол ривожланган, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал салоҳиятга, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун маъсулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш учун талай ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада таълим ва тарбиянинг аҳамияти беқиёс. Шунинг учун ҳам таълим мазмунига оид илмий-ижодий янгиликларни, айниқса машғулот, дарсларнинг бугунги ёшлар салоҳиятига мос замонавий талаблар асосида ташкил қилиш технологиясини амалга тадбиқ этиш фойдадан холи эмас.

Таълим мазмуни бойитишда инновацион технологияларни амалда қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан–кунга кучайиб бормоқда. Бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда бўлажак кадрларни фақат тайёр билимларини эгаллашга ўргатилган бўлса, таълимнинг интерфаол методларини амалиётга кириб келиши:

- уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига;
- мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига;
- тўғри ва аниқ хулосаларни ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади.

Таълимнинг интерфаол методлари – бу шахс психологияси, ўқув психология, катталар педагогикасининг энг янги тамойилларига асосланган машқ ва тренинглар орқали ўтадиган таълим методидир. Интерфаол методларни таълим жараёнида қўлланилиши натижасида таълим олувчи, ёки бўлажак кадр, яъни иштирокчи шахси асосий марказда бўлади. Интерфаол методлари қўлланилган таълим жараёнида таълим олувчи, ёки бўлажак кадр, яъни иштирокчи

шахсининг лаёқат ва сифатлари ривожлантирилади. Интерфаол методлар ёрдамида таълим олувчи, ёки бўлажак кадр, яъни иштирокчи шахси онгли равишда:

- муаммони ҳал қилиш;
- қарор қабул қилиш ;
- мустақилликни англайди.

Интерфаол ишнинг асосий тамойили, гуруҳ иштирокчиларининг ўзларини реал, ҳаётий вазиятга тушириш ва жавобларни ўзлари топишларига имкон яратиш. Интерфаол ёндашувнинг афзаллиги, инсон ўзи ўйлаган, топган ва тажриба орқали эришган маълумотларини осонроқ ўзлаштиради.

Тажрибадан келиб чиққан ҳолда, олий таълим амалиётида қўлланилиб, таълим мазмунини бойитиб, таълим жараёнини самарадорлигини оширишга хизмат қилган ва бўлажак кадрларнинг мавзунини ўзлаштиришларига қизиқиш уйғотган қуйидаги методларнинг мазмунини келтираман:

1-интерфаол методнинг номи: “Пантомима”

Интерфаол методнинг мазмуни: ҳамма таълим олувчилар ўз жойларида ўтиради. Таълим берувчи мавзуга доир таянч тушунча ёки ибораларни мазмуни тасвирланган расм, суръат, кичик ҳикоя, мант, шеър каби тасвирланган тарқатмаларни орқа қилиб тарқатади. Тарқатма олган таълим олувчилар қисқа вақт мабойнида тарқатмада тасвирланганларини овоз чиқармасдан ҳаракатлар билан кўрсатишади. Қолганлар эса назорат қилиб, қайси сўз, расм, ибора ёки ҳикоя, мант, шеърларнинг мазмуни кўрсатилаётгани ёки изоҳланаётганини топишлари керак.

Масалан: “Шахс ривожланиши, тарбияси ва ижтимоийлашуви” мавзуси бўйича расмлар, матнлар берилган бўлса... Мактаб, боғча расмларини таълим олувчилар стулда ўтирган ҳолатда қўл ҳаракати билан кўрсатиб беради. Матнларни эса аудиторияда тик турган ҳолатда, юриб, ўтириб, ҳаракатланиб, яъни мос қўл ҳаракатлари билан тасвирланади. Шундай қилиб, 5 та таълим олувчининг чиқишидан сўнг фикр- мулоҳазалар ўрганилади.

Изоҳ: мазкур методдан ҳар бир фаннинг маҳоратли ўқитувчиси ўзининг фан ва мавзусига мослаб қўллаши мумкин.

Эслатма: “Пантомимика” – шахс томонидан баён этилаётган муайян фикрни алоҳида ажратиб кўрсатишга, маълум қиёфа орқали гавдалантиришга имкон беради, гавда, қўл ва оёқларнинг ҳаракати.

2 - интерфаол методнинг номи: “Марҳамат давом этиринг”

Интерфаол методнинг мазмуни: Группа икки гуруҳга бўлинади. Ўтилган мавзу қоидаларидан бирини 1- гуруҳ босқлаб беради, 1та қоида ярмигача айтилади, 2- гуруҳ давом этади. Айтилган қоида ҳар икки гуруҳ аъзолари томонидан изоҳланиб, мисоллар ёрдамида ёритилади.

Изоҳ: бу метод кўпроқ амалий ва семинар машғулотларида, ёки дарсни кириш, такрорлаш қисмларида қўлланилса мақсадга мувофиқ бўлади.

3 – интерфаол методнинг номи: “Молекула”

Интерфаол методнинг мазмуни: Таълим берувчи таълим олувчиларга мавзу бўйича таянч сўзларни дафтарларига ёзишларини таклиф этади. Ўзи эса доска олдида 4 та стулни қўйиб мавзу бўйича умумлашган 1тадан таянч сўзлар ёзилган А4 форматни қўйиб қўяди. Таълим олувчилар тайёр бўлишгач, 1дақиқа давомида мусиқа оҳанги остида хонада сайр қилиб, стул устидаги сўзлар билан танишадилар. Мусиқа тугаши билан таълим берувчи “1 та атомли молекула ҳосил қилинг, 2 та атомли молекула ҳосил қилинг” деган таклифини беради, сўнг таълим олувчилар ўзларига жуфтлик топиб олиб бирлашишлари лозим. Қачонки таълим олувчилар 4 кишидан иборат гуруҳ ташкил этганларида яқунланади. Шу тариқа 4 кишидан иборат гуруҳлар ташкил этилади ва ҳар бир гуруҳ аниқ бир стол атрофига ўтириб, ҳосил қилинган молекулани таърифлашади.

Масалан, “Мактаб”, “Таълим”, “Тарбия”, “Шахс” таянч тушунчалари бўйича аввал “1 та атомли молекула ҳосил қилишлари, сўнг 2 та атомли молекула ҳосил қилишлари” мумкин.

Изоҳ: бу метод кўпроқ амалий ва семинар машғулотларида, қўлланилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса ўрнида қуйидагиларни айтиш жоиз:

- таълим мазмунини такомиллаштириш бевосита таълимнинг интерфаол методларини амалиётга самарали жорий этиш даражаси билан боғлиқлигини инкор этиб бўлмайди;

- таълимнинг интерфаол методларини амалиётга жорий қилишни инновация жараёни деб қараш мумкин. Бунда “инновация”ни бирор таълим олувчилар жамоаси фаолиятини такомиллаштириш учун киритилаётган ва бу инновация субъекти томонидан янгилик деб қабул қилинган ёндашув тушунилади;

- таълимнинг интерфаол методларининг таълим олувчилар жамоасида муваффақиятли жорий қилиниши ва яхши самара бериши бир қатор омилларга боғлиқ. Зеро, таълимнинг интерфаол методлари таълим олувчиларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

- интерфаол - инглиз тилидаги «интеракт» (рус тилида «интерактив») сўздан олинган бўлиб, луғавий нуқтаи назардан «интер» – ўзаро, «аст» – ҳаракат қилмоқ деган маъноларни англатади.

- интерфаол таълим – билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлидаги ўзаро ҳаракатларини ташкил этишга асосланувчи таълим.

- интерфаоллик – таълим жараёни иштирокчиларининг билим, кўникма, малака ҳамда муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргаликда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни ташкил этиш лаёқатига эгаликлари.

#### **Иқтибослар/сноски/references:**

1. Абдуллаева Х.А. Машғулотларда фаол таълим усулларида фойдаланиш. – Фарғона: ФарДУ, 2008.

2. Ишмухамедов Р., Абдукародиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар. Таълим муассасалари ўқитувчилари учун амалий тавсиялар. – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009.

3. Мухамедов Ў. Х., Усмонбоева М. Ҳ., Рустамов С. С. Таълимни ташкил этишда замонавий интерфаол методлар. Ўқув-услубий тавсиялар. – Т.: 2012.

4. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши. Методик қўлланма – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013.

5. Мухина С.А., Соловёва А.А. Современные инновационные технологии обучения. – М.:”

## **РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИ ВА ХАЛҚАРО ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ФАОЛЛАШТИРИШГА ТАЪСИРИ**

**Холиқов Равшан Абдурауф ўғли<sup>1</sup>**

*<sup>1</sup>ТДИУ "Жаҳон иқтисодиёти" йўналиши магистранти*

Жаҳонда шиддат билан ривожланаётган рақамли технологиялар мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолияти, иқтисодий сиёсати ва давлат бошқаруви тузилишини сифат ҳамда технологик жиҳатдан тубдан ўзгаришига олиб келмоқда. Чунончи рақамли технологияларнинг кириб келиши ва уларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётда кенг татбиқ этиш суръатларининг турличалиги оқибатида мамлакатлар ўртасидаги ривожланиш тафовутларининг янада кучайишига сабаб бўлмоқда. Дунёда «рақамли иқтисодиёт»нинг ўсиш

суръатлари деярли 15,5 фоизни ташкил этади. Тараққий этган давлатларда «рақамли иқтисодиёт»нинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 7 фоизга етган. Улар ҳозирнинг ўзида «рақамли иқтисодиёт»нинг жорий қилинишидан жуда катта фойда кўрмоқда. Жумладан, «АҚШ йилига 400 млрд. доллардан кўпроқ «рақамли хизмат»ларни экспорт қилмоқда. 2025 йилгача АҚШ саноат соҳасини «рақамлаштириш»дан қўшимча 20 трлн. доллар даромад олиши кутилмоқда». Бу эса бугунги кунда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг иқтисодий ўсишга таъсири аҳамиятли эканлигини намоён этади.

Рақамлашиб бораётган глобал оламда рақамли иқтисодиётнинг қиймати ва самарадорлигини баҳолаш бўйича ягона интеграл индикаторни яратиш бўйича муаммоларга дуч келинмоқда. Эмпирик ва статистик маълумотларнинг етишмаслиги, технологик ривожланиш жараёнларининг шиддат билан ўзгариб бораётганлиги, институционал ўзгаришларнинг тез суръатларда амалга ошаётганлиги шароитида илмий тадқиқотларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада замонавий тараққиёт истиқболида «Big Data» (улкан маълумотлар), «Cloud Computing» (булут технологияси) (Cloud Computing), «Artificial intelligence» (сунъий интеллект)дан фойдаланиш ва краудсорсинг, «Blockchain technology» (блокчейн технологиялари)ни татбиқ этишнинг услубий-технологияларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таъсирини тадқиқ қилиш билан боғлиқ илмий тадқиқотлар кенг миқёсда олиб борилмоқда.

Бугунги кунда барча иқтисодий ўсиш моделларининг яратилишида фундаментал асос сифатида 1956 йилда Нобель мукофоти лауреати Роберт Салоу томонидан чоп этилган «Иқтисодий ўсиш назариясига ҳисса»<sup>1</sup> деб номланган илмий мақоласида келтирилган (ишлаб чиқилган) модель хизмат қилиб келмоқда. Жорий даврга келиб иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қиладиган омилларнинг сони, тури ва комбинациялари ўртасида кескин ўзгаришлар содир бўлди. Биргина рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши, технологик жараёнларнинг трансформациалашуви иқтисодий ўсишни тезлаштиришга олиб келди.


Рақамли иқтисодиёт анъанавий иқтисодиётга асосланган иқтисодиётдир. Рақамли иқтисодиёт анъанавий иқтисодиётдан фарқли ўлароқ, жамиятни тезкор ахборотлаштиришга қаратилгандан ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда интернет орқали янги рақамли технологияларни кенг жорий этишга асосланган соҳаларни ва иш жараёнларини ҳам қамраб олади (1-расм).

---

<sup>1</sup> Solow R.A. Contribution to the Theory of Economic Growth // Quarterly Journal of Economics 1956. Vol. 70. February. P. 65-94.



## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ



### 1-расм. Анъанавий иқтисодиёт ва рақамли иқтисодиётнинг боғлиқлиги.<sup>2</sup>

Дастлаб, рақамли иқтисодиётнинг қуйидаги учта турини ажратиш кўрсатиш мақсадга мувофиқ:

- электрон бизнес инфратузилмаси (тармоқлар, дастурий таъминот, компьютерлар ва бошқалар);
- е-бизнес, яъни компьютер тармоқларини ишлатадиган бизнесни ташкил қилиш жараёни;
- электрон тижорат, яъни товарлар сотишнинг чакана савдоси.
- Бироқ, янги технологияларнинг кенг тарқалиши билан «Big Data» (улкан маълумотлар), «Cloud computing» (булут технологияси), «Blockchain», «Cognitive computing», «Internet of Things» (буюмлар интернет), «Robotics» (роботатехника), «Financial technology (FinTech)» (молиявий рақамли технологиялар), шунингдек, «Virtual goods» (виртуал маҳсулотлар: ўйинлар, мусиқа, фильмлар, китоблар), бу концепция янада кенг маънога эга бўлди ва рақамли иқтисодиётнинг марказий элементига айланди.

– Хорижда ҳамда мамлакатимизда кенг ишлатилган «Информацизация» «Кибернетика» каби атамалар илмий ва амалий истеъмолдан чиқиб, тобора кўпроқ «рақамлаштириш» ёки «рақамли трансформациялар» иборалари кенг қўлланила бошланди. Саноатда эса, рақамли иқтисодиётнинг таъсири остида бўлган технология ва бизнес жараёнларида ўзгаришлар тўртинчи саноат инқилоби (Industry 4.0) деб аталди.

– Рақамли иқтисоднинг ғоялари интеграциялашган бир ҳодиса сифатида, миллий рақамли стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни бошлаган ҳукуматларнинг сиёсий кун тартибига ва рақамлаштириш ишларини мувофиқлаштириш билан шуғулланадиган халқаро ташкилотларга босқичма-босқич кириб келди. Хусусан, 2015 йилда Анталияда G20 раҳбарлари «Рақамли иқтисодиётда ривожланиш ва ҳамкорлик (G20 Digital Economy Development and Cooperation Initiative) Дастури» номли якуний ҳужжатни қабул қилди,<sup>3</sup>

<sup>2</sup> Муаллиф ишланмаси.

<sup>3</sup> [Электрон ресурс]: <http://g20.org.tr/> 23.11.2018.

– 2016 йилда Канкун шаҳрида вазирлар йиғилишида «Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ташкилоти» давлатлари рақамли иқтисод соҳасида умумий мақсадлар ва 2017 йилда Гамбург шаҳрида рақамли иқтисодиётни тартибга солишнинг умумий ёндашувларини муҳокама қилинди<sup>4</sup>. Натижада, рақамли иқтисодиёт сектори дунёдаги инновацияларни ҳаракатлантирувчи кучга айланди ва натижада, бугунги кунда корхоналар тадқиқот ва патентга ривожланиш харажатларининг катта қисмини ташкил қилмоқда.

Рақамли иқтисодиётнинг ўсиб бораётган аҳамияти 100 йил ичида ялпи ички маҳсулотнинг ҳажми ва анъанавий маҳсулотларнинг вазнини эмас, балки виртуал маҳсулотлар улушининг ЯИМдаги улуши туфайли 20 баробар кўпроқ ўсишига олиб келади. «Рақамли иқтисод» тушунчаси муаллифларидан бири Н.Негропонте<sup>5</sup> мазкур тушунча тўғрисидаги қуйидагиларни таъкидлайди, интернет бор жойда иқтисодиёт ривожланади ҳамда саноат корхоналари интернет тезлиги юқори бўлган шаҳарларга интилади. «Рақамли иқтисод» ҳодисасининг умумий тушунчаси йўқ, лекин кўплаб таърифлари мавжуд. Шуларни ҳисобга олиб мазкур тадқиқот ишида рақамли иқтисод концепциясининг талқинлари тизимлаштирилган ҳамда улардаги умумий ҳолат аниқлаштирилган.

Европа Иттифоқи мамлакатлари мутахассислари: «Рақамли иқтисод – ахборот ва коммуникация соҳасида янги умумий мақсадли технологияларнинг трансформацион кўринишидир»<sup>6</sup>. Агар биз иқтисодиётнинг концепциясини жамиятнинг иқтисодий фаоллиги ва ишлаб чиқариш, тарқатиш, алмашинув ва истеъмол тизимида ривожланиб борадиган муносабатларнинг жамияти сифатида қабул қилсак, Интернет, мобил телефонлардан фойдаланишни «истеъмол» деб қараш мумкин.

Рақамли иқтисод тушунчасининг талқини бўйича 2 хил ёндашув мавжуд:

классик ёндашув: рақамли иқтисод – бу рақамли технологияларга асосланган иқтисод бўлиб, айти пайтда фақатгина электрон маҳсулотлар ва хизматлар соҳасини тавсифлайди. Классик мисолларга телетиббидиёт, масофавий таълим, медиа-контентни келтириш мумкин (кино, телевизор, китоблар ва бошқалар).

замонавий ёндашув: рақамли иқтисод – рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда иқтисодий ишлаб чиқаришдир. Иқтисодчи-социологларнинг таърифига кўра «рақамли иқтисод бизнинг ҳақиқатимизни тўлдирувчи виртуал муҳитдир»<sup>7</sup>.

Россиялик олим А.А.Энговатова фикрига кўра: «Рақамли иқтисод – бу маълумотни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ва узатишнинг янги усуллари, шунингдек, рақамли компьютер технологиялари асосида ишлаб

<sup>4</sup> [Электрон ресурс]: <http://www.oecd.org/g20/summits/hamburg/g20-summit-july-2017-session-on-climate-and-energy.htm> 23.11.2018.

<sup>5</sup> Negroponte N. Being Digital / N. Negroponte. – NY : Knopf, 1995. – 256 p.

<sup>6</sup> Цифровая экономика: как специалисты понимают этот термин – Режим доступа: <https://ria.ru/science/20170616/1496663946.html>.

<sup>7</sup> Калужский М.А. Маркетинговые сети в электронной коммерции: институциональный подход: монография / изд. 3-е, перераб. и доп. – ОмГТУ. – М.-Берлин: Директ-Медиа, 2015. – 338 с.

<http://kokanduni.uz/>

чиқилган иқтисодиётдир. Ушбу иқтисодий модел доирасида мавжуд бозорга асосланган бизнес моделлари радикал ўзгаришларга рўбаро келади, қўшилган қиймат модели сезиларли даражада ўзгаради, иқтисодиётдаги барча даражадаги воситачиларнинг қиймати кескин камаяди. Бундан ташқари, маҳсулотни шакллантиришга алоҳида ёндашувнинг аҳамияти ортиб бормоқда, чунки энди биз ҳамма нарсани симуляция қилишимиз мумкин»<sup>8</sup>.

Шу билан бирга, диссертацияда рақамли иқтисодиётни классик иқтисодиётдан қуйидаги ажратиб турадиган жиҳатлари кўрсатилган:

1. Иқтисодий фаолият асосий эътиборни рақамли иқтисодиёт платформаларига қаратади. Рақамли иқтисодиёт платформаси – истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчиларнинг эҳтиёжларини таъминлайдиган, шунингдек, улар ўртасида тўғридан-тўғри ўзаро алоқа қилиш имкониятларини амалга оширадиган сервис ва функциялар тўпламига эга бўлган рақамли муҳитдир (дастурий-аппарат комплекси). Платформанинг вазифаси – қатнашчилар орасида ўзаро алоқа жараёнини таъминлаш ва тўғридан-тўғри коммуникацияни амалга оширишдир.



2. Жонлантирилган (шахсга мослаштирилган) сервис моделлари. таргетланган маркетинг, «Big Data», «Artificial intelligence», «Artificial neural network», квант технологиялари, «Internet of Things», «Blockchain technology», «3D printing» каби технологиялар ривожланиши ўртача статистик истеъмолчининг эмас, балки ҳар бир муайян миқдорнинг талаб ва эҳтиёжларига жавоб берадиган товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга имкон беради.

3. Ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг бевосита ўзаро алоқа қилиши. Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши ишлаб чиқарувчини ҳар бир яқуний истеъмолчи билан «боғлаш»га имкон беради. Узундан-узоқ воситачилар, жумладан, институционал воситачилар занжирини қисқартириш имконияти пайдо бўлади.

Рақамли иқтисодиётнинг республикада кенг кўламда жорий этилишини баҳолаш қуйидаги компонентлар асосида амалга оширилади: иқтисодий ва ижтимоий боғлиқлик; рақамли трансформация: давлат сектори, тадбиркорлик, уй хўжалиги; иқтисодиётнинг рақамли сектори; рақамли технологиялар; анъанавий иқтисодиёт. Макроиқтисодиётнинг турли секторларига (давлат, уй хўжалиги ва тадбиркорлик) замонавий рақамли технологияларни татбиқ этишнинг кўлами ҳамда уларнинг занжирли таъсири иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлайди (2-расм).

---

<sup>8</sup> А.А.Энговатова, Т.В.Поспелова Цифровая экономика: рекламный лозунг или реальность? Трансформация бизнес-моделей в условиях цифровой экономики, серия Сборник материалов научно-практической конференции «Неделя инноваций» 12-18 декабря 2017г.



**2-расм. Мамлакатнинг рақамли иқтисодиётга тайёрлигини баҳолаш методикасининг асосий занжирли компонентлари.<sup>9</sup>**

Умуман олганда, рақамли иқтисодиёт техник ютуқлар, глобал тармоқ ва ахборот тизимлари воситасида иқтисодий муносабатлар сегментини ифодалайди. Бироқ, рақамлаштириш, ҳар қандай жараён ҳамда техник-технологиялар таркибий қисмлардан фойдаланмасдан амалга ошмайди. Улар давлат ва халқ, банклар ва корхоналар ўртасида воситачилар бўлиб, контрагентлар занжирларини қисқартиради ва қарор қабул қилиш тезлигини оширади.

## **АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИ ВА АХБОРОТДАН Фойдаланишда ОДОБ-АХЛОҚ, МАСЪУЛИЯТ ҚОЙДАЛАРИ**

**Юлдашев Салоҳиддин Азамович<sup>1</sup>**

*<sup>1</sup>Қўқон университети таълим кафедраси ўқитувчиси*

“Ахборот” атамаси кўплаб тавсифга эга бўлиб, у маълумотлар, тадқиқот жараёнида олинган билимлар, тажриба ёки таҳсил олиш, шунингдек, сигнал ёки белгиларни англатиши мумкин. Оддий қилиб айтганда, ахборот - бу тўпланган қайта ишланган ва изоҳланган, фойдаланиш учун қулай бўлган кўринишда тақдим этиладиган маълумотлардир. Ахборотнинг яна бир бошқача тавсифи - “Тушунишга осон шаклда берилган билимлар”дир. Ўтмишда мазкур тушунча ортида одамлар томонидан бир-бирига оғзаки, ёзма ва бошқа усулда бериладиган маълумотлар тушунилган. Кенг маънода ахборот таърифи кибернетика фанида келтирилган. Унинг асосчиси Норберт Винернинг ёзишича, “ахборот - бу биз унга ва унинг бизнинг ҳиссиётларимизга мослашувчи, ташқи дунёдан олинган мазмун тавсифидир” деб таъриф бериб ўтган.

Янги ахборот-коммуникация технологияларнинг яратилиши билан анъанавий медиа-нинг (радио, телевидение ва газеталар) қамрови ва таъсир доираси бир неча баробарга ошди,

<sup>9</sup> Муаллиф ишланмаси.

ахборот ва янгиликларни олиш ҳар қачонгидан ҳам осонлашди. Ахборот асрида журналистлар, ахборот узатувчилар, медиа (ҳам эски, ҳам янгилари) ходимлар инсонларнинг бевосита тажрибаси доирасидан ташқаридаги ахборотлар билан таъминлашда бош ролни бажарадилар ва фуқароларнинг очик, демократик ва барқарор жамият куришда иштирокини таъминлайдилар.

Сўз эркинлиги сифатида таниш бўлган ўз фикрини ифода этиш эркинлиги, анчадан буён инсон потенциалини тўлиқ сарфлаш учун шарт бўлган бошқа ҳуқуқлар ва эркинликлар асоси ҳамда ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг асоси бўлган ҳуқуқлардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, ўз фикрини эркин ифода этиш ахборот ва фикрлар билан самарали алмашиш имконини берувчи жамоат майдонларисиз амалга ошмайди. Бундан ана шундай майдонларни тақдим этишда медиа муҳим ўринга эга эканлиги келиб чиқади. Лекин бу вазифани бажариш учун медиа давлат ёки ҳукумат назоратидан ташқарида бўлиши лозим. Бу эркинлик эса, ўз навбатида инсонларга одоб-ахлоқ меъёрларига риоя этиш мажбуриятини юклайди.

Тармоқ одоб-ахлоқи ижтимоий келишувлар жамланмаси тармоқдаги ўзаро муносабатларни енгиллаштиради. Одоб-ахлоқ меъёрлари турли ҳамжамиятларда доимий тарзда ривожланиб боради.

Деярли барча тармоқдаги меъёрларда унда қатнашаётган инсонлар реал эканлиги ҳисобга олинган. Реал дунёдаги мулоқот қоидалари виртуал дунё учун ҳам тўғридир: ўзингга қандай муносабатда бўлишларини истасанг, ўзгалар билан ҳам шундай муносабатда бўл. Юзмаюз бериладиган ахборотни интернетга жойлаштириш ножоиздир. Виртуал дунёда хабарни қабул қилувчи инсон мутлақо бошқа маданиятга мансуб бўлиши мумкин, бу тушунмовчилик юзага келиш хавфини орттиради. Масалан, ҳазил-мутойибани тушуниш бевосита, маданий анъаналар ва тарбия билан боғлиқ бўлгани сабабли, ким билан гаплашаётганингни кўрмасанг, ҳазил қилишда эҳтиёт бўлган маъқул. Айниқса, юзингиз ифодасини суҳбатдошингиз кўрмаса, гапингизнинг оҳангини ҳис қилмаса, унга кинояни узатиш жуда ҳам қийин. Хабар йўлловчи суҳбатдоши уни тўғри тушунган ёки тушунмаганлигини билмаслиги мумкин. Интернет кенг мулоқот воситаси бўлгани боис, ундан фойдаланиш ўзига хос қоидалар билан тартибга солиниши лозим. Қуйида келтирилган қоидалар одоб-ахлоқнинг умумий қабул қилинган меъёрлари ҳисобланади:

-бошқа инсонлар томонидан яратилган объект (масалан, тасвир, кўшиқ ёки фильм)ларни рухсатсиз тарқатиш ёки нусха кўчириш орқали муаллифлик ҳуқуқини бузиш мумкин эмас.

- интернетда тухмат, ишончсиз ва текширилмаган ахборотни тарқатиш мумкин эмас. Бундай ахборотга график таҳрирда қайта ишланган тасвир ва ўзида тухматни акс этган, электрон почта орқали юборилган матн, бир зумлик хабар ва ижтимоий тармоқларда берилган хабарлар киради.

- жинсий қараш ва диний эътиқодга оид ижтимоий, сиёсий ва диний мавзулардаги хусусий ахборот ва тасвирларни тарқатиш ноқонунийдир.

- балоғат ёшига етмаган шахснинг жинсий ҳаётига оид тасвирларни тарқатиш ноқонунийдир. Кўплаб мамлакатларда муаллифлик ҳуқуқининг турли жиҳатларини назорат қилувчи қонунлар қабул қилинган. Муаллифлик ҳуқуқи кенг маънода - фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш, фойдаланиш ва ҳуқуқий ҳимоя қилишда вужудга келадиган муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси; фуқаролик ҳуқуқининг бир бўлими. Тор маънода-асар муаллифига тегишли бўлган ва қонунларда мустаҳкамланиб қўйилган шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлар тизимини ташкил этади. Муаллифлик ҳуқуқи бўйича муносабатлар ҳар бир давлатга хос қонунлар ва халқаро конвенциялар билан тартибга солинади. Ўзбекистонда муаллифлик ҳуқуқининг асосий нормалари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (1041-1073 моддалар) ва “Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (1996 йил 30-август)да белгиланган. Бундан ташқари, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни юртимизда муаллифлар ҳуқуқини ҳимоялайди. 2006 йил 22 июнда “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинган.

Ушбу Қонуннинг мақсади фан, адабиёт ва санъат асарларини (муаллифлик ҳуқуқи), ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришларини (турдош ҳуқуқлар) яратиш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатларни тартибга солишдан иборат. Copyright лицензияси Муаллифлик ҳуқуқи (инглиз тилидан - copyright) гоа (фикр) ёки маълумотнинг маълум бир кўринишдаги ифодаланишини тартибга солувчи эксклюзив ҳуқуқлар мажмуидир. Умумий қилиб айтганда, сўзма-сўз “кўчириш (нусха олиш)га бўлган ҳуқуқ”дир. Асосан, бу ҳуқуқлар чекланган муддатли бўлади. Муаллифлик ҳуқуқи белгиси “©” бўлиб, баъзи бир юрисдикцияларда қўшимча равишда (с) ёки (С) билан ҳам ифодаланиши мумкин. Шунингдек, бугунги кунда интернет муҳитида нашр этилаётган хабарлар сайтларида “©” (Copyright) белгисини учратишимиз мумкин. Бу албатта, мазкур Оммавий ахборот воситаларида нашр этилган материалларни муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун ишлатилади. Мана шу белги остида ахборот яратувчи ахборотдан фойдаланиши ва муаллиф талабларини кўрсатиб ўтади.

Creative Commons лицензияси Creative Commons (CC) ташкилоти Америка қўшма штатларида 2001 йилда муаллифлик ҳуқуқлари учун кураш олиб борган таниқли профессор Лоуренс Лессиг, Хел Абельсон ва Эрик Элдредлар томонидан ташкил этилган бўлиб, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қувувчи бепул лицензияларни жорий қилди. Creative Commons (CC) лицензиялари ҳозирги кунда янгилик яратувчилар учун қабул қилинган муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунлар талаблари асосида яратилган, у ёрдамида яқка ҳар бир муаллифдан тортиб катта ёки ташкилотнинг муаллифлик ҳуқуқини таъминлайди, улар томонидан яратилган ҳар бир ижодий асаридан фойдаланиш учун руҳсат олиш мумкинлигини таъминлайди. Creative Commons томонидан эълон қилинган олти турдаги лицензиялар ҳам бутун дунё педагоглар ва ахборот етказувчиларга ўз материалларини турли усуллар ёрдамида ҳимоя қилиш имконини беради. Creative Commons лицензияси тўрт хил элементдан таркиб топган бўлиб булар қуйидагича изоҳланади.

1. Муаллиф кўрсатилган ҳолда (Attribution). Сиз фойдаланувчиларга тақдим этаётган медиа маҳсулотингизни муаллифлик ҳуқуқи сақланган ҳолда нусха олиш, тарқатиш, ишлаш, қайта ишлаш учун руҳсат берасиз.

2. Ҳеч қандай ўзгартириш киритмаган ҳолда (No Derivative Works). Сиз ўз маҳсулотингизни ўзгартирилмаган ҳолатда нусха олинишига, тарқатилишига, фойдаланилишига руҳсат берасиз. Агар бошқалар сизни маҳсулотингизни ўзгартиришни ёки қайта ишлашни хошлашса, сизнинг руҳсатингизни олиши керак.

3. Шартларга амал қилган ҳолда (Share Alike). Сиз ўз маҳсулотингизни қайта ишланган, такомиллашган версиясини фақатгина сизнинг асл маҳсулотингиз учун олинган лицензия асосида тарқатилишига руҳсат берасиз.

4. Нотижорат мақсадида (Non-Commercial). Сиз маҳсулотингиздан нотижорат мақсадида нусха кўчириш, тарқатиш, фойдаланиш, қайта ишлашга руҳсат берасиз. Агар фойдаланувчилар тижорат мақсадида фойдаланмоқчи бўлсалар унда сизга мурожаат этишлари керак. Демак бугунги кунда ахборот воситалари оммалашиб кетди шу боис ёш авлод вакилларида медиа ва ахборот саводхонлиги компетентлигини шакллантириш педагогларнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

#### **Иқтибослар/сноски/references:**

1. Медиа ва ахборот саводхонлиги. Ўқув қўлланма. Б.Нмазов, М.Файзиева, Ш.Шарофаддинов. Тошкент. 2018 йил.

2. Медиа ва ахборот саводхонлиги. Педагоглар учун методик қўлланма. Б.Нмазов, М.Файзиева, Ш.Шарофаддинов. Тошкент. 2018 йил.

3. Кибернетика и общество. И.Винер. Москва. 1958 год.

4. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) интернет сайти.

# ПЕДАГОГИКА ОИЛЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Юсупов Мухсинжон Мамадалиевич<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Кўқон ДПИ Бошланғич таълим кафедраси катта ўқитувчиси

## Аннотация

Мақолада педагогика оилй ўқув юртларида малакавий амалиётини ташкил қилиш ҳақида фикр юритилган.

## Калат сўзлар

Педагогика, касб, билим, кўникма, малака, амалиёт, мактаб.

Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ҳозирги кунда юксак малакали, ахлоқан баркамол ва таълим-тарбия технологияларини ўзлаштирган, ўз касбига содиқ педагог кадрлар тайёрлашни амалга ошириб келмоқда. Бу борада олий таълим муассасалари давлат таълим стандартининг 6.1 бандида битирувчи бакалаврларга нисбатан умумий малака талаблари белгилаб қўйилган. Ушбу талаблардан келиб чиқан ҳолда педагог кадрларни тайёрлашда малакавий амалиёт мазмунини илмий асосда ташкил этиш талаб этилади. Педагогика олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабаларнинг касбий фаолиятга тайёргарликларини малакавий амалиётсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Машҳур рус педагоги П.П. Блонский таъкидлаганидек: “Педагогикани фақат китоб ва китоб орқали ўргатиб бўлмайди... Кимдандир андоза оладиган (бундай амалиёт ҳалокатли) амалиёт эмас, ижодий ва маъсулиятни тушуниб етган амалиёт зарур”. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлик тизимида педагогик амалиёт муҳим ўринни эгаллайди. У олий ўқув юртининг таълим дастурларини ўзлаштириш давомида олинган назарий билимлар ўртасидаги боғлиқликни ва амалий фаолиятда ушбу билимларни умумий ўрта таълим мактабларида таълим-тарбиянинг барча босқичларини қамраб олган жараёнга тадбиқ этишни таъминлайди. Педагогик амалиётнинг мазмуни ва хусусияти аниқ касбий фаолиятга максимал даражада йўналтирилган бўлади. Педагогик амалиётнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда талабалар мустақил фаолият олиб борадилар. *Малакавий амалиётнинг мақсад ва вазифаси* Малакавий амалиётнинг мақсад ва вазифаси олий таълим битирувчиларига қўйилган ДТС талаблари асосида аниқланади. Касбий билим, кўникма, бундан ташқари индивидуал ва шахсий сифатларини аниқлашда функционал ёндошув қўлланилганлиги учун, педагогик фаолиятга талабанинг тайёргарлик даражасини аниқлашда ҳам ушбу ёндашув инобатга олиниб, малакавий амалиётнинг мақсадини шу асосда аниқланади. Талабалар малакавий амалиётининг асосий мақсади-олий ўқув юртининг назарий таълим жараёнида ўзлаштирилган билимларни чуқурлаштириш, тарбия ишиларида зарурий амалий кўникмаларни эгаллаш, касбий кўникмаларни такомиллаштириш, инновацион педагогик технологиялар билан танишиш. Ўқитувчи бакалаврлар тайёрлаш бўйича малакавий амалиётнинг вазифаси:

- талабаларнинг олий ўқув юртидаги касбий фанлар соҳасида олган назарий билимларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш, улардан ўқувчилар билан ўқув-тарбиявий ишлар олиб боришда фойдаланишни ўргатиш ;

- замонавий умумий ўрта таълим мактабларининг ҳамда КХКнинг иш тизими билан танишиш;

- замонавий ўқитувчи фаолиятидаги ўқитиш технологияларини, методларини, усул ва воситаларни, дарс ўтишнинг асосий босқичлари ва ўқитиш даражаларини амалиётда кўрсатиш;

- педагогик касби ва синф раҳбарлигига оид билим ва кўникмаларни эгаллашларига ёрдамлашиш;

- ўқув ва синфдан ташқари ишларни, шунинг билан бирга фанлар бўйича синфдан ташқари ишларни ва фан кабинетлари ишларини режалаштириш ва ташкил этишда амалий кўникма ва малакаларни эгаллашларига амалий ёрдам бериш;

- таълим жараёнининг барча қатнашчилари (ўқувчилар, касбдошлар ва ота-оналар) билан касбий мулоқот малакасини шакллантириш;

- касбий ўз-ўзини баҳолаш ва касбий рефлексияни шакллантириш ва ривожлантириш учун шароит яратиш;

- ўқитувчининг касбий фаолиятига муваффақиятли, кадрятли ва мотивацион ёндашувни шакллантириш.

**Малакавий амалиёт даврида талабалар эгаллаши лозим бўлган билим ва кўникмалар:**

- педагогик ва ўқув-услубий масалаларни ҳал қилишда ўқувчиларнинг ёш ва ўзига хос хусусиятларини, ўқувчилар жамоасининг ижтимоий-психологик хусусиятларини ва аниқ педагогик вазиятларни ҳисобга олинган ҳолда эгаллаган билимларни қўллаш;

- ўқувчиларнинг таълим-тарбиясида таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи вазифаларни аниқлаш;

- тарбиявий тадбирларнинг таркибини мақсад ва вазифаларига мувофиқ тартиблантириш;

- тарбиявий ишларнинг ташкилий шакл ва методини, воситаларини асосли танлаш ва ижодий қўллаш;

- ўқувчилар тарбиясининг натижаларини таҳлил қилиш;

- болаларнинг ҳулқи ва фаолиятини бошқариш;

- ўқувчилар жамоаси, кичик гуруҳлар ва алоҳида ўқувчилар билан педагогик мақсадга мувофиқ ўзаро муносабат ўрнатиш;

- синфда қулай психологик муҳит яратиш;

- ўқувчиларнинг ёш ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

- тарбиявий ишларга оид ўзининг илмий-услубий заҳирасини бойитиш, ижобий тажрибани умумлаштириш.

Малакавий амалиётни ўташга асос бўладиган таянч фанлар: ёш ва педагогик психология, мутахассисликка кириш, умумий педагогика, таълим назарияси, педагогик маҳорат, педагогик технология, тарбиявий ишлар методикаси, ёшлар физиологияси, махсус курслар, “синф раҳбарининг иши”, “болаларнинг ёзги оромгоҳлардаги фаолиятини ташкиллаш” таянч манба бўлиб ҳисобланади. Хулоса қилиб айтганда малакавий амалиётни ташкил этишда қуйидаги принципларга асосланиш зарур:

- малакавий амалиёт мазмунининг ўқитувчи шахсига, тарбиячига, синф раҳбарига кўйилган замонавий талаблар билан боғлиқлиги;

- назария билан амалиётнинг умумий билан хусусий сифатида ўзаро муносабати;

- талабаларнинг ижодий имкониятларини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

- психологик-педагогик блок фанлараро боғлиқлигини амалга оширишга йўналтирилган амалиёт таснифининг комплекслиги;

- таянч таълим муассасасининг максимал шароитини ҳисобга олган ҳолда педагогик амалиётни ташкил этишга ва мазмунига табақалаштирилган ёки ўзига хос ёндошув, шунингдек касбий билимлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда амалиётчи-талабанинг индивидуал-шахсий сифати.

### **Иқтибослар/сноски/references:**

1. «Таълим тўғрисида «Ўзбекистон Республикаси» қонуни. 1997йил 29 август.

2. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури».-Т.,2001, “Олий таълим вазирлиги меъёрий ҳужжатлар тўплами”,-20б.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора тадбирлар тўғрисида” қарори-Тошкент ш., 2012 йил 28 май ПҚ-1761-сон



4. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат.-Т. 2003.
5. Асқарова Ў. М. Педагогика.-Тошкент, «Талкин», 2008
6. Блонский П.П. Мои воспоминания. М., 1971. С. 165.
7. Бўронов М, Қурбаниёзов.Г. Педагогик амалиёт-ихтисослик камолоти- Нукус, «Билим», 1995
8. Бўронов М, Қурбаниёзов Г Дарс кузатиш- масъулиятли иш, Нукус, «Билим», 1995
9. Горская Г.И. Организация учебно-воспитательного процесса в школе - Москва, «Просвешени», 1977.

## МАСОФАВИЙ ЁКИ АНЪАНАВИЙ ТАЪЛИМНИ ТАНЛАШДА ПСИХОЛОГИК ОМИЛ

**Юнусов Алиакбар Элдоржон ўғли<sup>1</sup>**

*<sup>1</sup>Қўқон университети департамент бошлиғи*

**Келдибоева Зумрадхон Миролим қизи<sup>2</sup>**

*<sup>2</sup>Қўқон университети бошланғич  
таълим йўналиши талабаси*

**Аннотация.** Ушбу мақолада бугунги кунда пандемия муносабати билан ўқувчи ва талабаларга масофадан туриб ёки анъанавий таълим олиш имконияти берилганлиги, таълимнинг айнан қайси турини танлашда инсонга таъсир қилувчи турли факторлар (асосан психологик) пайдо бўлиши, ҳақида мухтасар маълумот берилади.

**Таянч сўзлар:** *темперамент, характер, экстрверсия, интроверсия, танловчанлик хусусиятлари, эмоционаллик.*

Бизга маълумки, жорий йилнинг март ойи бошларида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти янги коронавирус тарқалишини пандемия босқичига етди деб эълон қилди, вирус айни вақтда барча қитъаларга тарқалиб, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда. Ушбу вирус Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги Ф-5537-сон фармойиши билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чоратадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси тузилди [1]. Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири бошчилигида тузилган ушбу комиссия қарори билан 2020 йил 16 мартдан эътиборан карантин ҳолати эълон қилинди [2].

Бунинг натижасида бутун Республика бўйича таълим муассасалари, хусусан, олий таълим муассасаларида ҳам масофавий таълим жорий қилинди. Бунда барча талабалар уйларида туриб интернет орқали (масофавий) таълим олишни бошладилар. Бу жараён жорий йилнинг 16 ноябрига қадар давом этди. Коронавируснинг хавфи бутунлай бартараф қилинмаганлиги, шунингдек, айрим талабаларнинг ушбу касалликдан тўлиқ шифо топмаганлигини инобатга олиб, агар хоҳласа талаба учун ўқишни масофавий тарзда давом эттириш имконияти яратилди. Айни шу жараёнда талабада ўқишни анъанавий шаклда давом эттириш ёки масофавий таълимни танлаш борасида турли психологик факторлар юзага келади. Яъни бу жараёнда психологик омиллар (темперамент, характер, ҳиссиёт, танловчанлик хусусиятлари) муҳим аҳамият касб этади.

Инсоннинг олдида пайдо бўлган вазият, ҳолатлардан қай бирини танлашда биринчи ўринда темперамент муҳим аҳамият касб этади. Темперамент сўзи латинча сўз бўлиб, “доимий таркибий қисмлар қоришмаси” маъносини билдиради. Психологияда эса юқорида айтиб ўтганимиздек, шахс психикасининг динамикаси, тезлиги ва жадаллиги ҳамда қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг тезлиги, алмашилиш жараёнларининг кўринишидир [3]. Бу бўйича дастлабки фикрларни Гиппократ ва Галенларнинг назариясида учратишимиз мумкин. Бу тадқиқотчилар инсон темпераментини тўрт турга ажратишган – холерик, сангвиник, флегматик ва меланхолик. Шунингдек, жуда кўп тадқиқотчилар темпераментни ўрганишган [4].

Деярли барча тадқиқотчилар темпераментни инсондаги кўзғалиш кучи, тормозланиш кучи, барқарор ёки беқарорлигига кўра ўрганишган. Албатта, бугунги пандемия шароитида талабаларнинг масофавий ёки анъанавий таълимни танлашларида темпераментнинг таъсирини кўрамиз. Шахснинг хавотирланиш даражаси, таъсирчанлиги ва ташқи муҳитга мослашувчанлигини ҳам асосан темперамент турига боғлиқ бўлади. Шахс темпераменти олий нерв системасининг хусусиятларига кўра, 4 хил тип темпераментга бўлинади. Яна бошқа типлари ҳам мавжуд бўлиб биз асосан юқорида айтилган 4 та тури ҳақида тўхталамиз. Булар сангвиник, холерик, флегматик, меланхоликдир. Шуни таъкидлаш лозимки, тоза сангвиник, холерик, флегматик, меланхолик типлари жуда кам учрайди. Талаба мисолида кузатсак, ўқув жараёнида қисқа муддатда сангвиник бажара оладиган вазифа, флегматикда қийинчилик туғдириши мумкин. Қисқа фурсатда меланхолик қила олмайдиган иш, холерик учун ҳеч қандай оғирлик қилмаслиги мумкин. Сангвиник типини кузатсак, бундай типдагилар кучли, ҳаракатчан, яхши феълли, кўнгилчан, самимий типдир. Сангвиниклар нерв системасининг тезда кўзғалувчанлиги, тезда тормозланиш хусусиятига эга бўлиб, уларда танловчанлик хусусияти ҳам тез ҳисобланади. Сангвиниклар ҳаётга қизиқувчан, қришимли, куюнчак, яхши суҳбатдош эканлигини инобатга олсак, уларда таълим шакли ўзгаришига ҳам тез мослаша олишади. Улар ҳаётини қийинчиликка дуч келганда, қайғу-ҳасратда қолмайдилар, янги шароитга яхши мослашадилар, ҳар қандай жамоада етакчи ўринни эгаллашга, лидер бўлишга ҳаракат қиладилар. Ҳаммининг кўз унгида бўлишни, атрофдагилар уларни тан олишларини хоҳлашади. Уларнинг ҳис-туйғулари, эмоционал кечинмалари ёрқин, аммо муқим бўлмайди. Дикқатни, муқим ўтиришни талаб қиладиган юмушларни узоқ бажара олмайдилар. Айнан шу сабабли ҳам сангвиниклар масофавий таълимни эмас, анъанавий таълимни танлашлари мумкин. Стресс ҳолатларига ҳам тез берилишади. Айни шу жараёнда анъанавий таълим улар учун муаммонинг ечими бўлиб кўриниши мумкин.

Холериклар кучли, ўта ҳаракатчан ва салга ловуллаб кетадиган, жаҳлдор тип ҳисобланади. Кўзғалиш жараёни тормозланиш жараёнидан баланд. Агрессив, безовталиқка тез берилувчандир. Бундайларни масофавий таълим жараёнидан анча зериккан тип десак ҳам бўлади. Улар анъанавий таълим жараёни бошланишини сабрсизлик билан кутишган, анъанавий таълим бошланиши эълон қилинишини эшитиб биринчи бўлиб таълим муассасаларига етиб келишади. Улар оптимист, қайфияти тез ўзгарадиган, тезда хафа бўладиган, ташқи таъсирларга тез берилувчан типдир. Тезда одамлар билан мулоқот ўрната олади, аммо феъллидаги қизиққонлиги одамлар билан муносабатига ҳалақит беради. Яна кучли қувват эгаси, қизгин, бақирок, сабрсиз. Холерик мимикаларнинг жонлилиги билан фарқ қилади. Овозининг баланд ва нутқи тез бўлади. Жисмонан тез ҳаракат қилади. Спортнинг кучни ва тезликни талаб қиладиган турларига холерик темпераментига эга бўлган шахслар жалб қилинади. Умуман бир жойда ўтиришни, диққатни талаб қиладиган вазифаларга тўғри келишмайди [5]. Бундай типдагилар учун масофавий таълимдан кўра анъанавий таълим тури қизиқроқ.

Флегматиклар кучли, лекин биров сустроқ, вазмин тип ҳисобланади. Шартли рефлекслари секин шаклланади, аммо жуда барқарор бўлади. Невр системаси секин кўзғалиб, секин тормозланади. Бундай типдаги шахс учун бир вазиятга мослашиб олгач, шу бўйича давом этиш маъқулроқ. Улар барқарор, ўзгаришларга берилувчан эмас. Янги муҳитга секин мослашади. Мулоқатчан эмас. Кучли ирода, ўзини ҳар қандай ҳолатларда тута олади, юқори ишчанликка эга, аммо суст ҳаракат қилади. Ташқи таъсирларга берилувчан эмас, узоқ муддатли салбий таъсирларга қаршилик кўрсата олади. Узоқ муддат диққатни, муқимликни талаб қиладиган вазифаларни яхши уддалайди. Тез ҳаракат қилиш ва тез қарор қабул қилиш керак бўлган вазифаларни бажариш қийинчилик туғдиради [6]. Бундай шахсларда мослашувчанлик секин эканлиги, барқарор ўзгаришларга берилувчан эмаслигини ҳисобга олсак, улар анъанавий таълимдан кўра масофавий таълимни афзал кўришлари мумкин.

Меланхоликлар ташқи таъсирларга ўта берилувчан, беқарор тип ҳисобланади. Тушкунликка тез берилувчан, хавотирлилик ва хаёлпарастликка берилувчандир. Оғир, вазмин, мулоҳазакор. Мулоқотчанлиги паст, киришимли эмас. Ҳис-туйғуларга берилувчан, тез хафа бўлиб қолади. Ташқи таъсирларга паст даражада қаршилик кўрсатади. Сусткаш, уятчанг.

Шундай бўлсада, меланхоликларнинг ички дунёси жуда кенг бўлади, ассоциатив фикрлаши яхши ривожланган бўлади. Меланхолик мимикаларининг пастлиги, янги муҳитга қийинчилик билан мослашиши билан фарқланади. Вазифаларга жалб қилаётганда керакли шарт-шароитларни яратганда, узок ўтирадиган, диққатни талаб қиладиган ишларни яхши уддалашади [7]. Бу типдагилар орасида ҳам масофавий таълимда ўқишни давом эттирувчилар кўп учраши мумкин. Сабаби улар ҳам эндигина онлайн дарсларга мослашган ҳисобланади. Уларда кўзгалувчанлик кучи паст эканлигини ҳисобга олсак, анъанавий дарсга нисбатан кечроқ қайтишлари мумкин.

Шунингдек, инсондаги танловчанлик хусусиятининг тез намоён бўлиши унинг характер хусусиятларига ҳам боғлиқ бўлиб, машҳур психологлардан Карл Густав Юнгнинг фикрича, интроверт шахслар энергияси ички оламига йўналтирилган кишилар бўлиб, улар ўзи билан ўзи зерикмайди. У хотиржам ва сермулоҳаза, деталларга эътиборли ва қарорларда эҳтиёткор тип ҳисобланади.

Экстравертлар энергияси ташқи дунёга йўналтирилган инсон. У хушмуомала, очик ва фаол. Ҳамма нарсага ижобий томондан ёндашади. Ташаббус кўрсатиш ва етакчи бўлишдан кўрқмайди.

Экстравертлар бошқалар билан мулоқотдан энергия олишади. Экстраверт учун ёлғизлик — атрофда ҳеч кимнинг йўқлиги, суҳбатдош топа олмаслик. Уларнинг дўстлари ва ошна-оғайнилари кўп [8]. Бундан хулоса қилиш мумкинки, интровертларга нисбатан экстравертлар анъанавий таълим бошланишини сабрсизлик билан кутаётган бўлишлари мумкин.

Юқоридаги фикрлар етук психологларнинг темперамент типлари ва инсон характерини ўрганиб, билдирган фикрларига таянган ҳолда айтилди. Масофавий ёки анъанавий таълимни танлашда психологик омилдан ташқари инсон омили (ташқи таъсирлар) ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, таълимнинг хоҳ масофавий хоҳ анъанавий кўриниши бўлсин биз ёшлар ўз олдимизда турган фанлар ва билимларни мукамал эгалламоғимиз ва келгусида ватанимизга хизмат қиладиган етук мутахассис кадрлар бўлиб етишишимиз лозим.

#### **Иқтибослар/сноски/references:**

1. <https://www.lex.uz/docs/-4720398>
2. <https://uza.uz/uz/posts/koronavirus-infektsiyasi-tar-alishiga-arshi-shimcha-chora-ta-23-03-2020>
3. Теории личности А.Ларри, Хьелл. <https://www.livelib.ru/book/1000516805/reviews-teorii-lichnosti-sbornik-larri-a-hell>
4. Типы темперамента в практической психологии, 2007. <https://www.books.ru/books/typy-temperamenta-v-prakticheskoi-psikhologii-89424/>
5. Общая психология, А.Г. Маклагов. [https://bookap.info/genpsy/maklakov\\_obshchaya\\_psihologiya/](https://bookap.info/genpsy/maklakov_obshchaya_psihologiya/)
6. Теории личности А.Ларри, Хьелл. <https://www.livelib.ru/book/1000516805/reviews-teorii-lichnosti-sbornik-larri-a-hell>
7. Экспериментальная психология, Худяков А.И., 2008. <https://obuchalka.org/20190610110024/eksperimentalnaya-psihologiya-v-shemah-i-kommentariyah-hudyakov-a-i-2008.html>
8. Теории личности А.Ларри, Хьелл. <https://www.livelib.ru/book/1000516805/reviews-teorii-lichnosti-sbornik-larri-a-hell>

# ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ЭЪТИБОР МАСАЛАСИДА ХАЛҚАРО ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ (ФИНЛАНДИЯ ДАВЛАТИ МИСОЛИДА)

Якубова Шоҳидахон Дуланжонова<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Андижон вилояти, Шаҳрихон туман ХТБ га қарашли  
46-сонли умумий ўрта таълим мактабининг  
бошланғич синф ўқитувчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада ўқувчи-ёшларни баркамол этиб вояга етказиш, уларни ақлий салоҳиятини янада юксалтириш, бу борада хорижий давлатларнинг синалган тажрибаларидан фойдаланиш масаласи очиб берилган.

**Калит сўзлар:** таълим, тарбия, ахлоқ, тафаккур, салоҳият

*“Келажакка интилиб яшайдиган ёш авлод сайёрамкзда фаровон ҳаёт ва юксак тараққиёт барқарор бўлиши учуняни гоаялар ва ижодий руҳдаги саъй-ҳаракатларини амалга оширадиган беқиёс кучдир” (1)*

Узоқ вақт Швеция мустамлакаси бўлган, кейин Россия империяси таркибидаги автономияга айланган ва 1917-йилга келибгина мустақилликка эришган Финландия кейинчалик ушбу мустақилликни сақлаб қолиш учун СССР билан урушларда ҳудудининг 10 фоизини ва 100 мингга яқин аскарни қурбон берган, шунингдек ташқи сиёсатини СССР руҳсати билан олиб борган.

Бироқ Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларидан фарқли равишда ички мустақиллигини сақлаб қолиш эвазига ҳозирга келиб дунёнинг энг илғор мамлакатларидан бирига айланган. Хелсинкини бир қарашда Санкт-Петербург ёки Полша шаҳарларидан ажратиш қийин. Сийрат эса бошқача.

Қандай бундай бўлди дейсизми? Яқинда дунё жамоатчилигини ҳайратга солиб бош вазирга айланган Санна Марин буни Финландиянинг ҳаммага тенг имкониятлар тақдим этувчи таълим тизимида деб изоҳлаган. Ўша машҳур суратдаги Финландия ҳукумати тепа-сидаги беш ёш аёл коалицияси вакиллари билан бири — таълим вазири Ли Андерссон ҳам ўзаро суҳбатда фин таълим тизимисиз бундай бўлиши имконсиз эканини, зеро унинг ўзи ҳам этник камчилик, собиқ мустамлакачи шведлар вакили ҳамда ўртаҳол оиладан эканлигини айтганди. Унинг айтишича, аслида Финландия таълим тизими ҳам бошқа давлатларникидан фарқ қилмасди, таълим ёдлаб ўрганишга асосланган ва қаттиқ стандартлаштирилган эди. Айнан 1960-йиллар охирига келиб таълим соҳасида бошланган тизимли ислохотлар 2000-йиллардан бошлаб Финландия таълим кўрсаткичлари дунёда энг юқорилардан бирига айланишига олиб келди. Финлар биринчи навбатда мактабларни кичик жамиятларга айлантиришга ҳаракат қилди ва буни таъмилаш учун унинг қурувчилари — ўқитувчиларни тайёрлашга катта эътибор қаратди. Ўқитувчиларни тайёрлаш учун уч йиллик бакалавр ва икки йиллик магистратура даражасидан иборат жами 5 йиллик дастур жорий қилинди, ўқитувчи бўлиш учун магистратура даражасига эга бўлиш мажбурий қилиб қўйилди.

Педагогика йўналишига энг қийин қабул жорий қилинган бўлиб, ҳужжат топширганларнинг 10 фоизигина синовдан ўта олади. Яъни бу қаерга топширишни билмаганидан топшириб кириб кетадиган йўналиш эмас, балки юридик ёки иқтисодий соҳа каби энг нуфузли йўналишлардан бири. 30-40 йил давомида узлуксиз ўта юқори даражали ўқитувчилар тайёрланиши натижасида мамлакатнинг барча мактаблари элита даражасидаги ўқитувчилар билан тўлди.

Ҳар томонлама юксак малакали ўқитувчилар борлиги мактабларга автономия бериш имкониятини ҳосил қилди. Энди таълим вазирлиги қатъий стандартлар бериб, уларга амал

қилишни сўрамайди, ўқитувчилар берилган тавсиялар бўйича ҳаракат қилиб, ўз ўқувчиларининг хусусиятларидан келиб чиқиб дарс жараёнини ташкиллаштиришга ўтди.

Минглаб варақлик ўқув дастурлари ўрнини ҳам 10 варақ атрофидаги умумий тавсиялар эгаллади. Ўқитувчилар энди берилган стандартларни қатъий жорий қиладиган техник ходимлар эмас, балки вазиятни таҳлил қилиб ҳаракатланадиган қарор чиқарувчиларга айланди. Ўқитувчиларнинг малакасига ишонч шунчалик каттаки, дарсликлар учун ҳам умуммиллий стандартлар бекор қилинган — ўқитувчилар ўзларининг ва ўқувчиларининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб дарслик танлайди.

Финландияга ўқувчилар мактабдаги бутун даври давомида фақатгина битта мажбурий имтиҳон топширади — ўрта мактаб охирида. Бошқа барча имтиҳонлар ўқитувчиларнинг ихтиёрига ҳавола. Ўқувчилар ўртасида ҳам, мактаблар ўртасида ҳам рейтинглар умуман йўқ. Ўзлаштириши секин ёки имконияти чекланган ўқувчиларга индивидуаллаштирилган дастур тақдим этилади ва уларнинг бошқаларга етиб олиши таъминланади.

Финландия таълим тизими ўқитиш ва ўрганиш жараёнини доимий таҳлил қилиш ва унинг натижаларини амалда жорий қилишга асосланади. “Ҳар бир мактабда ўқитувчилар ҳафтада камида ярим кунни таълим жараёнини ўзаро муҳокама қилишга ва ўқув дастурини унинг натижаларини мослаштиришга сарфлайди. Бир ҳудуддаги мактаблар ҳам ўзаро маслаҳатлашиб туришади, энг муваффақиятли тажрибалар мамлакат бўйлаб тарқалади”.(2) Яъни, Финландия бошқа мамлакатлар сингари турли инновацияларни бирданига мамлакат миқёсида жорий қилишга уриниб, муваффақиятсизликка учраса бир неча йилдан кейин буни такрорлаш йўлидан кетмаган. У ерда бу доимий тирик жараён — нима яхши эканлигини мактабларнинг ўзлари ҳал қилади. Бу тизим ишлашига мактабларнинг ўзаро тенглиги катта ҳисса қўшади — мамлакатда катта мактаблар мавжуд эмас: барча мактабларда ўқувчилар сони ўртача 300 нафар атрофида бўлишга ҳаракат қилинади. Бу ҳамма мактабларга бир хил муносабатда бўлиш имконини беради. Бир синфдаги ўқувчилар сони ҳам 20 нафардан ошмайди.

Финландияда таълим барча босқичларда, мактабгача таълимдан олий маълумотга қадар бепул. Шунингдек, “**Финландияда таълимнинг асосий принципларидан бири сифатли таълим ва ўқитиш барча инсонлар учун бир хил бўлиши керак**”.(3) Барча фуқаролар этник келиб чиқиши, ёши, мулкый мақоми ёки яшаш жойидан қатъи назар, бир хил таълим олиш имкониятига эга бўлиши керак. С.О.Н.Э. маркази вакилларининг қайд этишича, Финляндияда ўқитувчилар ўз ўқувчиларига тенг равишда муносабатда бўлишади. Бунда, бир ўқувчи бошқа ўқувчининг баҳоларини билмаслиги керак.

Финляндияда электрон баҳолаш тизими мавжуд бўлиб, улар орқали ўқувчиларнинг оналари ўз фарзандларининг ўзлаштиришларини кузатиб боришлари мумкин. Таълим тизими индивидуал ёндашув, ишонч, ихтиёрийлик ва мустақиллик каби принципларга асосланган.

“Мамлакатда ўқитувчи касбининг обрў-эътиборини мустаҳкамлашга катта эътибор берилганлиги таъкидланди. Финляндияда ўқитувчилар болаларнинг махсус кўникмалари ва қизиқишларини ривожлантириш учун уларни доим қўллаб-қувватлашади.”(4)

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кун ўқувчи-ёшлари фин мактаблардаги каби олаётган билимларини реал ҳаётга яқинлаштириш, берилган билимларнинг амалий қисмини кучайтириш, ўқувчиларнинг мустақил ишлашлари, уйғунлаштирилган дарслар шакли, фанларнинг ўзаро алоқаси, услублар тўғрисида билиб олиш қизиқарли эди. Интеграция дарс шакллари, фанлараро уланишлар чуқурлаштириш, мактаб реал ҳаётга натижасида билим олиб имконини беради усуллари ҳақида билиб олиш учун қизиқарли бўлди. Бу саволларнинг барчаси ҳозирда Ўзбекистон таълим тизимидаги ислохотлар жараёнида у ёки бу даражада кўтарилган.

#### **Иқтибослар/сноски/references:**

- 1.Ш.Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир.Т.Ўзбекистон. 2018.Б.:491
2. Шухрат Эргашев. Жаҳон мамлакатлари. Т.Шарқ. 2015
- 3.Феруза Қувонова. Энциклопедиялар.маълумотномалар. Т.Янги аср авлоди. 2012
- 4.Интернет маълумотлари. <http://geogrifiya.uz/evropa-mamlakatlari/626-finlandiya.html>

**ФИЛОЛОГИЯ, ЛИНГВИСТИКА  
ВА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ  
ЎҚИТИШ УСЛУБЛАРИ ВА  
МУАММОЛАРИ**

# PECULIARITIES OF TRANSLATION FROM ENGLISH INTO UZBEK AND RUSSIAN

**Abdukarimov Valixon Abduxamid o'g'li<sup>1</sup>**

*<sup>1</sup>Student of National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek*

Translation is one of the most ancient activities of human being, that helps us to clearly understand every of our development. It is a weapon to speed up economical, political, cultural, and literary relationships between two or more nations.

Translation is an uneasy procedure and the words. Translation may very probably be the most complex type of event yet produced in the evolution of cosmos” said by Ivor Richard prove this fact again. Before beginning, we should define what translation is. There have been a lot of disputes on the definition of translation among linguists. Let’s speculate on who is right. According to Qudrat Musayev translation is a creative process of recreating an oral text in a source language into a target one, remaining its contextual form and construction by using the resources of the target language. Similarly professor of the department of “Translation theory” at “Dagestan state university of national economy” Musayeva Zuhra thinks that translation has two terminological meanings. The first one defines mental activities, the process of giving the context expressed in the source language with resources of the target language. The second one tells the result of that process – whether it is in an oral or written form. By coming out the two concepts mentioned above, we have come to the conclusion that translation is the process of making a text in one language understandable in another one by using equivalents instead of translating word by word. For example, the proverb in Uzbek language “Mehnatning tagi rohat” has an equivalent in English language, which sounds like “Labour has bitter root, but a sweet taste” [1].

The main purpose of translation is recreating texts in the source language into our mother language. To achieve the task fulfilment, a translator should fully understand the meaning of the text, which he or she is focused on. Then they ought to give it in their mother language with full meaning and unerring accuracy. A translation has to be the same as the basic text so the translator has to deeply understand the writer’s point of view so that he or she can express the text with the full impression since in the case of mistranslating, a reader may come to the belief that the composition was made in such a low quality by the writer, which means that mistake in translation misleads the reader. For example, the verb “raise” has two meanings in Uzbek language: 1) ko’tarmoq, 2) o’stirmoq and if the translator misuses the meanings, the whole content of the line may be changed. For instance, “The wizard angrily raised his hand again” in Uzbek language sounds like “Jodugar jahl bilan qo’lini yana ko’tardi”, bu the translator uses the second meaning, it will be mistranslated as “Jodugar jahl bilan qo’lini yana o’stirdi”. The problem may seem to be tiny, but it is an error that needs paying attention to [2].

In the process of translation, the strategies and the types of translation are required. According to Musayeva Zuhra there are 6 main types of translation such as: spoken texts, formal texts, social-informational texts, scientific texts, and religious texts [3].

Spoken texts fall into formal and informal ones. For example, we can say “hey how do you do” to someone whom we do not know well, but it is better to say “good day” or “how are you?” to those whom we are not acquainted with. Spoken texts act as communicative tool and find their usage in forms of dialogs and their aim is to get specific targets by co-communication [4].

Formal texts focus on political, diplomatic, commercial, juridical documents. Their main function is reportage. They are usually in written forms, which are strictly regulated, that is why this type of text translations demand a careful work on [5].

Social-informational texts contain of different information which come from different sources social media like radio, television programs, and newspapers. Their main purpose is also reportage,

but they are not as strictly regulated as formal ones and working on this type of texts do not require such detailed, and translation, all we need is the main idea.

Scientific texts include the most popular texts which are designed for audiences. They are usually in written form and can be given orally in conferences, debates, and meetings. Literary translation includes all genre variety of literature, journalism, and literary criticism.

Religious translation. The most significant in this sphere is the translation of sacred texts and books. Translations of Koran, Torah, go deep into past. The translations of such books exist in both written and oral forms. The first clear example of translation of Koran into Russian language was in 1572 when Ambassador Andrey Kuzmich brought a certificate from, whose history dates back to the 15<sup>th</sup> of July 979, from Turkey. It was labelled as “Государь един Бог, ни от него родился никто, и товарищи ему нет, никто на него не походит”. Without any doubt we can say that it was the words form surah Ikhlos [6].

Another issue that caused translation theorists to dispute is the interrelation of the two terms: equivalents or adequate translation. V. Komissarov claims that adequate translation gives the more detailedly than equivalent translation, as it provides the communication in full. We can find equivalents for adequate translation, but not the same in reverse, also phrases may have an adequate translation in one language, but equivalent in another one, for example, “Agar bobong eshitganida, go’rida tik turar edi”, “Если бы твой дед услышал, он в гробу перевернулся бы”, “If your grandfather heard it, he would turn in his grave”. In the examples given above we can see that the phrases in Russian and English are adequate, but equivalent in Uzbek. But A. Shvietser refers to the two terms as result and process. He claims that equivalent translation shows the end point (result) as we compare whether the translated text corresponds to the source text. Adequacy characterizes the process of translation [7]. Literary translation is the translation that reproduces communicatively irrelevant element of the source language. There is a big number of types of literal translation [8].

1) On the sound level – the words similar in sounds, but different in meaning, it is also called “translator’s false friend”, for example, Babushka – not бабушка, but women’s scarf, but a group of three people working together.

2) On the syntactic level – copying the structure of the source language. Translators are hypnotized by the source language and to translate “accurately” they break combination rules of their own languages. As an example, we can use, we have been taken in by him – мы были обмануты им.

3) On the semantic level giving the primary meaning of the word its part, whereas a semantic transformation is required. Сегодня идёт дождь - Today is raining, which is incorrect.

Etymological errors – disregarding language changes words acquire new meanings overtime and use. There, there, don’t cry – Там, там не плач.

4) Transcription or copying the sound form of source language words by mean of the target language: box – бокс, eau de cologne – одекалон.

5) Transliteration or copying the letters of the source language by the target language letters of another system. Moscow – Москва, London – Лондон

To sum up, we can say that translation is a difficult aspect of all languages, however most people underestimate the necessity of this language aspect. Translation demands a particular attention so that it will be the key to our cultural and political relationships further.

#### **Иқтибослар/сноски/references:**

1. [https://culturesconnection.com/20-quotes-about-translation](https://culturesconnection.com/20-quotes-about-translation/)
2. QudratMusayev Principles of translation theory: I bob, 8-bet.
3. Musayev Z.X, Kosenko E.I: Theory of translation, theme 1, page 6
4. Swan lake chapter 3 Odet page 2
5. Musayev Z.X, Kosenko E.I: Theory of translation, theme 4, pages 22-23
6. ААДАФ.89(“Сношение Турции”) Оп 1Д 2 Л 224-227
7. Мусульманский мир Теоретические и философические проблемы – доктор исторических наук, доцент кафедры стран Центральной Азии и Кавказа ИСАА МГУ им 8.
8. Ломоносова И. Зайцев страницы 115
9. Theory of translation – Zoya Purshing chapter 3 page 23-24



# ПЕДАГОГИКА ПРЕПОДАВАНИЯ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ

**Бердиханова Гульнара Нурлыбаевна<sup>1</sup>**

*<sup>1</sup>Студентка Нукусского Государственного Педагогического  
института им. Ажинияза  
педагогического факультета направления педагогика и психология*

## **Аннотация**

В данном тезисе раскрываются наиболее актуальные проблемы преподавания иностранных языков. Перечисляются современные методы и технологии для успешного обучения иностранных языков.

## **Ключевые слова**

Современная педагогика, преподавание иностранных языков, ассоциации, ригидность и пластичность учащихся, новшества технологий.

В современном мире существует очень много видов преподавания иностранных языков. Педагогам необходимо сосредоточиться на наиболее эффективном методе, который мог бы проникнуть в ум ученика или студента без затруднений и за кратчайшие сроки. Существуют разные программы для изучения и преподавания иностранных языков: индивидуальные, групповые и классные. Каждый выбирает то, что ему по душе и легко усваивается, к примеру, некоторым учащимся удобней учиться по книге в одиночестве, тихо читать и учить самому. Другие же предпочитают учиться в шумной обстановке, где много обсуждений и споров, такие люди усваивают учебный материал с помощью коллективного анализа и рассуждения. Но есть и пластичные ученики, которые обладают невероятной памятью и им всё очень легко запоминается. В связи с этим преподавателю необходимо анализировать умственные способности учащихся и подобрать наиболее удобный для них учебную программу или материал.

К примеру, ученика 6-9 лет может заинтересовать метод слайдового обучения иностранного языка, где учебный материал приводится больше в виде рисунков и декораций. Так ученик будет заинтересован и увлечён иностранным языком, звучащим для него довольно странно, но слуховая память будет совмещаться со зрительной и работать эффективней. Очень эффективны на начальном этапе обучения ролевые игры и драматизация. Драматизация - представление в виде сцен, сказок, рассказов, а также сюжетных картин. Разыгрываются повседневные ситуации: знакомство, выбор маршрута путешествия, поздравление, покупки и пр. Игра обеспечивает эмоциональное воздействие на обучаемых, активизирует резервные возможности человека. Она облегчает овладение знаниями, навыками, умениями, создает условия для активной мыслительной деятельности ее участников. Учебная игра-упражнение помогает закрепить, проконтролировать и скорректировать знания. Игра-задание, содержащая учебную задачу, стимулирует интеллектуальную деятельность обучаемых, учит прогнозировать, исследовать и проверять правильность принятых решений.

К учебной программе для учеников 10-14 лет уже стоит прибавить короткие и занимательные видео, но уже с титрами снизу, для того, чтобы внимание ученика тренировалось к сосредоточенному вниманию. Конечно же, метод наводящих вопросов в конце и начале урока, таких как “Что вы запомнили” или “Что мы изучали на прошлом занятии” – незаменимая фишка преподавателя, мотивирующая и подталкивающая к изучению, или как минимум к запоминанию пройденного урока.

Ученик 15-18 лет, или студент вполне способен сам развивать свои ученические и исследовательские навыки, поэтому для такого рода преподавания педагогу стоит большую ответственность накладывать на самого учащегося и направлять его к исследовательским работам, заинтересовывая и мотивируя его рассказами и длинными историями, подталкивающими к изучению того или иного языка. Преподаватель может заинтересовать студента с помощью рассказа из истории иностранного языка, к примеру, если это английский язык, то рассказами о короле Артуре, или знаменитых часах Биг-Бен, или если же это французский язык, то рассказами из истории Жанны Д'Арк и так далее. Так преподаватель может глубоко заинтересовать и направить студента к исследовательским работам изучению данного языка. Конечно же, мотивировать учащегося положительными оценками тоже не мешает, даже, можно сказать, помогает успешному преподаванию урока. Конечно, главная деталь успешного преподавания иностранного языка – это самому идеально обладать навыками разговора, общение на иностранном языке и позитивное отношение к учащимся, не смотря на личное настроение. Преподавателю следует побольше общаться со студентами на иностранном языке, спрашивать о погоде, о настроении студента, об интересующих его вещах и главное обращаться с гуманным отношением к каждому учащемуся и быть снисходительным.

Что касается технологий, то можно вполне сказать, что наша республика цветёт и дышит новейшей технологией. Для слайд – шоу уроков существует проектор, который установлен в каждой школе или любом другом учебном заведении. Компьютер и ноутбук – ну неотъемлемая технология для изучения иностранных языков, которая устанавливается в специальный кабинет – лингофон, где очень удобно изучать и преподавать иностранные языки, воспроизводя интересующий материал по теме и не мешая другим. Программа кейс-стади также позволяет успешно преподавать иностранный язык, используя разные ситуации для обсуждения и обдумывания.

Следовательно, преподавателям в современном цифрово-технологическом мире существует очень большой ассортимент технологий для эффективного и успешного преподавания иностранных языков, остаётся лишь правильно подобрать метод для благоприятного и эффективного обучения, доступного для интеллекта учащегося.

#### **Иктибослар/сноски/references:**

1. Педагогика И. П. Подласого, “Теория и методика обучения” В. С. Кукушина, infourok.ru.

## **THE USE OF SONGS, LYRICS, AND POETRY EFL TEACHING**

**Jalilova Nilufar<sup>1</sup>**

*<sup>1</sup>Senior teacher of National university of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek*

**Saydullayeva Dinara<sup>2</sup>**

*<sup>2</sup>Student of National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek*

#### **Abstract**

This article provides information about results of a study which imposed students and teachers' views on the use of songs, lyrics, and poetry in foreign language teaching. Previous research has shown that these media can help learners improve English language skills regardless of age.

**Key words:** music, songs, lyrics, poems, crime, EFL classroom.

## Introduction

*“ I would teach children music, physics and philosophy; but most importantly music, for the patterns in music and all the arts are the keys to learning “ – Plato.*

Music is something that people face in routine day in their lives whether they are out or at home. People have an amazing character that they may sing at any time and for no reason at all. Because sometimes they might use music in order to get away from real life or express their emotions and feelings. As long as they might recall a happy moment when listening to a special song. In one word, music comes to a human mind naturally. Moreover, poetry as a part of literature is the way of sharing experiences, telling a story, describing feelings and ideas. Music part of almost every country. As a cultural phenomena, it carries a lot of information about the culture and identify by which it was created. It effects the emotional area of people’s lives and gives a deeper insight into their minds. As Henry Wadsworth Longfellow expressed: *“Music is the universal language of mankind”*. The first point that should be concerned is that when people think about music they immediately think about songs, which are musical pieces written for the voice including words, also known as lyrics. But all these have in common are the use of rhythm, rhyme, stress, tone, pauses volume and meter, which make them notable and easy to recall. According to Kusnierek, A (2016) “ for effective learning the affective filter must be weak. A weak affective filter means that a positive attitude to learning is present. Music can make a positive atmosphere among students in the classroom. Research has also provided evidence for the main role of the use of songs, lyrics, and poetry improving critical thinking and creativity. Language and music are closely interconnected and deeply accessed into the emotional sphere of people. When people listen to songs, they feel energized, excited. Music makes humans feel optimism about life. It helps you get comfortable in speaking and using English because you sing along with a course or a singer. You are able to speak and imitate when you listen to music. Besides, people usually identify songs with pleasure, which is why studying through songs is consociated with a joyful experience. As well as songs, lyrics, and poetry are rich in content, idioms, expressions, phrasal verbs, multiple verb tenses and a lot of useful daily language.

There are variety of different ways to use music in the classroom. Some teachers tend to utilize background music and others music lyrics as the basis of a lesson. Music can be used:

- Introduce a new theme or topic
- Break the ice in a class where students don’t know each other or having difficulty communicating
- Change the mood
- Teach and build vocabulary and idioms
- Reconsider material
- Teach intonation and pronunciation
- Teach songs and rhymes about tough grammar and spelling rules that have to be memorized
- Teach reading comprehension
- Inspire a class discussion
- Teach listening for details and gist

In addition to this, songs provide valuable speaking. As Griffee writes, there is a deep relationship between rhythm and speech and sensitivity to rhythm is a fundamental first step in language learning. When music and songs are used in the classroom then the students are taught to the rhythms of the language learning.

And naturally, there is a problem that what time is available for using music. But we have a good time in order to listen to music between sessions when students need time to relax. In the interval between sessions, you can display video clip with a song that visually shows the meaning of the words. You can try to sing along with the students if the song is difficult. If there is extra time, it is possible to organize a small competition and invite students to participate for the best version of the song they just listened or watched. Additionally, awarding students with small prizes is motivational method to use songs in EFL teaching. Moreover, songs should be selected to suit the needs and interests of students. In English especially, so many songs with appropriate themes, levels and vocabulary is not at all effortful. Allowances can also be made for complexity or simplicity of

language, depending on the students, by selecting and using available songs. Song lyrics ought to be used in relating to the situations of the world around us. They need to be expounded on pollution, crime, war and almost every social theme or cause. There is a song entitled *The death of Emmett Till* by Bob Dylan, related to theme of crime. Furthermore, this song is full of everyday use of a language. You can discover new vocabulary that is rich with phrases verbs (step through, beat up, roll down, speak out), and slangs (ain't no lie), also everyday phrases ( can't bear). Thus you can use them in daily life

